


Зиёд ЕСЕНБОВ

УМР ДАФТАРИ

*(Матбуотга баҳшида этилган ҳаётим
саҳифаларидан лавҳалар)*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2004

10 30330
292



W

Есенбоев З. И.

Умр дафтари: Матбуотга бахшида этилган ҳаётим
саҳифаларидан лавҳалар. — Т.: «Шарқ», 2004. — 192 б.

ББК. 66.3(5У)

КАТТА ҲАЁТ ЙЎЛИ



ЯХШИЛИК

*Яхшиликка тарози йўқ, йўқ тоши,
Яхшилик қил, кетар шунда дил ғаши,
Буюкликда йўқдир унинг ўхшаши,
Улчаб-кесиб ямалмайди яхшилик,
Кин-ғараздан камаймайди яхшилик.*

*Саодатдан, саховатдан буюк, кенг,
Ер юзида одам билан ёши тенг,
Бу ҳаётда яхшиликнинг ғамин енг,
Инсон кетар — оти қолар яхшилик.
Кетганларни ёдга олар яхшилик.*

* * *

*Қалбингда жам қилиб, эзгу ниятни,
Бу олам ишларини яхши ўйлаб боқ,
Севмакдан тамомий инсониятни,
Бир инсон кўнглини овлаш мушулроқ.*

МУҚАДДИМА

Умрни оқар дарё, дейдилар. Навқиронлик йилларим ўтиб, кексалик ҳам эшик қоқиб келди. Шуларни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, умрим дафтарини варақлаб кўрдим. Қўлимга қалам олиб, анчадан бери ўйлаб юрган фикрларимни қоғозга туширишга, шахсий архивимдаги мактуб ва ҳужжатларни тартибга солишга қарор қилдим.

Одамнинг ёши бир жойга боргач, ортга назар ташлаб, сарҳисоб қилиб, тўғри яшадимми, одамлар мендан розими, ҳаётда ва меҳнат фаолиятимда, инсонлар билан мулоқотда қандай из қолдирдим, дўстларим, шогирдларим ва устозларимни беҳосдан ранжитиб қўймадимми, деб ўзидан сўраши табиий бир ҳол. Шундай кезларда вақт ўтиши билан бир оз сарғайган қоғозларга кўз югуртирасан, хат ва ҳужжатларни қайта-қайта ўқийсан, суратли альбомларни варақлайсан. Улар ҳаётдаги қанчадан-қанча воқеа ва учрашувларнинг, мулоқот ва ёзишмаларнинг тилсиз гувоҳлари, дўсту биродарларнинг меҳр-муҳаббат тўла дил сўзларини ифода этади, ёдга солади.

Матбуотга эътиқод қўйиб, 60 йилга яқин қўлимдан келганча меҳнат қилиб, Оллоҳга шукур, жуда кўп дўстлар, шогирдлар орттирдим, устозлар ишончини оқлаб, бахтимни ҳам, тахтимни ҳам топдим.

Халқимизда, умид билан дарахт экиб, уни меҳр билан авайлаб парвариш қилиб, ҳам соясидан, ҳам мевасидан баҳраманд бўлган инсон кам бўлмайди, деган нақл бор. Худога шукур, қилган меҳнатларим зое кетмади, мевасини берди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида 1921 йили таваллуд топганман. Қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиб юрган чоғимда ўқитувчим Ҳалима опа ёзиш-чизишга ҳавас уйғотди. Деворий газетага хабарлар ёза бошладим, келажакда мухбир бўлишга аҳд қилдим. Ёшликдаги ҳавас менга тинчлик бермасди. Мактабда жамоат ишларининг фаол қатнашчиси, деворий газета муҳаррири, ёшлар сардори эдим. Ўқитувчим Ҳалима опа қўшимча топшириқ-

лар берар, мени қўллаб-қувватларди. Бир ўқув йилида синфдан-синфга кўчавериб, етти йиллик мактабни беш йилда тамомлаб чиққанман. Ҳамқишлоғим Мурод Шералиев билан Тошкентга ўқишга келганмиз.

1935 йили Тошкентдаги матбуот техникумига ўқишга кирдим. Газетада ишлаш орзуси мени шу билим юртига етаклаган эди. 1936 йили пойтахтда икки йиллик газетачилик мактаби ташкил этилди. Республикамизда газета ходимлари етишмаслиги сабабли шундай қилинганди. Матбуот техникумининг сўнгги курсидаги аълочи талабалардан танлаб, газетачилик мактабига имтиҳонсиз қабул қилдилар. Элимизга танилган ижодкор ёшлар — Асқад Мухтор, Самиғ Абдуқаҳҳор, Мавлон Икром, Юсуфжон Ҳамдамлар билан бирга ушбу мактабда таҳсил олдик. Газетачилик илмини, сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилдим. Мактабда ойига бир марта чиқиб турадиган «Журналист» деворий газетасининг ўзбекчасига мен, рус тилидагисига Борис Волков жамоатчилик асосида муҳаррир этиб тайинланган эдик.

1938 йил 13 мартдан 15 майгача Қашқадарё вилоятининг Косон туман газетасида икки ой ишлаб чиқариш амалиётида бўлиб, масъул котиблик вазифасини бажардим. Газета муҳаррири Абдусамат Акромов қўл қўйган тавсифномада яхши ишлаганлигим, жумладан барча ташкилий-ижодий ишларда: деворий газеталар чиқаришда, қишлоқ мухбирлари билан иш олиб боришда фаол иштирок этганлигим, газета таҳририяти ҳузурида қишлоқ мухбирлари хонаси ташкил этганлигим ёзилган.

Тошкентда икки йиллик газетачилик мактабини тугатгач, 1938 йил сентябрь ойида Самарқанд вилоят газетасига ишга йўлланма олдим. Даставвал қишлоқ хўжалик бўлимининг адабий ходими, сўнггра бўлим мудири бўлиб ишладим. Тақдир мени Шароф Рашидов билан худди шу ерда учраштирди. У киши ҳақидаги хотираларимни «Матбуотимиз дарғаси эди» номли мақоламда батафсил ёритганман.

Самарқанд вилоят газетасидан ўз аризам билан бўшаб, Тошкент педагогика институтига ўқишга кирганимда армия хизматига чақирилдим. Дастлаб Тошкентдаги ҳарбий билим юртида таълим олдим. Орадан кўп ўтмай, иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди.

АРМИЯ САФИДАГИ ХИЗМАТЛАРИМ

Урушнинг дастлабки кунларидан, то Ғалабагача ҳаракатдаги армия сафларида бўлганман. Ғарбий, Калинин, 3-Белоруссия, Болтиқбўйи ва Байкалорти фронтлари қўшинлари таркибида фашист босқинчиларига ҳамда Узоқ Шарқда япон милитаристларига қарши олиб борилган жангларда иштирок этдим.

Ҳам Ғарбда, ҳам Узоқ Шарқда ҳаёт-мамот жангларида қатнашганлигимни исботи сифатида қўлимда сақланаётган, мен учун жуда азиз бўлган қуйидаги мақола ва ҳужжат билан, ваҳоланки улар рус тилида ёзилган бўлса-да, сизларни таништириб ўтмоқчиман.

ОГНЕННЫЕ ДОРОГИ ВОЙНЫ

ВСЕМ СМЕРТЯМ НАЗЛО

С первого до последнего дня войны в боях...

Как это было?

Мирное утро. Солдат Зият Есенбаев, сидя у штабного автобуса, разглядывал усыпанный нераспустившимися бутончиками куст дикой розы. Лишь на самой маковке пламенел одинокий цветок. Он был такого же цвета, как полковое знамя, находившееся в машине. Вглядываясь в нежные лепестки, Зият мысленно уносился в отчий дом, на окраину Ташкента, где по традиции дастарханы украшены розами. Срезая цветы для букетов, никогда не трогали самых верхних, и они сияли огнем жизни до поздней осени. Приглушенными голосами то и дело врывается в сознание прибалтийская действительность, но мысли упорно возвращались в родной Дурмен, отгоняя тревожную настояженность. И все же смутное чувство чего-то необычного брало верх.

В самом деле, почему накануне вечером командир полка майор Мельничук поднял личный состав по тревоге и рассредоточил дивизионы в лесу, в пятидесяти километрах от литовского приграничного города Кретинги, близ Клайпеды? Почему небо ясное, а доносятся раскаты грома? Почему полковой комиссар старший политрук Федоров в последнее время так много говорит о бдительности? Почему капитан Смирнов, заместитель начальника штаба, дотошно выясняет у начальника пункта боепитания, сколько снарядов имеется в батареях и на полковом складе?

Ответы на эти вопросы бойцы и командиры получили только утром, на митинге, когда майор Мельничук сообщил, что фашистская Германия вероломно напала на Советский Союз, что многие города в том числе и Крестинга, где дислоцировался полк, подверглись бомбежке. Они еще не знали и поймут потом, что внезапной тревогой майор Мельничук спас полк — многим из них командирская мудрость сохранила жизнь...

Война! Кровавым росчерком зачеркнула она все наши планы. Зият Есенбаев уже заканчивал службу. Он готовился к самой мирной профессии газетного работника, мечтал описывать жизнь своей солнечной республики.

Радовали и волновали масштабы строительства, восхищали герои труда. Зият Есенбаев был твердо уверен, что достойны они самых ярких красок и слов. И он, уже пробовавший свои силы в журналистике, поступает в Республиканскую газетную школу, а затем в пединститут. Но... почти сразу же после приемных экзаменов «выбыл на призыв в РККА».

А дальше — занятия в Ташкентском пехотном училище, полковой школе Белорусского военного округа, участие в освободительных походах в Западную Белоруссию и Прибалтику, служба наводчиком в батарее 152-миллиметровых пушек-гаубиц. В середине 1941 года младший командир Есенбаев, уже понюхавший пороха опытный боец, был переведен в штаб полка, в службу боепитания.

И вот — война...

Врага в лицо он увидел 23 июня 1941 года, когда к штабу полка прорвалась на мотоциклах фашистская разведка. Навсегда запомнился ненавидящий оскал гитлеровцев и дрожащие стволы их автоматов... После короткой перестрелки, в ходе которой был ранен помощник начальника штаба полка по разведке старший лейтенант Абрамов, начались, как потом стали говорить, плановые бои, а затем горький путь отступления на Псков, по маршруту, названному позднее «дорогой смерти».

Фашистская авиация господствовала в воздухе, самолеты гонялись даже за одиночками, немцы имели преимущество и в бронетанковой технике. Марш... Бомбежка... Развертывание... Бой... Снова марш вдоль дороги вместе с нескончаемым потоком беженцев.

Таяли силы полка. Выходили из строя пушки. На одном из привалов капитан Смирнов подозвал к себе Есенбаева. «Пойдешь со мной, — сказал он. — Будем набирать пополнение».

На обочинах дороги, в близлежащих рощицах и кустах отдыхали изнеможенные, отбившиеся от своих рот и батальонов бойцы. И не было в том их вины. Обстановка менялась тогда с каждым часом. Пока отстреливался в одном месте, основные силы роты или батальона уже переместились в другое. Попробуй, угадай куда...

Они собирали бойцов и командиров, указывали место построения. Наберется человек шестьдесят-семьдесят: «Рота, в две шеренги становись. На первый-второй рассчитайся! Ряды вздвой! Командиром роты назначается... Произвести строевой расчет. Выдвинуться в район... Задача: обеспечить марш в направлении...» И снова: «Есенбаев, за мной!»

В общем, полк увеличился в составе в два с половиной раза и, в жестоких боях сдерживая фашистов, сохраняя артиллерию и всю материальную часть, организовано отходил через Шяуляй, Лиепаяу, Ригу — на Псков.

О последующих боях Зият Исламович рассказывает мало и неохотно. Тень печали падает на лицо. Видно, нелегко вспоминать те трагические дни отступления. Фронт закалял его характер, наделял солдатской мудростью. Он уже не коптил перед боем мушку, чтоб не отсвечивала, как бывало в мирные дни на стрельбище. Раньше надо было попасть в «десятку», в «яблочко». Теперь и целиться тщательно некогда, да и ни к чему. Надо упреждать врага, бить навскидку, с бедра, с живота. Главное — так ударить, чтоб выбить оружие или лишить его способности к сопротивлению.

А еще в памяти Зията Есенбаева на всю жизнь остались дни и ночи ожесточенных боев за Великие Луки, на берегах красной от крови Ловати. Город находился на стыке двух групп армий — «Север» и «Центр», и фашисты понимали, что значит потерять его. Они бросили в бой все свои силы, резервы. Угрозами, наградами и посулами (фашистским войскам сбрасывали на парашютах ящики с железными крестами, начальнику гарнизона фон Зассу обещали генеральские погоны, а город в случае успеха решили переименовать в Зассенбург) пытались поднять стойкость сво-

их солдат. Но ничто уже не могло спасти фашистов от справедливого возмездия. 91-я стрелковая дивизия, в которой с первых дней войны служил Зият Есенбаев, наголову разгромив врага, овладела городом, и ей было присвоено наименование гвардейской. А прорыв немецкой обороны и успешный штурм города Духовщины в сентябре 1943 г. принес дивизии новую славу — ей было присвоено наименование «Духовщинская».

— Бойцы очень гордились этими званиями, славой своей дивизии, — вспоминает Зият Исламович. — Да, собственно, и мы уже были не те, что в начале войны...

Действительно, многое изменилось, по-новому спрессовалось в непрерывных боях... Что касается Зията Есенбаева, то постепенно вместо торопливо-старательного, скромного, застенчивого паренька перед товарищами и командирами предстал скрупулезно-требовательный, расчетливо-невозмутимый, надежной храбрости гвардии старшина. Его умение всегда сохранять самообладание, верность фронтовому братству стали известны и командующему артиллерией дивизии полковнику Фролову, да и комдиву полковнику Василию Ивановичу Кожанову, впоследствии генерал-майору. Поэтому-то вопреки известным армейским порядкам ряд заданий фронтовик Есенбаев выполнял по их личным распоряжениям. Как он воевал, красноречиво говорят награды: медали «За боевые заслуги», «За отвагу» и два ордена. Но это уже в упорных, кровопролитных боях на обратном победном пути от Подмосковья через всю Белоруссию, Прибалтику, почти в те же самые места, где он служил до войны, и дальше — в Восточную Пруссию.

«ВАМ ДОВЕРЯЕТСЯ ЗНАМЯ...»

После штурма Кенигсберга (ныне Калининград) 91-я гвардейская Духовщинская стрелковая дивизия, где старшиной батареи командующего артиллерией дивизии был гвардии старшина Есенбаев, наступала в направлении Фишхаузен — Гермау. Шел апрель сорок пятого года. Уже чувствовалось, что скоро конец войне. Боевые действия велись на территории Австрии, Чехословакии, близился час штурма Берлина. И здесь, в Восточной Пруссии, явственно ощущалось дыхание весны и Балтийского моря. Дыхание Победы.

Вырвавшись далеко вперед от основных сил 39-й

армии, командир дивизии В. Кожанов решил задержаться на захваченном рубеже, чтобы подтянуть тылы и дать полкам небольшой отдых. А в это самое время недобитые фашистские части в предсмертной агонии бросились на прорыв к морю, туда, откуда на специальном ледоколе уже удирал в Данию личный представитель Гитлера в Восточной Пруссии гауляйтер Кох. Штаб дивизии и находящиеся рядом полки оказались в угрожающем положении. Именно на этом участке гитлеровцы предприняли отчаянную попытку пробиться к побережью. Враг, превосходивший в силах более чем втрое, замкнул кольцо. Отправив раненых на специальном присланном самолете, генерал Кожанов принял решение пробиваться из окружения.

Гвардии старшина Есенбаев собрал солдат. Речь его была по-военному краткой: победа близка, фашистский зверь корчится в агонии, но нужен еще один решительный натиск.

Побеседовав и отдав необходимые распоряжения, он побежал к штабной машине. Все были собраны по походному.

— Машины сжечь, — приказал генерал Кожанов. — Будем пробиваться в пешем строю. — И, увидев запыхавшегося гвардии старшину, громко, так, чтобы слышали все, сказал: — А вам, Есенбаев, доверяется Боевое Знамя дивизии. Пойдешь рядом со мной. — Он перешел на «ты». — Что бы с нами ни случилось — не обращай внимания. Твоя задача — сберечь Знамя. Понимаешь, что это значит? Передаю тебе честь и славу дивизии... — вздохнул и добавил. — Так-то, брат...

Это очень обидно, когда война уже кончается, и вот он, рукой подать, берег моря, а ты — в окружении и вынужден отходить назад, как в сорок первом...

С трудом вытягивая ноги из липкой пашни, они, прикрываясь темнотой, уходили на северо-восток тремя колоннами. С автоматом на груди и древком на плече, охраняемый автоматчиками, шагал вместе со штабом гвардии старшина Есенбаев.

Впереди, расчищая путь основным силам, осторожно, словно на цыпочках, двигался передовой отряд. Несколько километров они прошли относительно спокойно. Кое-кто уже стал подшучивать, что, мол, у страха глаза велики... Но словно в ответ этим мыслям вспыхнула яростная перестрелка. Вскоре вступила в дело

и артиллерия. Они оказались в огневом мешке. Стреляли отовсюду: спереди, справа, слева и сзади. И тут гвардии генерал скорее прохрипел, чем прокричал: «Знамя!!!»

Есенбаев неуловимым движением сбросил двупалые солдатские варежки и они, связанные тесьмой, пришитой сзади к ватнику, заболтались в такт шагам. Негнушимися пальцами Есенбаев стал разворачивать алое полотнище.

Дополнительных распоряжений не потребовалось: все поняли, что надо делать, когда в боевые порядки выносят Знамя. Это значит — вперед! Сквозь дым и огонь, через страх и боль, вопреки инстинкту самосохранения, через смерть!

Совсем рядом разорвался снаряд, и горячий осколок полоснул по Знамени. Но Есенбаев упрямо шел вперед. Свалился в грязь, будто споткнулся, автоматчик, что шел справа. Его место занял офицер штаба. По его твердо сжатым губам и бешеным глазам гвардии старшина понял: нельзя останавливаться, надо поддерживать инерцию движения. Малейшая остановка — гибель. И он шел, глотая дым и пропитанный пороховой гарью туман. Кто-то сообщил, что вражеской миной тяжело ранен в обе ноги командующий артиллерией дивизии гвардии полковник Фролов. Первая реакция — бежать на помощь. Но — нельзя. Человек у Знамени не принадлежит себе.

Как они вырвались из этого ада — уму непостижимо. Ни тогда, на коротком привале, ни позже, когда уже поулеглись страсти, ни сейчас, пятьдесят с лишним лет спустя, никто не может определенно сказать, как это было в деталях. Тот день остался в памяти, как сплошной кошмар.

Короткая передышка — снова в бой. 25 апреля был взят Пиллау (Балтийск) — последний опорный пункт фашистов на Земландском полуострове.

Конец войне! Они уже строили планы, как будут жить в мирных условиях, где учиться и работать, подавали невестам надежды... Но поступил приказ готовиться к погрузке. 19 мая глубокой ночью отошел первый эшелон. Куда и зачем — знали только в Генеральном штабе. Лишь в Москве, где дивизия остановилась на сутки, Есенбаев и другие артиллеристы, разыскав в одном из госпиталей своего любимого командующего ар-

тиллерией дивизии полковника Фролова, от него узнали, что по всей вероятности идут на Дальний Восток...

И зазвенела под колесами только что родившаяся песня.

*На новую службу, на Дальний Восток
Поехал служить боевой паренек.
Трофейную музыку взял он с собой —
Гармонику цвета волны голубой...*

ЧЕРЕЗ БОЛЬШОЙ ХИНГАН

Лишь за Байкалом в вагонах более определенно стали поговаривать о цели передислокации армии, о войне с Японией. Руководству дивизии было поручено разъяснять обстановку, морально готовить бойцов к предстоящим испытаниям, которые ожидали их в безводных степях и суровых безлюдных горах. В то же время требовалось самым строжайшим образом соблюдать военную тайну. Гвардии старшина Есенбаев столько раз зачитывал листовку, выпущенную политотделом армии, что заучил ее наизусть. Он и сейчас помнит ее содержание.

Разгружались они в крошечной темноте на каком-то полустанке на советско-монгольской границе. Вышли из вагонов, построились в колонны и — вперед! Рассвет застал их уже в десятках километров от железной дороги. Стал известен и маршрут — в район Чойбалсана. Это уже на территории Монгольской Народной Республики.

Марш по пустыне был едва ли не самым тяжелым за всю биографию 39-й армии и 91-й дивизии. Окутывались паром радиаторы, пыль въедалась в разгоряченные лица. Не было возможности ни сменить вскипевшую воду, ни смыть эту противную, вызывающую нестерпимый зуд пыль, ни смочить растрескавшиеся кровоточащие губы. Пустыня Гоби показалась Зияту Есенбаеву еще более угрюмой и зловещей, чем недоброй славы пески Кызылкум в Узбекистане. Там хоть редко, но есть колодцы, и они обозначены на картах. Здесь же и намека на воду нет...

В районе развертывания они готовились к грядущим боям. Хватало дел и гвардии старшине Есенбаеву. Как уроженцу Ташкента, выросшему в Средней Азии, ему пришлось напрягать память, чтобы рассказывать о

перевалах и ущельях, о снежных обвалах и каменных осыпях, о том, как уберечься от них.

Вечером 8 августа 1945 года в полках и штабе дивизии состоялись митинги. Говорили коротко, но горячо, от всего сердца. Бойцы и командиры давали клятву с честью выполнить приказ, разгромить врага. Той же ночью ушли вперед передовые батальоны и разведывательные отряды. Вслед за ними двинулись основные силы, в их составе и артиллерия.

Стратеги из Квантунской армии, хотя и знали об опасности, но чувствовали себя довольно уверенно. Они считали, что преодоление Большого Хингана потребует много времени, и они успеют подготовиться к отражению наступления. А получилось иначе. Наступая из Тамцак-Булакского выступа вдоль железной дороги на Чаньчунь, 39-я армия всего за неделю преодолела горные хребты и всей своей мощью обрушилась на врага. Она нанесла японцам такой удар, от которого хваленая Квантунская армия уже не могла оправиться.

А дальше путь 91-й гвардейской Духовшинской стрелковой дивизии лежал на Мукден, Харбин, Таоань, Чаньчунь и Порт-Артур. За участие в боях с японцами на Дальнем Востоке, за отличные боевые действия при прорыве обороны врага, форсирование горного хребта Большой Хинган и овладение Маньчжурией дивизии было присвоено наименование «Хинганская», объявлена благодарность главнокомандующим войсками Дальнего Востока Маршалом А. М. Василевским. Боевое Красное Знамя гвардейцев, овеянное славой, пропитанное кровью и порохом войны, гордо взвилось над бастионами Порт-Артура.

Враг был разбит, и на земле воцарился мир. Никому не надо было рисковать жизнью, подниматься в атаку, отрываясь от земли, к которой только что так доверчиво прижимался щекой.

После увольнения в запас Зият Исламович Есенбаев вернулся к любимому журналистскому делу, увлеченно и самоотверженно работал в редакциях республиканских газет на должностях заведующего отделом, ответственного секретаря, заместителя редактора, редактора, председатель Государственного Комитета Узбекистана по делам издательства, полиграфии и книжной торговли.

Зият Исламович Есенбаев много сил и энергии отдает воспитанию подрастающего поколения, щедро

передает молодым работникам газет, литераторам свой богатый журналистский опыт.

Полковник В. Стуловский.

* * *

Боевой товарищ Есенбаев З. И.

Славный путь прошли Вы с боями в рядах нашей армии, много трудностей и тягот пришлось Вам пережить. Наши знамена овеяны славой побед под Духовщиной, Витебском, Таураге, Пилькалленом, Тильзитом, Кенигсбергом. В этих победах есть доля и Вашего ратного труда.

Вместе со своими однополчанами Вы участвовали в героическом походе через безводные пустыни Монголии и горные перевалы Большого Хингана и через всю Манчжурию пронесли наше Знамя в священный город Порт-Артур.

За верную службу выражаю Вам благодарность.

Возвращаясь домой, не забывайте своих боевых соратников, своих однополчан, высоко держите честь и достоинство непобедимого воинства, будьте верны Знамени, которое привело нас к великой победе над врагами на Западе и на Востоке.

Мы уверены, что и на фронте мирного труда, как и на боевом фронте, Вы будете примерным, честным борцом за процветание Родины, за ее честь и славу.

Командующий войсками 39-й армии

гв. генерал-полковник Людников.

Член Военного Совета армии

генерал-лейтенант Бойко.

Начальник политотдела 39-й армии

генерал-майор Петров.

Сентябрь 1945 года.

* * *

Уважаемый Есенбаев Зият Исламович!

Сердечно поздравляю Вас с XXX годовщиной Победы над гитлеровской Германией и награждением юбилейной медалью.

В годы суровых военных испытаний Вы находились в рядах активных защитников Родины. Ваши заслуги во Второй Мировой войне будут вечно в памяти народа.

Желаю Вам крепкого здоровья, счастья в жизни и успехов в труде на благо Отчизны.

Министр Обороны СССР А. Гречко.

* * *

В честь тридцатилетия Победы во Второй Мировой
войне Комитет ветеранов войны вручает
Есенбаеву Зияту Исламовичу

ПАМЯТНУЮ МЕДАЛЬ

*Председатель Комитета ветеранов войны
генерал армии П. Батов.
Ответственный секретарь
Комитета ветеранов войны А. Мересьев.*

9 мая 1975 г.

* * *

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган юбилей парадида Ўзбекистондан қатнашган 21 жангчи қаторида Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов кўлидан «Жасорат» медалини олишга, зарчопон кийиб, бирга суратга тушишга муяссар бўлдим.

Президентимизнинг Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида айтган, фахрийларга меҳр-муҳаббат, уларга нисбатан ғамхўрлик билан йўғрилган қуйидаги дил сўзлари биз учун ғоятда қадрлидир:

«Бу кишилар ҳаётининг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси бебаҳодир. Улар бамисоли тўрт умрни: урушгача бўлган болаликни, даҳшатли уруш йилларига тўғри келган ўсмирликни, урушдан кейинги вайронагарчиликни қайта тиклаш ва ҳозирги — Мустақиллик ва истиқлолни мустаҳкамлаш давларини бошдан кечирдилар.

Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутди.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, бегубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамыз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, Ватанимизнинг тўрт юз минг фарзандини — жанг майдонларидан қайтмагандарни, шаҳид бўлгандарни чуқур изтироб билан эслаймиз, уларнинг халқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдиди бош эгамиз.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда

ҳаёт юрган муътабар фахрийларимизни ҳар томонлама
эъзозлаш — барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат
қарзимиз бўлмоғи керак».

ОИЛАВИЙ ҲАЁТИМ


Отадан 13 ёшимда етим қолиб, амакиларим Исо-
қул ва Абдулла акаларнинг тарбиясини олдим. 1895
йили туғилган падари бузрукворим Ислом ака (дадам-
ни ака, бувам Эсонбой домлани ота дердим) 1934
йили 7 февралда оғир касалликдан сўнг — упка ша-
моллашидан 7 кун ётиб, 39 ёшида вафот этдилар. Мен
раҳматли меҳрибон онамнинг бағрида ўсиб-улғайиб,
камол топиб, ували-жували бўлдим.

Ҳарбий хизматдан қайтиб келганимдан сўнг 25
ёшимда, 1946 йилнинг 6 ноябрида камтарона никоҳ
тўйи қилиб, 22 ёшга қадам қўйган Тозагулга уйландим.
Турмуш оғир, қимматчилик эди. Тозагул уйимизнинг
бор-йўғига кўнди, «мен яхши кийинишим керак, бу
ёшлик фасли ўтиб кетади», дея инжиқлик қилмади.
Урушдан икки марта ярадор, бир марта контузия бўлиб,
қон кечиб, ҳаёт-мамот жангидан келган одамнинг
кўнглини топиш осон эмас эди. Онажонимни ҳам меҳр-
оқибат билан, жуда яхши парвариш қилди. Айтганла-
рини ўз вақтида бажо келтирди. Турмуш қурганимизга
50 йил тўлиши муносабати билан 1996 йилда олтин
тўйимизни ўтказдик. Унда қадрдон устозим Фафур Юсу-
пов: «Зиёддон уйланганда гулнинг тозасини топган,
Тозагулнинг исми жисмига монанд», деб айтган ажой-
иб сўзи сира эсимдан чиқмаса керак.

Раҳматлик онамнинг 60, 70, 80 ёшга тўлганларини
сингилларим — Широной, Дамира, қариндош-уруғла-
рим, яқин дўстларим, қўни-қўшниларим, маҳалладош-
ларим иштирокида, элга машҳур санъаткорларни ча-
қириб, тўй қилиб ўтказдик. Таниқли ҳофиз Фахриддин
Умаров шоир Ёнғин Мирзонинг «Онам дерман» қўши-
ғини 1977 йили биринчи марта бизнинг хонадонда ижро
этган. 1897 йили дунё юзини кўрган онам Зулфия Бой-
назар қизи 1980 йил 15 майда 83 ёшида ҳаётдан кўз
юмдилар. Жойлари гулистон, жаннат-макон, руҳлари
шод бўлғай, Оллоҳим ўз раҳматига олган бўлсин!

Минор қабристонига дафн этилган онамнинг ёд-
горлик лавҳасига қуйидаги қалб сўзлари битилган:

*«Ҳаётимиз посбони, келажакимиз тождори бўлган
ғоят меҳрибон ва азиз онажон ва бувижон!»*



*Сизнинг буюк табаррук сиймонгиз ва сўнмас порлоқ
хотирангиз қалбларимизда абадий яшайди.*

*Она бағри худди қуёшдир,
Фарзанд эмар сутга қўшиб нур.*

*Она меҳри абадий ёшдир,
Она қалби тоғдай бардошдир.*

Доим Сизга бош эгувчи фарзандларингиз
ва невараларингиз.

1997 йилнинг 15 майида онамнинг 100 ёшга тўлган-лигини ёд этиб, руҳларини шод этиш учун Оллоҳ йўлига дастурхон ёздик. Онам жуда ўткир зеҳнли, араб ёзувида ўқий оладиган саводхон, қариндош-уруғ ҳамда маҳалла аёллари орасида катта обрў ва иззат-ҳурматга эга аёл эдилар. Тўй-ҳашам ёки бирор маърака билан боғлиқ оилавий масалаларни ҳал этишда онамизнинг маслаҳатларига ҳаммамиз катта эътибор берар ва қулоқ солар эдик.

Худоба минг қатла шукур, Тозагул билан 6 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик, уйли-жойли, олий маълумотли, мустақил ҳаёт оstonасига чиқариб қўйдик. 16 нафар неvara ва иккита жажжи эвараларимиз бор.

Ўғлимнинг каттаси Алишержон иқтисод фанлари номзоди, иккинчиси — Шерзодбек биринчи даражали адлия маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос. Катта қизим Замира — биолог, Вазира — биология фанлари номзоди, Элмира — психология фанлари номзоди, доцент, Феруза — филолог.

Ширин-шакар фарзандларим — ўғилларим, қизларим, — келин ва қуёвларим, невараларим!

Менинг босиб ўтган ҳаёт йўлим ва меҳнат фаолиятим сизлар учун мактабдир. Ундан хулоса чиқариб ва ибрат олиб, инсон учун энг азиз фазилатлар: меҳроқибат ва муҳаббат, вафо ва садоқат, матонат ва жасорат, ҳалоллик ва саховат — ҳаммаси қалбларингизда мужассам бўлсин! Тўғри йўлдан юринглар, ёмон йўлга кирманглар, ёлгон сўзли бўлманглар! «Тўғри юрган доимо тўқ бўлур, эгри юрган охир бориб, йўқ бўлур», деган халқ мақолини сира эсдан чиқарманглар. Ота — оиланинг сарбони, она — фарзандларнинг боғбони, ота-онангга нима қилсанг, фарзандларингдан шуни

кўрасан, деган доно нақлни унутманг! Ота-онанинг энг аччиқ сўзларини энг ширин дори, деб билмоқ керак. Ота-онангга сира тик боқма, имон-этиқодингни ҳар вақт сақла, уларга иззат-ҳурмат билан хизмат қилиб, фарзандлик бурчингни ҳар доим оқла, деган ҳикматли сўзлар доимо ёдингизда бўлсин!

Оллоҳ таоло ҳаммамизга узоқ умр ато этсин. Насибамиз бутун, дастурхонимиз тўкин, қут-баракали, осмонимиз мусаффо бўлсин, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат-фароғатда соғ-саломат яшаб, ўйнаб-кулиб юрайлик, фарзандларимизнинг роҳатини кўрайлик, давру даврон сурайлик, соғлиғимиз бор экан, она-Ватанамизга умримизнинг охиригача меҳр-садоқат ила хизмат қилаверайлик!

ИЖОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИМ

Умр бўйи элим деб, юртим деб яшадим, ҳалол меҳнат қилдим.

*Яшашнинг қадрига етолса одам,
У қилган ҳар бир иш ўзи бир олам!
Элини севганнинг эси бўлади,
Ишидан халқининг бахти кулади!
Ҳақиқат йўлида чекилган заҳмат,
Ҳамиша кишига келтирар раҳмат!
Яхшини яхшининг дили билади,
Гар ёмон билмаса, эли билади.*

Онгли ҳаётимни жамиятимиз кўзгуси, ойнаси ва тарихимиз солномаси ҳисобланган матбуотга бахшида этдим. Ўн бир йилдан ортиқ «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида дастлаб бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудир, сўнг масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир лавозимларида ишладим. 1954 йили «Тошкент ҳақиқати» газетасини ташкил этиб, унинг биринчи муҳаррири бўлиб 8 йил фаолият кўрсатдим.

24 йил Республика журналистлар уюшмасига раислик қилдим. Қарийб 22 йил Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасини бошқардим. Айни пайтда кенг қўламда жамоат топшириқларини бажардим. 55 йиллик меҳнат фаолиятимнинг 45 йили раҳбарлик лавозимларида ўтибди.

Ўзбекистон маданияти, адабиёти ва санъати декадаси (ўн кунлиги) ўтказилган йилларда ҳукумат делегацияси таркибида Россия, Украина, Белорусь, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларига ташриф буюрдим.

Давлат ва халқ олдидаги хизматларим учун кўплаб орден, медаллар, «Матбуот аълоҳиси» кўкрак нишони билан мукофотландим. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ва Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори деган юксак унвонга сазовор бўлдим.

1984 йилнинг май ойида 63 ёшимда нафақага чиқдим. Икки-уч ой дам олиб, шу йилнинг 1 августидан 1990 йилнинг 1 ноябригача «Мухбир» — «Корреспондент» журнали бош муҳаррир ўринбосари, 1990 йил декабрь ойидан шу журнал асосида «Ўзбекистон матбуоти» журналини ташкил этиб, унинг бош муҳаррири бўлиб, 2002 йилнинг 20 февралигача фаолият кўрсатдим.

Матбуотда ишлагандан бери 500 дан ортиқ бош мақолалар, очерк, назарий ва амалий-публицистик мақолалар, лавҳалар ёздим, журналистиканинг деярли барча жанрларида қалам тебратдим. Бир қатор китоб ва тўпламларга муҳаррирлик қилиб, ўндан ортиқ китоб ва рисоаларнинг муаллифи бўлдим.

Ўзбек миллий матбуотининг, умуман журналистикасининг тарихи ва ривожига оид асарлар жуда кам. Шуни эътиборга олиб, 1991, 1993 ва 2002 йиллари «Ўзбекистон» нашриёти томонидан босмага тайёрланиб, чоп этилган уч жилдли «Матбуотимиз фидойилари» тўпламига бош-қош бўлиб, нашр эттирдим.

Сиз мазкур тўплам орқали ўзбек журналистикаси ва матбаачилигига асос солган, республикамиз матбуотининг ривожига, камолот чўққисига кўтарилишига ҳисса қўшган сиймолар, забардаст қалам соҳиблари ва истеъдод эгалари билан танишасиз. Истеъдодли журналистларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи, муҳаррирлик ва ноширлар фаолиятини тасвирловчи бу мақолалар ёшларимиз учун ўзига хос мактабдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 сентябрда матбуотда эълон қилинган қарори билан 72 ёшимда Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, янгидан ташкил этилан Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи Жамғарма бошқарувининг

биринчи раиси этиб тайинландим. Бозор иқтисодиёти туфайли қийин аҳволга тушиб қолган нашрларни оёққа турғизишда баҳоли қудрат хизмат қилдим.

1995 йил 25 июлда Жамғарма бошқарув фаоллари бош муҳаррирлар кенгаши аъзоларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мен ёшимни инобатга олиб, ўз аризамга кўра вазифамни топширдим. «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири сифатида иш бошладим.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИК ЖАРАЁНДАГИ ИШТИРОКИМ, ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРГА САФАРИМ

Халқаро журналистик жараёндаги иштироким, хорижий мамлакатларнинг атоқли журналистлари билан мулоқотим ҳақида ҳам сўз юритмоқчиман.

1963 йил апрелида Осиё ва Африка мамлакатлари Бутунжаҳон журналистлари Кенгаши Президиумининг Индонезия пойтахти — Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида қатнашганман. Мазкур Президиум қарорига мувофиқ сентябрь ойида Жакартада чақирилган биринчи Конгрессда иштирок этдим ва сўзга чиқдим.

Жакартанинг Кемайорон аэропортида бизни маҳаллий газеталарнинг муҳаррир ва журналистлари, «Интора» телеграф агентлигининг ходимлари, собиқ Иттифоқ марказий газеталарининг мухбирлари ҳамда элчихона ходимлари кутиб олишди.

Индонезия сафаридан олган таассуротларим газеталарда босилиб чиққан. «Ўзбекистон» нашриёти 1964 йилда «Минг орол мамлакатада» номли китобчамни 5000 нусхада ўзбек тилида ва «Далеко от глаз — близко к сердцу» номи билан рус тилида нашр этган.

1974 йили Куба пойтахти Гавана шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Журналистлар Ташкилоти (МОЖ)нинг еттинчи Конгрессида ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлганман ва конгрессда сўзга чиққанман. Яна кўплаб делегацияларга бошчилик қилиб, расмий ташриф билан Ҳиндистон, Вьетнам, Тунис, Жазоир, Польша давлатларига борганман.

1978 йилнинг 12—15 февраль кунлари Ҳиндистон пойтахти Деҳлида дарсликлар масаласи бўйича ўтган халқаро семинарда ва китоб ярмаркасида маъруза қилдим. Чет эллик журналистлар билан матбуот конференцияси ўтказдим.

Болгария, Венгрия, Чехословакия, Германия ва Америка Қўшма Штатларига турли делегациялар аъзо-си сифатида ташриф буюрганман.

1958 йили Бельгиянинг пойтахти Брюсселда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Халқаро кўргазмасида иштирок этдим. 1959 йилда «Журналист блокнотидан» рубрикаси остида «Брюссель виставкаси хотиралари» китобчам нашр этилди.

Дунёдаги 50 га яқин мамлакат Бельгия ҳукумати-нинг бу олижаноб ташаббусини маъқуллаб, Жаҳон вис-тавкасида қатнашиш учун розилик бердилар. 1977 йили Ўзбекистон Республикаси делегациясини бошқариб, Швеция мамлакатига борганман. У ерда республика-мизнинг таниқли маданият, санъат арбоблари ва хо-димлари иштирокида Ўзбекистоннинг маданият кун-лари ўтказилган эди.

Ўзбекистоннинг миллий кун муносабати билан па-вильонда катта фотовиставка очилди. Бу кўргазма ўзбек халқининг турмушини, ижодий меҳнатини ва ўз рес-публикасининг иқтисодиёти ва маданиятини юксалти-ришда қўлга киритган ғалабасини ҳикоя қилиб берди. Кўргазмани кўрган кишилар серқуёш республикамиз ҳақида сира эсдан чиқмайдиган унутилмас хотиралар олиб қайтдилар.

Ўзбекистоннинг миллий кун нишонланган кун павильоннинг радио ва телевидение тармоқлари орқа-ли Ўзбекистон ҳақида эшиттиришлар уюштирилди, рес-публикамиз ҳаётини тасвирловчи илмий-оммабоп ва ҳужжатли кинофильмлар кўрсатилди, павильоннинг ҳашаматли залларида ўзбек миллий куйлари янгради.

Брюсселда Жаҳон виставкасида Ўзбекистон миллий кун ўтказилганлиги жонажон республикамизнинг гур-кираб юксалиб бораётганини, Ўзбекистон Шарқ машъ-али, қудратли индустрия, илм-фан ва маданият маркази эканлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

1982 йилнинг декабрь ойида собиқ Иттифоқ Давлат матбуот қўмитасининг раҳбарияти Вьетнамга боради-ган делегацияни бошқаришни менга топширди. 3 де-кабрда Ханойга учиб кетдик. Вьетнам пойтахтида ки-тоб ва фотоқўргазмалар очиб, нутқ сўзладим, матбуот конференцияси ўтказдим. Маданият вазири, матбуот, радио ва телевидение қўмитаси, журналистлар уюш-маси раислари қабулида бўлиб, мамлакатнинг жануби-даги энг йирик ва гўзал Хошимин шаҳрига ташриф буюрдик.

1995 йилнинг 5 майида Москвага таклиф қилиниб, 74 ёшимда 9 Май — Галаба парадида қатнашганлигим, қуролдош дўстларим билан учрашиб, Буюк Галабанинг 50 йиллигига бағишланган тарихий байрам тантаналарида иштирок этганлигим ҳаётимдаги жанговар кунларни ва энг қувончли онларни эслатиб, бир умр хотирадан чиқмайдиган чуқур из қолдирди.

Москвадаги тантаналардан сўнг Президентимиз иккинчи жаҳон урушида фаол қатнашиб, жанговарлик намуналарини кўрсатган жангчилардан ўн кишини, шу жумладан мени ҳам қабул қилди, биз билан суҳбатлашди, эсдалик учун суратга тушди ва барчамизга зар чопонлар кийгизди. Юртбошимиз билан самимий учрашув лаҳзалари тасвирланган фотосуратлар ҳамда миллий чопон уй-музейимда сақланмоқда.

Ислом Каримов айтдиларки, «Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир, амал ҳам, мол-дунё ҳам ўтиб кетади. Фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқнинг хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириши ҳақида ўйлаши керак».

Мен умр бўйи — меҳнат фаолиятимда ҳам мана шу ҳақиқатга амал қилиб, ҳаётимда яхши ном қолдиришга, ҳамиша кишиларга яхшилик қилишга, ёрдам беришга, қўллаб-қувватлашга, дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилдим.

1998 йили менинг ҳаётимда яна бир қувончли воқеа юз берди. Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида кўплар қатори мени ҳам «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлаб, бу юксак мукофотни ўз қўли билан топширди.

Ана шу қувончли кунларда давлатимиз раҳбарига қуйидаги хатимни йўлладим:

«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, менинг матбуот соҳасида 50 йилдан ортиқ хизмат қилиб келаётганимни эътиборга олиб, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаганингиз учун Сизга — бағри кенг, адолатларвар, олижаноб инсонга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Жонажон мустақил мамлакатимиз тантаналари кунлари, Олий Мажлис сессияси кунлари ёдингиздан чиқармай, буюк қалбингиз ҳарорати билан мени тўлқинлантириб юбордингиз ва ушбу мактубни ёзишга илҳом бердингиз.

Сизнинг сазй-ҳаракатингиз билан мен Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланган 1995 йилнинг май ойида Москвада ўтган байрам тантаналарида иштирок этишга муяссар бўлдим. Шу билан бирга ўн нафар уруш фахрийлари қаторида қабулингизда бўлдим. Мароқли суҳбатингиздан сўнг қўлингиздан зар чопон кийдим, Сиз билан бирга суратга тушдим. Буларнинг ҳаммасини жуда-жуда қадрлайман ва Сизнинг менга билдирган ишончингиз ҳамда ҳурматингиз, деб биламан.

Яна бир юрагимда қолган, қалбим тўридан жой олган воқеани ёдингизга солмоқчиман. 1992 йил март ойида Хитойга расмий ташрифингиз вақтида ўғлим Алишернинг катта фарзанди — неварам Улуғбекни қабул қилиб, у билан суҳбатлашгансиз, бирга ўқиётган ўртоқлари билан расмга тушгансиз. Ушбу воқеани Ўзбекистон телевидениесининг махсус мухбири тасвирга туширган. Улуғбекдан интервью олган ва Тошкентга келиб, телевизорда кўрсатган. Бу воқеа бизнинг оиламизни жуда қувонтириб, ҳаяжонга солган эди.

Сизга доимо бахт-саодат, яхши кайфият, омад ёр бўлсин. Мустаҳкам соғлиқ, бардамлик, куч-қувват тилаб, ҳурмат ва эҳтиром ила:

Зиёд Исломович Есенбоев.

10.09.1998 йил.

Матбуот соҳасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрган кезларимда жамоатчилик назаридаги киши эканлигимни, раҳбар кишининг зиммасига катта масъулият юкланганлигини доимо ёдда тутдим. Билдирилган юксак ишончни оқлашга бутун куч-ғайратимни, қобилиятимни сарфладим.

Бесайб Парвардигор деганларидек, менда ҳам ўзига яраша камчилик ва хатолар бўлгандир. Мен уларнинг ҳаммасини яхши тушуниб, ирода кучим, сабр-тоқатим, ақл-фаросатим билан енгишга ҳаракат қилдим.

Ҳаёт деб аталмиш мураккаб сўқмоқларда синалган дўстларим, шогирдларим бояги-боягидек мендан алоқаларини узмади, садоқат ва меҳр-оқибатларини бузмади. Ҳақиқий дўст, шогирд амал танламас экан. Худода шукур, журналистларнинг оқсоқоли сифатида ҳали ҳам қўлимдан келганича ҳамкасбларимга мураббийлик қилиб келяпман.

**МАКТУБЛАР
ВА ДАСТХАТЛАР...**



МАКТУБЛАРДАН НАМУНАЛАР

Узоқ йиллар меҳнат қилиб, умр зарварақларимни ёзган, ўсиб, улғайиб, қаламимни чархлаб, муҳаррирлик — раҳбарлик даражасига кўтарилган, мен учун муқаддас даргоҳлар ҳисобланган «Ўзбекистон овози» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталари таҳририятлари жамоаларининг бош муҳаррирлари ва таҳрир ҳайъати аъзолари имзо чекиб, 60 йиллик юбилейимда йўлаган табрик мактуби билан таништираман.

«Қадрдонимиз Зиёд Исломович!

Олтин даврингиз, етуклик ва камолот фаслингиз — олтимиш ёшга тўлган қутлуғ дақиқаларда Сиз ажойиб инсонга, ўзбек матбуотининг оташқалб жонкуярига самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Биз, ўзингиз узоқ йиллар хизмат қилган отахон газета ходимлари камолотнинг ойдин йўлини очиб берган, ўсиш, чиниқиш дорилфунуни — «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газетасининг жўшқин ижодхонасида қилган фидокорона меҳнатингизни ҳамон фахр ва ҳавас билан эслаб юрамиз.

Сиз Ватан бошига оғир кунлар тушганида ўз ўрнингизни жанг майдонида, деб билдингиз. Олти йил мобайнида фарзандлик бурчингизни ўтаб, Ғалабага муносиб ҳисса қўшдингиз.

Сиз муҳаррирлик қилган кезларингизда ажойиб журналист, ташкилотчи сифатида ўзбек журналистикасини ривож топтиришда, ёш журналист кадрлар тайёрлашда катта хизмат қилдингиз. Мана, салкам йигирма йилдирки, республика матбуоти, полиграфия саноатида раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Бу йиллар ичида республикамизнинг полиграфия маҳсулотлари саноати янада ривож топди. Нашриёт иши юксалиб, полиграфия ишлаб чиқаришда янги технология ва замонавий техника воситалари жорий этилди, китоб савдоси равнақ топди. Шулар туфайли ҳозир Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар халқаро кўргазмаларда муносиб баҳоланмоқда.

Азиз Зиёд Исломович! Сизни — бутун ҳаётини ўзбек матбуотининг равнақига бахш этган, Ватанга, халқ ишига чексиз садоқатли сафдошимизни баркамоллик ёшингиз билан қутлаб, улкан сиҳат-саломатлик, жўшқин фаолиятингизда катта омад тилаймиз.

Газета жамоаси номидан муҳаррир М. Қориев.

19 июнь 1981 йил.

* * *

«Қадрли Зиёд Исломович!

Сизни — ўзбек матбуотининг атоқли намояндаси, таниқли жамоат арбобини 60 ёшга тўлганлигингиз билан чин қалбдан самимий табриклаймиз.

Сизнинг қирқ йилдан ортиқроқ ижодий фаолиятингиз ўзбек матбуоти билан чамбарчас боғланган бўлиб, халққа садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Азиз Зиёд Исломович! Сизни Ўзбекистоннинг барча журналистлари яхши биладилар ва чуқур ҳурмат қиладилар. Пойтахт вилояти «Тошкент ҳақиқати» газетаси коллективи учун эса Сиз қадрдон отахон ҳамсиз. Чунки Сиз газетамизни тиклаб, йўргаклаган, оёққа турғазган биринчи раҳбарсиз, ёшларнинг бошини силаб, газета даргоҳига олиб кирган, талантли жамоани вужудга келтирган ташкилотчи устозсиз. «Тошкент ҳақиқати»ни пойтахт жамоатчилиги фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишида катта меҳнат сарфлагансиз.

Қадрли Зиёд Исломович! Сиз ҳали ҳам ёш қаламкашларга ғамхўрлик, мураббийлик, меҳрибонлик қилмоқдасиз. Сизнинг тажрибангиз ва тарбиянгиздан баҳра олган юзлаб журналистлар юксак даражада ижтимоий активлик кўрсатиб, масъулиятни сезиб ишламоқдалар.

Ҳурматли Зиёд Исломович! Сизни олтмиш йиллик юбилейингиз билан қизгин қутлаймиз, навқирон ёшингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, янги-янги ижодий зафарлар тилаймиз.

*«Тошкент ҳақиқати» жамоаси номидан
муҳаррир Н. Насимов.*

19 июнь 1981 йил.

* * *

Ҳаммага маълум ва машҳур бўлган таниқли адиб ва қўшиқчи шоир, қадрдоним Акмал Пўлат онамга бағишлаб, Кисловодск шаҳридан 1964 йил 27 июнда шундай мактуб йўллаган эди:

«Азиз дўстлар ва ўртоқлар!

Бугун биз ҳаммамиз учун севикли ва меҳрибон бўлган Зулфия онажонимизнинг 70 ёшга тўлган улуғ кунларини катта шодиёналик билан нишонламоқдамиз. Қани айтинг-чи, дунёда ўз фарзанди учун онадан ортиқ ким меҳрибон?

*Ҳаётим машғали, қуёшим онам,
Ўзингиз уйимнинг қувонч, кўркисиз,
Сиз билан мунаввар ҳамиша хонам,
Ўрнингиз жаҳонга асло белгисиз.*

Эй, узоқ кечаларда уйқусиз кўзларини очиб бешик тебратган, иссиқ бағрига босиб, оппоғим деб, қўзичоғим, деб бизни эркалаган, вояга етказган онажонигинам салобатли чинор дарахтидек яна чуқур илдиз отинг.

Умрингиз боқий, қалбингиз июнь қуёшидек ҳамиша ҳароратли бўлсин.

Дўстларим!

Мана шу қадаҳни азиз онамиз ва унинг севикли фарзанди Зиёджон ҳамда бир-биридан ширин бўлган оила аъзолари соғлиғи учун кўтаришингизни сўрайман.

Ҳурмат билан Акмал Пўлат.

Кисловодск, 27 июнь 1964 йил.

* * *

Бундан қарийб 30 йил муқаддам ҳурматли акам — Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қориев юборган хат:

«Азиз ва муҳтарам дўстим ва укахоним Зиёд Исломович!

Сизнинг 50 ёшга тўлишингиз билан жон-дилдан табриклайман ва сизга узоқ умр, бахт-саодат, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Сиз зеҳн-заковатли, ақл-идрокли, улкан қалбли, инсонпарвар, мўътабар одамсиз. Сизда мужассамлашган ҳақиқий одамийлик фазилатларингиз билан халқи-

мизнинг юрагидан жой олгансиз ва унинг содиқ фарзанди бўдиб танилгансиз.

Мен сизни қаттиқ қучиб ва ўпиб, 100 ёшингизда юз кўришмоқни истайман.

Акангиз профессор Муҳаммаджон Қориев.

25 июнь 1971 йил.

* * *

«Қизил Ўзбекистон»дек (ҳозирги «Ўзбекистон овози») отахон газетада бирга ишлашган қадрдонларим орасидан сараланиб қолган дўстим — газета бош муҳаррири ўринбосари Холбек Ёдгоров бундай деб ёзибди:

«Қадрдон Зиёд Есенбоев!»

Матбуот нури ила балқиб турган қалб саломимни қабул этгайсиз. Шу муаззам, шу мўътабар дақиқаларда сизга айтадиган сўзим шуки, умрингиз ҳамиша Зиёда бўлсин. Саховатли меҳр тўлқинларида мавж ураётган қалбингиз ҳамиша қуёшдек нур сочиб турсин. Дўстларгина эмас, сизни таниган, билган, сизга муҳаббат-садоқатини бахш этган ҳамма кишилар орасида бургутдек қанот ёзаверинг!

Нур ёғилиб турган сиймонгизга боқаман-да, азиз пешонангиздан ўпаман.

Холбек. 04.11.1967 йил.

* * *

Тиббиёт оламининг ёрқин юлдузларидан бири профессор Шабот Хўжаев хатини ўқинг:

«Муҳтарам ва азиз Зиёд ака!»

Сизга табиатнинг берган истеъдоди, инсонпарварлик фазилатингиз олдида, адолатпарварлик ҳиссиётингизга таъзим қилиб, Сиз улуғ инсонга яна бир марта 50 ёш истовчи укаларингиз: **Нигора ва Шабот.**

25.06.1971 йил.

* * *

Республикамизнинг энг йирик матбаа корхонаси — Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент «Матбуот» комбинати бош директори Марат Ғойибов шундай дебди:

«Мен устозларимдан бутун умр миннатдорман. Омадим бор экан, ўз касбининг чинакам фидойилари менга мураббийлик қилишди. Шулардан бири Зиёд Исмолович Есенбоевдир. Бу кишининг раҳбарлик санъатидан

берган сабоқларини асло унутмайман. Республика Давлат матбуот қўмитасини ташкил этган, унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган ана шу ажойиб инсон ҳақида авлодлар учун китоб ёзиб қолдириш керак, деб ўйлайман. Зиёд Исломовичнинг чексиз ғайрати, темир иродаси, ақл заковати, ташкилотчилик истеъдоди бутун ҳаётим, меҳнат фаолиятим давомида мен учун йўлчи юлдуз бўлиб келди. Мен ўзимни у бошлаган ишнинг давомчиси, деб ҳисоблайман».

* * *

Шахсий архивимни синчиклаб ўқиб, тартибга солаётганимда мен учун жуда қимматли бўлган мана бу мактубга ҳам кўзим тушиб қолди. Уни Миллий университетнинг журналистика бўлимини (университетда ҳали факультет ташкил этилмаган эди) биринчилардан бўлиб битириб чиққан шогирдларим бундан 21 йил муқаддам ёзишган экан. Хат билан сизларни таништиришни лозим топдим:

«Қадрдон устозимиз Зиёд Исломович Есенбоевга!

Ўзбекистон журналистларининг отахони, республика матбуоти ва нашриёт ишининг жонкуяр карвонбоши-си, ёш қаламкашларнинг меҳрибон мураббийси азиз Зиёд Исломович! Университет журналистика бўлимини биринчи битирувчиларининг 25 йиллиги шодиёнасида кўрсатган хизматингиз, оқибатингиз, яхши тилакларингиз сизга бўлган қайноқ меҳримиз, чексиз муҳаббатимизни яна ҳам товлантириб юборди.

Сиз, меҳрибон устоз, биз — биринчи қалдирғочлар учун алоҳида қадр-қимматга, эъзоз-икромга лойиқсиз. Сиз бизга журналистнинг илк қаламини тутқаздингиз, газетачилик сабоқларини чидам билан, устознинг қаттиққўллиги-ю қалб меҳри билан ўргатдингиз. Бугина эмас, биз сиздан чуқур халқчиллик, қатъиятлилиқ, дадиллик ва принципиалликни, одамийлик, дўстпарварлик, бағрикенглик ва беминнат саховатни, қарамни — ҳуллас, катта ҳаёт дарсини ўргандик ва ўргана-япмиз.

Буларнинг ҳаммаси учун сизнинг олдингизда биз ўзимизни бир умрга бурчли, деб биламиз ва сиз яратган мактабнинг шонли анъаналарини муносиб равишда давом эттиришга, уларни янада бойитишга бутун

кучимизни, билимимизни ва ижодий имкониятларимизни сарфлаймиз.

Сизга чин қалбимиздан узоқ умр, фароғатли ҳаёт, улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Журналистика бўлими қалдирғочлари номидан ҳаммаша миннатдор шогирдларингиз, ташаббускор гуруҳ аъзолари:

*Исмоил Сулаймонов, Расул Раҳмонов,
Тўлаган Нажмиддинов, Тоҳир Пидоев.
1979 йил, сентябрь».*

* * *

1996 йил 21 июнда 75 ёшга тўлишимга бағишланган юбилей тантанасида эълон қилинган мана бу ажойиб табрик менинг ҳаёт йўлимни, матбуотдаги ярим асрлик меҳнатим ва ижодий фаолиятимни тўла акс эттирувчи, барча матбуот ходимларининг фикрини ифода этувчи олижаноб ҳужжат бўлиб қолади, десам муболаға бўлмас. Менинг қадрдон дўстим ва укам, 1947 йилдан бери қадрдоним Ислон Шогўломов имзо чеккан бу табрикномани ўқиб кўриб, ўзингиз баҳо берурсиз:

«Хурматли Зиёд Исломович! Кутлуғ 75 ёшингиз, Тозагул келинойим билан ярим асрли ҳаётингиз тўйлари муборак бўлсин!

Бизнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернимиз ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаётган шу кунларда унинг тенгдоши, таъбир жоиз бўлса тақдирдоши, тарихдоши бўлган сиздек инсонни таваллуд тўйингиз билан қутлаш биз учун ўта мароқли ва шарафлидир.

Сизнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасидаги ижод даврингиз, «Тошкент ҳақиқати»ни халқ суйган нашрга айлантиришдаги ғайрат-шижоатингиз таҳсинга лойиқдир. Узоқ йиллар Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасини бошқардингиз. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг раиси сифатида ҳам ибратли ишларни амалга оширдингиз.

Мустақиллик шарофати билан эркин, озод ижод қилиш, ишлаш имконияти туғилганда яна сизнинг бой тажрибангиз, ташкилотчилик маҳоратингизга эҳтиёж сезилди. Шу улугъ ёшингизда Ўзбекистонда матбуотни қўллаб-қувватлаш Жамғармасининг биринчи раиси этиб тайинландингиз. Бозор иқтисодиёти туфайли қийин

аҳволга тушиб қолган нашрларни оёққа турғазишда баҳоли қудрат хизмат кўрсатдингиз.

Хурматли Зиёд Исломович!

75 йиллик таваллудингиз тўйида сизларга яна узоқ йиллар соғ-омон, елкама-елка, фарзандлар, набира-лар, абиралар бахтини, камолини кўриш насиб эти-шини Яратганнинг ўзидан тилаб қоламан, улуғ ёшларингиз асрдан ҳам зиёд бўлишига тилакдошман, доим саломат бўлинглар.

*Чин ҳурмат ва эҳтиром билан:
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
жамоаси номидан Бош директор
Ислом Шоғуломов».*

* * *

Мен 23 йил раҳбарлик қилган Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қутловини ҳам ўқиб кўринг:

«Муҳтарам Зиёд Исломович!

Сиз мустақил Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган кунининг 5 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган қутлуғ дамларда ўзингизнинг 75 ёшлик тўйингизни кенг нишонламоқдасиз. Бу қутлуғ ёш Сиздай отахон журналист учун ўзига хос тарих, ибрат мактаби, ижод гулшани, устозлик умридир.

Сиз «Тошкент ҳақиқати» газетасида тажриба орттириб, «Ўзбекистон овози» газетасида гуллаб-яшнадингиз. Ўз тажрибангиз, ижодингиз, раҳбарлик салоҳиятингиз билан кўпчиликка устозлик қилдингиз, намуна бўлдингиз.

Сизнинг ўзбек матбуоти олдидаги хизматларингизни ҳукуратимиз юксак қадрлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндорисиз.

Сизга, азиз Зиёд Исломович, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси сиҳат-саломатлик, узоқ умр, мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётидаги серқирра фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси».

ДАСТХАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Қалбни яралаш қийин иш эмас, аммо қалбга йўл топиш анча мушкулдир.

Қадрдонларимнинг қалбимга йўл топиб, эзгу ниятларини изҳор қилиб, самимий дил сўзларини ёзиб, менга тақдим қилган китоблардаги дастхатларини ўқиб кўринг-а!

Шароф аканинг «Дўстлик байроғи» китобидаги қуйидаги қалб сўзларини бир умр эсдан чиқариб бўлармиди:

«Дўстим ва укам Зиёд Исломович!

Сизга бир дунё меҳр ва садоқат билан автор:

Ш. Рашидов.

12.10.1967 йил. Тошкент шаҳри».

* * *

Ўзбек адабиётининг чинорларидан, оқсоқолларидан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг дастхатидан:

«Қадрдонларим прасидан сараланиб қолган болалик ўртоғим, тенгдошим Зиёд Исломовичга муаллифдан эсдалик.

Эҳтиром ва ҳурмат билан Саид Аҳмад.

«Танланган асарлар», 1-жилд. Тошкент, 2000 йил».

* * *

Оқибатли шогирдим ва садоқатли дўстим Мақсуд Қориевнинг «Илм ўз аслига азалсиз подшоҳликдир» китобига ёзган дастхати билан танишинг:

«Қадрдоним Зиёд Исломовичга!

Ўзбек алломалари ҳақида ёзган ушбу рисоламни ҳурмат ва эҳтиром билан Сизга тақдим этгим келди. Чунки мен қаламга олган ўзбегимнинг донишманд олимлари Сизга таниш ва қадрли, Сиз уларни жуда яхши билурсиз, суҳбатлашгансиз, дўстона давраларда улфатчилик қилгансиз.

Мен бўлсам, ўз китобим билан улар руҳини шод этган бўлсам, ўзимни бахтиёр, деб билурман.

Самимият билан Мақсуд Қориев.

1 март, 2004 йил».

* * *

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновнинг «Мустақиллик меъмори» деб номланган китобидаги дастхатини ўқиб кўринг:

«Ўзбек матбуотининг оқсоқол арслони Зиёд Исломовичга энг яхши тилаклар билан Озод Шарофиддинов. 6 март, 2003 йил».

Тошкент давлат педагогика университети доценти Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» деб номланган рисоласидаги дастхатини ўқинг:

«Ҳурматли ва азиз Зиёд ака! Сиз матбуотимизнинг фидойи жонкуярасиз. Ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида республикаимиз матбуотининг гуллаб-яшнашига, раванқ топишига улкан ҳисса қўшиб келаётган йирик ташкилотчи, толмас дарғаларимиздансиз. Бу хайрли ишларингизда Сизга янада катта зафарлар ёр бўлишига тилакдошман.

*Укангиз Асил Рашидов.
12 декабрь, 1992 йил».*

* * *

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг қалб сўзи:

«Ҳурматли Зиёд ака!

Чақалоқнинг дунёга келишига ота-она сабабчи бўлганидек, менинг журналист сифатида шаклланишимда Сизнинг хизматингиз буюкдир. Талабчан эдингиз. Лекин меҳрингиз ҳам беқиёс эди. Меҳр-шафқат билан бошимизни силар эдингиз. Сиздан умрбод миннатдорман.

*Эҳтиром билан укангиз, ҳам
шогирдингиз Худойберди Тўхтабоев.
30.12.2003 йил».*

* * *

Комил Яшин:

«Азизим Зиёд Исломович! «Ҳамза»нинг нашр этилишига катта ҳисса қўшдингиз. Сизга бир дунё ташаккур, узоқ яшанг, «юзнинг юзини кўринг». Ишларингиз ҳамиша ривож ва раванқ топгай.

*Сизнинг Комил Яшин
17.01.1983й. ».*

* * *

Зулфия:

«Зиёд Исломович, ҳурматли дўст ва ҳамкасб! Қалбимнинг бир ҳовуч меваси бўлмиш бу китобчани Сизга ҳурмат билан тақдим қилишга рухсат этгайсиз».

Зулфия, 26 июнь, 1962 йил».

* * *

Эркин Воҳидов:

«Азиз ва муҳтарам Зиёд ака! Бир укангиз меҳри ва эҳтиромини қабул қилинг.

Эркин Воҳидов. 23.V.80». («Узелок на память». Стихи.)

* * *

Абдулла Орипов:

«Адабиётимизнинг мураббийси, устоз Зиёд Исломовичга миннатдорлик билан ўғлингиз Абдулла Орипов».

(«Рухим» шеърлар тўплами).

* * *

Барот Бойқобилов:

«Ўзбек маданиятининг йирик арбоби, адабиётимизнинг садоқатли жонкуяри, қадрли Зиёд Исломович Есенбоевга!

Барот Бойқобилов. 11.08.82 й».

(«Шукуҳли карвон» китоби).

* * *

Муроджон Мансуров:

«Ҳурматли Зиёд ака!

Отамиз қила олмаган яхшиликларни Сиздан кўрганмиз. Ҳамиша Сиздан қарздор ва миннатдор шогирдингиз Муроджон Мансуров. 29.XI.81 й.».

(«Ҳамманинг яшагиси келади».

Қисса. Тошкент — 1980 й.)

* * *

Самар Нуров:

«Мени улкан ҳаёт дошқозонига етаклаб келиб, ҳам маънавий ҳам иқтисодий жиҳатдан мададкорлик қилган сезгир устозим, жамики ўзбек қаламкашларининг та-

лабчан, меҳрибон раиси — азиз ва ардоқли Зиёд акага.
Меҳр ва ҳурмат билан **Самар Нуров. 10.XII.82».**

(«Раис». Қисса.)

* * *

Фарида Усмонова:

«Қалбим тўрида ардоқлаганим, қадрдоним, устозим
Зиёд ака. Сизга бўлган чуқур ҳурматим рамзи ушбу
«Дил фарёдим»ни қабул этинг. Қўлимга қалам тутқа-
зиб, ижод кўчасига етаклаган Сиз бўласиз, бу рисола-
нинг дунёга келишида ҳиссангиз катта. Бир менмас
адабиёт даргоҳига қадам қўйган жуда кўп адиб, ади-
баларнинг устози, меҳрибонисиз. Баракали, мазмунли ум-
рингиз зиёда бўлсин. Умр йўлдошингиз Тозагул билан
нуронийлик гаштини суринг. Муаллиф: **Фарида.**

21.06.2001 йил».

**ЮБИЛЕЙ
ТАБРИКНОМАЛАРИ**



ТАБРИКНОМАЛАРДАН НАМУНАЛАР

Ҳурматли Зиёд Исломович Есенбоев!

«Ўзбекистонда ҳаммамиз учун энг сеvimли, азиз ва мўтабар кишимизсиз.

Таваллудингизнинг 80 йиллиги, меҳнат ва ижодий фаолиятингизнинг 60 йиллигини дўстларингиз, шогирдларингиз кувонч билан муборакбод этмоқдалар. Сермазмун ҳаётингиз ва ўта масъулиятли даврдаги ижодий фаолиятингиз фахру ифтихорга лойиқ. Замондош ва сафдошларингиз орасида ғоят оғир, нобоп замон машаққатларини енгиб, ўзбек халқи учун энг зарур ишларни амалга оширишга муваффақ бўла олган забардаст етук ижодкор журналистларнинг бирисиз.

Дастлаб «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» газеталарига бош муҳаррирлигингизда халқимиз бу нашрларни жуда севиб мутотала қилган. Сўнг зукко ақл ва беқиёс ҳушёр идрокингиз билан деярли чорак аср мамлакат матбуотида раҳбарлик қилдингиз.

Кейинги даврда «Ўзбекистон матбуоти» журнаliga бош муҳаррирсиз. Сиз яратган «Минг орол мамлакатиди», «Кўздан йироқ дилга яқин», «Ассалом, Ўзбекистон» каби ўнга яқин асарлар ва тўпламларингиз қаламкашлар учун ўзига хос мактаб ҳисобланади.

Пири-бадавлат хонадон соҳиби сифатида шу қутлуғ айёмга келишингизда умр йўлдошингиз Тозагул аянинг ҳиссаси ҳам катта. Олти фарзанд, ўн олти невара ва икки чеваранинг суюкли ота-бобосига айланиб, беқиёс қадриятга эга бўлгансиз. Ибратли оилангиз негизини ҳаммага ҳам насиб этишни тилаймиз. Турмушингизнинг ижобий намуналаридан келажаги буюк Ўзбекистон фуқароларининг барчаси баҳраманд бўлсин. Сиз эса аямиз ила 90 ёш билан тўқнашиб, 100 ёш билан юзлашиб, қўш аср умр кўринглар. Ҳозиргидек ҳаётингиз ва ижодингиз тағин ҳам гуркирайверсин.

Сизни илк ниятлар ва орзу хаваслар билан парваришлаб ўстирган азиз ота-оналарингизни Худо раҳмат қилсин, руҳлари ҳамиша шод ва ҳамроҳ бўлиб, қўллаб юрсинлар.

Кўпнинг бахтига мухлисларингиз кўнгилларини нурга тўлдириб яшайверинглар.

*Халқаро Шароф Рашидов фондининг
Марказий Кенгаши Раиси И. Жўрабеков.
Раис ўринбосари ва Фонд бош директори
О. Муҳаммадиев».*

«Муҳтарам Зиёд Исломович!

Сизни азиз ва муҳтарам устоз деб билгувчи мустақил Ўзбекистон ношир ва матбаачилари, забардаст «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси, шахсан ўз номимдан улуғ 80 ёшингиз билан самимий муборакбод этаман.

Зиёд ака! Ўзбекистон матбуотида XX аср тарихига ўз умрини тўла-тўкис бахшида эта олган фидойи инсонлар: зукко журналистлар, соҳибқалам ноширлар, меҳнатсевар матбаачилар, изланувчан раҳбарлар кўп, аммо Сиздеклари камдан-кам топилади. Хусусан, 50—60-йиллардан эътиборан мамлакатимизда журналистика ва ноширчилик ишини ривожлантиришда бир қанча етук устозлар майдонга кирдиларки, улар номларини эл-юрт яхши билади, ҳурмат қилади. Ўзбек матбуоти ходимларининг кейинги авлодлари ҳам босмаҳона ҳарф териш цехида, газета таҳририятларида, турли лавозимларда орттирган тажрибаларингиздан баҳраманд бўлганларки, таъбир жоиз бўлса, Зиёд ака билан бирга ишлашган, мулоқотда бўлган ҳар бир инсон ўзича фахрланиб, шуқуҳланиб юради.

Ўзбекистон матбуоти камоли йўлидаги 55 йиллик меҳнатингиз юртнинг қатор нишонлари ва унвонлари билан тақдирланиши баробарида тагин бир улуғ қадрият намоён бўлади. Сиз пири-бадавлат ота, бобо, катта бобо мартабасига ҳам етишдингиз, азиз Тошкентимизнинг нуфузли ва баобрў хонадонига сарварсиз!

Улуғ ёшингиз билан тагин бир карра муборакбод этарканман, ўзингизга, кеннойимга, фарзандларингизга, неvara-эвараларга ҳам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака тилайман.

*Самимият ила, меҳнат жамоаси номидан
Бош директор*

Бобур Алимов».

«К 80-летию Зията Исламовича Есенбаева.

**Ташкент, площадь Мустакиллик 6, Ассамблея.
Для Зията Исламовича.**

Дорогой Зият Исламович!

Я с приятным удивлением узнал, что Вы, по Вашему же выражению, перепрыгнули рубеж восьмидесятилетия. Я говорю с удивлением потому, что Вы совершенно не похожи на восьмидесятилетнего патриарха своего времени.

Поистине прожили большую, но исключительно плодотворную жизнь. Многие годы возглавляли главную газету республики, а затем столько же лет руководили министерством печати Узбекистана. Я слышал про Вас много добрых слов от многих друзей — узбекских писателей. Особенно бережно относились Вы к молодым талантам, поддерживали их и морально и материально. И теперь, будучи аксакалом узбекской интеллигенции, вы пользуетесь благодарной любовью всего народа Узбекистана, с такой же любовью и уважением мы чтим Вас в Вашем родном Киргизстане. От всей души желаю, чтобы Вы в этом почетном возрасте всегда оставались по-юношески энергичным, веселым, общительным. Теперь Вам остается столкнуться с девяностолетием и увидеть лик столетия.

*Чингиз Айтматов,
Брюссель. 15 июня 2001 г.»*

«Қадрдон Зиёд Исломович!

70 ёшга кирган ва ижодий фаолиятингизга ярим аср тўлган кунда республикамиз журналистлари ва ноширлари номидан Сизни қизғин ва самимий табриклаймиз, қўтлаймиз!

Ўзбекистон журналистлари ва матбаачилари Сизни матбуотимиз фахрийси, жонқуяр намояндаси ва оташин тарғиботчиси сифатида танийдилар ва ғоят ҳурмат қиладилар.

Сиз оддий мухбирликдан бош муҳаррирликка, Ўзбекистон нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат қўмитасининг раислигигача бўлган ўта масъулиятли ҳамда шарафли йўлни босиб ўтдингиз.

Сизни фаол жамоатчи сифатида ҳам яхши биламиз ва жуда қадрлаймиз. Узоқ йиллар Сиз Ўзбекистон жур-

налистлар уюшмасига раҳбарлик қилдингиз, унинг самарали ишлашига катта ҳисса қўшдингиз.

Республика матбуотига қўшган беқиёс ижодий ҳиссангиз учун Сизга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди, ҳамда Беруний номи Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлдингиз.

Сизни яна бир бор бугунги муборак кунингиз билан қўтлаймиз, сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилаймиз.

*Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси бошқаруви,
Ўзбекистон Матбуот қўмитаси.
1991 йил, июнь».*

«Азиз ва муҳтарам Зиёд Исломович!

Ҳаёт ғоят катта ва бетакрор мактаб. Ҳар бир инсон фаолиятини ҳам шу мактаб белгилайди. Ота-онанинг болани дунёга келтириш, ўстириб, улғайтириш ва оқил фарзанд қилиб етиштиришдек бурчи бўлса, ҳаёт у болага насиб этган муҳит, тарбия шароити ва уни қўршаган одамлар меҳриғиёси туфайли камол топтириш, жамиятга фойдали одам бўлиб етиштириш омилидир. Шу мантиққа кўра, мен ўз ҳаётимга шукроналар айтаман. Ахир Самарқанд вилоятининг бир қишлоғида туғилиб, олий маълумот олгандан кейин Тошкент шаҳрида «Ўқитувчи» нашриётида оддий бир муҳаррир сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган ва қирқ йил давомида ижодкор зиёлилар орасида ўз ўрни ва қадрқимматини топган каминанинг камолотида, Сиздек хотамтой ва мумтоз устозимнинг ҳам хизматлари бисёр.

Муҳтарам устоз! Сиз ўзингизнинг кўп йиллик нури ҳаётингизда менга ўхшаган қанчадан-қанча ёшларга раҳнамо, бошпана бўлганингизни яхши биламиз. Шу боис менинг қадрдоним, республикамизда таниқли, дилингизга яқин шоир Нормурод Нарзуллаев куйидаги кутлов сатрларини бағишлайди.

*Қўлларимиз кўксимизда деймиз қучиб:
«Бўлсин қутлуғ, муборак тўй, мумтоз устоз!»*

*Чин инсонсиз, буюк зодсиз, бизга устод,
Меҳнат билан элда обрў, эъзоз, устоз!*

*Оллоҳ сизга қалам тутмиш, бермиш юрак,
Илҳом билан кўнгуллар жўр овоз, устоз.*

*Сўз сеҳридан, қалб меҳридан олам равшан,
Ярашади сорлочинга парвоз, устоз!*

*Сиз — чинорсиз, биз — ниҳолмиз, томир битта,
Юрмас дорда ҳеч лангарсиз дорбоз, устоз.*

*Яхшиликдан сиз бердингиз бизга сабоқ,
Биз қўйганмиз чин юракдан ихлос, устоз.*

*Умр боғи хазон билмас, Тоза гул бор,
Ишқ-муҳаббат, вафо сизга ҳамроз, устоз.*

*Омон бўлсин тилла бошлар, қора кўзлар,
Умрингизни куйлаб ўтсин тор, соз, устоз.*

*Сизни қутлаб, гуллар тутиб, деймиз бугун:
«Бўлсин олтин тўй муборак, мумтоз устоз!»*

Суюкли устоз Зиёд Исломович!

Табаррук 75 ёшингиз ҳамда Тозагул опам билан турмуш қурганларингизга 50 йил тўлиши — олтин тўйларингиз билан чин қалбдан табриклайман! Оллоҳ Сизни юз ёш билан юзлаштириб, доимий баҳорий кайфият, оилавий фароғат ато қилсин, кексалик гаштини берсин!

*ЎзР ФА «Фан» нашриёти жамоаси
номидан содиқ шоғирдингиз Наримон Ҳотамов.*

Тошкент, 21 июнь, 1996 й.

«Қадрли Зиёд Исломович!

Кимники қалбида не туйғую синоатлар бўлса, шунга яраша умри, ризқу баракаси бўларкан. Улугвор қалбингизга яраша меҳридарёсиз, эзгу тилакларингиз ўзингизга ҳам ижобат бўлаётгани бунинг далили. Кўплаб шоғирдларингиз дилига Сизнинг эзгу тилакларингиз алақачон жо бўлиб кетган. Яхшиларга тилакларингиз: «...олтмишдан ошиб, етмишга етиб, саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашинг». Шукроналар бўлсинки, ўзингиз йигитлардек олтмишдан ошиб, етмишга етган эдингиз. Мана, бугун қутлуғ 75 ёшдасиз, насиб айласа, саксондан сакраб, юз билан юзлашасиз.

Сизга боқий умр, мустаҳкам соғлиқ тилаб,

*Тошкент вилояти Матбуот бошқармаси
бошлиғи Шавкат Миролимов.*

1996 йил, 21 июнь.

«Уважаемый Зият Исламович!

Ну кто же поверит, что Вам сегодня — семьдесят?

Полный энергии и оптимизма, Вы продолжаете главное дело своей жизни — на посту главного редактора журнала «Узбекистон матбуоти» служите журналистике, людям, воспитываете новые и новые поколения трудной нашей профессии.

Но для этого надо было совершить еще один жизненный подвиг — с оружием в руках отстаивать свободу и независимость нашей Родины.

С ноября довоенного 1939 года ушел литературный сотрудник самаркандской газеты Зият Есенбаев в ряды армии, и оставался в ней до апреля 1946 года. С первых дней нападения фашистов на нашу Родину Вы встретили их лицом к лицу. С боями шли до Кенигсберга, а потом через горные вершины Большого Хингана, через всю Маньчжурию, — до священного Порт-Артура.

С боями прошли Вы победный путь Западного, Калининского, 3-го Белорусского, Прибалтийского, Забайкальского фронтов.

Провожая Вас на родину с победой, командование 39-й армии напутствовало Вас, своего боевого товарища: «Мы уверены, что и на фронте мирного труда, как и на боевом фронте, Вы будете примерным, честным борцом за процветание Родины, за ее честь и славу».

И это был действительно фронт — газетная работа. В разное время Вы руководили газетами, долгие годы возглавляли Государственный комитет Узбекистана по делам издательств, полиграфии и книжной торговли, Союз журналистов Узбекистана.

Родина высоко оценила Ваш ратный и мирный труд.

Заслуженный работник культуры республики, лауреат Государственной премии Узбекистана имени Бегруни, Вы всегда оставались прежде всего профессионалом журналистского корпуса. И не было у Вас второстепенного на этом поприще — от острого слова публициста, исследования проблем нашего творческого союза до крупных журналистских акций, которые проводились под эгидой МОЖ — Международной организации журналистов.

Вы и теперь — на передовой. Задор молодости и мудрость зрелости слились сегодня в нашем товарище и друге — Зияте Исламовиче Есенбаеве.

Здоровья, удачи и счастья Вам на этом пути, из-

бранном с юношеских лет, — отстаивать правду и справедливость. На передовой. В журналистике.

Коллектив редакции «Правды Востока».

21 июня 1991 года».

Телеграмма

«Дорогой Зият Исламович!

Коллегия Госкомиздата сердечно поздравляет Вас с шестидесятилетием со дня рождения! Вся Ваша трудовая биография связана с работой в печати, где Вы прошли большой путь от литературного сотрудника до редактора республиканской газеты. В годы войны Вы проявили мужество и героизм, сражаясь за свободу и независимость нашей Родины. Ваши воинские заслуги отмечены боевыми орденами и медалями. Ваши лучшие качества государственного деятеля особенно ярко проявились на посту председателя Госкомиздата Узбекистана, возглавляемого Вами со дня его основания. С Вашей деятельностью связаны становление, развитие и успехи книгоиздательского дела в республике. Книгоиздание республики вносит значительный вклад в воспитание трудящихся Узбекистана. Родина по достоинству оценила Ваши боевые и трудовые заслуги, наградив орденами и медалями. Желаем Вам, дорогой Зият Исламович, крепкого здоровья и больших творческих успехов!

Москва, Председатель Госкомиздата

Б. И. Стукалин.

18 июня 1981 г.».

«Глубокоуважаемый Зият Исламович!

В день Вашего шестидесятилетия примите самые искренние и сердечные наши поздравления с этой славной жизненной датой!

Для нас, работников центрального аппарата, Вы были и всегда будете не просто замечательным руководителем, сочетающим в себе строгую требовательность и непоколебимую принципиальность с отеческим вниманием и заботой о подчиненных, но прежде всего человеком доброй и щедрой души, всегда распахнутой навстречу людям.

Журналист, воин, редактор, государственный и общественный деятель, Вы воплощаете в себе лучшие

черты человека, для которого интересы государства, народа всегда были и будут превыше всего, составляли и всегда будут составлять основной смысл и главное содержание жизни.

Мы гордимся тем, что нам выпало счастье работать под Вашим руководством, выполнять Ваши поручения, ежедневно с Вами общаться. Уже одно это — большая жизненная школа для каждого из нас, ибо Вы — как раз тот человек, у которого есть чему поучиться и с кого следует брать пример.

Со дня образования комитета Вы вот уже восемнадцать лет возглавляете многотысячный коллектив издателей, полиграфистов, распространителей книг, умело мобилизуете и направляете его на решение больших и ответственных задач.

Под Вашим руководством год от года крепнет и совершенствуется материально-техническая база узбекского книгоиздания, повышается художественный уровень печатных изданий. Книги с марками узбекских издательств успешно соперничают с лучшими образцами отечественного и зарубежного книгоиздания на всесоюзных и международных конкурсах и выставках, пользуются всевозрастающим спросом у читателей.

Дорогой Зият Исламович!

В этот памятный для Вас день мы от всей души желаем Вам богатырского здоровья, счастливого долголетия, творческих дерзаний, новых замечательных успехов на поприще книгоиздательства, журналистики, в общественной и государственной деятельности.

Коллектив Госкомиздата Узбекистана».

«Председателю Государственного комитета Узбекистана по делам издательств, полиграфии и книжной торговли **Есенбаеву Зияту Исламовичу.**

Уважаемый Зият Исламович!

Узбекский республиканский совет профессиональных союзов сердечно поздравляет Вас со знаменательным событием в Вашей жизни — 60-летием со дня рождения и 43-летием трудовой деятельности.

Лишь немногим удается создать биографию своими руками. Ваше рано проявившееся призвание к литературному труду определили весь смысл Вашей жизни, подчинили ее одной задаче, выработали твердый взгляд

на журналистскую и литературную деятельность, как на служение народу.

Вы закончили техникум печати и Республиканскую газетную школу, Ташкентский госпединститут, работали литературным сотрудником. Ваше сильное и верное перо, тонкая наблюдательность, острая мысль привлекали к Вашим корреспонденциям и репортажам неизменное внимание читателей.

В годы войны Вы с честью исполнили трудный воинский долг. За проявленный героизм и мужество в боях против немецко-фашистских захватчиков и японских милитаристов Вы награждены боевыми орденами, многими медалями.

Многообразие творческих направлений, живое, динамичное развитие Вашей деятельности способствовали выдвижению Вас на должность редактора областной и республиканской газет. С 1963 года Вы — председатель Государственного комитета Узбекистана по делам издательств, полиграфии и книжной торговли.

Масштабность времени, в которое мы живем, грандиозность планов экономического и культурного строительства потребовали от Вас удвоенной активности. Творчески освоенный опыт, сосредоточение усилий на магистральных направлениях дали интенсивное развитие отрасли. Достигнут значительный подъем издательского дела, внедрены современная технология и техника в полиграфическое производство, расширилась книжная торговля.

Книги, издаваемые в Узбекистане, получили широкое признание отечественного читателя, вышли на международный рынок.

Вам свойственна, уважаемый Зият Исламович, чуткость к движению времени, глубокое понимание современности, ее проблем и забот. Работник высокого ранга, сильный, радушный, добрый человек, в духовном мире работников печати Узбекистана Вы тот самый магнит, который в истинных исканиях показывает без назидательности и наставлений тропинку к высокому мастерству и человеческому совершенству.

Вы умело сочетаете руководящую и многогранную общественную работу. Вы являетесь автором ряда работ по вопросам развития печати в Узбекистане, одним из участников авторского коллектива создателей Узбекской Энциклопедии.

Желаем Вам, уважаемый Зият Исламович, доброго здоровья, личного счастья, новых творческих успехов в работе.

*Узбекский республиканский совет
профессиональных союзов.*

Июнь 1981 г.».

* * *

*70, 75, 80 йиллик юбилейларга
бағишланган уч ҳисобот*

ЖУРНАЛИСТЛАР ОТАХОНИ

1991 йил 21 июнь куни уруш ва меҳнат фахрийси, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон матбуоти» ойномасининг Бош муҳаррири Зиёд Исломович Есенбоевнинг табаррук 70 ёшга тўлган куни нишонланди.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фарида Абдурахимова юбилей кечасига бағишланган тантанали мажлисни очтуриб, Зиёд Исломович Есенбоевнинг босиб ўтган ижодий йўли, меҳнат фаолияти, республика журналистлар уюшмасини ташкил этганлардан бири эканлиги ҳақида қисқача гапириб, юбилярни самимий табриклади.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Республика Кенгашининг раиси Расул Фуломов, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг раиси Убайдулла Абдураззоқов, Ўзбекистон Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш қўмитаси раисининг ўринбосари Саидакром Саидвалиев, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Расул Раҳмонов, «Правда Востока» рўзномасининг бош муҳаррири Рубен Сафаров ва «Халқ сўзи» рўзномасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторовлар ҳам сўзга чиқиб, юбилярнинг катта ташкилотчилик қобилияти ва инсоний фазилати ҳақида илиқ, жуда самимий фикрлар айтишди. Нашриёт директори Ислон Шоғуломов, «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг муҳаррири Нўъмонжон Насимов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шабот Хўжаев Зиёд Есенбоевни забардаст, етук

ва бағри кенг, меҳри дарё устоз, иродали инсон ва талабчан раҳбар сифатида таърифлашди. Ҳамқишлоқлари ва маҳалладошлари номидан сўзга чиққан Неъмат Соатов ва Абдурашид Қажумовлар Зиёд акани 70 йиллик тўйи муносабати билан дилдан қутлаб, юбилярнинг одамохунлиги, мардлиги, меҳмондўстлиги ва инсонпарварлиги тўғрисида қизиқ мисоллар келтиришди.

Республикамизнинг етакчи газеталари юбилярни табриклаб мақолалар эълон қилди.

ЭҲТИРОМ

1996 йил 21 июнда Навоий кўчасидаги «Ўзбекистон» нашриётининг катта мажлислар залида Ўзбекистон матбуоти, журналистикаси ва матбаачилигининг фидойиларидан бири, «Ўзбекистон матбуоти» журнаlining бош муҳаррири Зиёд Исломович Есенбоев таваллуд топган кунга 75 йил тўлиши муносабати билан тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Журналистлар уюшмаси, уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари республика кенгаши ва матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви ўтказди.

Юбилей мажлисида пойтахтимиздаги барча газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, таниқли журналистлар, нашриёт ва босмахона директорлари, телевидение, радио ва китоб савдоси ходимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, Зиёд аканинг энг яқин дўстлари, маҳалладошлари, ҳамқишлоқлари, қавму қариндошлари қатнашдилар. Тантанали мажлисни кириш сўзи билан Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломов очди ва олиб борди. У Зиёд Исломовичнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, Ўзбекистон матбуотини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, Давлат матбуот қўмитасига 20 йилдан ортиқ раислик қилгани ва баракали, самарали меҳнати ҳақида гапириб, Давлат матбуот қўмитасининг адресини ва совғасини топширди.

Биринчи табрик сўзи «Ўзбекистон овози» газетасига қарийб 24 йил бош муҳаррирлик қилган Мақсуд Қориевга берилди. У «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳрир ҳаётининг аъзоси ва «Меҳригиё» газетасининг бош муҳаррири сифатида журнал бош муҳаррири Зиёд Есенбоевни жамоа номидан тўлқинланиб табриклади.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси кенгаши номидан Ориф Алимов, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабоев, «Ўзбекистон овози» номидан газета бош муҳаррири Азим Суюн табрик қилдилар.

«Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Ёзувчи», «Меҳнат», Фафур Гулом, Чўлпон, Ибн Сино, Абдулла Қодирий номидаги нашриётлар номидан «Ўзбекистон» нашриёти директори Шомуҳиддин Мансуров жуда илиқ сўзлар айтиб, юбилярни қутлади. Тошкент полиграфия комбинатининг бош директори Марат Ғойибов ижарадаги матбаа комбинати, Тошкентдаги биринчи босмахона, рангли босма фабрикаси, Янгийўл китоб фабрикаси, Тошкент китоб-журнал фабрикаси, «Тезкор» босмахонаси жамоаларининг қалб сўзларини етказди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти, Қомуслар Бош таҳририяти, «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси, «Ўзбланкнашр» номидан «Фан» нашриёти директори Наримон Ҳотамов, Ўзбекистон Миллий китоб палатаси, «ЎзТошкитоб» бирлашмаси, матбаа таъминот фирмаси, Давлат матбаа лойиҳа илмий-текшириш институти, Таъмирлаш-қурилиш бошқармаси (РСУ), кўмитанинг автокорхонаси номидан «ЎзТошкитоб» бирлашмаси раиси Аваз Ғуломов сўз олди ва Зиёд ака ҳақида завқланиб гапирди.

Ўзбекистон олимлари, адабиёт ва санъат ходимлари номидан филология фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматов ва Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг ўқитувчи-талабалари номидан университет журналистика тарихи кафедрасининг мудири, «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси Тоҳир Пидаев сўзга чиқди. «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири Шавкат Ниёзов, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Эркин Эрназаров, Наманган вилояти матбуот бошқармаси бошлиғи Омонулла Қамбаров, Тошкент вилоятининг матбуот бошқармаси бошлиғи Шавкат Миролимов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Фатхиддин Муҳиддиновлар табрик сўзларини изҳор этдилар.

Табрик навбати Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси Рўзмат Сафоевга, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ҳайъатининг аъзоси, бош директор ўринбосари Тўхтасин Бобожоновга келди.

Юбилярни Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттиришлар компанияси раисининг ўринбосари Абдусид Кўчимов, Қибрай тумани ҳокимлиги, Дўрмон қишлоғи аҳолиси номидан Қибрай тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раисининг ўринбосари Нишонбой Тўхтаев, Юнусобод тумани «Оқибат» маҳалласининг оқсоқоли Абдурашид Қаюмов, «Юлдуз» акционерлик жамияти раиси Абдуваҳоб Тошпўлатов, оқсоқоллар номидан Ғайниддин Нажимов, Солижон Марасуловлар табриклашди.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти мажлислар залида 2001 йил 21 июнда «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири Зиёд Ислом ўғли Есенбоев таваллудининг 80 йиллиги ва журналистик ижтимоий фаолиятининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Давлат матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломов бошқарди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси бошқарувининг раиси Хуршид Дўстмуҳаммад юбилярнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида маъруза қилди.

Рустам Шоғуломов Давлат матбуот қўмитаси номидан самимий табриклаб, Зиёд акага қутлов адреси топширди ва зар чопон кийгизди. Қўмита тизимидаги барча нашриётлар, босмаҳоналар, китоб савдоси ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳам ўз совғаларини топшириб, юбилярни самимий қутладилар.

Сўнгра сўз Ислом Шоғуломовга берилди. Гофур Юсупов республика уруш ва меҳнат фахрийлари номидан табриклаб, юбилярга Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг адреси ва совғасини топширди.

Сўз навбати «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Азим Суюнга келди. У республикамиздаги барча газета ва журнал таҳририятларининг табрик сўзларини ва совғаларини етказиб, тўлқинланиб гапирди. Зиёд Исломовичнинг 60 йиллик ўртоғи Саид Аҳмад сўз олганида залда жонланиш бошланди, у жуда завқланиб, ҳаммани кулдириб гапирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Одил Ёқубов машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг табрик теле-

граммасини кўтаринки руҳ билан ўқиб эшиттирди ва унинг етти жилдлик асарлар тўпламини қорақалпоқ халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов билан биргаликда топширди. Зиёд аканинг қадрдон дўсти, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси сардори, қарийб 30 йилга яқин шу муқаддас даргоҳни бошқариб келган Убайдулла Иброҳимов сўз олди. Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла Наманган вилоят ҳокимининг табригини топширди.

«Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Шўҳрат Жабборов, Ўзбекистон Миллий Давлат университети журналистика факультети доценти Мухтор Худойкулов ва «Оқибат» маҳалласи оқсоқоли Жўра Аъзамовлар ҳам сўз олиб, юбилярни самимий табрик этдилар.

Республикамызда нашр этилаётган кўпгина газеталар Зиёд аканинг 80 йиллик юбилеи ва журналистик ижтимоий фаолиятининг 60 йиллиги муносабати билан махсус мақола, очерк ва лавҳалар эълон қилдилар.

Тантанали йиғилиш жуда завқли, файзли ва самимий ўтди.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИ ЖАМОАСИНИНГ ТАБРИГИ

«Мухтарам Зиёд Исломович!

Ҳаёт қонуни ажойиб: инсон бир кун келиб қадрдон ишхонаси, суяниб қолган азиз ҳамкасблари, биродарлари билан хайрлашиш, оила даврасида, дўстлари билан умргузаронликни давом эттириш орзуси билан яшайди. Шунинг учун Яратгандан доимо илтижо қилади. Ҳаётингизда рўй бераётган ана шундай файзли дамда биз Сизга ўзимизнинг энг самимий тилакларимизни, дил сўзларимизни тўхфа этиш ниятидамыз.

«Ҳар бир кишининг ақл-идроки ва заковати унинг сўзидан ва қилган ишидан маълум бўлади», деган Шарқ донишмандларининг ҳикматли сўзлари бор. Сизни ана шундай таърифга арзигули, муносиб инсон сифатида эътироф этамыз. Сиз умрингизни, қайноқ қалбингизни, ғайрат-шижоатингизни республикамыз матбуоти ва матбааси равнақига бахшида этиб, кам бўлмадингиз, эл-юрт орасида, қаламкаш дўстлар, кўпдан-кўп шоғирдлар ўртасида катта обрў-эътибор қозондингиз, эҳтиромга сазовор бўлдингиз.

Истиқлолдан кейин ҳам Сиз ёшларга хос жўшқинлик, ғайрат-шижоат билан ишлаб, барчамизга ибрат бўлиб келдингиз. Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиб, унинг оёққа туришига, қанот ёйишига салмоқли ҳисса қўшдингиз. Жамғарма бошқарувининг раиси сифатидаги фаолиятингизни «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири вазифаси билан қўшиб олиб бордингизки, биз, журнал ходимлари бунга яхши биламиз. Ажойиб меҳнатингиз «Эл-юрт ҳурмати» ордени, Истиқлолнинг 10 йиллиги эсдалик нишони билан тақдирланди.

Сиз билан ўн йил мобайнида елкама-елка туриб, ака-ука, устоз-шогирд бўлиб садоқат билан ишладик. Сиздан саховат кўрдик, эл-юртни танидик, журналнинг нуфузини оширишга озми-кўпми ҳисса қўшдик. Бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Муҳтарам Зиёд Исломович!

Табаррук 80 ёшингиз арафасида босмадан чиққан «Матбуотга бахшида умр» китобингиз биз учун ҳаёт дарслиги бўлиб қолади. Ушбу китобда Сиз журналистика касбини масъулияти ва машаққатлари ҳақида мароқ билан сўз юритиб, «Ўзбекистон матбуоти» журнали ҳақида ҳам самимий, ошкора фикр-мулоҳазаларингизни баён этдингиз.

Зиёд Исломович! Сизни 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йилида фахрий дам олишга кузатиб қўймоқдамиз. Зеро, бунда рамзий маъно бор: Сиздек улут инсон ўз меҳнатининг қадрига етиб, шогирдларга эстафетани топширяпти, мустақил диёримизнинг келажаги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга чорляпти. Устоз, биз Сизнинг ишончингизни оқлаймиз, деб ишонтирамиз. Сиз, муҳтарам устоз, бизнинг фахрий бош муҳарриримиз бўлиб қоласиз.

Муҳтарам Зиёд Исломович! Яна узоқ йиллар соғомон бўлинг. Тозагул аямиз билан ҳаёт кечириб, дўст-биродарларингиз, шогирдларингиз, оилангиз ва фарзандларингиз бахтини кўриш насиб этишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Эҳтиром билан

Бош муҳаррир ўринбосари — масъул котиб А. Абдуллаев.

Бўлим муҳаррири Ҳ. Султонова.

Мухбир Н. Сулаймонова.

Ходим А. Имомназаров.

Бош ҳисобчи М. Нурмуҳамедова.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 15 февраль».

**МЕН ҲАҚИМДАГИ
МАҚОЛАЛАР**



ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

*Матбуотимиз сардорларидан бири Зиёд Есенбоев
таваллуд топган кунга 75 йил тўлди.*

Хонага кириб, «у ёқ бу ёқни тўғрилаб», энди иш бошламоқчи бўлиб тургандик. Шу пайт йўлакда бирдан нига гулдираган товуш эшитилди. Ўзаро баҳс, кулги янгради. Ким экан бу таниш овоз, деб қизиқиб ташқарига чиқдик. Ҳаммамизга таниш бўлган қадрдон Зиёд ака Есенбоев ўртада савлат тўкиб турар, у кишининг атрофини шогирдлари ўраб олишган эди.

— Шу томонга йўлим тушган эди, — деди Зиёд ака, — сизларни бир кўриб ўтай дедим-да, ҳаммаларинг яхши юрибсизларми, соғ-омонмисизлар?

— Раҳмат...

Муҳаррир Зиёд акани хонага бошлади. Бизлар ҳам у кишининг орқаларидан эргашдик. Ўша ерда суҳбат яна давом этди. Ўтган ишлардан гаплашдик. Раҳматли бўлиб кетганларни эсладик. Устоз таҳририятимиз томонидан қилинаётган яхши ишлар, тажрибаларни қайд қилиш билан бирга айрим маслаҳатларни ҳам бердилар. Сўнг узр, сизларни ишдан қўймай, деб хайрлашдилар. Биз у кишини кузатиб қўйдик.

...Мен ўйга толдим. Газетачилик касбига, шогирдларга, дўстларга садоқат шунчалик бўлади-да. Хўп ажойиб, камтар, камсуқум, ширинсухан инсонда бизнинг Зиёд ака!..

Зотан «Тошкент ҳақиқати»нинг номи, шаклланиши, қолаверса, унинг савиясию обрўси Зиёд аканинг номи билан боғлиқ десак, муболаға бўлмас. Бунга осонликча эришилмади. Газета 1954 йилда қайтадан ташкил этилиб, нашр қилишга киришилганда шароит анча оғир эди. Бу ёғини айтадиган бўлсак, бутун бошли газета бор-йўғи 5—6 киши билан иш бошлаган эди. Ана шундай оғир дамда Зиёд аканинг ўзи енг шимариб, ҳаммага бош-қош бўлди. Одамларни уюштириб, сафарбар қила билди.

— Ҳали кўрасизлар, — дерди Зиёд ака, — қийин дамлар ўтиб кетади, сафларимиз тўлади. Ўзимизнинг

йўлимизга тушиб оламиз. Газета ўз ўқувчисини топади. Қўлма-қўл бўлади. Мен аминманки, сизларнинг ора-ларингиздан етук журналистлар етишиб чиқади.

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Зиёд Есенбоев йил-лар оша газетачиликда ўзига хос мактаб яратди. Бу мактабда сабоқ олган унинг кўп шогирдлари республика газеталарига етакчилик қилдилар. Бошқа турли хил лавозимларга кўтарилдилар.

Вақти келиб Зиёд Есенбоевнинг ўзини республика-нинг энг катта газетасига муҳаррир қилиб тайинла-дилар.

Эсимда, Есенбоевни бу лавозимга кузатиш биз учун ҳам фахрли, ҳам жуда «оғир» бўлди. Ахир у киши ҳар биримиз учун ниҳоятда қадрдон инсон бўлиб қолган эдиларда. Бағримиздан бир парча этимиз юлиб олина-ётгандек, ҳис қилган эдик ўзимизни. Зиёд ака ўшанда ҳаяжон билан, кўзларига ёш олиб гапирдилар:

— Лекин сизларни ишонтириб айтай, қаерда бўлмай, қайси лавозимда ишламай сизлар билан ҳами-ша бирга ҳисоблайман ўзимни...

Чиндан ҳам устоз республика газетасига узоқ йил раҳбарлик қилганларида ҳам, матбуот комитетини бош-қарганларида ҳам ҳар доим яхши кунларимизда, маъ-ракаларда йўқлаб, байрамларда катта бошларини ки-чик қилиб, бизнинг боришимиз ўрнига ўзлари келиб, қутлаб табриклаб, бола-чақамизни суриштириб, хол-аҳвол сўраб, яхши сўзлар айтиб, кўнгилларимизни кўта-риб, руҳлантириб кетардилар. Мана бугун ҳам шундай бўлди...

Биз шогирдлар у киши билан бирга ишлаган кез-ларимизни сира-сира эсдан чиқармаймиз. Онгимизда, фаолиятимизда қандай яхши фазилатлар, маҳоратлар камол топган бўлса, бунда, ҳеч сўзсиз, устознинг хиз-матлари беқиёсдир.

— Бир-бирларингизга меҳрибон, ҳамдард бўлинг-лар. Тўйга, маъракага борсаларинг, уюшиб, биргала-шиб, кўплашиб боринглар, бунда ҳикмат кўп!

— Фалончи тоби қочиб, касалхонага тушиб қолиб-дими? Бориб кўрдингларми?

Устоз бундай гапларни айтиб, эслатиб туришдан чарчамасдилар. Зиёд ака ишлаган кезларда сайқал то-пиб, такомиллашиб, жамоанинг обрў-эътиборини оширган уюшқоқлик, жипслик, меҳр-оқибат, катта-ларга ҳурмат, кичикларга иззат сингари фазилатлар

бугунги кунда ҳам жамоанинг энг яхши анъанаси бўлиб қолганки, ҳали ҳам бу борадаги ишларимизга одамлар ҳавас билан қарашади, гапиришади.

Бир куни жамоа йиғилишида мени қаттиқ танқид қилдилар. Газетага ишга кирганимга ҳали кўп вақт бўлмаганди ўшанда. Шунинг учун тўғриси анча ранжидим. Руҳим тушиб кетди. Буни Зиёд ака сезган эдилар. Бирдан хоналарига чақириб қолдилар.

— Ука, — дедилар, — ортиқча гапириб юборган бўлсам, узр. Лекин мен бу гапларни «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида ҳам гапирдим. Ўзингга кераклисини ол. Қолганини...

Анча руҳим кўтарилди.

Ана шунақа ҳам талабчан, ҳам сезгир, ҳам ҳушёр эди ишда бизнинг Зиёд ака.

У киши иродаси кучли, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута биладиган, энг оғир дамларда ҳам тушқунликка тушмай, ҳаётга зўр умид билан қарайдиган инсондир.

Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Яхши кўпчиликка манзур бўладиган мақола ёзиш игна билан қудуқ қазигандек машаққатли иш эканлигини, журналистлик касби ниҳоятда оғирлигини ўзининг бошидан кечирган, амалда ҳис қилган устоз матбуотчилар, газетачилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг хизматини элга кўрсатиш, тажрибаларини ёйишни ўз бурчи, деб биларди. Иложи бўлса уларнинг заҳматли меҳнатини тарих зарварақларига муҳраб қўйишни орзу қиларди. Матбуот қўмитаси раиси лавозимида ишлаганида ҳам, кейинчалик матбуот жамғармаси раиси лавозимига тайинланганда ҳам бу орзусини амалга ошириш учун астойдил киришди. Елди, югурди, керакли ташкилотлар, мутасаддилар билан учрашди. Жойлардаги шоғирдларга топшириқлар берди. Натижада «Матбуотимиз фидойилари» номи билан иккита китоб чоп этилди. Бу китобларда республикамиздаги энг кўзга кўринган, таниқли, етук журналистларнинг ҳаёти, ижоди, тажрибалари, иш услублари ўз аксини топди.

Бугун устоз таваллуд топган кунларининг 75 йиллиги, умр йўлдошлари Тозагул Хўжан қизи билан турмуш қурганларига 50 йил тўлиши — олтин тўйлари муносабати билан дўстлари, биродарлари, энг яқинлари, маҳалла-қўйларни ёзилажак дастурхонга лутфан таклиф этганлар. Журналистларга, газетачиларга эса

алоҳида ҳурмат-эътибор ва тақаллуф билан: «Албатта келинлар, уйимизнинг тўри сизларники», деб айтмоқдалар. Биз эса у кишининг ўзлари кўп айтадиган гапларини қайтарамиз: «Саксондан сакранг, тўқсон билан тўқнашинг, юз билан юз кўришинг, у ёғини яна бир ўйлаб кўрарсиз. Сиз ҳамиша қалбимизнинг тўридасиз», деб айтамиз.

*Носир Рихсиев,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.*

ЯХШИ УСТОЗ НОМАРДДАН ҲАМ МАРД ЯСАЙДИ

Одабийлиги, кишиларга меҳри, садоқати баланд бўлгани туфайлими жуда кўпчилик Зиёд Исломовични чин юракдан ҳурмат қилади. Устоз, деб давра тўрига чиқаришади. Журналистлар отахони сифатида хушлашади, эъозлашади.

Фариштаси бор бу камсухан, камтар инсонни ўта одобли, камолотли, деб тўғри айтишади. Зиёд ака чиндан одобли, камолотли, чунки ўз мафкурасини доим бутаб юривчи, эгри йўлдан ўзини тийиб, тўғри бўлган адолат ва ҳақиқат йўлини танловчи ақл эгасидир.

Идрок, фаросат, меҳр-саховат, мурувват ҳақида гап кетгудек бўлса, нафақат журналистлар, балки китобхонлар даврасидагилар ҳам бундай ажойиб фазилатларни Зиёд Исломовичдан ўрганиш керак, деб айтишади. Бу ҳақиқатга мен ҳам жон деб қўшиламан.

Виждонигагина қул бўлган, фақат яхшилик экадиган, Зиёд ака ўз меҳнати ва феъл-атвори билан шу мартабага эришди. Бир неча йиллар ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига бош муҳаррирлик қилганлари ҳам, Давлат Матбуот қўмитасида раислик қилганларида ҳам олижаноблик, олийҳимматлиликини сақлаб қолдилар. Йигитларга хос тетиклик, ширин муомала, дўстлар билан ҳазил-мутойибага ўчлик саксон ёш остонасида турган бўлсалар-да, ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Зиёд ака тиниқ фикрга, ажойиб хотирага ва энг муҳими номарддан ҳам мард ясай оладиган кучга эга устозлигига қойил қолмай бўлмайди. Барча шогирдлар буни эътироф этишади. «Ишхона интизомини боларидан ўрган» ҳикматига доим амал қилиб, буни бошқа-

лардан ҳам талаб қилувчи Зиёд Исломович Есенбоев бугун ҳам тўла куч ва қувват билан «Ўзбекистон матбуоти» журнаliga раҳбарлик қилиб келмоқда. «Меҳнатим ютуғидан ором оламан, фахрга тўламан, чунки қарийб ярим асрдан буён ҳамкасбларим — журналистлар билан бир қозонда қайнаб келаяпман. Бу мен учун катта бахт», дейди оқсоқол.

Ўз касбларига садоқатли бўлган бу улуғ зотнинг умрлари узоқ, ўзлари соғ-саломат бўлиб юришларини истаймиз ва касб байрами билан чин қалбдан мубод рақбод этамиз.

Рухсат этинг, Сиз дилкаш, дилдор инсонни устоз сифатида қалбимга муҳрлаб қўяй!

Тўлқин Муҳиддин.

УМРИНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН

Яхшиямки ҳаётда бировнинг шодлигини ўз қувончидек, бошқанинг ғамини ўз ташвишидек кўрадиган олижаноб инсонлар бор. Шундайлар туфайли турмушнинг ширин онлари-ю аччиқ дамларини бондан кечириб ўз майли билан ўтаверади. Тўйлардаку унчалик билинмас, лекин бошга оғир жудолик тушган пайтда дилдан айтилган биргина калиманинг ўзи нолаю афгон чекаётган одамга катта далда бўлади. Зиёд ака ўзининг ана шундай далда берадиган сўзини асло аямайдиган, ўзи билган, таниган дўсти-ю ҳамкасби, устози-ю шогирди ҳаётида бўладиган қувончли дамларда ҳам, қайғули кезларда ҳам камарбаста бўлиб турадиган, қалби нурга тўла саховатли инсонлардан биридир.

Республика рўзномасида бош муҳаррир бўлиб ишлаб юрган кезларида ҳам, Ўзбекистон нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига узоқ йиллар раҳбарлик қилган пайтларида ҳам биз қаламкашларни кўрганда самимий, очиқ юз билан саломлашар, бизлардан ҳол-аҳвол сўрар, нима ёрдам кераклиги билан қизиқар эди.

Дарҳақиқат, Зиёд аканинг сермазмун умр зарварақларини варақласангиз унинг ўз вазифасига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашганлигининг, узоқ ва самарали ишлаш намунасини кўрсатганлигининг гувоҳи бўласиз. «Тошкент ҳақиқати» ва «Қизил Ўзбекистон»даги муҳаррирлик кезлари унинг умр дафтарига ёзилган ажойиб саҳифадир. Зиёд аканинг қарийб 21

йил масъул лавозимда ишлаган кезлари ҳам унинг ҳам-касблари ва шогирдлари хотирасида сақланиб қолган.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, «Ўзбекистон матбуоти» ойнамасининг бош муҳаррири Зиёд Исломович Есенбоев билан шу кунларда суҳбатлашган, муҳаррирлик хонасига кириб у билан бирор масалада маслаҳатлашган киши унинг ёшларга хос ғайрат-шижоатини кўриб, 70 ёшга кирганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Биз эса, саховатли қалб эгаси Зиёд акага чин қалбдан «Умрингиз зиёда бўлсин», дегимиз келади.

*Саид Ёдгоров.
1991 йил 19 июнь.*

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ

У кишини чехрасидан доимо нур таралиб турувчи, илиқ табассумли, самимий инсон сифатида қадрлашди. У ўзбек журналистикаси ва матбуоти фидойиси, ёшларнинг ғамхўр мураббийси, фарзандларининг меҳрибон отаси, дўстларининг яхши-ёмон кунларини баҳам кўрувчи, тўю-тантаналарнинг файзи ва кўрки, Зиёд Исломович Есенбоевдир.

Зиёд ака ҳақида гапирганда, аввало, у кишининг ўзига хос самимиятлари кўз олдимга келади. Ҳар бир одамни дилига яқин тутиб, унинг кўнглига йўл топа оладилар. Бу эса у кишининг қалби бениҳоя тозалигидан далолатдир. У босиб ўтган шонли ҳаёт йўли ҳам бунга яққол гувоҳлик бера олади.

Ўттиз тўққизинчи йилнинг кузида армия хизматида кетган Зиёд Есенбоев ўз она диёрига 1946 йилнинг ўрталарида қайтиб келди.

Урушдан кейин меҳнат фаолиятини Самарқанд вилоят газетасидан бошлаган Зиёд ака Тошкент матбуот техникумини, республика газетачилик мактабини битирган. Кўп йиллар давомида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудир, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган.

Мамлакатимиздаги етакчи газеталардан бири — «Тошкент ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири Зиёд ака бўлганди. Унинг равнақ топишида, эл ичида танилишида у кишининг алоҳида хизматлари бор. 1961 йилда Зиёд Исломович «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳар-

рири этиб тайинланди. Бу вазифада ҳам ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этган Зиёд ака орадан кўп ўтмай республика Давлат матбуот комитетининг раиси этиб тайинланди. Йигирма бир йилдан кўпроқ мана шундай масъулиятли вазифада ишлади. Бу у кишининг нафақат яхши инсон, балки моҳир раҳбар ҳам эканликларини намоён этди. Зиёд ака раис бўлиб ишлаб юрган пайтларида кўплаб босмахоналарни барпо этишда, иқтидорли кадрларни тарбиялаб етиштиришда, матбуотнинг кучли моддий-техника базасини яратишда ўз салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Зиёд ака шумлик нима, фирромлик нима билмайди. Кўнгли ёш болаларникидек оқ. Ўрни келганда, қаттиққўллик қилади. Лекин асоссиз бирор кимсанинг бурнини қонатганлигини билмаймиз. Керак пайтда эса мураббийларга хос меҳрибонлик ва эътибор кўрсатади». Шогирднинг устози ҳақида шундай самимият билан гапириши сабаби у кишининг юксак маънавият эгаси эканлиги, имони мустаҳкамлигидандир. Дунёда барча бандаларига Оллоҳ бу фазилатларни инъом этади. Аммо бу хислатларни рўёбга чиқариш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Кези келганда Зиёд акага атаб ёзилган бир шеърдан тўртлик келтирмоқчиман.

*Яхши фазилатингиз акс этар юзингизда,
Одамларга муҳаббат мавж урар кўзингизда,
Жон фидолик барқарор ёқимли сўзингизда,
Яхшиларнинг яхшиси, шуъласи, ўзингиз-да!*

Ҳаётда кўролмаслик, ичи қоралик каби иллатлар қули бўлган кишилар учраб туради. Лекин Зиёд ака бунинг тескараси. У киши ҳаммага қўлларидан келганича ёрдамларини аямайдилар. Жуда бўлмаганда муаммонинг ечилиш йўлларини тушунтириб берадилар. Мен Зиёд акада яна бир фазилатни учратдим. Улар кишининг ёшига, мансабига қарамасдан суҳбат юритадилар. Бу ҳам у инсоннинг юксак маданиятидан даракдир. Зиёд ака дўстларни нафақат ҳаёт вақтида, балки улар оламдан кўз юмгандан кейин ҳам эъзозлайдилар, уларнинг фарзандларига ҳам ғамхўрлик қиладилар. Отамиз Турсун Собировнинг 70 йиллик хотира маросимларини ўтказдик. Шу йиғинларни ўтказишда, ташкил этишда падаримизнинг бошқа дўстлари қатори Зиёд ака ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Зиёд ака рафиқаси Тозагул опа билан олти фарзанд-

ни тарбиялаб, вояга етказишди. Оилада эришилган ютуқларнинг кўпи Тозагул опанинг меҳнати самараси десак муболаға бўлмас. Опа Зиёд аканинг қувончли кунларида ҳам, оғир дамларида ҳам доимо ҳамнафас, таянч бўлиб келдилар. Қаҳрамонимиз умр йўлдоши ҳақида гапирганида унинг сўзларидаги муҳаббатни, кўзларидаги таралаётган меҳрни кўриб инсон жуда тўлқинланиб кетади.

Бугун матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кунда биз у кишига соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

Сарвармурод Собиров.

27.04.1995.

УРУШ ФАХРИЙСИ — МАТБУОТ ФИДОЙИСИ

Бу инсони республикамизда кўпчилик таниса керак. Қарийб эллик йилдан бери матбуот соҳасида меҳнат қилиб келаётган уруш ва журналистикамиз фахрийси Зиёд ака Есенбоев 1939 йилнинг ноябрь ойида армия сафига чақирилиб, урушнинг биринчи кунларидан то ғалаба онларигача ҳаракатдаги армия сафларида хизмат қилди.

Зиёд ака Ғалаба тонги 1945 йил 9 майда Шарқий Пруссиядан Узоқ Шарққа қараб йўл олади. Япониянинг Квантун армиясини тор-мор этишда иштирок қилиб, жанг билан Порт-Артургача боради. У 1946 йил апрелида ҳарбий хизмат вазифасини ўтаб бўлгач, ўз юртига эсон-омон қайтиб келади.

Бир қанча жанговар орден ва медаллар соҳиби, Бегуний номидаги давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Исломович Есенбоев ҳозир Республика матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси ва «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири вазифасида хизмат қилмоқда. Уруш фахрийси, матбуотимиз фидойиси Зиёд ака фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун бир гуруҳ қуролдош дўстлари билан Москвага жўнаб кетди.

Ўқтам Дўстёр.

1995 йил.

ЛАҲЗА ВА МУҲР

Саксонинчи йилларнинг қатағони бошланаётган давр эди. Ўзбек фани ва маданиятининг асл гулларини бадном қилиш авжига чиқди. Уларни қоралаш учун қандай «айбнома»лар ўйлаб топишмади, дейсиз. Элга танилган ёзувчи тўйида дастурхонига қўйган кабобнинг сихигача санашиди, яна бир академикнинг жаҳоншумул мукофот олганлиги оммадан сир тутилди. Шундай кунларнинг бирида республика Матбуот давлат қўмитасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Зиёд Есенбоевни «Известия» саҳифаларида уриб чиқишди. «Компорогат» топишда қийналишган шекилли, бу шахс ҳамма қулайликлар бадастир бўлган хонадонда яшаётганлиги гуноҳи азим сифатида талқин этилади.

Яшириб нима қиламиз, ўша мақолани кўрганда Ўзбекистон журналистларининг отахони боғу чарбоғларга туташиб кетган томорқали қароргоҳда яшаса керак, деб ўйлагандим. Яқинда ўша «марказ» матбуоти назари тушган хонадонда бўлишга тўғри келди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Ҳашаматли кошона сифатида тақдим этилган ҳовли ичкарисига кирсангиз кафтдаккина жойда бошингиз айланиб қолади. Оддий ўзбек хонадони. Лофли таърифларга қоғоз бардош бераверган экан-да...

Лекин мен бу ерда кичик бир кошонани кўрдим. Бу ҳовлининг ўнг томонида жойлашган торроқ хона бўлиб, уни маълум маънода музейга қиёслаш мумкин. Деворларда тартиб билан осилган тарихий суратлар, ойнаванд мослама остида Зиёд аканинг ҳаёт йўлларини, жамоат арбоби сифатидаги фаолиятини намоён этувчи ҳужжатлар, гувоҳномалар. Жовонлар тўла альбомлар. Шу ерга кирибоқ Зиёд Есенбоевнинг қандай одам бўлганлигини, маданиятимиз тарихида қандай из қолдирганини ҳис қилиш мумкин.

— Мана бу суратга ҳарбий хизматга жўнаш олди-дан — 1939 йил ноябрда тушганман, — деб изоҳ беради хонадон соҳиби. — Шунга ҳам эллик етти йил бўлибди-я...

Эҳ-ҳа, ўтган даврда қанча сувлар оқиб кетди. Аскарлик либосини кийган йигитча хизматни тугаллай деганда жангу жадал сари отланди. Омонлик экан, юртга қайтиб келиш насиб этди. Уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз кунлар ўз самарасини берди. Зиёд Есенбоев муҳаррир-

лик, қўмитага раислик лавозимларида камолотга эришган арбоб сифатида етилди.

Йиллар ўтиб кетди. Лекин ўша лаҳзаларни мангуга муҳрлаган суратлар шундоққина турибди. Зиёд аканинг ёнида виқор билан турган киши Мирзо Турсунзода эканлигини билиш қийин эмас — яна бир суратда машҳур бастакор Соловьев-Седой. Чингиз Айтматов билан тушилган расм таниқли ёзувчининг қишлоғи фониди олинган. Раж Капур, Усмон Юсупов, Қори-Ниёзий, Теша Зоҳидов, Юрий Гагарин, Абдужамил Матқобулов, генерал Мурод Шералиев, Рихси Соҳибоев, Аҳмад Бенбелла, Шароф Рашидов, Темирқул Умматалиев, Маъмуржон Узоқов — буларнинг ҳаммаси Зиёд ака билан ҳамнафас бўлишган. Эҳтимол бу машҳур кишиларнинг фарзандлари шундай ноёб суратлар эъзозланиб сақланаётганини билишмас, олис йиллардан қолган хотиротларни кўзга суртиш орзусида юришгандир. Нима бўлмасин, Зиёд ака ўз хонадониди ана шундай хазинани сақлаётганлиги таҳсинга лойиқ. Агар бу ердаги альбомларни варақлаб чиқмоқчи бўлсангиз бир ҳафта ҳам камлик қилади.

Зиёд аканинг ҳаёти «Ўзбекистон овози» билан узвий боғланиб кетган десак муболаға бўлмас. Буни қарантки, газетамизнинг илк сони 1918 йил 21 июнда чиққан бўлса, Зиёд ака 1921 йил 21 июнда туғилибдилар. Ижодкорнинг қалами шу даргоҳда чархланган. У киши билан бирга ишлашган ҳамкасблари шундай эслашади.

Яҳё Тўхтаев, меҳнат фаҳрийси: — Мен Зиёд акадан кўп нарсани ўргандим. Ниҳоятда талабчан ва меҳрибон инсон. Бирор хато иш қилсак, шунақа койирдиларки, ўзимизни қўйишга жой тополмасдик. Ўшандай дамларда озгина яхши иш қилсак, мақтаб кўнглимизни кўтарардилар. Яна бир гап: муҳаррир бўлиб ишлаганларида уйимиздаги болаларимиз номларигача билардилар.

Марфуа Абдуқодирова: — Мен қарийб қирқ йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаман. Тақдиримдаги унутилмас воқеани гапириб берсам. Ҳозир ҳам, орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, у кун кечагидек ёдимда. Маҳаллада «янгича тўй» бўлгани, ўшанда ёру дўстларнинг табриклари ва айниқса, узоқ сафарда юриб ҳам биз келин-куёвни табриклаб, «бахтингиз бутун бўлсин!» дея шошилишчннома юборган инсоннинг дуоси ҳали ҳануз қулогим остида жаранглайди. Ўтган ўттиз беш

йилдан буён Зиёд Есенбоевни ҳар кўрганда, учрашганда: «Соғ-омонмисан, уйинг, бола-чақанг...» деб аҳвол сўрашлари, катта-кичик, ёшу қарига баб-баравар муносабатларининг ўзи у кишининг чин маънодаги одамийлиги, жонфидалигидан далолат. Ўзгаларнинг дарди, қувончига ўз дарди, қувончидек шерик бўлиш, тўғрироғи, кўпроқ ўзгалар учун яшаш Зиёд аканинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боисдан ҳам у киши сира қаримайди.

Оқсоқол мустақил Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкилий даврида бу тапшилотга раҳбарлик қилди. Бугун ҳам ўз тажрибасини истиқлол йўлига сарфламоқда.

*Шухрат Жабборов.
20 июнь, 1996 йил.*

ОДАМИЙЛИК ДАРСЛАРИ

Ҳамкасблар даврасида бўлган гурунгларда гоҳ-гоҳ: «Мухаррирлардан омадим келган журналистман», — деб мақтаниб қўяман.

Бу гапда заррача муболаға йўқ. Мана, ўзингиз хулоса чиқара қолинг: Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Аҳмад Исмоилов, Исмоил Сулаймонов...

Университет партасидан эндигина чиққан, ҳаётнинг паст-баланд томонларини яхши билмайдиган, романтик ҳаёллардан боши гаранг, аммо ҳали гўр журналист пайтимда менга «Тошкент ҳақиқати»дек муқаддас даргоҳ бағридан жой берган, газетачилик оламига етаклаб, шахдам қаламлар ташлашга ундаган биринчи устоз Зиёд ака Есенбоев бўладилар.

ПАРВОЗ

Таваллуд топган кунларига 80 йил, ижодий фаолиятларига 60 йил тўлаётган шу қувончли кезларда устоз ҳақида бирор нарса ёзиш истигида қўлга қалам олгандагина бу иш осон эмаслигини англаб етдим. Ҳамма ажойиб фазилатларни ўзида мужассамлаган, ижоди серқирра, катта-катта масъул лавозимларда ишлаган, кенг қўламда жамоатчилик ишларини олиб борган, нафақат мамлакатимиз, балки унинг ҳудудидан узоқ-узоқларда ҳам номи қалам аҳлига яхши таниш бу олижаноб инсон ҳақида ўхшатиб нима дея олишим мумкин? Ёзганларимни устозимнинг ўзлари ҳам ўқийдилар-ку.

Маъқул қила олармиканман? Қолаверса, улар ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган-ку!

Мана шундай масъулият юки елкамдан босиб турган бир пайтда ҳамкасбларим жонимга оро киргандек бўлдилар. Яна бир мураббийим, таниқли журналист Исмоил Сулаймоновнинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Замондошларим» китобидан Зиёд акага бағишланган «Устоз» сарлавҳали мақолани ўқий бошладим:

«Бошларингга қилич келса ҳам тўғрисиани гапирларинг, айёрлик қилмаларинг, самимий бўлларинг, касбингга, дўстингга хиёнат қилмаларинг. Тўғри бўлсаларинг, қоқилмайсанлар, ўсасанлар, туп қўйиб, палак ёзасанлар». Устоз ёшлар билан мулоқотда кўпинча шундай деб таъкидларди, сўздагина эмас, амалда ҳам буни бизга намуна қилиб кўрсатарди».

Ўша ўғитларни ўз қулоғи билан эшитган ёшлардан бири мен эдим. Бахтим бор экан: катта журналистика йўлига энди-энди кириб келаётганимда мана шундай саховатпеша инсон қўлимдан тутди.

Ўқишда давом этаман: «1961 йили Зиёд ака «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Хайрлашув куни ҳали-ҳали эсимда. Барча ходимлар мажлислар залига тўпланган, бошқа ижодий ташкилотлардан ҳам вакиллар келишган. Яхши гаплар айтилди, истаклар билдирилди. Сўз навбати устозга келди. У минбарга чиқди, бир неча дақиқа ўйланиб қолди, энди сўз бошламоқчи эди, беихтиёр лаблари тиграб, қўллари қалтиради. Ҳарчанд уринса ҳам бўлмади, кўзидан ёш чиқиб кетди, узр сўраб, жойига ўтирди. Бу бизга, бутун жамоа аъзоларига бўлган катта меҳрнинг зўр таъсир кучи, оққўнгилликнинг натижаси эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ўзини тутиб олган Зиёд ака яна минбарга чиқди. Сўзлари ниҳоятда ҳароратли, зеро, унга ясамалик бегона бўлиб, нима деяётган бўлса, ҳаммаси чин дилдан эди.

— Сизларнинг меҳр-оқибатларингизни қаерда бўлмай, ким билан ишламай, бир умрга унутмайман, — деган эди ўша пайтда Зиёд ака ва бутун кейинги йиллар мобайнида шу айтган гапларига содиқ қолди. Унинг учун ходимнинг катта-кичиги йўқ эди, шофёрми, мусаҳҳиҳми, машинистками, ижодий ходимми, бўлим мудирими — барибир, ҳаммасига инсон деб қарар ва уларнинг қадрига етарди, ҳурматини жойига қўя биларди».

Ўша хайрлашув йиғинида кўзига ёш олган кўплаб ходимлардан бири мен эдим.

ЧИНГИЗ ОҒАДАН САЛОМ

Етмишинчи йиллар бошида бир гуруҳ журналистлар Бишкекка публицистлар семинарига бордик. Қирғизистон Телерадио давлат қўмитаси биносида уч кун мобайнида қизғин ижодий мунозара бўлди. Яқунловчи машғулотишимизга машҳур адиб Чингиз Айтматов келди. Икки соатга яқин сўзлади, савол-жавоблар бўлди. «Оқ кема» қиссасига сўнгги нуқта қўйиб, бизнинг ҳузури-мизга келганини айтди.

Хайрлашув пайтида ундан эсдалик учун суратга тушишни илтимос қилдик. Бажонидил рози бўлди. Боққа чиқдик. Фотоаппаратлар ишга тушиб кетди. Кейин ҳар биримизнинг қўли-мизни қисиб, самимий хайрлаша бошлади. Навбат менга келганида: «Мабодо, Сиз Ўзбекистондан эмасмисиз?» — деб сўради. Тасдиқ жавоби-ни бердим.

— Мендан, албатта, Зиёд оға Есенбоевга салом етказинг. У — улуғ инсон, — деди дунёга машҳур ёзувчи.

Кейин билсам, улар қалин дўст эканлар. Чингиз оға Тошкентга қачон келса, Зиёд акани кўрмай кетмайди, дейишди.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Тошкентда ер силкиниб турганда мен оғир бетоб эдим. Врачлар асабларим қаттиқ толиққанини айтишди, денгиз томонларга бориб, яхшилаб даволанишни, мириқиб дам олишни маслаҳат беришди. Курортга боришнинг ўзи бўладими?! Болаларим ёш, камхаржман: журналистнинг топгани нима бўларди — рўзғордан ортмайди.

Кунларнинг бирида хонада ишлаб ўтирсам, муҳарриримиз Аҳмад ака Исмоилов кириб келдилар.

— Юринг, бир ерга бориб келамиз, — дедилар. Аввалига ҳайрон бўлдим. Гап нимадалигини билмай гарангсиб қолдим. Буни сезган Аҳмад ака тинчлантирдилар. — Сизнинг фойдангизга бир масалани ҳал қилиб қўйдик.

Машинага ўтириб, Навоий кўчасидаги 30-уйга етиб бордик. Олдинда Аҳмад ака, бир қадам орқада мен

юқори қаватга кўтарилиб, Матбуот давлат қўмитаси раисининг қабулхонасига кирдик. Аҳмад ака «З. И. Есенбоев» деб ёзиб қўйилган эшикни очдилар-да, менга «юраверинг», деб имладилар. Зиёд ака жуда илиқ кутиб олдилар. Соғлиғимни, рафиқам, болаларимни сўраб-суриштирдилар.

— Нега ўзингни бунчалик олдириб қўйдинг? Соғлиққа бефарқ қараб бўлмайди.

Кейин телефон орқали қаер биландир боғландилар. «Ҳамиджон, бир кўришайлик», — дедилар. Зум ўтмай хонага Журналистлар уюшмасининг масъул котиби Ҳамид Тожибоев кириб келди.

— Тоҳиржонни танисангиз керак, ўзим ишга олганман, шогирдим бўлади, — дедилар. — Бир оз чарчаган кўринади. Зилзиладан зарар кўрганларга ёрдам тариқасида юборилган бепул йўлланмалардан биттасини шу укамга расмийлаштириб берсангиз, соғлиғини тиклаб келсин.

Ҳамид ака: «Хўп бўлади», деб хонадан чиқиб кетишга тараддуд кўраётганди, Зиёд ака тўхтатдилар.

— Имконингиз бўлса, ёрдам пули ҳам ёзиб берсангиз. Йўлкирага қийналиб қолмасин тагин.

Миннатдорлик билдириб, Ҳамид аканинг кетидан юрдим. Ўша куниеъ Сочига бепул йўлланма, юз сўм ёрдам пули қўлимга тегди. Август ойининг охирида курортга бориб, Қора денгизда чўмилиб, анча куч-қувватга тўлиб қайтиб келдим.

Яхшиларнинг ўз вақтида кўрсатган оталарча ғамхўрлиги, ким билади дейсиз, мени бошланиб келаётган жиддий касалликнинг оғир оқибатларидан сақлаб қолган бўлса, ажаб эмас.

«СЕНИ НАЗИР АКАНГ ЙЎҚЛАДИ»

«Савдогар»да ишлаб юрган кезларим эди. Бир куни Зиёд ака таҳририятга қўнғироқ қилиб қолдилар.

— Битта шахсий илтимосим бор, Тоҳиржон, — дедилар одатдагидек қуюқ салом-алиқдан сўнг. — Маҳалламизда Назир Аҳмедов деган ажойиб инсон яшайди. Ҳозир нафақада. Кўп йиллар Тошкент шаҳар савдо бошбошқармасига раҳбарлик қилган. Шу одам етмишга тўлаяпти. Имконинг бўлса, газетангга бирор нарса чиқарсанг.

Устознинг гапини икки қилиб бўладими?! Кўп ўтмай

«Савдогар»да «Назир отанинг қувончи» деб аталган лавҳам босилди. Ўша воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетган эди.

Тўқсон тўққизинчи йил сентябри охирида Миср сафаридан қайтиб келиб, уйда ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Зиёд ака, овозларидан дарров танидим.

— Суриштираман, сафарда экансан. Яхши бориб-келдингми? Зиёрат қуллуқ бўлсин. — Кейин устоз муддаога кўчдилар. — Назир аканг бор-ку, қаҳрамонинг. Яқинда аёли оламдан ўтди. Тунов куни кўришганимизда: «Тоҳиржон беҳабар қолди шекилли, кўринмади», — деб қолди. Эртага йигирмаси, наҳорга. Иложини қилиб, бир кўриниш бериб кетсанг, кўнгли кўтариларди-да.

Эрталаб Назир аканинг уйига бордим. Сафарда бўлганим учун кеннойининг вафот этганини эшитмай қолганимни айтиб, узр сўрадим. Назир ака бағрига босиб, менга миннатдорлик билдирди, дуо қилди.

«Зиёд ака кўнгилларга кўприк солиб, одамларни бир-бирига боғлайдиган мана шундай ажойиб инсон», — ўйлардим уйга қайтар эканман.

* * *

Олтмиш ёшга тўлган куним Зиёд ака мени маҳкам қучоқлаб шундай деган эдилар: «Илоҳим, олтмишдан ошиб, етмишга етиб, саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юз кўришгин».

Устоз! Мана бугун ўзингиз саксондан сакраяпсиз. Қолган довларни ҳам муваффақиятли забт этишингиз учун Сизга худди ҳозирдагидек мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, тилайман.

Ҳеч қачон ҳориманг!

Тоҳир Мирҳодиев,

Ўзбекистонда хизмат курсатган журналист.

«Мулқдор», 15 июнь 2001 йил.

ФАЙРАТИНГИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН, ЗИЁД АКА!

Ҳар бир соҳанинг етук кишилари, ўз меҳнати билан кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган оқсоқоллари бўлади. Агар матбуот ҳақида гап кетса, шубҳасиз бир қанча устозлар қаторида дастлаб Зиёд ака Есенбоевнинг номлари тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки, Зиёд ака 60 йиллик ижодий фаолияти-

ни ўзбек матбуоти ва журналистикаси ривожига сарфлаб, кўплаб шоғирдларга устозлик қилиб келаётир. Шу кунларда ўзининг муборак 80 ёшини нишонлаётган Зиёд Есенбоев ҳақиқий маънода журналистикамизнинг етук ва забардаст устозларидан ҳисобланади.

Биламизки, Зиёд ака, Сиз «Муштум» журнаlining жонкуярларидан бирисиз. Журналнинг мунтазам чоп этиб келинишида Сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. «Афанди» дунёга келганда биринчилардан бўлиб қувонгансиз ва табриклагансиз.

Ниятимиз, Зиёд ака, илоё, ғайратингизга, шижоатингизга кўз тегмасин. Яна узоқ-узоқ йиллар устоз ва оқсоқол бўлиб юриш насиб этсин. Журналистлар йиғиладиган давраларнинг тўрида ҳамиша ўз ўрнингиз бор, ҳурматли Зиёд ака! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва Афанди бобонинг гўзал ва самимий табасуми доимо ҳамроҳ бўлсин!

*«Муштум» ва «Афанди» таҳририяти.
19 июнь 2001 йил.*

УМРГУЗАРОНЛИК СИРЛАРИ

Бир донишманддан инсоннинг узоқ умр кўриши сирларини сўрашибди. Шунда донишманд: «Одамларга фақат яхшилик қиладиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бағри кенг, оқил, саховатли инсонлар узоқ умр кўришади», деб лўндагина жавоб қайтарган экан.

Ёқимтой, истараси иссиқ, юзларидан файз ёғилиб турадиган Зиёд акани ҳар гал кўрганимда донишманднинг юқоридаги ғоят ибратомуз таърифи ўзбек журналистикаси ва матбаачилигининг ўткир ва заковатли бу соҳибига нисбатан айтилганига яна бир бор иймон келтираман.

Дарҳақиқат, бу ёруғ дунёга синов учун келган одамларга қўлидан келадиган яхшилигини қилиш, унинг қувончли кунларида ҳам, ташвишли онларида ҳам бир оғиз ширин сўзи ва далдаси билан инсон қалбига малҳам бўлишга нима етсин!

Зиёд ака умргузаронлик қилган саксон йиллик сермазмун ҳаёти давомида, ортда қолдирган салкам минг ойи давомида одамларга фақат яхшилик қилиб, эзгуликни илиниб, меҳр-мурувват ёғдусини улашиб келаётган бағри кенг, саховатли инсондир.

Ҳа, кундалик ҳаётда юзма-юз келганимизда, кўриш-

ганимизда бир-биримизга ўзимизнинг энг яхши истакларимизни билдирамыз. Бинобарин ана шундай ўзбекона ширин лутф, бир-бирига хос самимиятга нима етсин! Биз ҳар гал қалби булоқ сувидек мусаффо, ҳиммати баланд, бағри кенг, оқил инсон — Зиёд акани кўрганимизда, унинг кўнгилларга ёқадиган сўзларидан, одамларга бўлган беқиёс ҳурмати ва меҳр ила боқишларидан баҳраманд бўлганимизда ана шундай самимиятда, Зиёд аканинг одамларни ўзига яқин олиб, уларнинг корига ярашга интилишида ҳикмат кўп эканлигига иймон келтирамыз...

Бир ҳамкасб дўстимизнинг умр йўлдоши вояга етмаган болаларини, вафодор ёрини бўзлатиб ҳаётдан бевақт кўз юмди. Унинг бошига тушган оғир кулфат ва қайғусини енгиллатиш, бир оғиз юпанч сўзимиз билан далда бериш учун дўстимизнинг уйига ғамгин бўлиб бордик. Одамлар ҳам жуда кўп эди. Унинг ёнида эса дўстимизнинг отаси ўрнида отадек, унинг бошига тушган ғамни ўз ғамидек билиб, Зиёд ака ҳомуш турарди...

Ҳа, кўнгли мусаффо ҳаводек очиқ Зиёд аканинг бундайин ўта камтарлик, камсуқумлик, одамохунлик, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ширин муомала қилишдек ажойиб инсоний фазилатларига ҳар қанча тасаннолар айтса, ундан ибрат олса арзийди. Бугунги кунда республика оммавий-ахборот воситаларида, телевидение ва радиода, нашриётларда ишлаётган, забардаст устоздан меҳр-мурувват кўрган унинг минглаб шогирдлари Зиёд ака ҳақида оғизларидан бол томиб гапиришларининг сири шундаки, қаерда бўлмасин у ўз шогирдларининг ютуқларидан доим севиниб, улар яхши китоб чоп эттирганида ҳам, ибратомуз бир мақола ёзганида ҳам, бирор мукофот ёки соврин олганида ҳам, албатта, ширин сўзларини аямай, шогирдлари қувончини баҳам кўради. Унинг бундай «невара», «эвара», «чевара» шогирдлари жуда бисёр. Бу шогирдлар фикри теран, истеъдодли муҳаррир ва публицист, ажойиб ташкилотчи Зиёд акадек забардаст устозлари борлигидан фахрланишади.

«Умр — оқар дарё», деганларидек, орадан бир неча йиллар ўтган бўлса-да, Зиёд ака ўша-ўша қадамлари дадил ва залворли, тиниб-тинчимас, ҳаракатчан, ғайратли ва фидойи, ёшларнинг чин маслаҳаттўйи, кирган давраларнинг гули бўлиб юрибди. Дарвоқе, у бўлган давраларга дарров ўзгача файз киради. Зиёд ака ўз самимияти билан, дилтортар сўзлари билан дарров одамлар қалбини ром айлайди. Тангри таолонинг унга инъ-

ом этган бундай марҳамати учун Яратганга ҳар қанча шукроналар айтса арзийди.

Зиёд Есенбоевнинг юқорида айтиб ўтганимиздек, бутун умр мобайнида эл-юрт хизматидаги ҳалол ва фидокорона меҳнатлари, матбуотимиз ва ноширчилигимиз соҳасидаги фаолияти ниҳоятда серқирра бўлиб, уни яқиндан билган дўстлари, ҳамкасблари ва кўпдан-кўп шогирдлари ўз касбига садоқат ва фидойилик намунасини ундан ўрганиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, узоқ йиллар қилинган бундай самарали, фидойи меҳнат устозга шон-шуҳрат ва шараф олиб келди. У давлатимизнинг кўплаб мукофотларига сазовор, деб топилди. Ўзининг табаррук ёшида, журналистик-ижтимоий фаолиятига олтмиш йил тўлган айни шу кунларда «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири сифатида ғайрат ва шижоат билан кўрсатаётган саъй-ҳаракатлари ҳар қанча мақтовга лойиқдир. Бинобарин ушбу журнал истиқлол йилларида, айниқса, ўзгача мазмун-мундарижа касб этиши билан, чоп этилаётган мақолаларининг долзарблиги билан ижодкорларнинг сеvimли нашрларидан бирига айланишида Зиёд аканинг хизматлари катта.

Ўзимизнинг дил изҳоримизни мухтасар этар эканмиз, Зиёд Есенбоевнинг минглаб шогирдлари қаторида қалби пок, шижоатли, ҳамиятли, саховатли устозимизга қалбимиздан қуйилиб келаётган самимий сўзларимизни шундай баён қилмоқчимиз:

— Меҳридарё, забардаст устозимиз Зиёд ака! Умрингиз узоқ ва зиёда бўлаверсин. Сизнинг сермазмун ҳаётингиз зарварақларини варақлаб умрингиз зиёдалигининг сирларини билиб олдик. Яратганнинг ўзи сиздек табаррук инсонга саксон ёш билан кўришиш бахтини мушарраф этган экан, илоҳим ўн йилдан кейин ўзингиз ҳаммага чин қалбингиздан тилак билдирганингиздек тўқсон ёш билан ҳам тўқнашинг, 2021 йилда эса юз ёшлик таваллуд айёмингизда қатнашиш бахти ҳозир ёнингизда бўлган садоқатли дўстларингиз, меҳрибон оила аъзоларингиз, суюкли невара, эвара, чевараларингиз ва сиз билан доим фахрланиб юрадиган биздек Сизга меҳрибон ва миннатдор шогирдларингизга ҳам насиб этсин.

Солиҳ Ёқубов.

«Тошкент оқшоми», 20 июнь 2001 йил.

ҚАЛБИ ПОК ИНСОН

*Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалик бошқатдан қайтарилмоқда,
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда...*

Зийнат дейилганда гўзаллик тушунилади. Завқ-шавқ эса мафтункор ва ошуфта ҳаётга меҳр-муҳаббатли бўлиб яшашликдадир. Умр зийнати, яшаш завқи самарали меҳнатда ўз ифодасини топади. Ахир инсон мукаррам қилиб яратилган. Инсон ҳаётини икки эшик орасида ўтган кунлар билан ўлчанади. Унинг хайрли ва самарасиз ўтган пайтлари ҳам бўлади. Борлиқни билиш, ҳаётни англаш гўзалликка ошно бўлишлик ва тийрак кўз ила оламга боқишлик билан иш битмайди. Мазмун деган олий бир туйғу, боқий тушунча ҳам борки, дунёни ақл ва идрок билан илғамоқнинг ўзи бир катта мактаб. Баъзан орамизда «дунё ўткинчи» дегувчилар ҳам бор. Аслида, дунё ўткинчи эмас, балки унга келиб-кетувчилар ўткинчидир. Бу адолат, бор ҳақиқат, бу — ҳаёт фалсафасидир.

Ҳаёт ва умр бир-бирига боғлиқ. Одатда тирик табиат янгиланиб, ўзгариб, ривожланиб ва бир кўринишдан бошқа шаклга алмашилиб туради. Гоҳида ерни қаттиқ тепма, дейилгани аждодаларимиз ҳокига ишорадир. Тупроққа айланган жисм яна турфа ҳолатда намоён бўлади. Чойнак ва пиёламиз ҳам лой маҳсулидир. Бас, тупроқда ҳикмат кўпдир: ризқ-рўзимиз, яшаш маконимиз у билан боғлиқ.

Одам фарзандининг бахт-иқболи шундаки, унга барча мукаррамликлар ато этилган. Ўн саккиз минг олам ичида фақат инсон фарзандигагина сўзлашиш ва ақл билан иш кўриш мўъжизаси нисор этилган.

Одамнинг оламини, маънавий қиёфасини хуснлайдиган, гўзал қиладиган тили ва сўзидир. Биз тилга олаётган инсон аслида ана шу хусусиятлари билан элу юрт назарига тушганлардан биридир. Зиёд ака! Зиёд Исломович! Зиёд Есенбоев. Буларга қўшимча: Устоз, Отахон, баъзан набиралар талқинида Бобожон. Ҳамма ҳам бундай шарафга муяссар бўла олмайди. Бу шараф, бу бахтга Зиёд ака осонликча эришган эмас. Игна билан қудуқ қазигандек, узоқ интилиш, машаққатли меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам инсон маънавий оламини

бойитиш, руҳий олам меъморчилик-муҳандислиги йўлида сазъ-ҳаракатлар туфайли, айниқса, яхши инсонларнинг беғараз, оталарча кўмаги орқали эришиди.

Одамнинг ташқи кўриниши чиройли бўлгани билан ақли ва сўзи тўпор бўлса, бундан ёмони йўқ. Ақл билан иш кўриб, ён-атрофдагилардан ибрат олиб, ота-она ва устозлари ўғитига таяниб иш кўрган одам кам бўлмайди. Зиёд ака ҳаётда худди шундай иш тутди. Каттани «ака», кичикни «ука» дея, ҳамиша онгли, софдил, ҳалол, тўғрисўз, иймон-этиқодлилиқ йўлидан юрди. Йўли тўғри экан, адашмади ҳам, кам ҳам бўлмади. Умри бўйи барчага яхшилик қилиб яшади. Ҳаётда қийналган, адолатсизликка дучор бўлган ҳамкасбларини ҳимоя қилди, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, кўпнинг дуосини олди. Зиёд акани олқиш, дуо ўстирди, камол топтирди.

*Яшамоқнинг қадрига етолса Одам,
У қилган ҳар бир иш ўзи бир олам.
Элини севганнинг эси бўлади,
Ишидан халқининг бахти кулади.*

— Мен, — дейди Зиёд ака. — Бир одам кўтарадиган ҳаёт тошини эмас, балки ўнлаб, ҳатто юзлаб киши кўтарадиган юкни шу икки қўлимда кўтарганман. Баъзан ношуд кишилар мақтаниб, гердаишиб: «Ойгача бориб келдим», дейди. Бу гапнинг лофлигини ёш бола ҳам билади. Ёлғонни жуда ёмон кўраман, бироқ иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, не-не қабоҳату баттолликларни шу икки кўзим билан кўрдим. Урушнинг оти ўчсин! Бу одамхўр уруш 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Биргина Ўзбекистонимиздан бир миллион уч юз мингга яқин мард, баҳодир ўғлонлар урушга сафарбар этилганди. Шундан 450 мингдан ортиғи қурбон бўлди. Биз бу урушни кўрдик, илоҳим, ҳозирги ёшлар бундай кўнгилсизликларга дучор бўлмасин. Қирқ йил қиёмат келса ҳам, фақат ажали етган ўлар экан. 1939 йилдан то 1945 йилгача бўлган даврда, ҳам олмон, ҳам япон урушларида қатнашдим...

Зиёд ака табиатдан қувноқ, ҳазил-мутойибага мойил сўзларни доим лўнда-лўнда чертиб гапирадиган, тўғрироғи, сўзи билан иши бир инсондир. Бу танти инсон ўша қаро кунларни эслаганларида юқоридаги хислатлар хиралашди, кўзлар қўрғонида нимча ёшлар

пайдо бўлди. Гўё момоқалди роқ гумбирлаб, жала қуйгандай бўлди. Оҳисталик билан сўзни бошқа томонга буришга тўғри келди.

— Тозагул келинойим билан турмуш қурганларингизга ҳам кўп бўлгандир? — сўрайман.

— Жуда тотли дамлар, — дейди Зиёд ака. — Узукнинг кўзига ўхшаш, биз бир-биримизга жуда мосмиз. Ҳаётимдан ҳам, рафиқам Тозагул билан ўтказган умримдан ҳам нолимайман. Вафодорлигимизнинг меvasи — олти фарзандимиз борлиги, улардан бир-биридан ширин йигирмага яқин набиралар, чеваралар кўрганemizнинг ўзи катта бахтимиздир. Э-ҳа, Тозагул келинойингиз билан турмуш қурганимизга ҳам бу йил ропароса 55 йил тўлибди. Бу дегани икки бешдир...

Зиёд ака ҳамиша ёшларга хос жўшқинлик билан меҳнат қиладилар. Юртимизнинг ўтмишига ҳурмат, бугунига ишонч ва унинг нурли истиқболига умид билан қарайдилар. Ватанни севиш, ватанпарварлик тарбиясини биринчи ўринга қўядилар. Бу зоти барокат суврати ва сийратида самимийлик, садоқат, мурувват ва ҳиммат уруғи униб чиққанлигидан ҳам, яхшилик ва одамийлик деб аталмиш беназир бахт ёғдуси юзида балкиб туради.

Бир арбоб ва зиёли кишининг ҳаёт йўлини кузатар эканмиз, унинг бирон бир бекатда тўхтаб қолмаганлигини кўрамиз. Зиёд ака раҳбарлик лавозимида ўз елкасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш билан бирга ижодда ҳам бўш келмаганлар. «Брюссель кўргазмаси хотиралари», «Минг орол мамлакатида», «Ассалом, китоб!», «Ўзбекистонда китоб нашрчилиги», «Кўздан йироқ, дилга яқин» каби ўндан ортиқ асарлари минг-минглаб китобхон кўнглига таскин берди. «Матбуотимиз фидойилари» номли 2 жилдлик тўпламнинг тузувчиси, муаллифи ношир ва журналистларга маслаҳатгўй бўлганига амин бўламиз.

Истиқлол мамлакатида Зиёд бобони зиё таратувчи журналист, дейдилар. Чунки бир асрдан йигирмасини олсак саксон бўлади. Саксонга йигирмани қўшсак бир аср. Аср, аср-да! Бир билан юзнинг ўртасида салмоқли оралиқ бор. Омон бўлсак ана шу юзда, яъни бир асрда ҳам суҳбатдош бўламиз. Бу Худодан сўраганимиз. Зеро, Зиёд бобо Мустақилликнинг 10 йиллигида, унинг илк йилларидан бошлаб, белни йигитчасига маҳкам боғлаб олиб, «Ўзбекистон матбуоти» журналини ўз вақтида,

мазмунли қилиб чиқариб келаётирлар. «Офарин!» — деймиз.

Яқинда, одатдаги иш кунларининг бирида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида кўп йиллар ишлаган, айримлари ҳамон бу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган, аммо ёшларида бирмунча тафовути бўлган ҳамкасблар суҳбатига қулоқ тутдик. Шубҳасиз, уларнинг суҳбат мавзуи Зиёд акага бориб тақалди. Қарангки, ирмоқлар ўзани қўшилиб, ҳаётбахш дарё ҳосил қилганидек, улар фикрларининг жамламаси бир тўхтамга келди:

— Бу ёруғ оламда ёмонлар кўпми? — сўради Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети домласи, филология фанлари номзоди Юсуфхон Ҳамдамов.

— Бундайлар учраб туради. Лекин улар орасида Зиёд Есенбоев йўқлар, — деди Санъат институти доценти, адиб ва журналист Мели Норматов.

— Яхшилар-чи? — сўради республика радиосининг бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Барно Ражабов.

— Кўп. Зиёд Исломович шу яхши одамлар сафида турадилар, — дейди «Фан» нашриётининг директори Наримон Ҳотамов.

Ҳа, кўпнинг баҳоси — халқнинг баҳоси. Зиёд бобо саратоннинг айни кунларида соя-салқинда ўтирганлари йўқ, ҳамон ёниб, жўшиб ишламоқдалар. Муовинлари Абдуғани Абдуллаевни ҳам, масъул котиб Ҳамид Султоновни ҳам бўш қўймадилар. Улар ҳам Зиёд бободек оқсоқол ва отахон дарға билан ишлаётганларидан фахрланадилар. «Устоз», дея у кишини ҳурмат қиладилар.

Бизнинг Зиёд бобога ҳавасимиз келади. Аслида яшашни ҳам, ишлашни ҳам у кишидан ўрганмоқ керак. Қалби пок Зиёд бобони айни қутлуг кунларда, муборак ёшлари билан табриклаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлишларини Яратгандан сўраб қоламиз.

*Абдулҳамид Ҳабибуллаев,
халқ таълими аълочиси.*

МЕН СИЗДАН МЕҲР ТОПДИМ

Асрлар оша авлодлар ўз аجدодлари — улуг бобокалонларимиз қуришган осмон ўпар иморатлари, миноралари билан фахрланадилар. Халқимизга хос фазилат — келажак учун лоақал битта кўчат экиб боғ ярати, ё иморат қуриб кетади. Ўзбекистонимизда «Журналистлар отахони», «Ўзбек журналистикаси яловбардори» дея доврўг таратган атоқли журналист, Зиёд Исмолович Есенбоев ҳам ана шундай улугвор авлодларга мансуб сиймодир. Бугунги кунда ўнлаб вилоят ва туманларда қад ростлаб турган босмахона бинолари, матбуот уйларининг бунёд этилишида Зиёдхон акамизнинг ҳам камтарона хизматлари бор.

Зиёдхон аканинг ўзлари — журналистика мактаби, дегим келади. Дарҳақиқат, ярим асрлик фаолияти давомида у киши ўзига яраша журналистлик мактабини яратган устоз журналистдир.

Тақдирнинг ширин тўхфасини қарангки, камина ҳам роппа-роса тўрт йил Зиёд Исмолович даргоҳида меҳнат қилиш бахтига мушарраф бўлганман. Зиёд аканинг «даргоҳи» деганимиз — бул ажойиб дарғанинг ростакам даргоҳи бўлганига ўшанда имон келтирганман.

Тошкентдаги энг муҳташам бино — матбуотчиларнинг ўн олти қаватлик даргоҳидаги хоналардан бирига қимтинибгина кириб борганимда Зиёдхон ака очиқ чехра билан қабул қилгандилар. Сўзларимни берилиб тинглагач, вазминлик билан шундай дедилар:

— Онасини кўриб қизини ол, деганларидек, устозларини билиб шогирдига муомала қилиш керак. Модомики, вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Шавкат Миролимов (у менинг энг ҳароратли шогирдим, — дея қўшиб қўйди Зиёд ака), «Давр овози» газетаси муҳаррири Абдуҳамид Фозилов, ёзувчи Оқилжон Ҳусановлардан таълим олган экансан, демак, бўладиган журналист десам янглишмайман...

Бу гапдан мендек ёш журналистнинг боши осмон бўлганини тасвирлашга қалам ожиз. Хуллас, 1989 йилнинг июнидан бошлаб «Ўзбекистон матбуоти» журналида хизмат қила бошладим.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига тамал тошини қўйган, ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида узоқ йиллар бош муҳаррирлик қилган, Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасига салкам чорак аср раҳбар бўлган,

республика Журналистлар уюшмасини бошқарган, қатор китоблар, долзарб мавзулардаги мақолалари билан донг таратган ажойиб инсон мендек ёш журналистга меҳрини бериб устозлик қилганидан фахрланаман.

Зиёдхон Ислом ўғли асли аргинлик. У кишининг болалик йиллари Аргин қишлоғи кўчаларида. Дўрмон боғларида, Қибрай гўшаларида кечган. Зиёдхон акамиз қаерда бўлмасинлар, қандайин лавозимларда фаолият кўрсатмасин, барибир, у кишининг бизга — қибрайликларга маҳалладош эканликлари катта фахрдир.

Қибрай туманимизда бирор тўй-маърака, байрам ва бошқа тадбирлар йўқки Зиёдхон акасиз ўтса. Қибрайликлар тўйида ҳамиша тўйбоши, байрамларда, давраларда даврабоши, ёшларнинг севимли устози, журналистикамиз отахони Зиёд Исломович бу кун 75 ёшни қаршилабдилар. Илоҳим, энди саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашсинлар. Кўплаб ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари қатори биз, қибрайлик қаламкашларнинг ҳам улуғ устозга самимий тилагимиз шудир.

*Тулқин Эшбек,
ёзувчи, Усмон Носир мукофоти лауреати.
«Давр овози», 27 июнь 1996 йил.*

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ, УСТОЗ!

Хушфёъл, меҳнаткаш, инсонни ҳар қандай вазиятда ҳам тушуна биладиган журналист сифатида Зиёд ака Есенбоевни кўпчилик яхши танийди.

Бундан қирқ йил аввал ёзувчи Мумтоз Муҳамедовнинг эллик йиллик тўйини нишонлагандик. Албатта, тўйга келган меҳмонларнинг илиқ фикрлар айтишиб, адибга соғлик, баркамоллик тилашди. Ўшанда шоир Акмал Пўлат: «Менга қара, Мумтоз. Сен қаерга борсанг, мен ҳам кетингдан боравераман. Мана, кўрасан, «Муштум»га борсанг ҳам, «Ўзбекистон маданияти»га борсанг ҳам, дарров ҳозир нозир бўлиб тураман», дедилар ҳаммани кулдириб. Акмал аканинг ҳазил-мутойибасини ёқтирганлари учунми, ҳеч ким у кишининг гапларини юракка яқин олмасди.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб, ҳақиқатда ҳам, Мумтоз Муҳамедов аввал «Муштум» журнаliga, сўнгра «Ўзбекистон маданияти»га муҳаррир этиб тайинланди. Акмал аканинг гапларини эслаб: «Тавба бу киши қан-

дай қилиб бу ишларни аввалдан билишлари мумкин», деб бошимиз қотди. Йиллар ўтиб, тажриба орттириб, оқ-қорани таниганимиздан сўнг англаб етдим: йўқ, Акмал ака аввалдан ҳеч нимани билмаганлар, балки, яхши ният қилганлар. Чин дилдан Мумтоз акага оқ йўл тилаганлар.

Айтмоқчиманки, яхши ният ҳар кимнинг умрига йўлдош бўлсин. Зотан, Зиёд ака Есенбоев етмиш йиллик тўйини нишонлаганида: «Мана шунча йиллар давомида республика газетасида, «Тошкент ҳақиқати»да муҳаррир, Матбуот қўмитасида раис бўлиб ишладим. Ҳозир бўлса, «Ўзбекистон матбуоти» журналида муҳаррирман. Бу журнал матбуотнинг ҳар бир соҳасини, радио, телевидение, китоб, газеталар фаолиятини ёритиб боради. Худо насиб этса, саксон ёшни қаршилагунимча шу қадрдон нашрни бошқариб турмоқчиман, шогирдларим бу ишда менга, албатта, қанот бўлишади», деб ният қилгани кечагидек эсимда. Мана, бугун устознинг саксон йиллик тўйини нишонлаб турибмиз.

Матбуотнинг сермашаққат меҳнатига ҳар ким ҳам дош беролмайди. Тўғри, мухбир ва матбуотчиларнинг меҳнатини енгил баҳолайдиганлар ҳам бор. Бироқ ўзим гувоҳман, биргина газетага ёки ойномага муҳаррир бўлишнинг масъулияти ва машаққати ўзига етарли. Шунинг учун ҳам серзавқ, матонатли ва асаблари метиндан бўлган кишигина узоқ йиллар давомида газета-журнал муҳаррири бўлиб ишлаши мумкин. Хусусан, Зиёд Есенбоевнинг шунча йиллардан бери матбуотда ҳалол меҳнат қилиб келаётгани таҳсинга лойиқ.

Қадрли Зиёд ака! Қутлуғ саксон ёшингиз муносабати билан энг яхши тилакларимизни қабул қилинг. Ҳамиша дўст-биродарларнинг тўйларида чин дилдан айтadиган тилакларингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин. Бизлар ҳам сизнинг ортингиздан шу сўқмоқларни забт этиб бораверайлик. Сизга соғлиқ-саломатлик, оилангизга фаровонлик тилаймиз.

*Ислом Шоғуломов,
ношир ва журналист.*

ЭГИЛГАНГА ЭГИЛАМАН...

Инсон табиатан эзгуликка мойил. Ҳаётнинг оғир сўқмоқларидан ўзига ризқ-рўз, бахт-саодат излаб ҳамиша олға интилади. Фалакнинг гардиши нотекис: кеча осмонда эдинг, ерга тушасан, пастда юрган эдинг, қарабсанки, бахтинг чошиб амал курсисига минасан. Бобокалонларимиз демишлар: «Мансаб курсисига ўтирганингда, одамларга кўпроқ яхшилик қил, саховатли бўл, кейин лавозимдан кетгач, инсонларга қилган яхшиликларинг, саховатли ишларинг ўзингга қайтади, амал кетади, лекин одамларга қилган яхшилигинг қолади».

Мен қаламга олаётган инсон Зиёд Есенбоев — худди ана шундай саховатпеша, кўп одамларнинг ҳожатини чиқарган олижаноб инсонлардан бири. Унинг ҳаёт йўли матбуотимиз тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Мен 1949 йилда «Ўзбекистон овози» (ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон»)га адабий ходим бўлиб ишга келганимда, Зиёд Исломович масъул котиб эди.

У даврда газеталар ҳозиргидек техник имкониятларга эга эмасди. Журналистлар қийин шароитларда ишлар, оммавий ахборот воситалари ҳали эркин, мустақил эмасди, «марказ»дан келадиган расмий материаллар кўп бўлганлиги боисидан баъзан тонготаргача ишлашга тўғри келарди.

Шундай тифиз шароитларда ҳам Зиёд ака босиқлик билан, шошилмасдан, эрталабдан бери ишлаб чарчаган одамларнинг кўнглини кўтариб, бирини ака, бирини ука, деб ишга солиб юборар, қандай қилиб бўлмасин, газетанинг беҳато, кўркам чиқишига эришарди.

1954 йилда бу даргоҳдан янги ташкил этилган пойтахт вилоят газетаси — «Тошкент ҳақиқати»га бош муҳаррир бўлиб ўтди. Унинг меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги туфайли ҳамма ҳавас қиладиган янги газета туғилди. Бу газета янги-янги ҳаётий масалалар, ҳодисаю-воқеалар, муаммоларни кўтариб чиқди. Республикадаги ман-ман деган нашрлар билан бемалол беллаша оладиган бўлди.

Зиёд Исломовичнинг ўзига хос ташкилотчилик фаолияти уни яна янги ишларга чорлади. Кейин ижодий камолоти бошланган қадрдон газета — «Ўзбекистон овози»га бош муҳаррир этиб тайинланди.

Замон талаблари асосида республикамызда Давлат матбуот қўмитаси ташкил этиладиган бўлди. Бу вази-

фани кимга топшириш керак? «Тошкент ҳақиқати»ни оёққа турғизган, отахон газетада катта ташкилотчилик билан ишлаётган, матбуот ишини яхши биладиган камарбаста Зиёд Исломовичдек одам бу ишга керак эди. Янги қўмитани ҳам маромида ташкил этди, оёққа турғазди. Янги-янги замонавий босмахоналар қуриш, уларни техник жиҳозлар билан таъминлаш, сифатли китоблар чиқаришни йўлга қўйиш — буларнинг барчаси янги қўмита зиммасига топширилган эди. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига раислик қилди. Фахрийликка чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимасди, шу кунга қадар «Ўзбекистон матбуоти» журналини чиқариб турибди.

Ёдимда, Тошкент зилзиласи юракларни титратган йиллар. Иложсиз қолган журналистлар, матбаачилар уйларини таъмир қилиш, етишмовчиликларига ёрдам бериш учун собиқ Иттифоқ Журналистлар уюшмасидан катта маблағ ажратишга эришди. Ўзбекистон матбуот ходимларининг фарзандларини оромгоҳларда уч ойдан ортиқ дам олишини ташкил этиш ҳам Зиёд аканинг жонбозлиги билан бўлди.

Бир донишманддан сўрабдилар: «Ака яқинми, ё дўст?». Шунда у: «Агар аканг дўст бўлса, дўстинг аканг бўлса», — деб жавоб берибди. Биз Зиёд ака билан 1949 йилдан буён бир даргоҳда ишлаб, бир умр қадрдон дўст, ака-ука бўлиб қолдик. Яхши одамларга эргашиб, саховатдан, садоқатдан, меҳр-оқибатдан дарс олдим.

Тоталитар даврда раҳбар лавозимларда ишлаш қанчалик мураккаблигини ҳис этганмиз. Арзимаган хато, йўл қўйилган камчилик учун бошимизда тегирмон тоши юргизишарди. Фаразгўйлар устимиздан имзосиз хатлар ёзиб, туҳматга учраган вақтларимиз ҳам бўлган. Ҳатто, Зиёд Исломовичнинг оддийгина уйини ер қимирлаган йили таъмирлаганлиги учун «нокамтарлик қилди», деб имзосиз хат тушганди. Анча вақтгача Зиёд ака марказ-қўмга «тушунтириш хати» ёзиб юрган. Лекин ҳалол, покиза хизмат, эл-юртга садоқат, дўстона меҳр-оқибат оғир дамларда бир-биримизга суяниб, дўст-қадрдонлашиб ишлаганлигимиз туфайли ўша балолардан эсон-омон чиқиб кетганмиз.

Зиёд аканинг хонадонларига бориб қолсангиз, сизни аввал тўппа-тўғри ўзларининг уй-музейларига олиб киради. Унда Ўзбекистон журналистикаси тарихига оид жуда кўп суратлар, ҳужжатлар бор, ҳатто машҳур жур-

налистларнинг магнит тасмасига ёзиб қўйилган овозлари ҳам сақланган. Барчаси бежоголик, жой-жойига эҳтиётлаб сақлаб қўйилган. Кейин бизни музей ёнидаги кенг хонага таклиф этади. Катта стол, оппоқ дастурхонлар ёзилган. Уй бекаси, ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб кетган онахон Тозагул аямиз, ҳар галгидек, бизни очиқ чехра билан кутиб олади. Ҳа, Зиёд ака дунёдаги энг бахтли инсон дейман ўзимга ўзим. Чунки Тозагул аядек ажойиб, меҳрибон, ўта садоқатли аёл муқаддас хонадоннинг бекаси эрур. Энг оғир дамларда Зиёд аканинг яқин маслаҳатчиси, ажойиб ўғил-қизларни оқ юзиб, оқ тараган меҳр-шафқатли аёл. Устознинг обрў-эътиборию ҳамиша башанг кийиниб, дадил юриши ана шу аёлнинг меҳридан бўлса ажаб эмас. Дунёда Тозагул опадек аёллар бор экан, дунё тинч, осойишта, оилада барака, тўкинлик бўлади.

Зиёд ака стол чеккасида ўтириб, фотиҳага қўл очади:

— Қани, тинчлик, омонлик бўлсин, мана ўша уй, ўша дастурхон, ҳаётдан норози бўладиган жойимиз йўқ. Қирғизларда бир мақол бор: «Кишининг руҳи тушса, оти ҳам чопмайди», деган. Менинг руҳим тетик, менинг одатимни яхши биласизлар. Эгилганга эгиламан, гўддайганга яхшилаб жавобини бераман, бировдан қарзим йўқ, мана болаларим, қатор-қатор невараларим. Худога шукур, бугун ҳам эл-юрт олдида юзимиз ёруғ. Бундан ортиқ бахт оламда борми?

Ҳа, Зиёд ака ана шундай олижаноб инсон. У Қибрайда, Дўрмон қишлоғида туғилган, асли қирғиз фарзанди, аммо ўзбекнинг ўғлони, умр бўйи элим деб, юртим деб яшади, ҳалол меҳнат қилди.

Уни ҳамма билади, у барчани танийди. Машҳур ва маълум Отахонимизни муборак саксон ёшлари билан чин дилдан қутлаймиз.

*Мақсуд Қориев,
«Халқ сўзи».*

ҚАЛБДАН ҚАЛБГА ЙЎЛ СОЛГАН ИНСОН

Дастлаб ушбу ёзувларга эътибор берайлик:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби. Мустақил Ватанимизнинг «Эл-юрт ҳурмати» ордени, «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Пиру бадавлат хонадон соҳиби. 16 неvara, 2 эvara-нинг суюкли бобожони.

Бундай ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган фидойи инсон ким, деб ўйларсиз. У Зиёд Есенбоев.

Зиёд Есенбоев билан суҳбатимиз ҳам дилдан бўлди.

— Зиёд ака, сиз кўпни кўрган, саксондан ошган табаррук инсонсиз. Сир эмас, кўпгина журналистлар сизга маслаҳат сўраб мурожаат этишади. Босиб ўтган ҳаёт йўлингиз ҳам бизга ибрат намунаси. Келинг, суҳбатимизни журналистикага кириб келишингиздан бошласак...

— Ўзим ҳақимда гапириш жуда ноқулайда. Сўрадингиз, бир-икки оғиз айтай. Мен эллик беш йилдан кўпроқ матбуотда узлуксиз хизмат қилдим. Меҳнат дафтарчамда фақатгина элимизга маълум ва машҳур бўлган икки йирик матбуот даргоҳининг — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси (собиқ Марказқўмнинг «Бирлашган» нашриёти) ва Давлат Матбуот қўмитасининг хизмат вазифаларим ҳақидаги ёзувлари битилиб, муҳри босилган. Журналистик ҳаёт йўлларимда Шароф Рашидов, Вали Галямов, Исмат Ҳабибий, Сиддиқ Ражабов, Хожиакбар Ғуломов, Рихси Соҳибоев, Баҳром Раҳмонов, Акмал Пўлат каби табаррук зотлар билан бирга ишлаган эканман, демак, умрим унчалик беҳуда ўтмабди. Шу давр мобайнида матбуотдан бошқа оммани маънавий жиҳатдан бир-бирига боғлайдиган, уларда ижодий фикр уйғотадиган, тўғри йўл кўрсатадиган ва тарбиялайдиган эпчил ва серҳаракат восита йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Чунки Президентимиз Ислом Каримовнинг ибораси билан айтганда «Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лавозимидан қатъий назар, ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қиёслаш мумкин. Айни вақтда шуни яхши англаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаъб, кўпни кўрган, доно халқимизга суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор, матбуот заҳматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак».

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан кенг қамров касб этди. Эсимда, миллий матбуотимиз туғилган кунни белгилашни мустақиллигимизнинг илк шарофатларидан бири бўлган эди...

— Мустақиллигимиз солномасига олтин ҳарфлар

билан битилган бу байрам, яъни оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — бу йил ўнинчи марта нишонланади. 1906 йил 27 июнда, эски ҳисоб билан 14 июнда Туркистонда «Тараққий» газетасининг биринчи сони босмадан чиққан. Газета илк сонлариданоқ маҳаллий халқ орасида эрк, ҳуррият, истиқлол ғояларини тараннум эта борди, бу ғояларни кенг тарғиб қилишга интилди. Охириги сонигача ўзининг шиорига содиқ қолиб, маҳаллий халқнинг сеvimли газетаси даражасига кўтарилди.

Ўзбек матбуотининг қалдирғочи — «Тараққий» газетасининг илк сони чиққан кун Президентимизнинг махсус фармони билан «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» деб алоҳида белгиланиши матбуотчиларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик намунасидир.

— Буни ўз вақтида қабул қилинган қонунлар ҳам исботлаб турибди...

— Матбуот ходимларининг касб байрами умумхалқ миқёсида нишонланишида, Президентимизнинг ҳар йили 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ходимларига табрик йўллаб туришишда чуқур рамзий маъно бор: мустақил давлатимизнинг ҳозирги янги матбуоти қуруқ ерда тўсатдан пайдо бўлгани йўқ. Бу матбуот синфий курашлар авж олган суронли йиллар алангасида тобланди. Истиқлол байроғи ҳилпирагач жамиятимизнинг, халқимизнинг мунаввар кўзгусига, мамлакатимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассамлантирувчи табаррук солномага, давр овозига айланди.

Мамлакатимиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий эътибор бериб, катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Олий Мажлис сессияларида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси даврий матбуотни тарқатувчи корхоналар иши самарадорлигини янада ошириш, босма нашрларни республика аҳолисига ўз вақтида етказиб беришни жадаллаштириш ва таннархини пасайтириш мақсадида «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғри-

сида» махсус қарорлар қабул қилди. Бу муҳим ҳужжатлар ва ўтказилаётган тadbирлар журналистнинг мустақил юртимиз равнақи йўлида фидокорона, ҳалол ва ҳолис хизмат қилиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Журналист мустақил равишда ахборот тўплаш ва ўзи эга бўлган маълумотлар ҳамда фактлар, шунингдек, келиб тушган материаллар бўйича текширув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Унга сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизга хизмат қилувчи шахс сифатида жуда катта масъулият ва вазифа ҳам юклатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Зиёд ака, газета дўконларидаги ранг-баранг нашрларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Лекин ҳаммаси бирдек ўқиладими, деган савол туғилиши ҳам табиий...

— Биз ахборот асрида яшаяпмиз. XXI асрга келиб ҳаёт шу қадар шиддатлашиб кетдики, бу жараённинг қудратли оқимида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Тахминларга қараганда ҳозир жаҳонда чиқаётган жами газеталар бир сонининг адади бир неча юз миллион нусхани ташкил этади, ҳонадонлардаги радио ва телевизорлар сони эса беҳисоб.

Газета-журнал таҳририятлари — муқаддас даргоҳ. Аҳоли бу жойни ҳақиқат ва адолат рамзи, деб тушунади. Аксарият хурсандчилигини ҳам, бошига тушган мусибатни ҳам баҳам кўриш мақсадида таҳририятларга мурожаат қилади. 1991 йили республикамызда 200 га яқин газета ва журналлар чоп этилган бўлса, бугун уларнинг сони 600 тадан ошиб кетди. Энди нашрларнинг ҳаммаси ўқиладими, деган саволингизга келсак... Меҳнаткаш ва ижодкор халқимизнинг кўнглида гап кўп. Газеталар эса жамиятимиз ҳаётининг, халқимиз қалбининг ойнасидир. Журналист, аввало, бунини чуқур англаши, халқимиз кўнглидаги ўй-мақсадларни, режаларини янада теранроқ англаб ифода қилиш ва эл-юртни янгиликлардан хабардор қилиш бахти насиб этганлигидан фахрланиши, бу юксак ишончни оқлаши, қаламини янада чархлаши керак.

— Сиз кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлагансиз. Бирга ишлаганлар, шогирдларингиз сизни жуда иззат қилишади. Бунинг сири нимада?

— Ҳеч қандай сири йўқ. Раҳбар аввало жамоанинг ҳурматини қозониши керак, шунга эришса, ишлар худди мойланган машинадек кетаверади. Бунга аввало юк-

сак малака, ишчанлик билан бир қаторда ходимларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш йўли ила эришилади. Кўпчиликка бош бўлмоқ — нозик санъат, бу ҳам Худойимнинг бир инояти. Уни авайлаш, қадрига етмоқ керак. Ходимлар сен учун ҳар нарсага қодир бўлсин десанг, ҳурматини жойига қўй, авайла худди ўз фарзандингдек, керак бўлса эъзозла, нописандликдан сақлан, худди шундай жавоб олишинг мумкин, ходимларни сафдошим деб бил, кишиларни эшита бил чидам билан, бу ҳам ҳурматнинг бир кўриниши. Қўл остидагиларга яхши муомала қилиш ҳам хайрликдир, Ҳадиси Шарифда шундай дейилган.

— Зиёд ака, шу пайтгача «Матбуотимиз фидойилари» номли икки китобни тайёрлаб, босмадан чиқардингиз. Мазкур китобнинг учинчиси яқинда дунё юзини кўради. Уларда бутун ҳаётини шу беҳаловат касбга бағишлаган юзлаб журналистлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бинобарин, уларнинг табаррук исми-шарифлари тарих учун ўчмас бўлиб битиб қолдирилди. Бу китоблар журналистика факультети талабалари, бошловчи журналистлар учун, қолаверса матбуотимиз шонли йўлини ўргатувчи олимлар учун тенги йўқ ва бебаҳо манбалар бўлиб қолади. Қутлуг касб байрами кунларида ҳамкасбларингизга тилакларингиз...

— Ҳар бир журналист ҳаёт қозонида қайнаши, давр билан ҳамнафас бўлиши, турмушни чуқур англаб ҳақиқатни ёзмоғи, ёниб ижод қилмоғи керак. Ҳақиқат машъаласини баланд кўтариб, чархланган ўткир қалами, залворли фикри, ақл-заковати билан ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга ҳисса қўшиш — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг муқаддас, шарафли бурчидир.

Суҳбатдош:

Темур Убайдулло.

«Saxovat», 3-сон, 2002 йил.

БИЗГА ҲАМ СИЗНИНГ ЙЎЛИНГИЗНИ БЕРСИН

Зиёд Исломовичнинг шоғирди, таниқли публицист-журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Сулаймонов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) «Эл ардоғида» китобига дастхатни шундай деб ёзибди:

«Меҳрибон устозим Зиёд акага!»

Эллик йилдан ошдики, ҳамнафас, ҳамкормиз. Тақдир йўлида Сиздек инсон билан учратгани учун Худойимдан ўргилай.

Умрингизга барака, хонадонингизга бахт-файз тилайман.

Эҳтиром ила, муаллиф. 20 ноябрь, 2002 йил».

Энди муаллифнинг шу китобга киритилган «Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин» сарлавҳали публицистик мақоласини ўқиб кўринг.

«Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, теварак-атрофингизга назар ташлаб, одамларни кўздан кечиринг, сўнг хулоса чиқаринг. Бизнинг Зиёд ака, Ўзбекистон матбуотининг отахони саксон бир ёшгача жанговар сафда туриб, азаматларча меҳнат қилди.

У ўз хизмат бурчи бўйича ҳам, юрак амри, Худойим ато этган ажойиб фазилати билан ҳам республика журналистларига мураббийлик қилди. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига эга. Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг совриндори — буларнинг ҳаммаси давлатимизга, халқимизга садоқат билан қилган хизматларига берилган муносиб баҳодир. 1998 йили унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Мамлакатимизда фан, таълим, маданиятни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, маънавиятни юксалтиришга қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан юксак тақдирланди — у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

У шунчаки умр ўтказмади, балки қаерда ишламасин ўзидан яхши, ҳайрли из қолдирди. Шу давр мобайнида бир қанча китоблар ёзиб, чоп эттирди. У кишининг яна бир эзгу иши, савоб йўлига қилган катта хизмати борки, уни алоҳида таъкидлагим келади. Шу пайтгача «Матбуотимиз фидойилари» номли икки китобни тайёрлаб, босмадан чиқарди. Мазкур китобнинг учинчиси яқинда дунё юзини кўрди. Уларда бутун ҳаётини шу беҳаловат касбга бағишлаган юзлаб журналистлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бинобарин, уларнинг табаррук исм-шарифлари тарих учун ўчмас из бўлиб битиб қолдирилди.

Киши ҳаёт йўлининг маълум босқичига боргач, орқага қараб, босиб ўтган йўлига назар ташлайди, ўзича

сарҳисоб қилади: нима иш қилдим, ҳаётда қандай из қолдирдим? Зиёд ака минг бора рози бўлса арзийди. Бир инсон қўлидан иш келса, шунчалар бўлар. Юзлаб миннатдор шогирдларни айтмайсизми...

Яқинда устоз ўзича бир тўхтамга келди. Ёшим саксондан сакраб ўтди, энди бизга жавоб беринглар, укаларим деб ариза ёзсам бўлар, деди. Ва шундай қилди. Аризасида ишлаган йиллари ўзига кўрсатилган ҳурмат ва эътибор учун миннатдорчилик сўзлари битишни унутмади.

60 йилдан зиёдроқ узлуксиз меҳнатдан сўнг устозни дам олишга кузатишнинг ўзи катта тантанага айланиб кетди. Кўнглидаги яхши сўзларни, дилидаги миннатдорчилик туйғуларини билдирмоқликни истовчиларнинг кети кўринмасди. Устоз шуларнинг барчасининг юрагида қандайдир бир илиқлик, ҳаёт сўқмоқларида, тақдирида ўчмас из қолдирганди. Айтилган гапларни умумлаштириб, бир жумлада ифодалайдиган бўлсак, шундай ният бўртиб кўзга ташланади: жонкуяр, меҳрибон устозимиз Зиёд ака, дуо қилинг, шогирдларингизга ҳам Худойим сизнинг йўлингизни берсин!»

ИККИ ШЕЪР

(Ўтган кунлар дафтаридан)

Жангчи ЗИЁДга.

*Саломат бўл азизим, қадрдон дўстим,
Сенга жўр юракдан, дилимдан салом.
Бирга гуллар терган сўлим боғлардан,
Қўйнида ўстирган элингдан салом.
Юзингга юзлари жилмайиб боққан,
Мактабдош қадрдон қизлардан салом.
Сайр чоғларини бирга ўтказган,
Серҳазил у ширин сўзлардан салом.
Сенинг сўзинг келди ўзинг келгандай,
Кўзларга суртиб ҳам сира тўймайман,
Жангоҳдан юборган туҳфа расмингни,
Соғинган бағримга босиб тўймайман.
Дебсан атакага борар жангчининг,
Тилида мағрурдир Ватан деган ном.
Ўласак ўламизу, қайтмаймиз ҳечам,
Шаҳид дўстлар учун олиб интиқом.*

Ватаннинг шу азиз тупроқларидан,
 Шарманда ёвларни ҳайдаб қайтмасак,
 Оналар оқ сути ҳаромдир бизга,
 Ҳисобмас зафардан дoston айтмасак.
 Сўзларинг дилингдай тозадир дўстим.
 Арзийди сен билан фахр этса диёр,
 Чекинмай, мардона олға боравер,
 Сенинг соф қонингда мардлар қони бор.
 Дўстлик мактубингни ўқир эканман
 Ёдимга тушар мактабдош чоғлар.
 Боғларда такроран ўқиган онда,
 Чирт этиб тўкилган кузги япроқлар.
 Хали ёдингдадир Навоий ўқиб,
 Ҳаёт фалсафасин ўрганган эдик.
 Дўстларни ҳамиша ёд этиб тилга,
 Ёшлик, жўшқинликда биз ёнган эдик.
 У онлар ёшликдан сўнмас хотира,
 Ширин дақиқалар вақтинча қолди.
 Паҳлавон қўшинда бир бургутсан сен,
 Онинг яна баланд, яна юксалди.
 Ой бориб, омон кел деганларидай,
 Шону зафар билан қайтгил кутаман,
 Дўстим мардлигинга қадаҳ кўтариб,
 Шеърим гулдастасин сенга тутаман.

1942 йил.

* * *

Сўзинг келгандайин келдинг ўзинг ҳам,
 Қучоқлар ёйилди кечагидай шод.
 Она диёрингда азиз ўлкангда,
 Минглаб ғолиблардан кўча-кўй обод.
 Йиллар ўтиб кетди тинчлик тонгида,
 Ҳудди солдат каби меҳнат қиласан.
 Уйинг, хонадонинг, шўх фарзандларинг,
 Дўстлик қадрини ҳам чиндан биласан.
 Биз ёдга оламиз шаҳид кетганлар,
 Ватан ўғлонларин унутмай мудом.
 Урушга нафрат деб қасам ичамиз,
 Дилдан жой олади ўлмас ҳар одам.
 Жаҳон тинчлик истар оддий инсоннинг
 Не-не умидлари яшайди қалбда.
 Инсонга инсонча яшамоқ зарур,
 Фарзандлар кулгуси тургандай лабда.

*Биз тинчлик истаймиз кўрққандан эмас,
Инсоний андиша қалбимизда бор.
Бизни чин инсонлар урушқоқ демас,
Тинчлик, тотувликдан топдик эътибор.
Луғатдан йўқолсин, «уруш» деган сўз,
Бир умр юракда яшасин тинчлик,
Чаманлар гул очсин, шод тўйлар бўлсин,
Шу тинчлик боғида яшнасин тинчлик!*

*Юсуфжон Ҳамдам.
1969 йил.*

ЗИЁД БОБО — ҲИКМАТ КИТОБИ

*Зиёд бобо жанг кўрган инсон,
Ярадор ҳам бўлган неча бор.
Йўлни тоза, чанг кўрган инсон,
Ҳаво ҳар дам бўлмас беғубор.*

*Ҳаёт баланд-пастини кўрган,
Бутун чиққан у тегирмондан.
Ҳаёт таъмин тотган-давр сурган,
Айрилмаган лекин имондан.*

*Ёш-яланғи кўрса оқсоқол,
Қусур сезса ақл кўзлари,
Келтиради ҳаётдан мисол,
Ҳикмат каби янграр сўзлари.*

*«Қошу киприк бўлингиз ҳар вақт,
Соч-соқолдек кетмангиз ғовлаб.
Соч-соқолнинг ҳавоси баланд,
Қайчиланиб турар шу сабаб.*

*Туғилгандан қош билан киприк
Бирдек турар бурчини оқлаб.
Шундан инсон то экан тирик
Иккисини силар ардоқлаб».*

*Зиёд бобо — ҳикмат китоби.
Бир ақлингга ўн ақл қўшар.
Меҳнатсевар камтар ҳаёти
Ўзи айтган ҳикматга ўхшар.*

Султон Жаббор.

ЗИЁД ОТА

Мўътабар инсон Зиёд Исломович ЕСЕНБОВга

*Сизга ҳавас қилмоқ — шунинг ўзи бахт,
Сиз — чинор, дунёда энг юксак дарахт.*

*Сиз улкан журналист, қалами ўткир,
Сизни севмаганнинг инсофи йўқдир.*

*Зуваласи нишиқ метин одамсиз,
Йўлида гул унар қутлуғ қадамсиз.
Чехов орзу қилган одам — бу Сизсиз,
Бир Инсон шунчалик бўлур-да нафис.*

*Сизга ҳавас қилмоқ — шунинг ўзи бахт,
Ота юзга киринг, соғ бўлинг фақат.*

*Пиру бадавлатсиз: ўн тўрт неvara,
Олти фарзандингиз қандай дилбар-а?!*

*Бири олим бўлса, бошқаси — фозил,
Меҳрибон, мунис-у меҳнаткаш, одил.*

*Гулларнинг сарасин, тозасин топиб,
Бахтиёр бўлдингиз хандонлар отиб.*

*Ой бўлиб порлагач ТОЗАГУЛ ая,
Бу улуғ хонадон билгайми соя?!*

*Аямиз минг йиллар бўлсин соғ-омон,
Оналар бор экан, қулф урғай жаҳон.*

*Сизни севиб тўймас шогирдларингиз,
Чинорсиз, шогирдлар — гуж-гуж баргингиз.*

*Юз йиллар, минг йиллар шовуллаб турунг,
Бола-чақангизнинг ҳузурин кўринг.*

*Сиз неча Олқорга «Зиёд ота»сиз,
Сиздек яшаш керак онгли, хатосиз.*

*Етмиш ёш муборак, табаррук устоз,
Сизга таъзим, Сизга дунёча эъзоз!*

**Камоли эҳтиром ила: Олқор Дамин.
21.06.1991 йил.**

ПРАВОФЛАНГОВЫЙ ЖУРНАЛИСТСКОГО ЦЕХА

Как-то в середине 70-х годов, во время проведения в Ташкенте крупного киномероприятия, мы вместе с выдающимся писателем, тогда первым секретарем Союза кинематографистов Кыргызстана Чингизом Айтматовым, знаменитым режиссером Львом Кулиджановым и известным ученым-киноведом Владимиром Баскаковым прогуливались по тихим улицам вечернего города. Беседа наша была долгой и непринужденной. Говорили и о процессах развития кинематографа, и о новинках литературы, и о «манкуртизме», и о морально-нравственных ценностях. И здесь Чингиз Торакулович сказал, что воспринимает узбекский народ как наследника и обладателя высокой и самобытной культуры, как истинно интернациональный ибо, на его взгляд, недеklarативность этого понятия доказывается хотя бы тем фактом, что вот уже долгие годы председателем Госкомпечати и одновременно Союза журналистов Узбекистана является кыргыз по национальности Зият Есенбаев. Я охотно поддержал Айтматова, добавив, что среди руководящих работников в республике есть и казахи, и таджики, и армяне, и азербайджанцы, и евреи, и татары, и корейцы и конечно же, русские, но подчеркнул при этом, что Зият Исламович является официальным «журналистом номер 1» не «по разнарядке», не в силу политических или идеологических соображений, а совершенно справедливо, заслуженно, благодаря своим исключительным деловым и профессиональным качествам. Видно было, что Айтматову приятно это слышать, и мы с ним полушутливо посетовали, что вот в Москве, например, нет ни одного министра или хотя бы зама из числа представителей народов Средней Азии.

Я высказался так определенно о З. Есенбаеве, ибо знал его к тому времени не понаслышке, а лично, и уже успел выработать о нем мнение как о безусловной Личности — сильной, целеустремленной, имеющей свои взгляды и твердые убеждения. Зията Исламовича я наблюдал и в общении с работниками районных типографий, журналистами, книголюбями Ташкентской области, и во время официальных выступлений, и на переговорах с гостями из Финляндии — руководителями Международной организации журналистов, и за дружеским застольем. Всегда и во всем его отли-

чает какая-то особенная «громкость», «мажорность» в стиле поведения, в манере говорить, в отношении к жизни. Его выделяет также искреннее равнодушие, безразличие ко всему: к своему делу, к судьбам страны и отдельных людей, к новым публикациям и к видам на урожай — все это его по-настоящему беспокоит и волнует. Видимо, это и называется «активной жизненной позицией».

И еще одна замечательная черта у Зията Исламовича — подлинный интернационализм. Истинный патриот своей Родины — Узбекистана, он в то же время неподдельно и на практике всегда проявлял уважение к представителям самых различных народов, к их духовной культуре. Мы, например, смело можем сказать, что традиции настоящих братских отношений между сотрудниками двух областных газет «Ташкентская правда» и «Тошкент хакикати» зародились еще в начале 1954 года, когда тогдашние их редакторы А. Стажило и З. Есенбаев подписывали первые номера этих изданий. Четкость в работе, собранность, постоянная мобилизованность, нежелание расслабляться, довольствоваться достигнутым, потакать слабостям — эти недюжинные черты характера Зията Исламовича, наверное, сформировались за долгие десятилетия журналистской работы — рядовой и руководящей, и, безусловно, за почти семилетний период службы в армии, включая участие в жестоких войнах против германского фашизма и японского милитаризма.

Организаторские способности, которые в нем так ярко развились, помогли ему быть достойным руководителем не только «Тошкент хакикати», но и Государственного комитета по делам издательств, полиграфии и книжной торговли, Союза журналистов республики, а в последние годы — правления Фонда поддержки печати Узбекистана и журнала «Узбекистон матбуоти» («Печать Узбекистана»). Долгие годы З. Есенбаев был народным депутатом, активно занимался общественной работой. Его полезная и плодотворная деятельность оценена высокими боевыми и трудовыми наградами, званием «Заслуженный работник культуры Узбекистана».

Можно сказать, что жизнь благосклонна к этому незаурядному человеку: она не только одарила его возможностью заниматься любимым делом, талантом профессионального журналиста, книгоиздателя, орга-

низатора и руководителя, не только крепким здоровьем и открытым, оптимистичным характером, но и прекрасной спутницей жизни — женой и другом Тозагуль Ходжановной, с которой они вырастили и воспитали шестерых детей, ныне вместе с родителями на различных участках отдающих все свои силы и способности строительству нового независимого Узбекистана. Это ли не истинное человеческое и родительское счастье?

На днях общественность республики будет отмечать 75-летний юбилей Зията Исламовича Есенбаева. Одновременно будет отпразднована их «золотая свадьба» с Тозагуль-опа.

Дорогой Зият Исламович!

От имени всего коллектива «Ташкентской правды» горячо и сердечно поздравляю Вас с замечательными юбилеями! Богатырского Вам здоровья, неиссякаемой энергии и бодрости еще на многие-многие годы на радость Вашим детям и внукам, близким и друзьям, на радость всем нам. Вы заслужили это!

*Алло Ходжаев.
19 июня 1996 г.*

У ДОБРОТЫ — ДОЛГИЙ ВЕК

Того, кто читал произведения большого кыргызского мастера пера, не мог не охватить трепет волнения. Преклоняемся перед талантом великого писателя, восхищаемся глубиной и яркостью мыслей, размышлений.

Чингиз-ака — гордость не только кыргызского народа, но и всего Туркестана, его ум, его совесть. Его произведения нашли мировую славу и признательность. Они переходят из уст в уста, переводятся на многие языки мира. Сегодня Чингиза Айтматова читает мир. И не будет преувеличением, если скажем, что мы «пленники» его произведений. Немало нового можно сказать и сейчас о его рассказах, повестях и романах. Потому что каждое из них — бесценное богатство. «Джамиля» — это словно певучая проза. Еще тогда, когда Туркестан находился словно во сне, в романе «И дольше века длится день» Чингиз Айтматов создал печально знаменитый образ «манкурта».

Есть человек, которого глубоко уважает великий писатель. Он тоже кыргыз, живет в Узбекистане. Его имя хорошо известно в республике. Это Зият Исламо-

вич Есенбаев. Он внес ощутимый вклад в развитие узбекской журналистики. Талантливый организатор, умелый руководитель, скромный и общительный, он удостоился любви и уважения узбекского народа. Зият Есенбаев долгие годы работал председателем Госкомитета по делам печати, полиграфии и издательств. Им пережит и пройден сложный жизненный путь. Сильный и волевой человек и сейчас на службе народа и государства. Является председателем фонда содействия развитию печати.

Если мы уважаем и почитаем Чингиза Айтматова за его литературные шедевры, то Зията Есенбаева — как известного труженика пера и деятельного человека. Они отдают себя самому благородному делу на земле — службе своему народу и творчеству. У доброты долгий век.

ГВАРДЕЙСКАЯ ЗАКАЛКА

Есть в его осанке и походке, несмотря на возраст, едва уловимый армейский шарм. Этакая выправка гвардейская. Вряд ли сослуживцы, прошлые и настоящие, знали, что Зият Исламوني́ч завершил участие во второй мировой в звании старшины гвардейской дивизии. Но сам он, похоже, ни на минуту не забывает об этом...

...Шел второй месяц боев второй мировой. Студент Ташкентского пединститута Зият Есенбаев отправился на армейскую службу. Когда фашистские армады ступили на родную землю, рядовой Есенбаев уже достаточно поднаторел в воинской науке. Отпраздновав с братьями по оружию двадцатый свой день рождения, на следующее утро узнал Зият о вероломном нападении гитлеровской Германии. Еще через день выпало встретиться с врагом лицом к лицу.

От звонка до звонка прошагал наш земляк по дорогам и пепелищам второй мировой. И как все ее участники сполна хлебнул фронтовой горечи и печали.

Наступил апрель победного сорок пятого. Никто не сомневался, что великая мясорубка завершается. 91-я Духовщинская гвардейская стрелковая дивизия в составе 39-й армии шла в наступление по германской земле в направлении Фишхаузен—Гермау. Стремление идти вперед, без оглядки на основные армейские силы, было так велико и, вероятно, оправданно, что штаб

дивизии неожиданно оказался в огневом мешке врага. И тогда гвардии старшина Есенбаев получил приказ: «Сохранить Боевое Знамя дивизии!» Под пулями, под разрывами артиллерийских снарядов он пробивался с бойцами вперед, держа в руках не просто знамя — честь и достоинство родной дивизии.

Теперь можно сказать, что Есенбаев спас тогда не только этот символ армейской чести, — в одночасье он словно преобразился в иного человека: трагедия и боль войны переплавились в его сердце в совсем не простой поступок — в подвиг.

После выхода из окружения гвардии старшине Есенбаеву командующий войсками лично вручил за спасение дивизионного знамени орден Отечественной войны I степени.

Свой боевой путь выходец из кишлака Дурмен, что под Ташкентом, завершил у берегов Тихого океана — в Порт-Артуре. Но не завершилась до сих пор армейская вахта Зията Исламовича. И по сей день он служит и за себя, и за тех парней, чья жизнь оборвалась в военное лихолетье. Это не пустые слова и не дань боевому подвигу Есенбаева. Просто тот день спасения знамени поставил точку в его человеческом и гражданском формировании на всю оставшуюся жизнь...

Думаю, Зият Исламович не обидится, если мы, его коллеги — и сверстники, и помоложе, и только дебютирующие на тернистом пути журналистики, признаемся, что для многих из нас он и есть старшина. Нет, мы помним, что он более двух десятков лет был генералом отечественной журналистики, возглавлял Союз профессиональный и Госкомитет по печати и книгоиздательству. И все же больше всего в Есенбаеве армейского духа — братства и солидарности. Десяткам, а может, и сотням, посвятившим себя газетному делу, он сумел помочь поверить в себя, встать на ноги.

...Зарафшанскому руководителю захотелось иметь под рукой печатный орган. В городе, расположенном в центре Кызылкумов, не было ни журналистских кадров, ни полиграфической базы. Разрешение на издание «Зарафшанского рабочего» через высокие инстанции пробили. Редактировать новую газету поручили мне. Растерянный, попал на прием к Зияту Исламовичу. Прервав мой монолог он попросил:

— Возьми листок и начерти, где примерно нахо-

дится этот Зарафшан по отношению к Бухаре и Навои, имеющим типографии.

Подсчитав расстояние, рассвирепел и вызвал своих подчиненных:

— Можете посмотреть на этого сумасшедшего! Берется выпускать газету в городе без типографии в двухстах километрах от Навои и еще дальше от Бухары....

Подумал, что сейчас раздастся смех и моя просьба оказать содействие в поставке оборудования для типографии окажется пустым номером. Но Есенбаев умел отделять волонтаризм от интересов дела. А они требовали, чтобы в городе была своя газета.

Через две недели раздался в Зарафшане звонок: «Оборудование вам отправлено...»

На есенбаевском счету участие в рождении не одного печатного органа, не говоря о прямой причастности к выходу первых книг многих ныне известных авторов. Он не сделался чиновником, должностные кресла не выбили из него армейский дух. Может, поэтому ни для кого не показалось странным, что, уйдя на заслуженный отдых, Зият Исламович... пришел замом главного редактора в журнал «Мухбир» — «Корреспондент». Он просто не мыслит себя без газетного дела. Последние шесть лет Есенбаев возглавляет ставший по-настоящему популярным среди коллег журнал «Узбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана». Журнал, который помогает газетчикам в новых условиях переосмысливать свое ремесло, делая его полезным для сегодняшнего и завтрашнего дня независимого Узбекистана.

«Время искать и время терять, время сберечь и время бросать; время разбрасывать камни, и время собирать камни», сказано в книге Екклесиаста. Такое время подоспело и для Зията Исламовича. Сегодня гвардии старшине и одновременно генералу от журналистики исполняется семьдесят пять. И ему есть что собирать. Не остался без друзей и единомышленников, среди которых и давний сердечный товарищ Чингиз Айтматов. Живы люди, с которыми он по-братски делил нелегкий журналистский хлеб. В полную мощь действуют введенные в работу при живом участии Есенбаева десятки типографий во всех городах и весях страны. Продолжают трудиться на благо народа редакционные коллективы, запущенные в жизнь крестным отцом — Зиятом Исламовичем.

Заслуженный работник культуры Узбекистана, лау-



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов
«Эл-юрт ҳурмати» орденини топширмақда. 1998 йил.



Меҳрибон онажоним Зулфия
Бойназар қизи.



Ҳарбий хизматнинг дастлабки
кунлари. 1939 йил.



Рафиқам Тозагул Хўжан қизи.



Шароф Рашидов матбуот ходимлари билан қизгин суҳбатлашмоқда. 1969 йил.



1963 йил 13 сентябрда олинган бу суратда қадрлон дўстларим (пастки қатор, чапдан ўнгга) Мақсуд Қориев, Рихси Соҳибоев, Ғайниддин Нажимов, (юқори қатор, ўнгдан чапга) Шавкат Ниёзов, Аҳмад Исмоилов, Акмал Пўлат ва Убайдулла Иброҳимовлар мени «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасидан бўлғуси иш жойим — Давлат матбуот қўмитасига кузатиб қўйиш учун келишган пайти.



Ҳамкасб дўстларим билан таҳририятимиз дам олиш уйида. 1961 йил.



Қадронларим Василахон Содиқова, Маҳмуд Раҳмонқулов, генерал Мурод Шералиев,
Рихси Соҳибоев, Фафур Юсупов ва бошқалар билан байрам тантаналарида.



Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясида
дўстларим — ёзувчи Шухрат Алимов ва ношир Мели Жўраев билан.
1967 йил 13 октябрь.



Тоҷик адабиётининг забардаст вакили Мирзо Турсунзода
(чапдан биринчи) билан.



Адабиётимизнинг таниқли арбоблари Комил Яшин ва Уйғун билан мулоқот.



Тошкентда ўтказилган халқаро журналистлар семинарида. 1979 йил.







Кадрдонларим (чапдан) Рихси Соҳибоев, Собир Камолов,
Файниддин Нажимов, Собир Муҳамедов билан.



Машихур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ватани —
Қирғизистоннинг Шекер ойида.



Қуролдош дўстларим билан Мустақиллик майдонидаги
учрашув. 1991 йил.



Юбилярга Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бонн директори Рустам Шоғуломов зар чопон кийгизмоқда.



Қизим — биология фанлари
номзоди Вазираҳон.



Қизим — психология фанлари
номзоди, доцент Элмираҳон.



Қизим Ферузахон фарзандлари Нозимаҳон ва
Бобур билан.



Ўғлим — иқтисод фанлари
номзоди Алишер.



Ўғлим — ҳуқуқшунос, адлия
маслаҳатчиси Шерзодбек
набирам Бекзод билан.



Бизнинг катта оила.



Набирам Дилшод.



Набираларим Бекзод ва Азиза.



Рафиқам Тошгулaxon ва эшарам Дилмурзод билан.

реат Госпремии имени А. Беруни, орденоносец Есенбаев особо чтим сотоварищами и за крепкую свою семью, за полвека, прожитые с Тозагуль Ходжановной, за шестерых сыновей и дочерей, с честью продолжающих нести фамильный флаг, за полтора десятка внуков, гордящихся дедом-фронтовиком. Неугомонный, стремительный в работе и помыслах, Есенбаев не нуждается в пожелании оставаться бодрым, энергичным и молодым душой. Он такой и есть поныне. С чем Вас и поздравляем сердечно, дорогой Зият Исламович!

*Станислав Алтунянц.
Обозреватель «Правды Востока».*

ЩЕДРОСТЬ СЕРДЦА

Чтобы узнать по-настоящему человека, говорят, нужно вместе с ним съесть пуд соли. С Зиятом Исламовичем Есенбаевым вместе скушано много пудов и соли, и перца, и других острых приправ. Знакомство, происшедшее полвека назад, перешло в творческое сотрудничество, зацементированное в дальнейшем в прочную, уверен, до конца наших дней мужскую дружбу.

Нет, это не слащавые, умиленные до слез и поцелуев отношения, раскланивания друг перед другом в поклонах. Это — серьезные, рабочие отношения, основанные на общих устремлениях, единых идеалах, тождестве взглядов по принципиальным политическим событиям, по оценке роли издателя и полиграфиста, работника культуры в жизни общества.

Зият Исламович прошел большой жизненный путь. От рядового журналиста до председателя республиканского Союза журналистов. От корреспондента до главного редактора ведущей газеты Узбекистана и председателя Государственного комитета по печати. Труженик пера, организатор, деятель крупного калибра, воин, удостоенный многих высоких боевых наград.

По своей натуре Зият Исламович лидер. Ему очень трудно быть ведомым, вторым. Его заряженность на дела, стремление во всем разобраться, принять решение, а затем довести дело до конца поражали многих коллег. В разные годы средства массовой информации республики возглавляли профессионально грамотные, образованные и умелые руководители. За плечами каждого из них были серьезная школа подготовки и большой опыт

работы, но и все они признавали лидерство Есенбаева, знали, что он смело постучится в любую солидную дверь, чтобы решить какой-то вопрос. Это не оставалось незамеченным. Многие верхами поощрялось, но иногда Есенбаеву порядком и доставалось. Проходило какое-то время, и Есенбаев снова брался за свое:

— По-моему, вопрос серьезный, надо вносить на рассмотрение в правительство.

— Может быть, вначале согласуем? — возражали ему.

— Начнем согласовывать, ходить по инстанциям — загубим дело. Давайте внесем, а там посмотрим.

И часто предложения принимались. И каждый раз этот солидный человек, прошедший «огонь, воду и медные трубы», радовался успеху, как ребенок. Улыбка озаряла его широкое лицо, глаза сверкали, своей радостью он был готов поделиться с любым встречным. Свою радость он и сейчас считает радостью всех, радость других — как свою собственную.

Есенбаевым много сделано для повышения роли журналиста в обществе, развития полиграфической базы, издания произведений узбекских литераторов как в Узбекистане, так и за пределами нашей страны.

В любой командировке он обязательно зайдет в областную или районную газету, внимательно выслушает своих младших коллег, перелистает подшивки и чем-нибудь обязательно поможет. Скольким начинающим журналистам им дана путевка в жизнь, сколько работников прессы с почтением называют его Зият-ака, вкладывая в это не только уважение к сединам, но и за искреннее отеческое отношение к каждому из них.

Судьба людей подобна вращающемуся колесу. Вверх-вниз, вверх-вниз... Сегодня ты на вершине, но завтра или послезавтра, или через много дней колесо жизни опустит тебя вниз. Таков закон.

Сегодня ты богат, тебя радует твое положение. Но мудрый всегда помнит, что наступят и другие дни, что будут потери. И потому он не будет надменен, презрителен к другим, показывать свое превосходство.

Зият Есенбаев обласкан судьбой. Он видел высокие должности, он, как никто другой в журналистском мире, удостоен высоких наград и почестей. Но и в молодые годы, и в пору профессиональной зрелости, и сейчас, с высоты своих восьми десятков лет, он неизменен: прост, внимателен ко всем, готов оказать помощь любому. И

потому ему не страшно вращение колеса. Его авторитет и сегодня непоколебим. Ему не о чем сожалеть, ибо главное богатство человека — уважение людей — с годами у Есенбаева только приумножилось.

Идет это от простоты характера и доброты к людям. Можно много говорить о высоком профессионализме Зията Исламовича как журналиста и издателя, организатора многих славных дел. Но именно простота и доброта в первую очередь сделали имя Есенбаева уважаемым и авторитетным. Он и сегодня знает всех, или почти всех журналистов, работающих в республиканских изданиях — газетах и издательствах, следит за творчеством многих теле- и радиожурналистов. И всегда найдет время позвонить редактору или автору и отметить хорошую публикацию или передачу.

Сколько раз приходилось от него слышать:

— У человека беда. Надо помочь ему. Все понемногу поможем — выйдем из положения.

И первым вносил средства. Не уставал звонить друзьям, чтобы каждый оказал посильную помощь. Никто об этом Есенбаева не просил, никто не уполномочивал. Делая он это по велению совести, по щедрости своей души. И сейчас он всегда откликнется и на радость, и на беду. Его заряженностью на доброту нельзя не восхищаться.

И люди платят на добро добром.

В свои 80 он и сегодня в делах, возглавляет профессиональный журнал журналистов и издателей. И пусть грусть и усталость еще многие годы обойдут его стороной.

*Рубен Сафаров.
«Правда Востока», 20 июня, 2001 г.*

СЕКРЕТЫ ЕГО МОЛОДОСТИ

В каждом деле бывают свои рекордсмены. Если мысленно охватить жизненный путь Зията Есенбаева, то можно убедиться в том, что к нему очень применимо определение «самый». И дело не в том, что и сегодня он, в свои 80 лет, является самым пожилым главным редактором издания. Еще в начале 1954 года он стал самым первым редактором областной газеты «Тошкент хакикати». Несколько позднее, возглавляя республиканскую газету «Ўзбекистон овози», он стал самым первым председателем созданного Госкомитета

по печати республики. И это не все. Уже в период независимости З. Есенбаев встал у истоков создания Фонда демократизации и поддержки средств массовой информации республики.

Несколько поколений журналистов Узбекистана считает Зията Исламовича своим наставником. И уже новые воспитанники воспитанников Зията-ака (к ним я с удовольствием причисляю и себя!) стали зрелыми профессиональными журналистами.

Читателям, наверное, известно, что в традициях узбеков обращаться к младшим, даже если они в возрасте внуков, на «вы». Таков менталитет нашего народа. Но Зият-ака обращался к нам всегда на «ты». Думаю, не потому, что хотел подчеркнуть разницу в возрасте, а потому, что ему важно было доказывать свою отцовскую близость и ответственность за нас. Ведь отцы, как правило (кроме жителей Ферганской долины), не «выкают» родным детям. Так что мы только радовались и гордились такой обозначенной близостью с нашим аксакалом. Вот уже 17 лет Зият Исламович работает в профессиональном журнале «Узбекистон матбуоти» («Печать Узбекистана»). Лишь только такая долголетняя работа в этом важном журнале уже могла бы сделать честь любому журналисту. А наш юбиляр возглавил этот журнал уже в пенсионном возрасте — в 63 года. Кто-то, дожив до такого возраста, уже готовится к подытоживанию активной деятельности, но только не Зият-ака. И поэтому даже совсем молодые его коллеги открыто завидуют его общительности, твердой поступи и работоспособности.

Так в чем же секреты его молодости? Каждый может это объяснить по-своему. На мой взгляд, Зият Исламович к любому делу (даже на первый взгляд незначительному) относится очень добросовестно. Это первое.

В его семье всегда властвует атмосфера любви и согласия. Это второе.

И он всегда чужд мелких дразг и суетливости других людей. Это третье.

Может, благодаря именно этим свойствам Зият Исламович всегда молод. Как было бы славно, если бы эти достоинства перешли по наследству и всем его воспитанникам, и ученикам!

Шухрат Джаббаров.

«Ташкентская правда», 20 июня, 2001 года.

**МАТБУОТДА ЧИҚҚАН
МАҚОЛАЛАРИМДАН
НАМУНАЛАР**



МАТБУОТИМИЗ ДАРҒАСИ ЭДИ

(Ш. Рашидов ҳақидаги хотиралардан)

Ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойида сўзлаган нутқида атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов шахсига инсоф юзасидан ёндашадиган, ҳақиқат ва адолатни айтадиган вақт келди, деганида Халқлар дўстлиги саройининг ҳашаматли залида гулдурос қарсақлар янграгани ҳамон эсимда. Минг марта шукурлар бўлсинки, халқимизнинг асл ва азамат фарзанди, қийинчилик ва машаққатлардан чўчи-майдиган Ислоҳ Каримовнинг бу сўзидан сўнг матбуотда Шароф Рашидов ҳақида жуда кўп мақолалар пайдо бўлди, унинг 75 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилинди ва комиссия тузилди.

Шароф Рашидов ҳаёти ва ижодига оид хотиралар, ҳужжатлар, суратлар ва фикр мулоҳазаларнинг республикамиз газета, журналлари саҳифаларида эълон қилиб борилиши ҳамда юбилей комиссиясининг жамоатчиликка Очиқ хати ҳаммамизни мамнун қилди.

Мен ҳам матбуотда у киши билан узоқ йиллар мобайнида бирга ишлаб келганлигим ва дўстона муносабатда бўлганлигим учун бағри кенг, қалби ва дили пок, улуғ ва камтар инсон Шароф Рашидов ҳақидаги баъзи хотираларимни қоғозга туширгим келди.

I

1938 йил сентябрь ойида Самарқанд вилояти газетасига йўлланма олдим. Даставвал қишлоқ хўжалик бўлимининг адабий ходими, сўнгра бўлим мудирини бўлиб ишладим. Кўп ўтмай редакциямизда қадди-қомати келишган, баланд бўйли, қотмагина, юмшоқ табиатли йигит пайдо бўлди. Муҳарриримиз бу кишини Самарқанд Давлат университетининг талабаси Шароф Рашидов бўлади, деб таништирди ва газетамизнинг масъул котиби этиб тайинланганини айтди. Тақдир мени Шароф ака билан 1939 йил бошида ҳозирги «Зарафшон»

газетасининг остонасида таништирган бўлса, бундан гоят хурсандман ва бахтиёрман. Биз — уйланмаган йигитлар тонготаргача редакцияда қолиб кетардик, ижод машаққатларини бирга тортардик, биргалашиб ижод қилардик, мақола, очерк, лавҳа ва тақризлар ёзардик. Шароф ака масъул котиб сифатида жуда қаттиқ меҳнат қиларди, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, чарчаш нималигини сира билмасди.

Шароф Рашидовнинг энг ажойиб хислатларидан бири — ўзи яхшилик кўрган кишиларни умр бўйи унутмас эди. Ўзи билан бирга ўқиган ва ишлаган дўстлари ҳолидан хабардор бўлиб туришни, имконияти борича улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, чақчақлашиб туришни яхши кўрарди. Ана шундай пайтларда бир оз бўлса ҳам расмий гаплардан қочиб, ҳордиқ чиқарарди. Умрининг охиригача садоқатли дўстлари қаторида мени ҳам ҳурмат қилиб юрди. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунларидан то Ғалаба онларигача фаол қатнашиб, эсон-омон жонажон Тошкентимга қайтиб келганимдан сўнг «Қизил Ўзбекистон» ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига ишга таклиф қилди.

Бу газетага келишдан олдин — 1946 йили армия сафидан бўшаганимдан сўнг бир ярим йилча турли вазифаларда ишладим. 1947 йилнинг сентябрь ойида Шароф ака билан кутилмаганда учрашиб қолдик. У киши Марказқўмдан (Гоголь кўчасида эди) пиёда меҳмонхонага кетаётган экан. Суҳбатимиз йўл-йўлакай «Тошкент» меҳмонхонасигача («Правда Востока» кўчасида) давом этди, хонага киргандан сўнг яна қиёмига етди. Шароф ака Ғарбий-Шимолий фронтда урушдан ярадор бўлиб қайтганини, кейин ўрта мактабда ишлаганини, «Ленин йўли» газетасига муҳаррирлик қилганини, сўнгра Самарқанд вилоят партия комитетининг кадрлар бўйича котиби қилиб сайланганлигини гапириб берди. Ҳозир Марказқўмда суҳбат бўлганлигини, «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга таклиф қилинаётганлигини, эртага эрталаб кадрлар бўйича котиб Мансур Мирзааҳмедов қабул қилажагини, сўнгра Усмон Юсупов билан суҳбат бўлишини айтди. Орадан анча вақт ўтди. Ниҳоят 1947 йил 10 ноябрда Марказий Комитетнинг бюроси Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири қилиб тасдиқлади. Мен бу муқаддас даргоҳга декабрь ойида ишга келдим.

Ш. Рашидов ўзбек матбуотининг байроқдори ҳисоб-

ланган «Қизил Ўзбекистон»дек отахон, нуфузли газетанинг масъул муҳаррири лавозимига ўтган йиллар газета олдида жуда қийин ва мураккаб вазифалар турар эди. Урушнинг жароҳат излари ҳали тузалмаган, қайта тиклаш даври эди. Малакали журналист кадрлар, қоғоз, босма машиналар ва техник ускуналар етишмас, ходимлар кечалари уйқу нималигини билмай эрталабгача толиқиб, қийналиб газета чиқарар эди. Ҳамма жойда бўлгани каби, «Қизил Ўзбекистон» таҳририятида ҳам ходимларнинг руҳига, маънавий ҳаётига жиддий таъсир қилган уруш оқибатлари ҳар нафасда сезилиб турарди. Газетанинг иш жараёни эса ғоят мураккаб ва хилма-хил, журналист кадрларнинг сафлари сийраклашиб, янги талантларга бўлган талаб кучайган эди.

II

Тинимсиз меҳнат, янгиликка ҳавас, ўткир ташкилотчилик қобилияти, ижодий ишда, изланишда ходимларга шахсий намуна кўрсатиш хислатлари Шароф Рашидовни журналистикамизнинг ижодий лабораториясида ёрқин из қолдирган, халқчиллик, принципиаллик ва гражданлик матонати бўртиб турган, назарий ва публицистик маҳоратга эга бўлган заковатли ва истеъдодли муҳаррир даражасига кўтарди. Унинг сиёсий етуклиги, маънавий поклиги, хушфеъллигига, одамларга нисбатан меҳрибонлигига ҳамма тан берарди. Газетачиликнинг машаққатли ишларида сира-сир чарчамаслик, истеъдодни ўткинчи нарсаларга сарфламаслик, покизалик, камтарлик, лафзи ҳалоллик, сўз билан иш бирлиги унга хос олижаноб фазилатлар эди.

Шароф ака «Қизил Ўзбекистон»га муҳаррирлик қилган йиллари мен газетанинг масъул котиби бўлиб ишлардим. Биз вақт билан ҳисоблашмай, тун-кун бирга ишлаб, тонготар кечаларни бирга ўтказганмиз. Талабчан муҳаррир газета саҳифаларида ички бир тугён билан ёзилган мақола, очерклар бўлишини истарди, газетада кетадиган деярли ҳамма материалларни ўқиб чиқишга улгурарди, баъзан жуда муҳим, долзарб мавзудаги назарий ва публицистик мақолаларни, фельетон, очерк, ҳикояларни босмахонага теришга беришдан олдин қайта ўқиб чиқар ва зарурият туғилса таҳрир қилар эди. Жумлалардаги баъзи қалтис, ортиқча сўзлар, ноаниқлик ва эътиборсизлик Шароф аканинг

гамхўр ва жуда талабчан қули билан тузатилар эди. У бадий маҳорат билан сайқал берар, қайнаб-тошиб, жўшиб-ёниб таҳрир қилар, маъноли фикрлари билан газетхонлар қалбига чўғ соларди.

Муҳарриримиз ходимлардан яхши мақолалар талаб этибгина қолмай, даставвал бу масалада ўзи намуна кўрсатарди. Долзарб мавзуда бирор мақола ёзмоқчи бўлса кўп нарсани ўқиб, кейин ёзишга киришар, ўзи бир неча маротаба ўқиб, таҳрир қилиб чиқар, меъёрига етгунча қайта-қайта ишлар ва кўчиртирар эди. Баъзан бизларга ҳам ўқишга берар, мақолада сиёсий ва бадий бўёқларнинг тиниқ, хулосаларнинг лўнда, тилнинг ширадор ва образли, факт ва мисолларнинг ишончли ва қизиқарли бўлишини талаб қиларди.

Изланувчан ва ташаббускор муҳарриримиздаги фазилатлар — кишиларни севиш, қадрлаш, меҳнатини улуғлаш, шу меҳнатда тиним билмаслик, тақдир ва ҳаётга ишонч ва умид билан боқиш, ижод тўлқинларида қанот қоқаётганларга энг яхши тилаклар изҳор қилиш унинг шарафини бир умрга эъзозловчи хусусиятларидир. У билан ёнма-ён ишлаб, узоқ вақт бирга бўлиб, биронта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганини билмаймиз. Шароф ака ижодий меҳнатнинг этагидан маҳкам ушлаган, дабдаба, манманлик, мақтанчоқликни ёқтирмайдиган, ортиқча эзмаликка хуши йўқ хокисор қалам аҳлини жуда қадрларди. Босмахона ишчилари — ҳарф терувчилар, метранпажлар, саҳифа тайёрловчилар, инженер-техник ходимлар, босмахона директори Фёдор Михайлович Леонтьев билан иложи борица тез-тез учрашиб туришга ҳаракат қилар, улар билан суҳбатда бўлишни яхши кўрарди.

Шароф аканинг ташаббуси билан 1948 йили «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида жамоатчилик асосида икки ойда бир марта чиқадиган «Мухбирга ёрдам» бюллетени нашр этила бошланди. Бюллетенда газетанинг вилоят ва штатсиз мухбирлари, мухбирлар постларининг иш тажрибаси, редакция бўлимлари қошидаги штатсиз бўлимлар ҳамда муаллифлар кенгашлари фаолияти, редакция ички ҳаёти ёритиб бориларди. Бюллетень газета фаолларига бепул тарқатиларди.

Таҳририят жамоасининг ишга ҳавасини ошириш, улар ёзган ва ишлаган материалларнинг пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш, ҳар бир ходимнинг ижодий фикр юритиши, янгилик кетидан эргашиб, ижодий парвоз-

лар қилиши учун «Ижодий дело» ташкил этилганди. «Ижодий дело» редакция ходимларининг қандай ишлаётганликларини, улар ёзган, уюштирган материалларини, савиясини, мазмуни ва ҳозиржавоблигини яққол акс эттирувчи кўзгу бўлиб хизмат қиларди. «Ижодий дело»дан таҳририят ходимлари ёзган ҳамда уюштирган энг яхши мақолалар, очерklar, ҳикоялар, шеърлар ва бошқа материаллар жой олар эди.

«Мухбирга ёрдам» бюллетени нашр қилиниши ва «Ижодий дело» таъсис этилиши муносабати билан редакцияда катта йиғин бўлди. Ҳамма вилоятлардан штатли мухбирларимиз келишди. Бу даврда журналистикани ўзининг сеvimли касб-корига айлантирган, биринчилардан бўлиб ўз фаолиятини газетачилик ишига бахшида этган ажойиб қалам соҳиблари — Шобарот Кузанбоев Тошкентда, Фиёс Ашуров Самарқандда, Бобош Маҳмудов Бухорода, Латиф Эргашев Сурхондарёда, Адҳам Ҳамдам Андижонда, Ҳотам Икромов Фарғонада, Солижон Отажонов Наманганда, Маткарим Худойберганов Хоразмда «Қизил Ўзбекистон»нинг вилоят мухбирлари бўлиб ишлар эдилар. Муҳарриримиз яхши маъруза қилди, камчиликларни рўй-рост очиб танилади, одатдагидай янги вазифалар белгиланди. Шароф ака Сурхондарё вилоятидаги мухбиримиз Латиф Эргашевнинг жуда кўп мақолалари унинг «Ижодий дело»сига киритилганини айтиб, шундай деди:

— Мухбир асалари бол йиққани каби қизиқ фактлар, қимматли фикрларни, маслаҳатларни, таклифларни йиғиб, сўнгра уларни ишлаши керак. Ёзган хабарингиз таъсир қилсин десангиз, озгина тер тўкинг, юрагингиздан чиқариб ёзинг. Темирни қизигида бошиш, изчил ва ҳамма вақт ҳозиржавоб бўлиш керак. Ҳаётни билмоқ керак, ижодда ёнмоқ керак.

Шароф Рашидов муҳаррирлик лавозимида ўз халқига жондан куйиб, дилдан севиб сидқидилдан хизмат қилди. 1949 йилнинг чигит экиш айни авжига чиққан палласида қийинчиликларни бартараф этиш, ўша йилнинг оғир кузида пахта тайёрлашдаги қолоқликни тугатиш мақсадида ҳар бир вилоятда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг кўчма-сайёр редакциялари ташкил этилиб, газетанинг махсус сонлари чиқарилди. Рихси Соҳибоев, Акмал Пўлат, Яҳё Йўлдошев, Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нуъмон, Аҳмад Шораҳмедов, Мели Жўра, Назармат Эгамназаров син-

гари редакциянинг тажрибали журналистлари бу ша-
рафли вазифани бажариш учун вилоятларга жўнаб кет-
дилар. Кўп вақт ўтмай амалий ёрдам учун газетамиз
жамоасига миннатдорчилик изҳор этилган хатлар кела
бошлади.

Ўзбек журналистларининг мўтабар дорилфунуни,
улкан маҳорат ва ижод маскани ҳисобланган «Қизил
Ўзбекистон» газетаси жамоасининг урушдан кейинги
йиллардаги жуда қийин, аҳил ва жўшқин ижодий фао-
лиятини уюштириш ва бошқаришда Шароф Рашидов
кўрсатган ноёб истеъдод ва раҳбарлик санъатини ало-
ҳида таъкидлаб ўтгим келади. Бу олижаноб, дониш-
манд инсон биз учун шунчаки муҳаррир-раҳбар эмас,
балки самимий, дилкаш дўст ва меҳрибон ўртоқ ҳам
эди. Оқилона маслаҳату ҳимматидан, чеҳрасидаги ёқим-
той табассумидан баҳраманд бўлмаган матбуот ходим-
лари жуда камдан-кам топилар эди.

Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетаси му-
ҳаррирлигидан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига
раис этиб сайланди. Қарийб ўн йилча Ўзбекистон Олий
Совети Президиумининг Раиси, 24 йил Ўзбекистон
Компартияси Марказий Комитетининг биринчи коти-
би бўлиб хизмат қилди. Мен шу газетада масъул му-
ҳаррир ўринбосари ва муҳаррир бўлиб ишлаган йилла-
римда ҳам Шароф ака қимматли маслаҳатларини, таҳ-
ририятнинг ташкилий-ижодий ишига кўмагини, так-
лиф ва мулоҳазаларини биздан аямади. Бу кишининг
атоқли давлат ва жамоат арбоби сифатида тутган ўрни
ва ролини, ёзувчилик фаолиятини таҳлил қилиш ме-
нинг вазифам эмас. Жуда оғир ва мураккаб шароитда,
давр тақозоси ва марказ иродаси ҳукмронлик қилган
бир вазиятда республикамизнинг йўл бошловчи раҳба-
ри бўлиб ишлаб, ўзбек халқи учун, Ўзбекистонимиз
истикболи учун қандай улуг ва тарихий ишлар қилга-
нини ҳеч ким инкор этолмас. Мен қарийб ярим аср
мобайнида матбуот соҳасида ишлаб келганлигим, шу
давр ичида у киши билан доимо мулоқотда бўлганли-
гим сабабли юрагимдаги фикрларимни очик айтиш-
нинг энди мавриди келди, деб ўйлайман.

Шароф Рашидовни матбуотимизнинг ҳақиқий дар-
гаси, ғамхўр мураббийси ва меҳрибон отахони эди,
деб баралла айтишга ҳаққим бор. Буни Давлат матбуот
қўмитасида ва Журналистлар уюшмасида ишлаган йил-
ларим ҳар куни, ҳар нафасда сезиб турдим. Журналист-

ларимиз Шароф аканинг матбуот кунларига бағишлаб ўтказиладиган тантанали мажлисларда, журналистлар уюшмасининг съездларида ва бошқа халқаро анжуманларда иштирок этиб, шунга вақт топиб, ҳамкасбларининг минбардан айтилган қалб сўзларини диққат билан тинглаб ўтирганини кўриб ҳаят хурсанд бўлардилар. Ниҳоятда сезгир ва талабчан Шароф Рашидов бизнинг ишимизни доимо кузатиб борар, камчиликларни зудлик билан тузатишда вақтида ёрдам ва маслаҳатлар берар, матбуотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги матбуот иншоотлари қуриш, мутахассис кадрлар тайёрлаш масалаларига доимо эътиборимизни жалб қилар эди.

Шароф ака Ўзбекистоннинг кўп тармоқли халқ ҳўжалиги — саноат, қурилиш, темир йўл транспорти, қўшлоқ ҳўжалиги, маданий қурилиш соҳасидаги ҳаят улкан вазифаларни ўзига хос ғайрат-шижоат билан адо этибгина қолмай, матбуотнинг ривожига, оммавий ахборот воситаларининг камолот чўққисига кўтарилишига, телерадиокомпаниянинг юксалишига ҳам жуда катта салмоқли ҳисса қўшган жонкуяр, фидойи раҳбарлардан биридир.

III

1963 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Давлат матбуот комитети ташкил этилди. Бу комитет нашриётчилик ва матбаачилик соҳасини, китоб нашр қилиш ишларини, республика, вилоят, шаҳар ва район босмахоналарининг аҳволини чуқур ўрганиб чиқди, янги бинолар қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлади, матбуотнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, янги машина, ускуна ва дастгоҳлар харид қилиш учун зарур маблағлар сўраб тегишли ташкилотларга таклифлар киритди. Шароф Рашидовнинг шахсан аралашуви ва ёрдами билан бу таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг республикада полиграфия саноатини ривожлантириш, газета ва китоб-журнал чиқаришнинг ҳамда китоб савдоси корхоналарининг моддий-техника базасини яратиш ҳақидаги қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар газетачилар, ноширлар, китоб савдоси ходимлари ва матбаачилар ҳаётида катта воқеа бўлди, Давлат матбуот комитетининг амалий дастури бўлиб хизмат қилди, иш фаолиятимизда катта роль ўйнади.

Тошкентда ҳар йили 20 миллион нусха дарслик чиқариш қувватига эга бўлган ихтисослаштирилган босмахона қурилди. Кейинчалик бу босмахона Тошкент полиграфия комбинатига, сўнгра «Матбуот» номидаги Тошкент полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. 1, 3 ва 4-босмахоналар ҳамда офсет босма фабрикаси реконструкция қилинди. Давлат матбуот комитети, нашриётлар, китоб савдоси ва босмахона ходимлари учун турар жой бинолари, Янгийўлда ҳамда Юнусободда китоб чиқарадиган янги босмахоналар биноси қад кўтарди. Қоғоз сақлаш учун махсус база қуриб битказилди. Нашриёт ва китоб савдоси бўйича ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган ўқув-ишлаб чиқариш корпуси қурилиши тугалланди. Тошкентда полиграфия саноати ва китоб савдоси корхоналари қурилишини лойиҳалаштириш институтининг янги биноси, 220 ўринли болалар боғча-яслиси ва 250 ишчига мўлжалланган ётоқхона биноси фойдаланишга топширилди. Малакали матбаачи кадрлар тайёрлайдиган 9-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг ва Тошкент полиграфия техникумининг ўқув-ишлаб чиқариш корпуси кенгайтирилди. Улар ҳозирги замон ускуналари билан таъминланди. Давлат матбуот комитети корхоналари ва ташкилотларига хизмат қиладиган ремонт-қурилиш бошқармаси ва автогаражнинг янги бинолари қуриб битказилди.

Корхоналаримизда кимё мўъжизаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга синтетик материалларнинг янги турларини жорий этиш юзасидан илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари жуда юзаки йўлга қўйилган эди. Шароф ака ишларимиз билан танишиб, танбеҳ берди. Бундан тегишли хулоса чиқардик, кимёгар олимларимиз билан алоқани яхшилаб, китобларни жиддлаш ва бошқа ишларда кимё янгиликларидан фойдаланиш мақсадида республика босмахоналари ҳузурида иккита ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этдик.

Тошкентда Матбуотчилар уйи деб ном чиқарган, пойтахтимизнинг «Бухоро» ва Буюк Турон кўчалари оралиғида жойлашган ажойиб кошона — ҳозирги «Шарқ» нашриётининг ҳашаматли бинолари — матбаа, газета-журнал комплекслари Шароф Рашидовнинг бевосита иштироки ва ёрдами билан қурилган. Ушбу бирлашган нашриёт ва босмахона деб аталадиган бу корхонанинг ҳолат-манзараси эллигинчи йилларда жуда ачинарли

аҳволда эди. Бир қаватли каттагина бино ичида саноқли ротация машиналари ўрнатилган бўлиб, ҳарф териш цехлари бошқа жойда эди. Газеталар кечикиб чиқар, уларнинг полиграфик сифати анча паст эди. Республикамизнинг энг йирик матбуот кошонасига айланган бу корхона эндиликда республика ва марказий газеталарни, журналлар ҳамда матбуотнинг бошқа маҳсулот турларини барвақт ва сифатли чиқариб бермоқда.

Шароф аканинг ташаббуси ва ёрдами билан ҳамма вилоятларнинг марказларида ҳам газета редакциялари ва босмаҳоналар учун янги бинолар барпо этилди. Нукус полиграфия комбинати реконструкция қилинди. Босмаҳоналаримиз линотип ҳарф териш машиналари, ротация машиналари ва бошқа кўпгина янги ускуналарга эга бўлди. Вилоят газеталари редакцияларини алоқанинг иккинчи канали билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Янгидан телетайп аппаратлари олиниб, уларга ўзбекча ҳарфлар ўрнатилди. Вилоят марказларида телетайп ўрнатилгандан сўнг вилоят газеталари рус тилидаги матнлар билан бир вақтда ўзбек тилидаги материалларни ҳам қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса вилоят газеталарининг ўз вақтида чиқиб туришини ва обуначиларга етиб боришини таъминлади.

Шароф Рашидов китобни севар ва жуда кўп мутолаа қиларди. Ҳар сафар суҳбатлашганимизда, китоб инсоният даҳосининг ноёб ихтироларидан биридир, инсон тафаккурининг жавоҳирларини ўзида мужассамлаштирган хазинадир, деб насиҳат қиларди.

Биринчи котибнинг ташаббуси билан Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Наманган, Нукус, Чирчиқ, Термизда ҳашаматли китоб уйлари қад кўтарди. Шаҳар ва районларда жуда кўп китоб магазинлари ва дўконлари очилди. Республикамиз пойтахтида 6 гектар майдонда Марказий Осиёда тенги йўқ китоб базаси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Китоб савдоси қарийб икки баравар кўпайди.

Матбуот соҳасигина эмас, Тошкентда пойтахтимизнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турган телемарказ иншоотларининг бунёд этилиши, вилоят марказларида янги телестудиялар ва радио уйларининг ишга туширилиши, уларнинг хорижий мамлакатлардан келтирилган асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши ҳам Шароф аканинг номи билан боғлиқдир.

Беайб Парвардигор деганларидек, у кишининг ўзига яраша камчилик ва хатолари бордир. Ўша даврнинг мудҳиш ижтимоий шакли ва сиёсий тузум шунга мажбур этгандир. Лекин миннатдор ўзбек халқи ўзининг фидойи, мард ўғлонига ўринсиз тош отганлардан нафратланади. Мирзачўл, Қарши чўлларини ўзлаштириш ва Фарғона водийсида янги ерлар очиб, боғ-роғларни кўпайтиришда, республикамизнинг деярлик ҳамма вилоятларида магистрал йўлларни, катта-катта ирригация шохобчаларини, янги каналларни қуришда ташаббускор ва ташкилотчи бўлишда, Гулистон, Янгиер, Зарафшон, Бўстон каби янги шаҳарларни барпо этишда, 1966 йил 26 апрелдаги zilзиладан сўнг пойтахтимиз Тошкентни қайта қуришда, вилоятлар марказларини ободонлаштиришда Ш. Рашидовнинг қилган хизматлари олий ҳимматга сазовордир.

Буларни кўролмаган кўрнамаклар Усмонхўжаев, Владимир Анишчев, Раъно Абдуллаеваларнинг кўрсатмалари билан пленум, сессия ва бошқа йиғинларнинг минбарларидан, газета саҳифаларидан туриб Ш. Рашидовга тухмат тошларини ёғдиришди, «рашидовчилик» деган сўзни ўйлаб топишди.

Рафиқ Нишонов раҳбарлик қилган пайтида республикамизнинг муаммоларига, ҳайқирик ва талабларига бир томонлама ёндашиб, ваъдадан нарига ўтмаганини халқимиз яхши билади. М.С. Горбачев ёки Н.И. Рижков олдида бирорта муҳим ва жиддий муаммони қўйиб ҳал қилмаганлиги ва аксинча, республикамиз халқ хўжалигига жуда катта зарар етказганлиги ҳозир ҳаммага аён-ку! Ерли миллатлар ва раҳбар кадрлар ўртасида низо уруғини сепганлигини, Москвадан «ўзбеклар иши» бўйича юборилган Гдлян, Иванов бошчилигидаги терговчилар тўдасини қўллаб-қувватлаб, жуда кўп кишиларнинг ноҳақ жазоланишига йўл қўйганлигини эндиликда ким инкор эта олади? Дипломатия карьераси Нишонов учун кутилмаган ҳолатда рўй берганлиги, Тошкентда қилган номаъқулчилик ишлари учун тавқиланганга қолмаслигини назарда тутиб, Ш. Рашидов унинг Цейлонга элчи бўлиб кетишига ёрдам берганлиги газеталарда ёзилди-ку! Нишонов эса Рашидовга хонлиқ қилди. Бу ҳақда «Ўзбекистон овози»нинг 22 июль сонисида босилиб чиққан «Хиёнат» сарлавҳали мақолада батафсил ёзилган.

«Рашидовчилар» қаторида мени ҳам тинч қўйиш-

мади. Давлат Матбуот қўмитаси ва республика Журналистлар уюшмасининг раислиги вазифаларидан бўшатишди. Мен ишдан кетганимдан сўнг ҳам иш фаолиятимни илма-тешик қилиб текширишди. Ш. Рашидов асарлари қандай нашр этилганлиги ва қанча қалам ҳақи олганлигини суриштиришди. Аммо натижа чиқмади, мақсадларига эриша олишмади. Ундан сўнг китоб дўконлари ва магазинларидан, кутубхоналардан Ш.Рашидов асарлари йиғиштириб олина бошланди.

Ёзувчи Бобомурод Даминов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилиб чиққан «Рашидов ҳақида сўз» мақоласида мана бундай деб ёзган эди:

«Шароф Рашидович Рашидовни биладиганлар ора-мизда оз қолаётир. Келажак авлод унинг фаолиятидаги қора доғларнигина эмас, айни чоғда, қай бир даражада бўлсин, ёруғ нуқталардан ҳам огоҳ бўлмоғи керак. Бу ҳақда биринчи галда Рашидовни яқиндан биладиган кишилар айтмоғи лозим».

Толемизга шукурки, ҳурматли Президентимиз Исом Абдуғаниевич айтганидек, агар олий ҳақиқат мавжуд бўлса, ҳақ ўрнида, албатта қарор топаркан. Ҳақиқат эгиладию, лекин синмайди, деганлари шу бўлса керак. Шароф Рашидов пок номи абадиятга муҳрланди.

Биз, матбуот ходимлари — журналистлар, ноширлар, матбаачилар, оммавий ахборот воситаларининг барча хизматчилари меҳрибон устозимизнинг бизга кўрсатган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларини асло ёдимиздан чиқармаймиз, унинг порлоқ сиймосидаги фазилатлар хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

«Ўзбекистон матбуоти». 1992 йил, 12-сон.

БУЮК ИСТИҚЛОЛГА МУҲАББАТ

Вақт тарозисида дақиқалар соатга, соатлар кунга айланади. Кунлар ҳафтага ўтади. Ҳафталар ойларга уланади. Ўз навбатида ойлар йилларга кўчади. Йиллар силсиласи эса аср деб номланмиш мезонни ташкил этади. Бу — оддий ҳақиқат, ҳаёт қонуни. Бу туфайли инсон ҳаёти ва турмушидаги энг қувончли дамлар ҳам, ташвишли онлар ҳам қайд этилади. Буни тилимизда тарих дейишади.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида ҳар бир йилнинг

ўз ўрни, ўз салмоғи бор, албатта. Зеро, бу йиллар ҳар бир халқ тарихидан ҳикоя қилади.

1991 йилнинг 1 сентябрь куни диёримиз халқлари тарихида унутилмас воқеа сифатида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир. Ота-боболаримиз бир асрдан кўпроқ вақтдан бери орзу қилган Истиқлол бизу сиз яшаб меҳнат қилаётган даврда амалга ошди. Шукурлар бўлсинки, Истиқлол ҳар биримизнинг қалбимизга Ўтиқод, Адолат, Ҳақиқат, Эзгулик чечакларининг очилиш фурсатини етказди. Истиқлол иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, сиёсий майдонимизга мустақиллик эпкинени берди. Бугунги кунда она Ватанимиз ўз қомуши — Конституциясига, Давлат Мадҳияси ва Гербига эга. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли анжуманнинг олий минбаридан Ўзбекистон овози илк бор баралла янгради.

Она диёримиз меҳнат аҳлининг истиқлолимиз шарофатидан қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Халқимиз истиқлол туфайли ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишини таъминлаш имкониятига эга бўлди. Тўғри, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш чоғида айрим қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бозор иқтисодиётининг ўтиш даври ҳаммамизни янада аҳил ва баҳамжиҳат иш юритишга чақиради. Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлигини тилга олиб ўтмоқ жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг учинчи йилига қадам қўйди. Бу қисқа вақт ичида диёримизнинг кечган ҳар бир куни, қўйган ҳар бир қадами йилларга тенг мазмунли кунлар, самарали қадамлар бўлиб келяпти.

Мустақиллигимизнинг учинчи йили бўсағасида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимизда қатор унутилмас воқеаларнинг шоҳиди бўлдикки, шубҳасиз, булар Истиқлолимиз китобининг зарварақларига абадий муҳрланиб қолди. Байрам тантаналари арафасида юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асари нашрдан чиқди. Китобда Марказий Осиё минтақасидаги йирик давлатлардан бири — Ўзбекистоннинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш концепцияси, мустақил мамла-

катимиз сиёсий фаолиятининг асосий жиҳатлари атрофлича батафсил баён этилади.

Ватан туйғуси, миллат ғурури, миллий мафкура. Бу сўзлар ҳам Истиқлолимиз билан бирга онгимизга кириб келди. Дарвоқе, миллий мафкурани яратиш халқимизнинг миллий маданиятини равнақ топтириш, унинг тарихи, тили, адабиёти ва санъатини эъзозлаш, миллий туйғуни уйғотиш билан боғлиқдир.

Ўзлигини англаган халқимиз маънавият отаси, улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий, мусулмон оламининг руҳоний раҳнамоси Баҳовуддин Нақшбанд, ҳадис илмининг пири-комили имом Ал-Бухорий таваллуд топган муборак кунларни нишонлади. Бу қутлуғ айёмда жаҳоннинг кўзга кўринган олимлари, жамоат арбоблари иштирок этишди. Уларнинг ҳар бири мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган умидбахш қадамларнинг гувоҳи бўлишди. 1994 йилда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналари ўтказилади. Машҳур адибимиз Абдулла Қодирий туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан ҳам қизгин тайёргарлик бораётир.

Матбуот — халқнинг, мамлакатнинг буюк кўзи. Демак, унинг ўтмиши, бугуни келажagini ўзида мужассамлаштирувчи табаррук солнома ҳисобланади. Шу туйфайли мамлакатимиз раҳбарияти матбуотга, оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий эътибор бериб, ғамхўрлик кўрсатаётир.

Сўнгги пайтларда матбуот нашрларини чоп этиш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳаммамизга аён. Ана шундай мураккаб шароитда республика Президентининг сайё-ҳаракатлари билан матбуот нашрлари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Натижада муштарийларимиз ўз севимли газета ва журналларидан ажралиб қолмадилар, алоқаларини узмадилар. Аксинча, муштарийлар қаламкашлар билан ҳамнафас бўлишга интилдилар, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатга хайрихоҳ эканликларини дил сўзлари билан қувватладилар.

Кўриниб турибдики, давлатимиз ижодкорларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча имкониятларни ишга солмоқда. Газета ва журнал, телевидение ва радио, нашриёт ходимларига ўзлари яшаб турган уй-жойларни бепул хусусийлаштириб бериш ҳақида ҳукуматимизнинг махсус қарори қабул қилинди. Республикамиз қатор

вилоятларидаги журналистлар жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ижодкорликнинг барча соҳаларида бериладиган муаллифлик ҳақларининг янги ставкалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарманинг ташкил этилиши ижодкорларимиз ғайратига-ғайрат, кучига-куч бахш этди. Республика даврий нашрларининг молиявий ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш мақсадида Жамғармага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 1 миллиард сўм ажратилди.

Жамғарманинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда мазкур жамғарма газета ва журналлар фаолиятини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида улар ишини мувофиқлаштириш, таҳририятларга моддий ёрдам бериш ҳамда журналистларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш мақсадида ташкил қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний: «Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчанади», деб бежиз айтмаган. Зеро, мустақил диёримизнинг ҳар бир ижодкори ўз қадр-қимматини баланд кўтариш учун зиммасидаги ишни бекам-кўст бажариши, сидқидилдан меҳнат қилиши зарур.

Ижодкорнинг меҳнати тарозида ўлчанмайди. У одамларга нечоғли тарбиявий таъсир ўтказишига қараб баҳоланади. Журналист меҳнати ихтиёрий бўлиб, у жамият фаровонлиги, инсон бахт-саодатига бақамтилик қилади. Ўз касбини муқаддас билиб ардоқлаш ва эъзозлаш эса қаламкашга халқ орасида обрў, ҳурмат-этибор келтиради.

Барча матбуот, ахборот муассасалари олдида юксак вазифалар турибди. Бу — халқ маънавияти ва маданиятини асраш ва бойитиш, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини, айниқса, ёш йигит-қизларни ўз Ватани, озод диёри ва элига ҳурмат ҳамда содиқлик руҳида тарбиялаш, янги демократик жамият қуришда бор кучи, ғайрати, билими ва иродасини сарф қилаётган замондошларимизнинг фаолиятини кўрсатиш, уларнинг тажрибасини кенг ёритишда намоён бўлиши табиийдир.

Ҳар бир тарихий даврнинг, тарихий жараённинг ўз масъулияти бўлганидек, бу кунларимизнинг ҳам масъ-

улияти ўзгача. Республикамиз эришаётган катта ютуқларда матбуотнинг ҳам беминнат хизмати борлигини юракдан эътироф этиш лозимдир. Ҳар қандай жамият ўз тараққиёт йўлини эгаллашидан, қандай ҳаётий таъмоилларни ўзи учун устувор деб билишидан қатъи назар, у мафкурасиз яшай олмайди. Шу боисдан ҳам қад ростлаётган порлоқ келажак йўлида салмоқли қадамлар ташлаётган миллий мустақиллигимизнинг ўз мафкураси бўлиши ҳаётий заруратдир. Гап ана шу мафкура қандай бўлишини, нималарга хизмат қилишини элга, юртга кўрсатишда.

Шу ўринда матбуот ходимларининг, телерадиожурналистларнинг, матбаачиларнинг меҳнатига эҳтиёж катта. Улуғ бойлигимиз — мустақилликни мустаҳкамлаш, оммани шу мустақиллик, она юртга садоқат, ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳурмат, уни тўла-тўқис қабул қилиш, Президентимиз эълон қилган ривожланишимизнинг беш принципини ҳар бир фуқаро онгига сингдириш, демократик жамият ғояларини тарғиб қилиш — матбуотнинг биринчи навбатдаги вазифаси эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Ҳар бир журналист бу вазифаларни ўзининг муқаддас бурчи, деб ҳисоблайди.

Она тилимиз равнақи йўлида доимий ғамхўрлик қилиб келинмоқда. «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек миллий алифбосига ўтиш ҳақида» Қонун қабул қилинди. Маълумки, ёзув орқали кишилик жамияти қўлга киритган ютуқлар етиб келади. Тилсимотлар эшигини очувчи билим хазинаси ёзув туфайли юзага чиқади. Ёзув инсоният учун баб-баравар қадрли. Нима учун биз лотин ёзувига кўчаяпмиз? Лотин ёзуvidан жаҳон аҳолисининг 30 фоизи фойдаланади. Айни пайтда бу миқдор дунёнинг энг пешқадам давлатларининг аҳолисини ўз ичига олади. Ўзбекистон дунё сари юз тутмоқда. Шу боис бундай улуғвор тадбирга ўтишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лотин ёзуви асосидаги алифбо ўзбек тили товуш имкониятларини холис акс эттира олади. Қонунимиз оқилона ва одилона қабул этилганлигини ҳам эътироф этмоқ даркор.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси ижодкорлари ҳам республикамиз ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришларни, иқтисодий ислохотларни, халқимиз турмуш тарзининг энг янги қирраларини ўз эшиттиришларида бўй-басти ила намоён этишга интилмоқдалар. Эшитти-

ришлар мавзуи анча кенгайди, улар қизиқарли бўлиб қолди. Зангори экранда янги дастур ва туркум кўрсатувлар пайдо бўлди. Замон талабидан келиб чиқиб, телерадиокомпания ходимлари ўз фаолиятларининг янада серқирра бўлишига эришиш учун курашишлари керак.

Ўзбекистон радиоси овозини жаҳон тингламоқда. Миллий радиомиз эшиттиришлари хорижий мамлакатларда ҳам доврўғ қозонган. Ҳозир бир кеча-кундузда ўзбек, рус, қozoқ, тожик, қрим-татар тилларида 48,5 соат ҳажмида эшиттиришлар берилмоқда. Ҳозирги вақтда Тошкент радиоси хорижий элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз учун ўзбек ҳамда 10 хорижий тилда ўз эшиттиришларини олиб бормоқда. Бундай эшиттиришларда асосан Ўзбекистонимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўз аксини топмоқда. Радиожурналистлар халқаро майдондан ҳам эшиттиришлар тайёрлашмоқдаки, бу эса узоқдаги ватандошларимизга ўз она юртининг шукуҳини тинглаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳам сўнгги пайтларда ўз фаолиятини яхшилаш йўлида интилаётганлигини эътироф этиш керак. Миллий ахборот агентлигининг жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатаётганлиги диққатга сазовордир.

Юртбошимиз башорат қилиб айтганларидек, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Унинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор. Бу йўлнинг тўғрилигини, бу сиёсатнинг ҳақлигини ўтган қисқа фурсат яққол кўрсатиб турибди. Бизнинг барча орзуларимиз рўёбга чиқишига аминмиз. Фидойи халқимиз қаторида елкама-елка туриб меҳнат қилаётган ижодкорларимиз орзулар ушалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқ.

Ижодкор сўзининг таъсирига қиёс топиш, баҳо бериш қийин. Қалам аҳли қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам ўз сўзи билан халқни руҳлантириб келди. Бугунги кунимизда ҳам унинг оташин сўзи одамлар қалбига малҳам бўлаётир. Истиқлол ғояларига садоқат, халқимиз маънавий равнақи йўлида астойдил ижод қилиш, баркамол асарлар яратиш ижодкорларимизнинг асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. Давр уларни ана шуларга даъват этаётир.

*«Ўзбекистон матбуоти» журнали,
№ 5, май 1996 йил.*

ЮКСАК САОДАТ

1918 йил 15 июлда «Туркистон матбаачиси» («Туркестанский печатник») номи билан дунё юзини кўрган «Ўзбекистон матбуоти» журнали 75 ёшга қадам қўйди. Унинг босиб ўтган йўли республикамиз матбуотининг ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Замоннинг зайли, давр тақозоси билан номи бир неча бор ўзгариб борган бўлса ҳам 75 йил мобайнида журнал асосан матбуот ходимларига — журналистлар, мухбирлар, ноширлар ва матбаачиларга минбар ва уларнинг ишларига мунаввар кўзгу бўлиб хизмат қилди. Тарихан шаклланган йўли ва мавқеини сақлаб қолди, ўз мухлисларининг чуқур эҳтиромига сазовор бўлди, қаламкаш ва матбаачиларнинг йўлдошигина эмас, балки яқин дўсти, маслаҳатчиси ва мураббийсига айланди. Қалам аҳли — мухбирлар, ёш қаламкашлар учун ўзига хос ижодкорлик мактабини ўтади, уларнинг қалбида мухбирликка ҳавас-иштиёқ уйғотди, журналистлик касбига интилиш учун чўғ солди, ношир ва матбаачи бўлиб етишишга ундади. Ўнлаб талантли журналистларнинг қалами шу мактабда чархланди, маҳорати шу мактабда тобланди.

Республикамиз вақтли матбуотининг энг кекса, мўйсафид нашрларидан бири бўлган, ўзининг 75 йиллик тўйини мафкура жабҳасининг толмас курашчиси сифатида кутиб олаётган журналимиз миллий матбуотимизнинг ўсиб, улғайиб, камолот чўққисига чиқиб олишига, ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатининг ривож топишига озгина бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшди, матбуот, маърифат ва маданият жарчиси бўлишга интилди, газета, журнал ва нашриётларга истеъдодли кадрлар етказиб беришда ёрдам берди.

Мавриди келган экан журнал тарихига бир назар ташлайлик. Туркистон матбуот ходимларининг ўлка совети нашр этган «Туркистон матбаачиси» журнали 20 бет ҳажмида ойда икки марта ўзбек ва рус тилларида чиқиб турар эди. Фуқаролар уруши шароитида журнал узоқ яшамади. Қоғоз, маблағ етишмаслиги сабабли 12-сонидан кейин чиқмай қолди ва 1919 йили уни нашр этиш вақтинча тўхтатилди. Лекин Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва ВЦСПСнинг Туркистон бюроси нашри бўлган «Туркестанская правда» газетаси 1924 йилнинг январидан ўзининг иловаси сифатида ҳар ҳаф-

тада бир марта «Наш рабкор» журнаlinesи нашр эта бошлади. Бу журнал 1924 йилнинг охиригача, яъни миллий чегараланишдан кейин «Туркестанская правда» газетасининг номи «Правда Востока» деб ўзгартирилган вақтгача чиқиб турди. Ўн биринчи сонидан кейин уни чиқариш тўхтатилди.

1927 йилдан «Правда Востока» газетаси мухбирларига ёрдам бериш мақсадида газетанинг «Трибуна рабкора» журнаlinesи чиқара бошлади. Лекин журналнинг атиги беш сони (1927 йилда икки сони ва 1928 йилда уч сони) чиқди. «Туркестанский печатник», «Наш рабкор» ва «Трибуна рабкора» журналларини нашр этиш тажрибаси, шунингдек, миллий кадрлар кўпая бориши билан бир қаторда матбаа базасининг мустаҳкамланиши 1928 йилдан эътиборан «Мухбирлар йўлдоши»ни ўзбек тилида чиқара бошлаш имконини берди.

Бу журнални авваламбор уч газета: «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» ва «Ишчи» газеталари, 1930 йилдан 1939 йилгача фақат «Қизил Ўзбекистон» газетаси, сўнгра эса «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари нашр этиб турди. 1939 йилнинг мартидан — учинчи сонидан бошлаб 1941 йилнинг июнигача унинг 33 сони чиқди.

Ҳамма фронтга сафарбар қилиниши муносабати билан баъзи бир бошқа нашрлар сингари журнал ҳам уруш даврида чиқарилмади. 1952 йилдан ўзбек ва рус тилларида икки ойда бир марта чиқадиган «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» («В помощь работникам местной печати») бюллетени нашр этила бошланди.

Олтмишинчи йилларда маҳаллий матбуотнинг, айниқса, туман газеталари босмахоналарининг кўпайиб, кенгайиб, ривожланиб бораётганлиги Ўзбекистон Давлат матбуот комитетининг ташкил этилиши, Журналистлар уюшмасининг камол топиши, журналист кадрлар, ноширлар ва матбаачиларни ўқитиш, тайёрлаш ва тарбиялаш масалалари, китоб савдоси ва матбуотнинг бошқа муҳим муаммолари шу соҳадаги ишларни ёритиб борадиган ойлик журнал нашр этилишини тақозо этмоқда эди. Ана шуларни инобатга олиб, 1965 йилнинг январидан бошлаб «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» бюллетенини ойлик «Ўзбекистон матбуоти» («Печать Узбекистана») журналига айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди ва уни Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ва Журналистлар уюшмаси ихтиёрига берди.

Бу журнал «Туркистон матбаачиси» («Туркестанский печатник») бошлаб берган ишни давом эттириб келди ва 1969 йилнинг январидан ойда бир марта чиқадиган ижтимоий-сиёсий «Мухбир» — «Корреспондент» журнаliga айлантирилди. Шу муносабат билан журнал олдига республика, вилоят, туман газеталарининг, радио ва телевидениенинг тажриба ҳамда ташаббусларини тарғиб қилиш, журнал саҳифаларида нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолиятини мунтазам ёритиб бориш, китоб савдоси ташкилотлари, фаолиятига бағишланган материалларни вақти-вақти билан эълон қилиб туриш, газеталарга матбуот шарҳи бериб бориш асосий вазифалар қилиб қўйилганди.

Журнал ижодий жамоаси бу шарафли вазифаларни малакали журналистлар, жамоатчи мухбирлар, тажрибали фаоллар ёрдами билан сидқидилдан бажаришга қатъий киришди. Уларнинг ташаббуси ва кўмагига таяниб, миллий матбуотимизнинг бой тажрибаси ва яхши анъаналарига амал қилиб, журналнинг йўналишини, мундарижаси ва мавзусини кенгайтиришга ҳаракат қилди.

Ўзбекистон ҳукумати республика оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий, маънавий ва социал соҳаларда демократияни янада чуқурлаштириш, иқтисодий ислохотни амалга оширишга доир фаолиятини таҳлил қилиб, 1990 йил сентябрь ойида махсус қарор қабул қилган эди. Шу қарорга мувофиқ рус тилида чоп этиб келинган «Корреспондент» журналини чиқариш 1991 йилнинг январь ойида тўхтатилди. «Мухбир» журнали эса 1991 йил январидан яна ўзининг эски номи — «Ўзбекистон матбуоти» номи билан чоп этила бошлади. Кўпчилик муштарийларнинг ҳам фикрича, «Мухбир» номи журналнинг олдига қўйилган улкан вазифаларга, йўналиш ва мундарижасига тўла-тўқис жавоб беролмас, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ҳамма соҳаларини ҳам тўлалигича қамраб ололмас эди.

Журналистлар ва матбаачиларнинг дастлабки нашрлари — «Туркистон матбаачиси» («Туркестанский печатник»), «Наш рабкор», «Трибуна рабкора», «Мухбирлар йўлдоши», «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам», «Мухбир» («Корреспондент») журналларининг давомчиси бўлмиш «Ўзбекистон матбуоти» ўтмишдошларининг энг яхши анъаналарини мужассамлаштириб, янада бойитиб, ўз номига мувофиқ мавзу доираларини

кенгайтириб, саҳифаларида янги рукнлар очди, газета, журналлар, радио ва телевидениенинг, матбаамизнинг республикамиз равнақи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол мафкурамизни яратиш борасида олиб бораётган хайрли ишларини, дадил қадамларини мунтазам ёритиб боришни муқаддас бурчи, асосий вазифаси деб билмоқда.

Матбуот ишига бутун умрини баҳшида этган заҳматкаш, забардаст қалам соҳибларининг, баркамол истеъдод эгаларининг, серғайрат, зийрак, ташаббускор, фидойи ва талантли журналистлар ва матбаачиларнинг портретларига чизгилар берилмоқда.

Журналистларнинг одоби, пок маънавий қиёфаси, юксак маданият-муомаласи, нуқтаи назари, редакциядаги ижодий муҳит қандайлиги, журналист ва мухбирларнинг ўз иш жойида тутган ўрни, хулқ-атвори, ҳақгўйлиги доимо журналимизнинг диққат марказида турибди. Радио тўлқинларида ва телевидение кўрсатувларида фаол қатнашиб, жонбозлик кўрсатаётган телерадиокомпаниянинг жонкуяр ходимлари, нашриёт матбаа ва китоб савдосининг фидокор кишилари тўғрисида, эртага ҳамкасбларимиз бўлиб ишга келадиган журналистика факультетининг талабалари ҳақида мақолалар чоп этилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали журналистлар, ноширлар, матбаачилар, телерадио ходимлари ва мухбирлар ҳақида ёзадиган, газетачилик, ноширчилик ва матбаачилик соҳасининг муаммоларига, журналист кадрлар тайёрлаш масаласига кенг ўрин берадиган, Давлат матбуот қўмитаси, телерадиокомпания ҳамда Журналистлар уюшмасининг ишларини ёритиб борадиган яккаю ягона матбуот нашридир. Лекин гапнинг очигини айтадиган бўлсак, матбуот ва телерадиога юксак талаблар қўйилаётган ҳозирги пайтда журналимиз саҳифаларида муштарийларимизни ҳамма вақт ҳам мамнун этадиган қизиқарли ва принципиал мақолалар бериб боролмаяпмиз. Кўтарилмаган, теша тегмаган мавзулар кўп, тилга олинмаган фикр-мулоҳазалар, гаплар ҳали анчагина.

Ҳурматли Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармони билан матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг истиқлол ғояларини тарғиб этиш, янги демократик жамият қуриш, аҳолини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги хизматлари эътироф этилиб, ҳар йили 27 июнь — ўзбек матбуотининг қалдирғочи «Та-

раққий» газетасининг илк сони чиққан кун матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун иб байрам қилинадиган бўлди. Ўз байрамимизнинг махсус Фармон билан алоҳида белгиланиши матбуот ходимларига кўрсатилаётган буюк ғамхўрлик намунасиدير.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали ўзининг 75 йиллигини нишонламоқда. Бу бизнинг кичик ижодий жамоамизда, ишимизда кўмак бераётган мухбирларимиз, матбаачиларимизда, жонкуяр фаолларимизда чексиз фахрланиш туйғуларини уйғотади, юбилейларини ўтказган отахон газеталаримизнинг табарруқ ижодий жамоаларида таркиб топган бой ва хайрли анъаналарига муносиб ворислик қилиб ишлаш иштиёқини туғдиради.

Истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил ва олға бораётган мустақил республикамизнинг шон ва шуҳратини тарғиб қилишда, матбуотимиз солномасида янги ва ёрқин саҳифалар битиш биз учун юксак саодатдир.

ҲАЁТ ВА ИЖОД МАКТАБИ

Ўзбек матбуотининг байроқдори ҳисобланган отахон газетамиз «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси севиқли газетамизнинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Республикамиз ва халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ва шубҳасиз, умумхалқ тантанасига айланиб кетадиган шонли юбилейни ўтказиш юзасидан ташкилий комиссия тузилди, унинг таркиби тасдиқланди.

Газета таҳририяти барча муштарийларга, дўстлари ва қадрдонларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларига муурожаат қилиб, газетанинг тўлақонли тарихини яратишга ҳисса қўшиш, хотиралар билан ўртоқлашишга даъват этди. Мен учун дорилфунун, катта ижод мактаби бўлган «Қизил Ўзбекистон» (1924 йилнинг декабридан 1965 йилнинг 5 июнигача шу номда чиқиб келган) газетасида узоқ йиллар ишлаганлигим, ўзбек ижодий зиёлиларининг бутун бир авлоди қатори шу муқаддас даргоҳда тарбияланиб, унинг қутлуғ, муборак оstonасидан парвоз қилганлигим туфайли бу даъватга биринчилар қатори «лаббай», деб жавоб бергим келди. Хотираларимни қоғозга туширишга интилдим.

Авваламбор, «Ўзбекистон овози»нинг шонли юбилейи арафасида унинг кураш ва зафарларга бой, ижодий маҳоратга тўла ажойиб тарихини зўр ифтихор ва ғурур билан эсламоқ даркор. 75 йил мобайнида буюк тарихий воқеаларни акс эттирган минг-минглаб саҳифаларини алоҳида тўлқинланиш билан варақлаб чиқиш керак. Жонажон газетамизнинг босиб ўтган ижодий йўли меҳнаткаш халқимиз иши, бахт-саодати учун фидокорона курашнинг ёрқин намунасидир. Газета чиқа бошлаган биринчи кунларданоқ халқ оммаси билан алоқани мустаҳкамлади, ўзининг оташин, ўткир ва ҳаққоний сўзи билан уларни янги бунёдкорлик ишларига отлантирди. Она-Ватанимиз — Ўзбекистон Республикасининг тарихига шонли, янги саҳифалар ёзди. Иккинчи жаҳон урушининг нотинч йилларида ҳақиқат ва адолат куйчиси, саботли жарчи, халқимизнинг маддкори бўлиб майдонга чиқди.

Ҳали кечагидек эсимда, Шароф РАШИДОВ 1947 йили «Қизил Ўзбекистон»га масъул муҳаррир қилиб тайинланганида газета олдида жуда қийин ва мураккаб вазифалар турар эди. Урушнинг жароҳат излари ҳали тузалмаган, қайта қуриш ва тиклаш даври эди. Республикамиз халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш, Украина, Белоруссия, Россиядан кўчириб келтирилган йирик саноат корхоналарининг бир меъёрга ишлашини таъминлаш учун фидокорона кураш давларида газетанинг овози тўла куч билан жаранглади.

Устоз муҳаррирлик лавозимида ўз халқига жондан куйиб, дилдан севиб сидқидилдан хизмат қилди, ижодий жамоани жипслаштирди, қийинчиликни енгишга ўргатди, газетачиликда янги мактаб яратди.

Ўша йиллари мен газетанинг масъул котиби бўлиб ишлардим. Талабчан муҳарриримиз газетамизнинг ғоявий мазмунини белгилаб берар, газетада принципал масалалар етарли даражада аниқ ва равшан баён қилинмаган мақолалар босилса уни қаттиқ танқид қиларди.

Муҳарриримиз республикамизнинг таниқли олимлари, ёзувчию шоирлари, маданият ва санъат арбоблари билан суҳбат қуришни, газета ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазаларини билишини яхши кўрарди. Ишхонамиздан бу тоифадаги кишилар сира аримасдилар, улар билан суҳбатланишга доимо вақт топардилар.

«Қизил Ўзбекистон» газетасидек муқаддас, улуғ дар-

гоҳнинг дошқозонида қайнаб, ижод мактабидан таълим олиб, газетачиликнинг ўзига хос мураккаб томонларини, нозик услубини ўрганиб вояга етган, кейинчалик республикамизнинг газета ва журналларида, радио ва телевидениеда, ахборот агентликлари ва нашриётларда масъул лавозимларда ишлаб кетган ҳамкасбларимиз жуда кўпчиликини ташкил этади. Мен бу мақоламда «Қизил Ўзбекистон»да бирга ишлашган, ҳаёт мактабидан таълим олган, матбуотимиз ривожига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшган ва умрларини шу шарафли ишга бағишлаган баъзи қадрдон дўстларим ҳақида бир-икки оғиз илиқ сўз айтишни жоиз, деб биламан.

Газетамизнинг муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган Рихси СОҲИБОВЕВда масъулият туйғуси жуда кучли эди. У редакцияга ҳаммадан олдин келар, уйига ҳаммадан кейин қайтарди. Мен масъул котиб сифатида унинг ишларини ҳавас билан кузатиб борардим, ундан кўп нарсани ўрганардим. Биз иш танламас эдик, бир-биримизга қўмақдош, самимий ҳамкор эдик, вақт билан ҳисоблашмасдик, ўта аҳиллик, меҳр ва оқибатлилик қалбимизда ҳукмрон эди. Тиниб-тинчимас, ҳамма вақт сермулоҳазали, хушфёъл, мурувватли дўстимдан ҳузур-ҳаловат бахш этувчи тиниқ фикрларни кўп эшитардим. У котибиятнинг каттаю кичик жамики ишига ёрдам, илҳом ва мадад берарди. Ўткир ва сезгир қалам соҳиби, моҳир таҳрирчи, фикр уфқи кенг, публицистик эҳтироси кучли бўлган Р. Соҳибоев илмий етуклиги ва назарий бақувватлилиги билан бошқа журналистлардан ажралиб турарди.

Атоқли журналист, қўшиқчи шоир Акмал ПЎЛАТ газета муҳаррирининг ўринбосари сифатида қурилиш, саноат ва транспорт бўлимини бошқарарди. Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттақўрғон сув омбори қурилишларида ишлаб тажриба орттирган Акмал аканинг ижодида сатира ва юмор, ҳажвий ҳикоялар, латифалар, шеърлар ва фельетонлар алоҳида ўрин тутар эди. Замонга оҳангдош, ҳамиша қувноқ ва ҳозиржавоб журналист-шоир эл орасида доврўғи кетган, халққа таниқли, иззат-ҳурматли, матбуот ходимлари орасида ўз ўрни бор, сўзамол инсон, оташнафас нотиқ эди.

Муҳарриримизнинг яна бир ўринбосари Яҳё ЙЎЛДОШЕВ халқчил ва сермахсул ижодкор, таржима ишларига яқиндан ёрдам бериб турадиган яхши таҳрирчи бўлиб танилганди. Умум иши учун қайғуриш,

бутун жамоа меҳнатида яхши самараларга эришиш ниятида жон куйдириш, ходимлардан, шогирдлардан бирови ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, унга дарҳол кўмаклашиш Яхё акага хос хусусият эди.

Газетамизнинг пешқадам жонкуярларидан бири Холбек ЁДГОРОВ туғма газетачи, жумҳуриятимизнинг зарбардаст журналистлари сафидан муносиб ўрин эгаллаган баркамол истеъдод эгаси эди. Газетада бир неча бўлимларни бошқарган, кейинчалик умрининг охиригача муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган Холбек Ёдгорович ҳеч маҳал тиниб-тинчимас, қачон қараманг жўшиб-тошиб тинмай ижод қиларди, бутун вужуди билан ишга берилиб кетарди. Доим ханда билан яшайдиган дўстимиз билан гаплашганда юрак чигалларини ёзардик, ҳазиломуз гаплар бошланарди-да, бирпасда ҳазил-мutoиба, аския авжига чиқиб кетарди. Қаҳ-қаҳалар редакциянинг қўшни хоналарига ҳам эшитиларди. Бундай дақиқаларда роса кулишиб, бир лаҳза бўлса-да, дам олардик.

Бутун ҳаётини, қалб кўрини газетачилик ишига бахшида этган атоқли журналист Аҳмад ИСМОИЛОВ газетамизнинг жонкуяри эди. У масъул котиб ўринбосари, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладди. Каттани ака, кичикни ука, деб хизматдошларига намуна бўлди, кўп шогирдлар тайёрлади. Аҳмад Исмоилов ҳеч қачон соатга қараб, вақт билан ҳисоблашиб ишлаган эмас. Редакция унинг иккинчи уйи эди. Шоир Ҳамид ФУЛОМ газетанинг адабий котиби сифатида унга очиқ дил ва ўткир тил билан, таъсирчан сўзлари билан материалларга жон киргизиб босмахонага туширишда яқиндан ёрдам берарди. Газета «Қизил Ўзбекистон» номи билан чиқа бошлаганида унинг биринчи сонидagi материалларни ўз қўли билан терган, 1924 йилда қисқа муддатли матбаачилар курсини тамомлаб, отахон газетамизга ҳарф терувчи бўлиб ишга келган Бек ака МИРТЕМИРОВ газетани чиройли қилиб чиқаришда Аҳмад Исмоиловга мададкор-ёрдамчи, газета саҳифаловчи эди.

Ўзбек матбуотининг тўнғич қаламкашларидан бўлган Вали ГАЛЯМОВ ёрқин сиймоси, меҳнатсеварлиги, жонбозлиги билан журналист оқсоқолларимиз сафига қўшилган, умрининг қирқ йилини ўзбек матбуотини ривожлантиришга сарф этган, бутун умрини «Қизил Ўзбекистон» газетасида ижод қилиб ўтказган таҳрири-

ят боғбонларидан бири эди. Вали аканинг 50 ёшга тўлган кунда муҳарриримиз бирга унинг ҳовлисига бориб, ўзи қўл қўйган юбилей табригини ўқиб берган эди.

«Хурматли қадрдонимиз Вали ака, — дейилганди табрикда. — Биз Сизга қалбимиз алангаланаётган табрик сўзимизни, ҳис-туйғуларимизда чуқур ўрнашиб қолган меҳримизни, дўстлик-қадрдонликда куч тўплаган илҳомимизни, талант, ижод тўлқинларида қанот қоқаётган энг яхши тилак, орзуларимизни келтирдик. Сиздаги ижодий фазилатлар — кишиларни севиш, қадрлаш, меҳнатни улуғлаш, шу меҳнатда тиним билмаслик, тақдир ва ҳаётга ишонч ва умид билан боқиш ўз шарафингизни бир умрга эъзозловчи хусусиятлардир».

Ўрни келганда шуни айтиб ўтайки, таҳририят ходимларининг тўйларида, оилавий тантаналарида, маёв-каларда қатнашиш, касаллигида хабар олиб туриш, улар билан бирга пахта теримига чиқиб, ҳаммадан кўп пахта теришда ибрат кўрсатиш каби фазилатлар раҳбаримизни улуғларди.

Салоҳ ҲАСАН, Ҳабиб НУЪМОН ва Аҳмад ШОР-АҲМЕДОВларни танимайдиган журналистлар йўқ ҳисоби. Бу уч оғайни «ботирлар» «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келибдики, то нафақага чиққунга қадар қишлоқ хўжалик бўлимида ижод қилдилар. Пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, механизацияси, агротехника ва зоотехника қоидаларини ўрганиш йўлида жавлон уриб, журналистик маҳорат йўлидан катта қадам ташлаб бордилар. Қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлар, агрономлар, колхоз ишлаб чиқаришининг таниқли намояндалари билан жуда яқиндан мулоқотда бўлдилар. Ўз публицистик ва танқидий мақолалари, очерклари билан деҳқонларимиз, механизатор, чорвадор ва боғбонларимизни жасорат кўрсатиб меҳнат қилишга чорладилар, дил сўзлари, ширали мақолалари билан уларнинг қалбида ўт ёқдилар. Ўша вақтда газетамизда ишлаган Бобош МАҲМУДОВ, Латиф ЭРҒАШЕВ, Соли ОТАЖОНОВ, Исмоил ТЎХТАСИНОВ, Маткарим ХУДОЙБЕРГЕ-НОВ, Фиёс АШУРОВ, Адҳам ҲАМДАМ каби вилоят мухбирлари бу қалам соҳибларини «агроном-журналистлар», деб бежиз айтишмасди.

Тарғибот бўлимини бошқарган Баҳром РАҲМОНОВ, маданият ва адабиёт бўлимини бошқарган Аб-

дулла ОЛИМЖОН, ахборот бўлимини бошқарган Раҳмат ФАЙЗИЙлар шу улуғ ижодий масканда ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртга танилдилар. Улар қайси даврада бўлмасин маданияти, ширинсуханлиги ва оғир-вазминликлари билан суҳбатларга файз бағишлардилар. Газетанинг адабий ходимлари бўлиб қалам тебратган Абдураҳмон ОРТИҚОВ, Мақсуд ҚОРИЕВ, Назармат ЭГАМНАЗАРОВ, Шобарот КУЗАНБОЕВ ва Йўлдош МУҚИМОВлар ҳозир «Ўзбекистон овози»ни бизнинг дорилфунунимиз, кўз очиб кўрган ижодий масканимиз, деб ғурур билан гапириб юрибдилар. Шу газетада яратилган мактабнинг сабоғини олганликларини, талашиб-тортишиб ишлаган онларини, у ердаги соғлом ижодий муҳитни эслайдилар.

Ўз касбимнинг тақозоси билан матбуотга дахлдор бўлган киши сифатида бирга ишлашган ҳамкасбларим ҳақида фикр юритдим. Ҳаммаларини санаб ўтишнинг иложи йўқ, албатта. Буни яхши тушунарсизлар, деб ўйлайман.

Бироқ 1950 йили масъул муҳаррирлик лавозимига тайинланган менинг устозларимдан бири Ҳожиакбар ҒУЛОМОВ ҳақида сўз очмасам тўғри бўлмас. Мени масъул котиблик вазифасидан муҳаррир ўринбосари даражасига кўтарган ажойиб журналист олим Ҳожиакбар акани газетамиз юбилейи арафасида мамнуният билан тилга оламан. Унинг ёрқин ва сермазмун ҳаёт йўли қисқа бўлди. Атиги 42 йил яшаган бўлса-да, республикамиз фаолиятида, унинг матбуоти тарихида ўчмас из қолдирди, илмий-назарий, сиёсий-ижтимоий ва фалсафий мавзуларда кўп мақолалар ёзди.

1940 йили газетага адабий ходим бўлиб ишга кирди. Ҳожиакбар кўп ўтмай газетага муҳаррир ўринбосари, 1941 йилнинг май ойида эса масъул муҳаррир этиб тасдиқланди.

Урушнинг жуда оғир кунларида ҳам Ҳожиакбар Ғуломовни сиҳат-саломатлиги заиф бўлса-да, ҳаммадан кўп ишлар, ўз ибрати ва ғайрати билан бошқаларни руҳлантирар, қийинчиликларни бардош билан енгиб, тақдирдан сира нолимас эди. 1945—1950 йиллари Москвада Ижтимоий фанлар академиясида ўқиди, тарих фанлари номзоди деган илмий даражани олди. 1950 йили академияни битириб қайтгач, яна жонажон газетасига раҳбарлик қилди.

Ўзбек миллий матбуоти тарихи тамал тошини

қўйган, бугунги кунда «Ўзбекистон овози» номи билан чиқаётган яловбардор газетанинг ижодий ходимлари ўтмишдошларининг анъаналарини давом эттириб, барча журналистларимизнинг шодиёна байрамига айланадиган оммавий ахборот воситаларининг ижодий кучларига кўрик бўлади. 75 йиллик юбилейини юксак фаоллик кўрсатиб ва масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаш иштиёқи билан кутиб оломоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиради. Газета — жонкуяр тарғиботчи, адолат ҳимоячиси, омманинг нуфузли минбари бўлиши, ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни ёзиши керак, деган ақида бор. Хилма-хил фикрлар тўқнашуви ва мунозаралар авж олган ҳозирги иқтисодий шароитда «Ўзбекистон овози» Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган одил сиёсатини қўллаб қувватламоқда.

Чоракам бир асрлик шонли йўлни босиб ўтган республикамиз даврий матбуотининг карвонбошиси — «Ўзбекистон овози» газетасининг ижодий жамоасини, мухбирларини, матбаачилари ва муштарийларини газетанинг 75 йиллик байрами билан табриклайман, юбилей арафасида қилинадиган ижодий ишларида янги зафарлар ва омад тилайман.

Мустақил, озод диёримизда «Ўзбекистон овози»нинг қудратли овози баралла янграй берсин!

ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАНГ МАЙДОНИДА

Мен урушнинг биринчи кунларидан то Ғалаба онларигача ҳаракатдаги армия сафида бўлганман. Ўзим газетачи бўлсам ҳам менга фронтда матбуот соҳасида ишлаш насиб этмади. Артиллериячи бўлиб хизмат қилдим.

Буюк Ғалабанинг шонли 50 йиллик байрами муносабати билан «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири сифатида ана шу уруш йиллари ҳаракатдаги армияларда чиқиб турган газеталар, шу газеталарнинг таҳририятларида қўлига қурол ва қалам олиб хизмат қилган айрим ёзувчи ва журналист ҳамкасбларимизни яна бир бор эслашни, ҳурматли журналхонларимизни улар билан таништириб ўтишни лозим топдим.

Ўрта Осиё ва Кавказдан урушга борган жангчиларнинг аксарияти рус тилини яхши билмаганлигини ҳисобга олиб, барча фронтларда ўзбек, қozoқ, қирғиз,

тожик, грузин, арман, молдаван ва татар тилларида газета-журналлар, рисола ва варақалар чоп этиш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Бу ишга миллий республикаларнинг истеъдодли журналистлари, ёзувчилари сифарбар этилди. Улар орасида Тожикистондан Сотим Улуғзода, Гуржистондан Георгий Ломидзе, Қозоғистондан Малик Габдуллин, бизнинг республикамиздан Тўлқин Рустамов ва бошқалар бор эди.

Ўзбек тилида 14 та фронт ва иккита дивизия газетаси чоп этиларди. 1-Болтиқбўйи фронтининг «Душманга қарши олға», 2-Болтиқбўйи фронтининг «Суворовчи», 3-Болтиқбўйи фронтининг «Ватан учун», 1-Белоруссия фронтининг «Қизил Армия», 2-Белоруссия фронтининг «Фронт ҳақиқати», 3-Белоруссия фронтининг «Қизил аскар ҳақиқати», 1-Украина фронтининг «Ватан шарафи учун», 2-Украина фронтининг «Суворов натиски», 3-Украина фронтининг «Совет жангчиси», Брянск фронтининг «Ғалаба сари олға», Узоқ Шарқ фронтининг «Бонг» газеталари ва бошқалар.

Фронт газеталарини ташкил этишда, чиқаришда, урушнинг охиригача мураккаб, ўта хавфли шароитларда жангчиларга ўз она тилида чоп этилган газета, журнал ва варақаларни узлуксиз етказиб беришда фаол иштирок этган, қўлда қалам ва қурол билан жангу жадалларда қатнашган ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг номларини фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланаётган шу кунларда фахр билан хотирлаб эсга оламиз. Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий, Рустам Абдурахмонов, Жалолхон Азизхонов, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Раҳмат, Адҳам Ҳамдам, Наби Юсуфий, Тўлаган Соатов, Расул Муҳаммадиев, Тўлқин Рустамов, Мели Жўра, Зиё Аминов, Шариф Бўлатов, Тўғон Эрназаров, Отамурод Аvezмуродов, Илёс Муслим, Лутфулла Ҳамроев, Умар Хўжаевлар шулар жумласидандир.

Минглаб тенгқурлари қатори 1942 йили Ватан ҳимоясига отланган бўлажак журналист Тўғон Эрназаров жангчи-алоқачи бўлиб, Сталинград окопларида ёвга қарши жанг қилди. Сталинграддан Прагага қадар бўлган жанговар йўлни бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан босиб ўтди. 1-Украина фронтининг ўзбекча «Ватан шарафи учун», 2-Украина фронтининг «Суворов натиски» газеталарининг ҳарбий мухбири сифатида хабар, очерк, шеър, баллада, ҳикоялар ёзиб, жангчила-

римиз жасоратини абадийлаштиришга ҳисса қўшди. Фронт газеталарида «Қаҳрамоннинг ҳикояси», «Самарқандлик баҳодир», «Офицер Каримов», «Тоғлар орасида» каби ўнлаб лавҳа, очерк ва ихчам қиссалари босилиб чиқди.

Уруш бизнинг зафаримиз билан тугагач, ҳарбий журналист бўлиб шаклланган Тўғон Эрназаров ёшлар газетасида адабий ходим, бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари, «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб бўлиб ишлади. Журналистика касбига астойдил меҳр қўйган жангчи-қаламкаш ўз касби бўйича тарих фанлари номзоди, кейинчалик тарих фанлари доктори, профессор унвонларига сазовор бўлди. Тошкент Давлат дорилфунунида журналистика кафедрасини ташкил этди, факультет декани бўлди, кафедраларни бошқарди, малакали журналист кадрлар тайёрлаш ишига баракали ҳисса қўшди. Умрининг қарийб 20 йилини шу муқаддас илм даргоҳида ўтказди.

Уруш бошланиб, «Муштум» журналинини чиқариш вақтинча тўхтатилган йили журнал масъул котиби Мумтоз Муҳамедов ҳаракатдаги армия сафига чақирилиб, фронтга йўл олди. У жангу жадалларда қатнашди, «Душманга қарши олға» фронт газетасида ишлаб юрганида «Наштар» деган бўлим ташкил этиб, душман бошига ҳажв ўтини ёғдириб турди. Мумтоз ака урушдан қайтиб келиб, қаламини қантариб қўйгани йўқ. ЎзТАГ раҳбарининг ўринбосари, «Муштум» журналининг муҳаррири бўлиб ишлади, ижод гулшанида жавлон уриб, жуда кўп китоблар чиқарди.

2-Болтиқбўйи фронтида чиқиб турган «Суворовчи» газетасида жангчи-мухбир бўлиб ишлаган Лутфулла Ҳамроев қуролдош дўстларининг жасоратлари ҳақида фронт газеталарида чиқиб турган лавҳа ва очеркларини тўплаб, ўзи ишлаган фронт газеталарининг тахламларидан фойдаланиб, вафотидан икки йил аввал «Ҳаёт ҳимоячилари» номли китобни чоп эттирди. Шинелли йиллар хотирасидан иборат бўлган бу китобни ёзишда ўзбек тилида чиқиб турган, ўзи билан бирга жанг майдонларидан олиб келган фронт газеталарининг сарғайган саҳифалари унга жуда қўл келди.

1-Белоруссия фронтида ҳарбий мухбир бўлиб хизмат қилган Мели Жўра душман билан бўлган жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган Кўчқор Турдиев, Жўра-

хон Усмонов, Тошпўлат Жумабоев, Валижон Набиев, Шодмон Умаров ва бошқа кўплаб ўзбек йигитлари билан оловли йўлларда учрашди. Бошқа миллат фарзандлари қатори фашист газандаларга қирон келтираётган ўзбек аскарлари ва офицерлари билан ҳамсухбат бўлди, жангчиларимизни руҳлантирадиган, уларга мадад бўладиган лавҳа, репортаж, мақолалар ёзди. Урушдан қайтгач ўзининг сеvimли касбини давом эттирди — «Қизил Ўзбекистон» газетасида, сўнг умрининг охиригача «Ўзбекистон» нашриётида меҳнат қилди.

Урушга ихтиёрий кетган ёш шоир Маъруф Қориев фронтда эканлигида ҳам қаламига дам бермади. Фронт газеталарида, ўзининг шеърлари, лавҳа ва очерклари билан қатнашиб, юртдошларимизнинг қаҳрамонликларини улуғлади. Унинг жанговар шеърлари ва қўшиқлари уруш йиллари ўзбек тилида чиқиб турган фронт газеталарида ҳам, Ўзбекистон газеталарида ҳам бот-бот чоп этилиб турди. Маъруф урушдан эсон-омон қайтиб келиб, умрининг охиригача Ўзбекистон радио ва телевидение Давлат қўмитасида муҳаррир бўлиб ишлади.

Ўзбек ёзувчи ва журналистлари бевосита фронтнинг олдинги чизиқларида, жанг майдонларида бўлишар, баъзан жангчилар билан биргаликда душмanning орқа томонига, партизанлар ҳузурига ҳам йўл олишарди. Душманга қирғин келтириш учун қаламни бир чеккага қўйиб, қўлга қурол олинган пайтлар тез-тез бўларди. Мисол учун ёзувчи Назир Сафаров фашист босқинчиларига қарши жангларда бир неча марта марта иштирок этиб, жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган. Ҳарбий мухбир, гвардиячи лейтенант Назармат Эгамназаров ҳужумкор қисмлар билан биргаликда душмanning ўқ ва снарядлари ёмғири остида Одер дарёсини кечиб ўтди. Бизнинг қўшинларимизга танк ва самолётлар мадалида тинимсиз ҳужум қилиб турган гитлерчилар батальонига қарши тенгсиз шиддатли жанг олиб боришга тўғри келди. Ҳарбий мухбир пиёдалар билан биргаликда қўлига автомат олиб, ана шу жангда иштирок этди. Жанг тугагандан сўнг Назармат Эгамназаров Одер учун дастлабки жанглар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар билан таҳририятга қайтиб келди. У кўрган-кечирганлари таъсири остида довурак жангчиларнинг қаҳрамонликлари ҳақида «Одерни кечиб» деб номланган ҳаққоний очерк ёзди.

Ўзбек матбуотининг кекса авлодига мансуб, 50 йил-

дан зиёд журналистикамизнинг хилма-хил жанрларида самарали ижод қилиб келаётган, жангчи шоир ва журналист сифатида элимизга танилган Назармат Эгамназаров урушдан қайтгач, «Қизил Ўзбекистон» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарида 30 йилдан кўпроқ меҳнат қилди. «Бурч йўли», «Қирғоқдаги жанг», «Сайёд жасорати», «Жанггоҳлардан лавҳалар», «Турналар йўли» каби китобларни нашр эттирди.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқинда Назармат аканинг Ғалабанинг 50 йиллигига совға сифатида ёзиб битказган «Оловли тонг» қиссасини ва фронтда қатнашган ўзбекистонлик шоирларнинг шеърлар тўпламини «Жанггоҳдан садолар» номи билан босмадан чиқарди.

Тошкент вилоятининг Пискент туманида таваллуд топган жангчи журналист Мажид Самадовнинг жанговар йўли Смоленскни озод этишдан бошланган ва у Ғалаба кунини Польшанинг Загона шаҳарчасидаги ҳарбий госпиталда кутиб олган. Мажид фронтдан қайтгач, ўз туман газетасига муҳаррирлик қилди, дилига тугиб қўйган ниятларини амалга оширишга киришди. Урушда ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари тўғрисида, дом-дараксиз кетганлар ҳақида лавҳа, мақола ва очерклар ёза бошлади. Бу осон иш эмас эди, албатта. Жуда кўп изланишни, архив ҳужжатлари билан танишишни, одамлар билан учрашиб гаплашиш, ўрганишни талаб қиларди, у бир неча марта собиқ Мудофаа вазирлигининг Москвадаги Марказий архивига борди, бошқа жойлардаги ана шундай манбалардан зарур фактларни тўплаш, аниқлашдан чарчамади, толмади. Қонли жангларда шахид бўлган 22 минг ҳамюртимиз тўғрисида қимматли маълумотлар тўплади. 150 га яқин собиқ жангчиларга уруш вақтида ҳар хил сабабларга кўра топширилмай қолган орден ва медалларнинг кеч бўлса ҳам тақдим этилишига муваффақ бўлди.

Республика газеталарида босилиб чиққан «Қалб амри билан», «Қадрдонлар учрашуви», «Зиёрат», «Бардош», «Мангу эҳтиром», «Беш жанговар орден соҳиби», «Ўлимларни доғда қолдириб», «Ўзбекистонлик гас-теллочи», «Довжурак разведкачи», «Орден тақишга улгурмадилар», «Бир оиланинг беш шунқори» каби ўнлаб лавҳа, очерк ва мақолалар Мажид Самадов изланишларининг натижасидир. Унинг «Жасорат саҳифалари», «Қасоскорлар», «Жангномага айланган сатрлар», «Эл-

лик баҳодир» ва рус тилида чоп этилган «Мангу хотира» китоблари, урушда ҳалок бўлган марҳум жангчиларимиз ҳақида республика уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши ташаббуси билан ҳамма вилоят нашриётларида нашр этилган «Хотира» тўплами фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллик шонлиқ байрамига муносиб совғадир.

Газеталарда фаолият кўрсатган ёзувчи ва журналистлар публицистиканинг барча жанрларидан: очерк, лавҳа, корреспонденция ва мақола жанрларидан кенг фойдаланишган. А. Сурковнинг ибораси билан айтганда «уруш ҳамма нарсага ўргатди». Шоирлар бош мақолаларни, ёзувчилар шеърий фелъетонларни, танқидчилар эса учувчилар, разведкачилар, сапёрлар, танк қирувчиларининг адабий портретларини яратишди.

Фронт очерки жанрини ривожлантиришда Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий, Мумтоз Муҳамедов, Иброҳим Раҳим, Мели Жўра, Баҳром Раҳмонов, Зиннат Фатхуллин, Назармат Эгамназаров, Наби Юсуфий ва бошқа ёзувчилар, айниқса, самарали фаолият кўрсатдилар. Ўзбек ёзувчилари ва ҳарбий журналистларининг фронтда ёзган очеркларидан бир қисми турли тўпламларда эълон қилинган. Ёзувчи Адҳам Раҳмат ўз очеркларини «Мардлик қиссаси» ва «Эллик бир баҳодир» (ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликлари ҳақидаги очерklar тўплами) китобларида жам этган, Мели Жўра эса ўз очерк ва эсдаликларини «Ўлимни енгган кишилар» деб номланган алоҳида китобида чоп этди. Ана шу очерк ва лавҳалар асосида ёзувчилар кейинчалик йирик-йирик бадиий асарларни яратишди. Шухратнинг «Шинелли йиллар», Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат», Мумтоз Муҳамедовнинг «Кичик гарнизон» асарлари шулар жумласидандир. Ўзбек ёзувчиларининг ана шу роман ва қиссаларига уруш йилларида ёзилган очерк ва лавҳалар асос бўлган.

Таниқли ўзбек адиби Ойбек фронтда бир неча ой бўлиб, ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликларига бағишланган бир туркум ватанпарварлик мавзuidaги шеърларини яратди. Бу шеърлар даставвал фронтда чиқиб турган ўзбек газеталари саҳифаларида чоп этилди. Кейинчалик у фронт таассуротларини «Қуёш қораймас» романида акс эттирди.

Ёзувчи ва журналистлар тинч даврдагидек, урушда ҳам ҳамиша халқ билан бирга, жанговар сафда бўлиш-

ди. Улар воқеаларни кузатибгина қолмай, уларда бево-сита иштирок этишди. Фашист босқинчиларга қарши жанг қилишди. Улар шахсий намуна кўрсатиб, ўткир қалам ва бадий сўзлари билан Ғалаба кунини яқин-лаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Уруш ша-роитидаги босма сўзнинг аҳамияти ҳақида Илья Эрен-бург жуда яхши айтган: «Энди сўзларга ўрин йўқдек, баҳсни металл ҳал қиладигандек туюларди. Ваҳоланки, заиф инсон овози жанг майдонида, чидаб бўлмас да-ражадаги шовқин-сурон муҳитида алоҳида куч билан янграр экан. Мен шу ўринда болаликдан бизга маълум бўлган китобларни назарда тутаётганим йўқ. Уларнинг ўчмас аҳамиятини йиллар исботлаган. Шу ўринда мен фақат бир кун яшамоққа маҳкум газета саҳифасини, унинг тантанаси ва сўзининг қудратини назарда тута-япман».

Ҳа, чиндан ҳам шундай бўлган.

МАРДЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

Республикамиз Президенти И. А. Каримов иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлганларнинг, мамлакат озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хо-тирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда ту-риб, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаёт-ган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақ-садида махсус Фармон чиқариб, 9 Майни — Хотира ва Қадрлаш куни деб белгилади.

Халқимиз ўзининг севиқли фарзандлари, Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган мард ўғлонлари номини, жасоратини алоҳида ҳурмат билан ёдга олди. Жангу жадалларда қурбон бўлган ватандошларимиз номлари битилган лавҳаларни, Тошкентда барпо этил-ган Хотира майдонидаги ҳайкал пойига ёзилган «Сен доим қалбимдасан, жигарим» сўзларини ўқиб кўзлари-га ёш келди.

Энди ҳар йили 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб нишонлар эканмиз, инсониятни фашизм асорати-дан сақлаб қолишдек муқаддас ишга, ер юзидаги та-раққийпарвар кучлар фашизм балосига қарши олиб борган ҳаёт-мамот урушида эришилган тарихий ғала-бага ўзбек халқи ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини

қўшганлиги билан фахрланамиз. Ғалаба онларини эслаб гурурланиб юрамиз, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини фидо қилган жангчиларнинг номини бир умр ёдимиздан чиқармаймиз.

Уруш фахрийси сифатида сира унутилмас воқеалардан бири хусусидаги хотирамни айтиб ўтишнинг мавриди келди, деб ўйлайман. 1942 йилнинг март ойлари эди. Ўзбек халқининг фронтларда жанг қилаётган фарзандларига йўллаган мактубини олганмиз. Бу мактуб республикамизнинг атоқли ёзувчи-шоирлари, фан, маданият намояндалари томонидан ёзилган бўлиб, мактубга икки ярим мингдан ортиқ киши имзо чеккан экан. Мен жангчиларнинг руҳиятига бу қадар зўр таъсир қилган бошқа бир ҳужжатни эслолмайман. Уни ўқиганда кўздан ёш оқмаган биронта Ўзбек жангчиси бўлмагандир. Дивизия газеталарида «Ўзбек жангчиси, сенинг душманни енгилга қўшган ҳиссанг» деган рукн пайдо бўлганди. Бу рукн остидаги материалларда ўзбек жангчиларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо 9 Май умумхалқ байрамини буюк байрам десак муболаға бўлмас. «Бу байрамни нишонлар эканмиз, — деган эди Президентимиз Ислон Каримов, — ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, беғубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини шод этиш, доимо уларнинг номини хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш — барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак».

«Ўзбекистон матбуоти», 3-сон, 1999 йил.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН!

Мен қарийб ярим асрдан буён матбуот соҳасида хизмат қилиб келаяпман. Хизмат юзасидан жуда кўп хорижий мамлакатларда бўлдим, давлат ва жамоат арбоблари билан, жаҳондаги йирик ва таниқли матбуот нашрларининг, телерадиокомпанияларининг журналистлари билан учрашдим. Уларнинг матбуот конференцияларида

қатнашдим. Деҳлида Неру, Жакартада Сукарно, Гаванада Кастро, Вашингтонда Никсонларнинг журналистлар саволларига берган жавобларини эшитганман. Лекин 4 март куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясидек очик ва аччиқ гаплар айтилган йиғилишни эслолмайман. Бунақаси ҳали бўлмаган!

Москвадаги чет эллик мухбирлар ассоциацияси аъзолари Ўзбекистон заминидан икки кун меҳмон бўлдилар. Хорижий мамлакатларда чиқадиغان оммавий ахборот воситалари вакилларининг бу ерга келишларидан мақсад Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини ўз кўзлари билан кўриш, мамлакат раҳбарлари билан учрашишдан иборат эди. Республикамиз Президенти Ислон Каримов чет эл ва республика журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказиб, уларнинг саволларига батафсил жавоб берди. Саволларнинг мазмуни, йўналиши, чигаллиги ва ҳужумкорлиги кўпчиликни ҳайратга солган бўлса, қайтарилган жавобларнинг аниқ, равшан, пухта ва лўндалиги ҳаммани қойил қолдирди. Қизгин савол-жавоблар қарийб уч соатча давом этди. Хорижий давлатлар мухбирларининг «десанти» ўзларини қизиқтирган саволлар билан ҳужумга ўтган бўлса, Ислон Каримов ақл-идрок, донолик, чуқур билимдонлик, салобат, вазминлик ва ишончли далиллар билан жавоб қайтарди. Яширишнинг ҳожати йўқ, мухбирларнинг айримлари қитмирона, қалтис, коса тагида ним коса бор қабиладаги саволларни ўртага ташладилар.

Бу учрашув телевизорда кўрсатилди, радио тўлқинларида эшиттирилди, унинг қисқача баёни матбуотда босилиб чиқди. Учрашув тафсилотлари дунё матбуоти ва телевидениесида кенг ёритилмоқда, юз минглаб меҳнаткашларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юртдошларимиз зангори экранда кўриб, газетада ўқиб миллатимиз доно Юртбошисининг ақл-заковатига яна бир карра тан бердилар, ўтқир сиёсатчи, кучли иқтисодчи олим, ҳаётни яхши биладиган доно раҳбар эканлигини чин юракдан ҳис этиб, унга чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Мен касбим тақозоси билан матбуотга дахлдор бўлган киши сифатида бир нарсани айтиб ўтай. Тошкентда илгарилари ҳам Халқаро Журналистлар ташкилоти ва собиқ иттифоқ Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан қатор нуфузли тadbирлар, хорижий мамлакатлар журналистларининг делегациялари, Халқаро

Журналистлар ташкилотининг президентлари ва масъул ходимларнинг республика раҳбарлари билан матбуот конференциялари ўтказилганди. Лекин очик айтишим керакки, бунақангиси бўлмовди. Президентимиз уларни қизиқтирган ҳамма саволларга батафсил жавоб бердигина эмас, хориждаги оммавий-ахборот воситаларининг мухбирларига қайта саволлар билан мурожаат қилиб, уларни «михлаб» қўйди. Вақтни чегараламасликни таклиф этиб, ҳар қандай саволга жавоб қайтаришга тайёр эканлигини айтди.

Москвадаги чет эл журналистлари ассоциацияси президенти Марко Полити ўз ҳамкасбларининг фикрини ифодалаб, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов биз билан учрашишга розилик билдирган биринчи Президентдир, деб алоҳида таъкидлади.

— Уюшмамиз ўз олдида МДХнинг мустақил давлатлари Президентлари билан учрашувларни мақсад қилиб қўйганди. Бу тадбир айнан Ўзбекистондан бошланишини хоҳлардик. Сабаби, давлатингиз Шарқ ва Фарб чорраҳасига жойлашган. Республика Президенти Ислон Каримовга эса Фарбда қизиқиш катта. Ўрта Осиё минтақасидаги мамлакатлар қайси йўлни танлашлари кўп жиҳатдан у кишига боғлиқ. Ўзбекистон Президенти таклифимизни рад этмай учрашишга розилик берганидан фоят хурсандмиз, — деди у.

Биз жаҳондаги етакчи журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциясини, мардлик, жасорат ва донолик билан дилкаш суҳбатга айлантириб юборган ҳурматли Президентимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, у олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тамомила қўллаб-қувватлаймиз.

«Халқ сўзи», 11 март, 1993 йил.

ЖУРНАЛИСТНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА БУРЧИ

XX аср охири, XXI аср бўсағасида турибмиз. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг саккизинчи йилига қадам қўйди. Вақт тарозисида кунлар ҳафтага, ҳафталар ойларга уланади, ўз навбатида ойлар йилларга айланади. Ҳур ва озод диёримизнинг кечган ҳар бир куни, қўйган ҳар бир қадами йилларга тенг мазмунли онлар бўлиб жаҳонга танилмоқда, Истиқлолимиз китобининг зарварақларига абадий муҳрланиб қолмоқда. Ўзбекистонимиз дадил қадам ташлаб ўз шиддатли юришида

давом этмоқда. Буни кўролмаган ғаламислар, қабих ни-
ятли қора кучлар шу йил 16 февраль куни пойтахти-
миз Тошкентда портлашлар уюштириб, мамлакатимиз-
га, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётига, юртимиз
хавфсизлигига, суиқасд қилдилар. Бегуноҳ одамлар
ҳалок бўлди, жароҳатланди, бинолар зарар кўрди. Бу
ёвуз ҳаракатлар, аввало, республикамиз Президенти-
га, у юритаётган мустақил давлатчилик сиёсатига қар-
ши қаратилган эди. Яратганнинг ўзи асраган, эл дуо-
сини олган Ислом Абдуғаниевич мудҳиш воқеа содир
бўлган дақиқалардаёқ халққа мурожаат этиб, кўнглини
кўтаргани, йўлбошчиларга хос буюк ирода ва мардли-
гини намоён этгани ғаламисларга муносиб жавоб бўлди.
Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда халқ бирлиги-
ни, ўз Юртбошисига садоқати ва бирдамлигини на-
мойиш қилувчи, фитначиларнинг ёвуз қилмишларини
қораловчи йиғилишлар бўлиб ўтди. Йиғилишларда сўзга
чиққанлар бу машъум ҳодиса ҳар бир юртдошимиздан
огоҳ, сергак ва баҳамжихат бўлишни талаб этишини
таъкидладилар. Кўпгина хорижий мамлакатлар прези-
дентлари, давлат ва жамоат арбоблари чуқур қайғу ва
таъзияларини изҳор этиб, ҳамдардлик билдирдилар.

Шу ўринда Президент И. А. Каримовнинг бундан
деярли уч йил аввал айтган қуйидаги сўзларини айнан
келтиришни жоиз деб биламан: «Огоҳ бўлинг, одам-
лар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб тури-
ши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо
қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни,
жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик-
ни асранг. Ўз эркимизни тасарруф этиш, уни бугунги
мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд
хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқ».

Давлатимиз раҳбарининг барчамизга қарата чин дил-
дан, куйиб-ёниб айтган бу ибратли ўғит-насиҳатлари
журналистлар қалбидан чуқур жой олгани, бепарволик
ва лоқайдликка йўл қўймасдан янги ижодий ишларга
тўлқинлантиргани, ютуқларимизни кўролмайдиган ёт
унсурларга қарши нафрат ва ғазаб уйғотгани, тафакку-
рини, дунёқарашини ўзгартиргани шубҳасиз. Ҳар бир
журналист бундан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётни
яхши ўрганиши, ижтимоий ҳаёт ичига кўрқмасдан да-
дил қадам ташлаб кириб бориши, ғафлатда қолмасдан
хушёрлик, жасурлик ва фидойилик кўрсатиб, воқеа-
лар қозонида қайнаб, ҳақиқатни ёзмоғи, ижодда

ёнмоғи, мустақил тафаккурга эга бўлмоғи керак. Журналистлар, Президентимиз айтганидек, «арзийдиган мисол ва воқеаларни кўрсатибгина қолмай, лоқайдлик ва манманлик, жиноий даражадаги бепарволик, коррупция ва товламачилик ҳолларини кишилар эътиборига ҳавола этиб, жамоатчиликни бу жиноятларга қарши кўтариши ва бундай унсурларнинг томирини қирқиш учун ўзини аямаслиги керак».

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, газета-журнал оламида, телевидение ва радио ишида ҳам катта ўзгаришлар рўй бераётир.

Ҳар бир журналист Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаганлигини чуқур англаб, ҳар соҳада ҳозиржавоб бўлиши, ҳақиқат машъаласини баланд кўтариб, чархланган ўткир қалами, залворли фикри, ақл-заковати билан ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга салмоқли ҳисса қўшмоғи керак.

Президентимизнинг журналистларнинг касб байрами муносабати билан табрик йўллаши, улар билан учрашиб, саволларига жавоб бериб туриши анъанага айланиб қолди. «Тафаккур» журнаlining бош муҳаррири билан суҳбатида жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда давр ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган бўлса, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг саволларига берган жавобида Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида кўтарилган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирилди. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг журналисимизнинг шу сонида босилаётган ислом динининг асл моҳияти, дин борасидаги сиёсатимиз ҳақида берган саволларига «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз», деб жавоб берди. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобида эса мамлакатимизнинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар, миллий ғоя, миллий ғурур, маънавият масала-

лари нималардан иборат эканлиги очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. «Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётӣй хулосам шуки, — дейди Юртбошимиз, — адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор».

Газета-журнал таҳририятлари — муқаддас даргоҳ. Аҳоли бу жойни ҳақиқат ва адолат рамзи деб тушунади. Аксарият хурсандчилигини ҳам, бошига тушган мусибатни ҳам баҳам кўриш мақсадида таҳририятларга мурожаат қилади. Ошкоралик шароитида кун сайин минглаб газетхонлар имтиҳонидан ўтиш ҳақиқатан ҳам осон эмас.

Журналист, аввало, қалам тебратиб, эл-юртни янгиликлардан хабардор этиши, халқимиз кўнглидаги ўймақсадларни, режаларни янада теранроқ англаб ифода қилиш бахти насиб этганлигидан фахрланиши, бу юксак ишончни оқлаши, қаламини янада чархлаши керак. Истиқлолимиз туфайли, мана, етти йилдан ошибдики, журналистларнинг мақолалари, чиқишлари дидроқ ва эркинроқ бўлиб бормоқда, ижодий имкониятларини тўла намоён қилиш, бир вақтлар айтиш мумкин бўлмаган гаплар ҳақида ёзиш имконияти туғилди. Таҳририятларда принципиал ва софдил, истеъдодли ёш ижодкорлар кўпайиб борапти. Уларнинг номларини санаб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳар бир киши матбуотда фикр айтиш ҳуқуқига эга. Бу фикр мунозарали бўлиши ҳам мумкин. Бироқ тан олишимиз керакки, етакчи газеталаримизда халқ ҳаёти ўзининг барча жиҳатлари билан тўла-тўқис ёритилмаяпти. Қишлоқ аҳолисининг муаммолари нималардан иборат, савдо дўконларида энг керакли нималар сотилмаяпти, бозорларда фирибгар товламачилар оддий деҳқонлар ва фуқароларни алдаётгани ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Президентимиз И. Каримов Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетаётиб, сафар олдидан аэропортда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб айтдики, жорий йилда халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишни энг асосий вазифамиз, деб қабул қилдик. Бундан кўзланган мақсад — ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот, аввало, инсон учун, деган қоида ўзининг тўла амалий ифодасини топишини таъминлашдан иборат.

Юртбошимизнинг бу даъвати демократик тамойил-

лар тобора шаклланиб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги даврда ҳар бир журналистдан ўз ишининг мураккаблигини ва масъулиятини англаб, касб маҳоратини тобора ошириб боришини, фаолият кўламини кенгайтиришини, материалларни ўқишли, қизиқарли, ўткир ва амалий иш учун фойдали этиб чиқаришни, журналист сўзининг салмоғини оширишни талаб қилади. Ҳамкасбларимиз халқимиз ҳаётини, замонамизнинг мураккаб ва зиддиятли воқеаларини ипидан игнасиғача билиб олишга, уларга нисбатан ўз муносабатларини айтишга, ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишга интилишлари зарур.

«Хуррият» ҳафтаномасида «Боши жанжалдан чиқмаётган таҳририят» деган мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Бу мақолада «Каттақўрғон тонги» газетасидаги ижодий муҳит, журналистларнинг бир-бирлари устидан шикоят ёзишлари ҳақида сўз борганди. Журналистлар жамоасида аҳиллик бўлмаса, ижодий муҳит ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир-бирига таъна тошларини отиш учун бирор имкониятни қўлдан бой бермасликка интилаётган қаламқаш дўстларимиз жамоа олдида, газетхонлар олдида уялишлари, ахлоқ-одоб, пок маънавий қиёфа, муомаланинг юксак маданиятига эга бўлишлари керак.

Газеталарда ва журналимизнинг ушбу сониди Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори чоп этилган. Республикамизда журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг буғунги ҳолати чуқур таҳлил қилинган мазкур қарор Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган бўлиб, журналистлар малакасини ва маҳоратини оширишда, журналистика факультетларининг иш фаолиятини яхшилашда, уларнинг масъулиятини янада кучайтиришда, шубҳасиз, ғоят муҳим ҳужжат бўлади. Бу қарор матбуотимизга кўрсатиб келинаётган доимий эътибор, оталарча ғамхўрликнинг мантиқий давоми бўлиб, истиқлол йилларининг миллий журналист кадрлар тайёрлаш тажрибасини умумлаштириб беради, журналистика факультетларини замонавий техник воситалар билан таъминлашга, ўқув жараёнларини такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратади.

Март ойида Президент девонида бўлиб ўтган матбуотимиз раҳбар ходимларининг йиғилишида ҳозир ом-

мавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилиниб, матбуот жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида ўз ишини замон талаблари даражасига кўтариши жуда зарурлиги алоҳида таъкидланди. XX аср охиридаги ижтимоий ҳаёт жўшқинлигини ҳис этиб, бу ҳаётнинг хилма-хил, мураккаб ва зиддиятли жараёнларини мардонавор енгилга ёрдам ва мадад берадиган мақолаларни кўпайтириб, нашрлар мундарижасини янада бойитиш журналистларимизнинг шарафли бурчидир. Радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувлари, газета ва журналлар саҳифаларидаги мақолалар фуқароларга мамлакатимизда ва дунёда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини теран англаб етишда, зарур бўлган ахборот, далил ва исботларни олишда, фикрларни қиёслаб, ўз сиёсий дунёқарашини, маънавий позициясини пухта аниқлаб олишда, жамоатчиликнинг нуқтаи назарини шакллантиришда яқиндан ёрдам берсин.

«Ўзбекистон матбуоти», 3-сон, 1999 йил.

МАЗМУНЛИ ҚИСҚА УМР

(Ҳожиакбар Фуломовни эслаб)

Тақдир мени тарихчи олим ва таниқли журналист Ҳожиакбар Фуломов билан 1949 йили таништирган. У киши Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаб, тарих фанлари номзоди деган илмий даражани олгандан сўнг ўша даврдаги ўзбек матбуотининг байроқдори ҳисобланган, республикаимизнинг нуфузли отахон газетаси бўлмиш «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига масъул муҳаррир этиб тайинланган эди. Мен шу газетада масъул котиб бўлиб ишлардим.

Ҳожиакбар Фуломович менинг иккинчи жаҳон урушида қатнашганлигимни, билар, шу боис жанговар таассуротларимни қизиқиш билан сўрар, ўзи ҳақида ҳам гапирганлиги ҳамон ёдимдан кўтарилгани йўқ.

1939 йили армия сафига чақирилган Ҳожиакбар Фуломов кўп ўтмай, соғлиги ёмонлиги туфайли армиядан бўшатилади. 1940 йил бошларида «Қизил Ўзбекистон» газетасига адабий ходим бўлиб ишга киради. Ёшлигиданоқ матбуотга ихлос қўйган ёш қаламкаш газетачи-

ликнинг ўзига хос мураккаб томонларини ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳар хил ахборот, хабар ва мақолалар ёзиб, кўзга кўринади.

Камтарлиги, ишчанлиги, кам сўзлаб кўп ишлаши ва ташаббускорлиги туфайли тез орада бўлим мудир, сўнгра муҳаррир ўринбосари вазифасига кўтарилади. Уруш арафасида — 1941 йил май ойида 27 ёшида «Қизил Ўзбекистон»нинг масъул муҳаррири этиб тайинланади. Тошкент Педагогика институтида дарс бериш билан бирга кўп нусхали газетага муҳаррирлик қилаётган Сиддиқ Ражабовни 1941 йил июль ойининг охирида Ҳожиакбар Фуломовга муовин қилиб тайинлашади. Азиз ўқувчим, ўрни келганда эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмас, билганингиз яхши: Ҳожиакбар Фуломов армияга чақирилишидан олдин шу институтни тамомлаган, Сиддиқ Ражабов эса кейинчалик педагогика фанлари доктори, профессор бўлиб етишган. Ҳожиакбар ака раҳбар органларнинг қарори билан бошқа ишга ўтгандан сўнг 1943 йил апрелидан 1947 йил октябр ойигача Сиддиқ ака «Қизил Ўзбекистон» газетасида тўрт йилча масъул муҳаррир бўлиб ишлаган.

Уруш урушлигини кўрсатиб, Ўзбекистонда кўпгина нашрларнинг чиқарилиши вақтинча тўxtатилган эди. Фақат ижтимоий-сиёсий газеталар — ўзбек тилида «Қизил Ўзбекистон» ва рус тилида «Правда Востока»гина чиқиб турарди. Бу пайтлар миллий газеталаримизни чиқаришда жуда кўп қийинчиликлар кўндаланг бўлиб турарди. Аввало ТАСС, ЎзТАГ ва бошқа ахборот марказларидан хабарлар асосан рус тилида келарди. Малакали журналистлар, оддий ҳарф терувчилар, линотипда ишловчи кадрлар, босма машиналар, техник ускуналар етишмасди. Ходимлар кечалари уйку нималигини билмай, эрталабгача толиқиб, қийналиб газета чиқаришарди. Ана шундай оғир дамларда Ҳожиакбар Фуломов уларга мададкор, бош-қош бўлди, отахон газетанинг дошқозонида қайнаб, қийинчиликларни сабр-бардош билан енгди.

Ҳожиакбар Фуломов 1949 йил август ойидан 1953 йил март ойигача «Қизил Ўзбекистон» газетасига иккинчи марта масъул муҳаррир этиб тайинланади. Ҳожиакбар акадан мен кўп нарсаларни ўргандим. У киши интизомни қаттиқ ушлайдиган ва уни ҳаммадан талаб қиладиган, ишга ўз вақтида келиб, агар бирон жойга кетадиган бўлса борадиган жойини доим аниқ айтиб

кетадиган, масъулият туйғуси кучли раҳбар эди. У жуда кўп ўқирди, бўш вақтини бекорга ўтказмасди, телефонда жуда кам гапирар эди. Жаҳли чиққанини, асаби бузилганини, хафа бўлганини, бетоблигини бировга билдирмайдиган, ўзини вазмин тутадиган, бамисоли мусичадай беозор, юмшоқ табиатли ажойиб инсон эди. Сихат-саломатлиги заиф бўлса-да, тақдиридан сира нолимасди. Агар газетага бош мақола ёки назарий-публицистик мақолалар ёзадиган бўлса, олдиндан тайёргарлик кўриб кўп нарсаларни ўқиб чиқар, қўлда ёзиб келарди, сўнгра машинисткага бериб, синчиклаб ўқиб чиққанидан сўнггина менга топширар, «ўзингиз ҳам кўриб қўясиз», деб камтарона кулимсираб қўярди. Бу масалада ҳаммамизга ибрат кўрсатарди.

Ҳожиакбар ака саҳифа ўқиш орасида вақт топиб, кечалари вилоятлардаги штатли мухбирларимиз билан юракдан гаплашиб олишни, уларга шахсан ўзи конкрет мавзуларда топшириқлар беришни ва унинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб туришни одат қилиб олганди. Республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини тўғри ва адолатли равишда тўлақонли қилиб газетада ёритиб туришни улардан қаттиқ талаб қиларди.

Уша пайтларда Андижондан Адҳам Ҳамдам, Фарғонадан Исмоил Тўхтасинов, Намангандан Солижон Отажонов, Самарқанддан Фиёс Ашуров, Сурхондарёдан Латиф Эргашев, Бухородан Бобош Маҳмудов, Хоразмдан Маткарим Худойберганов, Тошкентдан Шобарот Кузанбоевларнинг ёзган мақолалари ўтқирлиги ва муаммоларни дадил кўтариб чиқиши билан ажралиб турарди. Улар ҳаётдаги янгиликларни қайд этибгина қолмай, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги нуқсонларни ҳам кескин очиб ташлардилар. Буни газетхонларимиз ҳам яхши эсласалар керак. Муҳарриримиз газета саҳифаларида ички бир туғён билан ёзилган мақола, очерк, фельетонлар бўлишини, ишдаги камчиликларни дадил очиб ташлайдиган материалларнинг кўпроқ бўлишини истарди.

Ҳожиакбар Фуломович газетанинг давр талабига мос йўналиши ва мазмунигагина аҳамият бериб қолмасдан, балки унинг ташқи безагига, макети ва кўринишига ҳам эътиборимизни жалб қила биларди. Бир куни «Зиёдой, макетнинг зеб-зийнати газета чиққанида билинади, саҳифани бир қолипга солиб газетхонга кўрсатишга ҳаққимиз йўқ. Газета чиқаришнинг ҳамма жа-

раёнларини биргалашиб кузатиб борайлик», дегани ҳали эсимда.

Ҳожиакбар ака олимлар, маданият ва санъат ар-боблари, ёзувчилар билан кўришиб, суҳбатлашиб ту-ришни сира канда қилмасди. Қори Ниёзий, Обид Со-диқов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Муҳаммад Ўразбо-ев, Мавлон Ваҳобов, Ҳабиб Турсунов, Отабой Эшо-нов, Ойбек, Фафур Фулом, Комил Яшин, Ҳалима Но-сирова, Тамарахоним, Мухтор Ашрафий, Юнус Ража-бий, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоева, Зул-фия каби эл ҳурматиға сазовор бўлган адиб ва санъат-корлар қадами унинг хонасидан узилмасди. Уни кўпчи-лик севар ва ғоят ҳурмат қиларди, республика раҳбар-лари ва жамоатчилиги олдида обрўси баланд эди. Ҳожи-акбар ака бундай ҳурмат-иззатға ўзининг меҳнатсевар-лиги, ниҳоятда камтарлиги, губорсиз қалби, мадани-ятлилиги, поклиги, хушфеъллиги, одамларға нисбатан меҳрибонлиги туфайли эришган эди.

Ҳожиакбар Фуломович дўстларига ҳам қадрдон, са-доқатли, меҳр-оқибатли инсон эди. «Мен ғоят озчилик билан дўстлашаману, лекин бу дўстликни жуда-жуда қадрлайман», дерди у. Биз жуда қадрдонлашиб кетган эдик, редакциядаги муаммоли ишларни, кадрларни тан-лаш ва жой-жойига қўйишни бамаслаҳат ҳал қилардик. Ҳожиакбар ака муҳаррирликдан кўтарилиб, республи-камизнинг энг обрўли раҳбарлик органида масъул ла-возимда ишлаганида ҳам алоқамиз узилмади, дўстли-гимиз тартиб-қоидаси бузилмади.

Ҳожиакбар Фуломович давлат ва жамоат ишлари, редакциянинг муаммолари билан қанчалик банд бўлма-син, оиласига — рафиқаси Робия опага, фарзандлари Раъно, Жаҳонгир, Жасур, Лола ва Мухторжонларға меҳр-оқибат кўрсатиб, ғамхўрлик ва эътибор қилишға доимо вақт топарди. Шунинг учун ҳам мен у кишиға кучли меҳр қўйган эдим. Баъзан дам олиш кунлари Бўстонлиқнинг «Чимён»ига чиққанимизда, оилавий уч-рашувларимизда, байрам кунлари бунини яхши сезар ва чуқур ҳис этардим.

Тарихчи олим ва устоз журналист, матбуотимиз жон-куяри Ҳожиакбар Фуломов 1914 йили Тошкентда ту-ғилган. Эрта етим қолиб, қариндошлари уйида, 14 ёши-дан интернатда тарбияланган. Заҳматқаш ва жафоқаш мураббий жуда қисқа умр кўрди — 42 ёшида, узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1956 йил 6 апрел-

да вафот этди. Ҳожиакбар аканинг ажойиб инсоний фазилатлари уни билган кишилар хотирасидан асло чиқмайди. У матбуотимиз тарихида барҳаёт сиймолардан бири бўлиб қолаверади.

«Ўзбекистон матбуоти», 5-сон, 2000 йил.

НУРОНИЙ ОҚСОҚОЛИМИЗ

Халқимиз азалдан устозларни отадек эъзозлаб, уларга қалбининг тўридан жой бериб келган. Яхши одамларнинг меҳр қуёшисиз бир кун ҳам яшаб бўлмас. Бойси, инсон боласи бир-бирига меҳр-оқибат билан йўғрилган, боғланган. Меҳр-кўзда, кўнгил-кўнгилдан сув ичар, меҳр-дарё, дейишади.

Устоз мураббийлар ҳақида юрак сўзларини ёзиш осон иш эмаслигини энди тушундим. Аввалига гўё осондек туюладию, аммо қўлимга қалам олгач, сўзни нимадан бошлашни билмай узоқ ўйланиб қолдим.

XX асрнинг иккинчи ярмида мураккаб даврнинг ўзига хос барча ўзгаришларию қийинчиликларини бошидан кечирган мўътабар, олижаноб инсон — менинг ғоят қадрдон устозим Ориф Алимов тўқсон ёшга қадам қўйдилар. Инсон ўз умри давомида қилган ишларидан кўнгли тўлса, ҳаётдан завқу шавқ ва куч-қувват олади. Ориф ака ўзига ва шогирдларига жуда талабчан, адолатпарвар, тўғри сўз, ҳаётий масалалар бўйича мустақил нуқтаи назарга эга. Замонавий иқтисодий билим соҳибларидан ҳисобланмиш бу киши республикамиз кекса раҳбар ходимлари карвонининг оқсоқол сарбонларидан бири сифатида эл-юрт ардоғида яшаб келяпти.

Тақдир тақозоси билан Ориф ака диёримизнинг бир неча вилоятларида раҳбарлик лавозимларида ишлади, жонажон Ўзбекистонимизнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшиб келди. Умр довинининг тўқсонинчи поғонасига кўтарилган мўътабар устозимни танимайдиган ва билмайдиган раҳбар ходимлар назаримда мамлакатимизда жуда камдан-кам бўлса керак. Ориф аканинг кучли хотираси ва иродаси, узоқ ва мазмунли ҳаёт солномасини ўзида мужассам этганлиги ҳар бир кишини ўзига ром этади. Нуруний чехрасига, тик қоматига тикилиб юзидан ҳамиша майин табассум аримаслигини кўриб замондошлари, авваламбор, шогирдлари ғоят хурсанд бўлишади.

Мен Ориф аканинг ярим асрлик энг яқин шогирдларидан бири сифатида устозимнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳақида газетхонларни қисқача бўлса ҳам таништириб ўтишни лозим топдим.

Ориф Алимов 1912 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Алим Ҳасанов Себзор даҳасидаги «Чувалачи» маҳалласида косиблик қилган. У ана шу оддий оилада улғайди, камолга етди.

Ориф ака 1928 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ)га ўқишга кирди. Университетнинг иқтисод факультетида таълим олаётган йиллари ушбу факультет Ўрта Осиё режалаштириш институтига айлантирилди. 1933 йилда уни аъло баҳолар билан тамомлади.

Ёш мутахассис иқтисодчи-режаловчи О. Алимовни Андижон вилоятидаги «Савай» давлат хўжалигига ишга юборишди. 1934 йилда эса Ўзбекистон халқ хўжалиги ҳисоби (Нархозучёт) идорасига хизматга ўтказилди. Кейинчалик бу ташкилот республика Марказий статистика бошқармасига айлантирилди. Меҳнатсеварлиги, серғайратлиги, билимдонлиги билан ҳурмат қозонган О.Алимов қисқа вақт ичида оддий иқтисодчидан бошқарма бошлигининг ўринбосари лавозимига кўтарилди.

О. Алимовнинг ишчанлик фазилати ва топширилган вазифаларга нисбатан масъулиятни тезда ҳис қилиш қобилияти инобатга олиниб, юксак раҳбарлик лавозимларига тавсия этилди. Ориф аканинг ташкилотчилик қобилияти, айниқса, чуқур билимдонлик ҳислатлари 1942—1943 йиллари Қўқон шаҳрига, 1945—1956 йилларда Наманган, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларига раҳбарлик қилган вақтда тўла намоён бўлди.

О. Алимов 1950—1951 йилларда Ўзбекистон пахтачилик вазири бўлиб ишлади. 1959 йилнинг мартида у Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси этиб тайинланди.

1961 йилнинг сентябрида А. Алимов Москвага — Марказий статистика бошқармасига ишга таклиф этилди. У бу ерда «Ўзплодовощвинпром» («Ўзмевасабзавотвиносаноат») республика бирлашмаси ташкил этилгунга қадар кадрлар бошқармаси бошлиғи, ҳайъат аъзоси бўлиб меҳнат қилди. Янги ташкил этилган йирик бирлашмага катта ҳаётий тажрибага эга бўлган О. Алимовнинг раис қилиб тайинланиши унинг самарали меҳнат фаолиятига берилган муносиб баҳо бўлди. Бирлашма Ўзбекистон Поллизсабзавот хўжалиги вазирлигига

айлантирилганидан сўнг ҳам у шу ерда ҳормай-толмай фаолият кўрсатди. Вазир бўлиб 1984 йилнинг майига-ча, нафақага чиққунига қадар ишлади.

Меҳнат инсонни улуглайди, уни асло қаритмайди. О. Алимов яна меҳнат бағрига келиб, 1994 йилгача табиатни муҳофаза қилиш республика жамиятини бошқарди. Ҳозирги кунда «Экосан» халқаро жамғармасининг кўп қиррали фаолиятида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ориф Алимов халқ олдидаги улкан хизматлари учун муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонининг соҳиби.

Куюнчак, эл-юрти, халқ қувончу ташвиши билан яшаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган, миллий гурур ва истиқлол ғояларини фахр билан эслатиб турадиган фидойи отахон билан суҳбатларимиз мароқли кечади. У суҳбатларимизнинг бирида «ақлли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, бу ақлни ўз вақтида ишлата билиш инсон зийнатидир», деди. Нақадар ҳаққоний гап. Республикамиз сўлим табиатининг шайдоси, қишлоқ хўжалик илмининг билимдони сифатида ном қозонган Ориф ака яна шундай дейди: илм ўрганиб, унга амал қилмаган киши ер ҳайдаб, уруғ экмаган деҳқонга ўхшайди.

Муборак айём арафасида Ориф ака билан суҳбатлашар эканман, Юртбошимизнинг: «Барчамизни оқ юиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилени умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимиз файзи, кўрки бўлган мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш дунёдаги энг улуғ савобдир», деган сўзлари ёдимга келди. Ҳа, асли тозанинг насли тоза бўлади деганларидек, ҳеч бир ота боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя бера олмайди. Ориф ота имон-эътиқод, хулқ-одоби, яшаш тарзи ва ҳалол меҳнати билан фарзандларига ибрат намунасини кўрсатиб келади. Бундай отадан дуо олиш улуғ савобдир. Кекса авлод ибрати ёшларимиз учун ҳаёт мактабидир. 11 неvara ва 7 нафар эваранинг буvasи Ориф Алимовнинг тўрт азамат ўғли бор. Отадан бошқа муқаддас меҳр ва эътиқод мужассамлашган зот бўлмаслигини чуқур англаган фарзандлар унинг дуосини олиб, кам бўлмадилар. «Ота рози—Худо рози» деганларидек, улар илмга ташналик хислати, инсоний фазилатлари билан эл-юрт орасида иззат-ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлдилар.

Оталик бурчини қойил қилиб адо этган Ориф Алимович жамиятимиз учун яхши фазилатларга эга бўлган азамат йигитларни тарбиялади. Уларнинг бирон марта калондимоғлик қилганини, бурни кўтарилганини, бошқаларни менсимай қўйганини сезган эмасман. Олтмиш ёшни қаршилаган катта ўғил Шухрат Алимов — техника фанлари доктори, Шавкат — физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги, Рустам — тиббиёт фанлари доктори. Кенжа фарзанд Равшан — Ўзбекистон фанлар академиясида ишлайди, иқтисод фанлари доктори. Улар отанинг гапини икки қилмай, ўзаро аҳиллик ва иноқлик билан ҳаёт кечириб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келишяпти. Ориф аканинг рафиқаси, фарзандларни меҳр билан тарбиялаган мунис аёл Карима опага саодатли кунларни кўриш насиб этмади. Оила аъзолари унинг номини меҳр билан ёдга олиб турадилар.

Тўқсон билан тўқнашган нуроний инсонни улуг ёш билан чин юракдан самимий қутлаб, Оллоҳ таолодан унга сиҳат-саломатлик, юз ёш билан юз кўришишини тилаб қоламиз.

«Saxovat» журнали, 4-сон, 2002 йил.

САХОВАТЛИ ИНСОН

Барваста бўйли, истараси иссиқ, чехрасидан доим нур ёғилиб, кулиб турадиган бу камтарин, ширинсўз сиймони нафақат азим Тошкентимизда, бутун республикаимизда каттаю кичик яхши танийди.

Тўю тантаналарда, юбилей кечалария ҳар хил маросим ва йиғинларда ҳозир у нозир. Дилкаш муомаласи билан барчанинг кўнглини оладиган, яхши гаплар билан руҳини кўтарадиган, 85 ёшдан ошса ҳам спорт билан шуғулланиб, серҳаракатлилиги билан тенгдошларини қойил қолдириб юрган, ақл-заковати тиниқ, ғайрат-шижоати жўш уриб турадиган бу инсон ҳурматли акамиз Фафур Ғиёс ўғли Юсупов бўладилар.

Фафур аканинг таржимаи ҳоли ўзи каби камтар ва оддий. 1914 йили Тошкентда туғилиб ўсган. Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишида ғишт терувчи, ошпаз бўлиб ишлаган. 1936—1938 йилларда комбинат ҳузуридаги, кейинчалик Москвадаги тўқимачилик са-

ноати учун махсус мутахассислар тайёрлаш билим юртини тамомлаб, шу касб бўйича комбинатда меҳнат қилган. 1939 йилдан 1954 йилгача турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, республикамизнинг Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида фаолият кўрсатган.

Мен Фафур ака билан 1954 йилда собиқ марказқўмнинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирлари этиб тайинланган йили бир-икки оғиз гаплашдим, катта хазина топиб олгандек ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Мафкура ишлари билан шуғулланувчи катта бўлим бошлиғининг сермулоҳазалилиги, хушфезълиги, дилкашлиги ва ёқимтой табассуми мени мафтун этди. У билан бамайлихотир суҳбат қуришни, қадрдон ака-укадек дўст бўлишни кўнглимга туғиб қўйдим. Янглишмаган эканман, мана, танишганимизга роппа-роса 50 йил бўляптики, Фафур ака устозлик ва акалик бурчини ҳалол, виждонан адо этиб келмоқда. Республикада мафкура ишига раҳбарлик қилган йиллари у илм, ижод аҳли — олимлар, журналистлар, ёзувчилар, адабиёт, маданият ва санъат ходимлари билан танишиб, уларнинг хулқ-атворини, иш қобилиятини қисқа вақт ичида яхши билиб олди. Улар ҳали ҳам Фафур Фиёсовни самимият ва ҳурмат билан эслаб юришади.

Бу йиллар ичида орадан қанча сувлар оқиб ўтди, Фафур ака 1957—1964 йиллари Самарқанд вилояти раҳбари, оближроқўм раиси, 1964 йилдан икки йилча «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 13 йил Ўзбекистон савдо вазиридек ғоят масъулиятли вазифада то 65 ёшгача — нафақага чиққунга қадар жондан куйиб, дилдан севиб, сидқидилдан халқига хизмат қилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланган тантанали кунлар арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармони билан республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, савдо маданиятини ошириш, унинг тармоқларини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги улкан хизматлари учун «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Халқимизда: «Яхшилар — одамларнинг фаришта-си, хислат — фаришталарнинг сариштаси», деган нақл бор. Менинг тасаввуримда бу ажойиб хислатлар Фафур акада ҳам намоён. Қалби пок, беғубор акамизнинг фикри-зикри одамларга ҳамиша эзгулик бағишлашдан иборат. Бағри кенглик, саховатпешалик, одамийлик, одил-

лик ва тўғрисиўлик унинг фазилати. Бу фазилат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Мен ҳамкасб дўстларим Рихси Соҳибоев, Акмал Пўлат, Лутфулла Ҳамроев, Аҳмад Исмоилов, Холбек Ёдгоров каби ўзбек матбуотининг жонқуярлари билан биргаликда Ғафур Ғиёсович билан кўп суҳбатлар қурганмиз, халқ мақолидан фойдаланиб, донолик билан дўстлар ҳақида айтган қуйидаги сўзларини эшитганмиз. Ён дафтаримга ёзиб қўйилган мисраларни ўқиб кўринг-а:

- *Қалбни яралаш қийин иш эмас, аммо қалбга йўл топиш анча мушкулдир;*
- *ханжарнинг тиғидан тилнинг ханжари ўтқирдир;*
- *одам ичидаги асал ёки заҳар фақат тил орқалигина юзага чиқади;*
- *ўйланмай айтилган сўз пиликсиз лампага ўхшайди.*

*Дўстликнинг иплари жуда ҳам нозик,
Авайлаб сақлаган одам ютади,
Дўстликни ким деса бармоқдаги узук,
Дўст топмай дунёдан ёлғиз ўтади.
Дўсти йўқ дунёда энг ғариб одам,
На давлат, на мансаб босар ўрнини
Гўёки саҳрога томган томчи нам,
Қидириб топмайсан кейинча уни.*

Шу ўринда у кишидан завқланиб ва ғоят хурсанд бўлиб 1988 йил 15 сентябрида Ғафур акага бағишлаб ёзган иккита тўртлигимни келтирмоқчиман:

*Сирларингни ошкор этмаган,
Оғир кунларингда ташлаб кетмаган,
Тўй-маросимлари сенсиз ўтмаган,
Меҳрибон акалар, садоқатли
Дўстлар керак.
Доимо сизни излаб юрувчи,
Ҳол-аҳволни сўраб турувчи,
Яхшиликни ҳамиша раво кўрувчи
Меҳрибон акалар, садоқатли
Дўстлар керак.*

Эртадан кечгача вазирлик иши билан банд бўлган, интизомга ҳурмат билан қарайдиган Ғафур ака спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топарди. У спорт турлари орасидан теннисга ихлос қўйган. Майдондаги эпчил,

дадил ҳаракатлари билан тенгқурларини ҳайрон қолдирарди. Демакки, Фафур Юсуповнинг ўн беш йил давомида республика теннис федерациясининг президенти бўлганлиги тасодикий эмас эди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Франк номли шифокорлик ва жисмоний тарбия диспансери ташкил этилганига чорак асрдан ошди. Шундан бери қарийб 28 йилдирки, бу ерга қатнаб, сиҳат-саломатлик гуруҳига бошчилик қилиб келганини кўпчилик яхши билади.

Фафур ака оилапарвар инсон. Унинг уч ўғли, уч қизи, 16 невараси ва 12 эвараси бор. Фафур Фиёсовичдан ўрناق олса ва ҳавас қилса арзигулик. Пиру бадавлат бўлиб, 62 йилдан Зиёд ширин турмуш қуриб келаётган камсуқум рафиқаси Хайрихон аянинг сўзини эшитинг:

— Фафур акангизнинг ғайратлари қўймайди. Қаҳратон қишми, жазирама ёзми — барибир, азонда уйғониб бир пиёла чой ичиб, ҳали машиналар кўчага чиқмасданоқ, Бешёғочдаги ўша соғломлаштириш уйига йўл оладилар. Ишларига ҳеч кечикмай борадилар. Давлат ишларидан қайтиб келганларидан кейин ҳам тиниб-тинчимайдилар. Уйимиз атрофидаги дов-дарахтлар ва гулларни қайчилар, тагини юмшатиш, суғориш билан завқ оладилар. Она заминга меҳр қўйсанг, кам бўлмайсан, деб фарзандларига насиҳат қиладилар.

— Бадантарбиясиз ўтган кунимни эслай олмайман, кунига бир терлаб меҳнат қилмасам, уйқум келмайди, эрта ўриндан туриб, ҳаракат қилишда ҳосият кўп, — дейди Фафур аканинг ўзи.

Эл орасида қадр-қиммат толган, кўпчиликка сарбон-етакчи бўлиб танилган бу олижаноб инсонни Мирзо Улуғбек туманининг фаоллари туман маҳаллаларида тўй ва маъракаларни ўтказишни назорат қилувчи комиссия раиси этиб сайлашган эдилар.

Тиниб-тинчимайдиган Фафур Фиёсовичнинг жўшқин ва маънавий гўзал фазилатларига назар солсак, уларда шахсий ҳаёт жамоат фаолияти билан уйғунлашиб кетганлигини, халқ ва давлат манфаатлари учун қалбдан, жондан хизмат қилиш ҳиссиёти туғён ураётганлигини сезамиз. Фафур аканинг пенсияга чиққандан сўнг раҳбар савдо ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш институти ректори, ўзи яшаб турган Абулқосим Фирдавсий маҳалла кўмитасининг оқсоқоли ва ўзбек ишбилармонларининг савдо-тижорат ва бозор

иқтисодиёти газетаси «Савдогар» таҳририятида бош мас-лаҳатчи сифатида фаолият кўрсатганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Оилапарвар, эл-юрти, халқ қувончи ва ташвиши билан яшаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат, саховатли покиза инсонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хуш кайфият ва оилавий бахт-саодат тилаймиз. Забардаст, меҳридарё устозга тўқсон билан тўқнашиб, юз ёш билан юзлашишни Яратганнинг ўзи насиб этсин!

«Saxovat» журнали, 6-сон, 2002 йил.

ГЕНЕРАЛ ШЕРАЛИЕВ

Инсон қачон, қай тариқа улғаяди? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Кимдир армияга борганда ўзини улғайган ҳисобласа, бошқалар қалбида ўтли муҳаббат пайдо бўлганида ўзини улғайган санайди. Дўрмонлик Мурод Шералиев аллақандай туйғулар оғушида улғаймади. Балки, ўша даврдаги машаққатли турмуш, пешонасига ёзилган тақдирнинг турли сўқмоқлари улғайтирди уни.

УЛҒАЙИШ

Ҳали ўйинқароқ болалик давридаёқ отаси — Шерали деҳқон билан ёнма-ён меҳнат қилишга, далада уз-зукун кетмон чопишга тўғри келди. Отаси Шерали ака турмушнинг ҳар қанча машаққатларига чидаб бўлса-да, ўғлини ўқимишли қилиб тарбиялашга аҳд қилган экан. Муродни Тошкентдаги халқ хўжалиги ҳисоби техникумига ўқишга юборди. Мактабда ўқиган давридаги каби Мурод техникумдан бўш пайтларида отаси ёнига келиб, янги ташкил этилган жамоа хўжалигида меҳнат қиларди.

Техникумда пухта билим эгаллаш билан бир қаторда у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашарди. Ота ёнида деҳқончилик ишларига унча-мунча қарашишу, техникумда сабоқ олиб, жамоат ишларида фаол қатнашиш инсонни улғайтириб қўймайди, албатта. Муроднинг олдида ҳали қанчадан-қанча ҳаёт сўқмоқлари бор. Болалик, ёшлик орзулари замон талаби, тақозосига бўйсунishi, мамлакатимизга иқтисодни тушунадиган ёш му-тахассислар жуда зарур эди.

У ҳаёт сирларини илмдан излашга жазм этди. Техникумда олган сабоғи уни катта мактаб сари етаклаган эди. Шу тариқа у 1937 йили Самарқанд халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттирди. Тенгқурларига ҳамisha етакчилик қилиш пешонасига ёзилгандек институтда ҳам ёшлар ташкилоти котиби этиб сайланди.

Ҳаёт дарёга ўхшайди. Ўз ўзинини топиб оқаверади. Тақдир эса ўша жўшқин дарё тўлқинига жо бўлган бир томчи сувдек гап.

Мурод Шералиевни 1938 йили институтда ўқиб юрган кезлари давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органларида ишлаш учун жамоатчи ва аълочи талаба сифатида ишга таклиф қилинди. Ўша давр тақозоси шу эди. Ички ишлар Халқ Комиссарлиги Самарқанд вилоят бошқармасида таржимон, малака оширувчи сифатида уч ойча ишлаганидан сўнг мустақил ишга тайинлашди. Оператив вакил бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Унга бошқарма бошлиғи Сергей Васильевич Калмиков устозлик қиларди.

Оддий иш кунларидан бирида Калмиков Муродни ёнига чақириб, шундай деди:

— Кел, бугун иккимиз вазифамизни алмашайлик. Мен сенинг ўрнингга тушликка самарқандчасиги палов тайёрлайман. Сен эса менинг ўрнимга сўроқ қилиш билан шуғулланасан. Биласанми, жиноятчи маккор бўлиши мумкин. Аммо, сен шиоримизни унутма: қалбинг қайноқ бўлса-да, ақлинг расо бўлсин!

Мурод иш билан обдон танишиб чиқди. Айблов далиллари кўп, тасдиқлангани ҳам етарлича. Гўё уни сўроқ қилиб ўтиришга ҳожат йўқдек. Айбланувчи, ҳатто, иқдор бўлиб имзо ҳам чеккан. М. Шералиев узоқ мушоҳада қилди. Қоғоздаги гаплар билан ҳаётдаги воқеалар ҳамisha бирдек мос келавермаслигини ўйлаб айбланувчини чақиртирди. Унинг ҳузурига келишган, барваста бир йигитни олиб киришди. Мурод унга зимдан тикилиб, секин сўради:

— Хўш, айбингизни биласизми, ўзи?

Кутилмаганда йигит важоҳат билан бақирди:

— Ҳа, ҳа! Мен аксилинқилобчи, туҳматчиман. Айбимга иқдорман. Марҳамат, отиб ташлангиз мени...

Бошқа бирор саволга жавоб олиб бўлмади. Мурод эса унинг ҳорғин чехрасига тикилиб туриб мулоҳаза қилди. Ўзига хос усулда иш тутди. Столида турган гулдор пиёлаларга чой қуйиб, бирини айбланувчига узат-

ди. Ҳалиги йигит жуда ҳайрон бўлиб пиёлани қалти-
рабгина қўлига олди. Шу пайт навбатчи Калмиков юбор-
ган лагандаги ошни келтириб столга қўйганди, Мурод
кулиб шундай деди:

— Жуда соз. Энди, ошна, ошни ўзбеклар ҳеч вақт
ёлғиз емайди, — дея рўпарасида умидсизликка тушиб
ўтирган йигитни ошга таклиф этди.

Бунақа таклифни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган
айбланувчи ҳайрон қолди. Сўнг, терговчининг ҳам так-
лифи, ҳам қистови билан яқинроқ сурилиб ўтирди.
Лаганга қўл чўзаркан, ўксиб йиғлаб юборди. Ҳа, Му-
род Шералиев мақсадига эришди. Рўпарасида ўтирган
йигит асли ким эканлигини усталик билан аниқлаб
олди. У ҳеч қанақа жиноятчи ҳам, туҳматчи ҳам эмас
экан. Билъакс, ўзи бўлмағур туҳматларнинг қурбони
бўлаёзган экан...

— Синовдан яхши ўтдинг, — деди ўша гаплардан
сўнг устози Муроднинг елкасига қоқиб. — Сендан
ҳақиқий мутахассис чиқишига ишондим.

Бу гаплар Мурод Шералиевга қанот бахш этди. Ўша
кундан эътиборан у орзулари камол чўққисига эриша
бошлаётганини ҳис эта бошлади.

СУРОНЛИ КУНЛАР

Болаликнинг сирли дамларини инсон ҳамиша бот-
бот эслаб юради. Асли болалик билан катта ёшдаги
пайтлар ўртасида унчалик катта фарқ йўқ экан. Ёшликда
дунё сирли кўринади. Улғайганингда эса ўша «сир»лар-
нинг калитини излайсан. Қўл етиб бўлмасдек туюлган
орзуларингга росмана етишиш учун курашасан. Мурод
билан шу сатрлар муаллифларидан бири Дўрмонда бир
мактабда ўқишиб, бирга ўсган, 1938 йили Тошкентдаги
матбуот техникумини, сўнгга газетачилик мактабини
туғаллаб, Самарқанд вилоят газетасига ишга борган эди.
Биз тез-тез кўришиб, ҳамсуҳбат бўлиб турардик.

Эҳ-ҳе, унинг ҳаётида қанчадан-қанча суронли во-
қеалар юз бермади, дейсиз. Муҳими, у қишлоқларда
юриб, ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз бўлди. Турмуш-
нинг залворли сўқмоқларини ўз кўзи билан кўрди. Ҳаёт
уни чинакам тарбиялади.

Фашист босқинчилари мамлакатимизга бостириб
кирган мудҳиш давр ҳақида узоқ гапириб ўтиришга
ҳожат йўқ. Республикамизда фронтга ёрдам бериш учун

ҳаракат кенг қулоч ёйди. Халқ ўз ҳисобидан миллий қисм ва бўлинмалар туза бошлади. Натижада Ўзбекистонда 5 та миллий кавалерия дивизиялари ҳамда 9 та алоҳида ўқчи бригадалари ташкил топди. 99-кавалерия дивизияси шулар жумласидан эди. Ўшанда республика раҳбари Усмон Юсупов Ички ишлар вазирлиги соҳасида етук кадр сифатида кўзга кўриниб қолган Мурод Шералиевни ҳузурига чақиртирди.

— Сизни 99-кавалерия дивизиясининг махсус бўлимига бошлиқ қилиб тавсия этамиз, — деди Усмон ота одатига кўра қисқа ва лўнда гапириб. — Сизга бу махсус бўлимнинг, масъулияти тўғрисида, ўз вазифангизни виждонан бажаришингиз кераклиги ҳақида ваъз айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман, шундайми?

Мурод Шералиев эҳтимол ўшанда чинакам улғайиб қолгандир? Ахир, инсон ҳаётнинг ҳар бир сўқмоғидан мардона ўта олган кезларида бир қадар улғаяди-ку! Хуллас, М. Шералиев ўша кундан эътиборан дивизия махсус бўлими бошлиғи лавозимида кўтарилди. Табиийки, энди унинг зиммасидаги масъулияти ҳам шунга яраша эди. Шу ишда у чиникди, тобланди. Кўп нарсаларни ўрганди, жанговар тайёргарлик машқларида қатнашиб ўз маҳоратини ошириб борди. Миллий қисмлар сафларидан ажойиб ҳарбий кадрлар етишиб чиқди. Мурод Шералиевга кўп ёрдам берган дивизия комиссари Муллажон Узоқов Берлин штурмигача бўлган фронт йўлларида босиб ўтди. Генерал-майор унвонида узоқ йиллар республика ҳарбий комиссари лавозимида ишлади.

М. Шералиевнинг ўзига жанговар фронтга бориш бевосита урушда қатнашини насиб этмаган. Иккинчи фронт бўлмиш — мамлакат ичкарасида жўшқин фаолият кўрсатди.

Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лавҳаси ўша суронли дамлар билан ҳамоҳанг эди. Уруш йилларида Мурод Шералиев Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги милиция Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазири вазифаларида хизмат қилди. Жуда кўп шогирдларни тарбиялаб вояга етказди.

Ҳаёти давомида у босиб ўтган сўқмоқларнинг ҳисоб-китоби анчагина. Қорақалпоғистон ички ишлар вазирлигидан сўнг Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўрин-

босари, юстиция вазири, республика прокурори лавозимларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатди. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса ўн уч йил Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасини бошқарди, ўзи севган соҳасида кўплаб муносиб кадрлар етиштиришда жонбозлик кўрсатди.

Мурод Шералиевич республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаб, ўзининг бутун кучи, билими, қалб қўри ва тажрибасини давлат қонунчилигини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бағишлади. Бунда у қатъиятлилиқ, юксак ишчанлик хусусиятларини ва принципаалликни намойиш қилди. Мурод акадаги бу олижаноб хусусиятлар ўзига ва хизматчиларга нисбатан ўта талабчанлик ҳамда улкан ғамхўрлик билан уйғунлашиб кетган эди. У кишидаги инсонпарварлик, камтарлик, меҳмондўстлик, оилапарварлик, дўстларга садоқат ва меҳр-оқибат билан қараш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслик каби фазилатлари ҳаммани мафтун қилар эди. Халқимиз Мурод акани жуда қадрларди, севарди.

М. Шералиев республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. Унга 1957 йили «Адлиянинг Давлат маслаҳатчиси» унвони ва 1965 йили Ички хизмат генерал-майори унвони берилган эди.

Элимизнинг асл ўғлони генерал Мурод Шералиев унча узоқ умр кўрмаган бўлса-да, ҳаётлигида ўчмас из қолдирди. У тарбиялаб, камолотга етказган ёшлар бугунги кунда вазирлик лавозимида, ўзи умрини бахшида этган масъулиятли ҳуқуқий органларда фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Адабиёт, санъат инсонни ҳамиша эзгуликка, гўзал гоёларга чорлайди. Мурод ака мумтоз адабиётимизнинг дурдона асарларини кўп мутолаа қилар, классик қўшиқларимизни севиб тингларди.

Мурод Шералиевич ватанимиз кўрғонини, қонунчилиқни мудом мустаҳкам сақлаш бобида ўзига хос мактаб яратиб кетган ажойиб, улуғ инсондир. Зотан, халқимиз бундай ўғлонларига ҳайкал қўяди, унинг номини абадий қалбда сақлайди.

КАТТА ҚАЛБ ЭГАСИ

Мен қаламга олаётган табаррук инсон кўзга кўринган атоқли олим, педагогика фанининг отахони, саватли қалб эгаси Сиддиқ Ражабов бўладилар. Ҳаёт бўлганларида умр довонининг саксон бешинчи поғонасини нишонлардилар, наилож, у киши ҳозир орамизда йўқ. Унинг бугун 85 ёшга тўлганлигини хотирамга олсам (илоё, руҳлари шод бўлсин) бир воқеа эсимга тушади: 1949 йили ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида масъул котиб бўлиб ишлардим. Хонамга қалбида меҳр қуёши товланиб турган дилкаш, ширинсухан, хушмуомала, юмшоқ табиятли, ёш бир йигит кириб келди. Биринчи кўришим. Ўрнимдан туриб, саломлашдим. Хурмат билан ўриндиққа ўтиришга таклиф қилдим. Танишдик. Уруш бошланган йили шу газетада масъул муҳаррир ўринбосари, кейинроқ беш йилча газета муҳаррири бўлиб ишлаганлигини айтди. Мен ҳақимда ва урушнинг бошидан то охиригача фронтда бўлганлигини унинг ўрнига келиб иш бошлаган Шароф Рашидовдан эшитибди. Суҳбат чоғида кўп маслаҳатлар берди. Таҳририятда ўзи билан уруш вақтида тонготар кечаларни бирга ўтказиб газета чиқарган журналистлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Хуллас, суҳбатимиз анча чўзилиб кетди, лекин жуда самимий ўтди. Шунга-ям 46 йил бўлибди.

— Уруш бошланган кезлари, — деб эсларди Сиддиқ ака, — Тошкент педагогика институтида дарс берардим. Институтнинг кўп нусхали газетасига муҳаррирлик қилиш каминага топширилганди. Ойда бир марта чиқадиган газетамизни нафақат институт доирасида, балки унга қизиққан бошқа кишилар ҳам эътибор билан мутолаа қилардилар. Шундан бўлса керак, 1941 йилнинг июль ойи охирларида ҳукумат раҳбарияти мени Марказқўмга чақиртириб, «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири ўринбосари вазифасига тайинлади.

Эртаси куниёқ С. Ражабов газетанинг муҳаррир ўринбосари бўлиб ишга киришди. 1943 йилнинг апрель ойида эса Сиддиқ Ражабовни Марказқўм бюроси «Қизил Ўзбекистон»га масъул муҳаррир этиб тасдиқлади.

Уруш йиллари газетанинг ишлари янада мураккаблашди. Энди унга ўз саҳифаларида республика ички ҳаётини ёритиб туришдан ташқари мамлакатда ҳарбий вазият ва жанг майдонларидаги воқеалардан муттасил

хабар бериб боришдек оғир ва масъулиятли вазифа юкланганди. Бунинг устига малакали журналистлар, матбаачилар, машина ва техник ускуналар етишмасди. Миллий газеталарни чиқаришда ахборот манбаларидан келадиган материалларни ўзбекчага таржима қилишда анчагина қийинчиликлар мавжуд эди.

Уруш йиллари «Қизил Ўзбекистон» ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир ишчи, колхозчи ва зиёлининг, фронтдаги ҳар бир ўзбек жангчисининг доимий ҳамроҳи, маслаҳатгўйи бўлиб қолди. Уларнинг қалбига нур ва зиё, жасорат ва мардлик, ҳақиқат ва адолат сўзини олиб кирди. Республикамиз кўп қиррали ҳаётининг ранг-баранг соҳаларини ўз саҳифаларида муттасил ёритиб борди. Бу хайрли ишларда Сиддиқ аканинг ташаббуси ва хизмати катта. Бу муқаддас даргоҳда қалб нуруни тўкиб, эҳтирос билан ишлаган журналистлар — Вали Галямов, Зафар Диёр, Амин Умарий, Раҳмат Файзий, Салоҳ Ҳасан, Ҳабиб Нуъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Шобарот Кузанбоев, Бобош Маҳмудов, Ғиёс Ашуров, Латиф Эргашев ва бошқалар бир-бирини ҳурмат қилиш, меҳр-оқибатли бўлиш, ҳушмуомалалик ва самимийлик билан уруш қийинчиликларини мардонавор енгардилар, оғир ишни енгил қилардилар, муҳарририятга яхши ёрдам берардилар.

Таҳририят топшириқларини тез ва эпчиллик билан бажарадиган, жумҳуриятни кўп кезган, барча қишлоқларни беш қўлдай биладиган, қарийб 15 йилча қишлоқ ҳўжалик бўлимини бошқарган Салоҳ Ҳасан менга айтган эдики, таҳририят ўзбек тилида чиқадиغان деярли барча фронт газеталарини журналист кадрлар билан таъмирлаб турарди. Ҳамкасб дўстларим фронтга кетганида бир гуруҳ қаламкашларга — бор-йўғи 20 кишига отахон газетани чиқариб туришга тўғри келди. Биз дўстларимиз билан елкама-елка туриб, тунни тонгга улаб меҳнат қилардик. Муҳаррир ўринбосари лавозимида бир йилча ишлаб, газетачилик машаққатини ҳис қилган Сиддиқ ака бир йилдан сўнг Марказқўмнинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ўринбосари вазифасига кўтарилиб кетди. У киши бу лавозимда республикамизда илм-фан, адабиёт, санъат, матбуот, маориф, маданий-оқартув ишлари билан шуғулланарди.

Сиддиқ Ражабов у ёқда бир ярим йилча ишлаб яна газетага масъул муҳаррирлик лавозимида қайтиб келди. Сиддиқ Ражабов газетага бош муҳаррир этиб та-

йинлангандан сўнг ўша вақтда таҳририят мафкура бўли-мига мудирлик қилаётган талантли ёш журналист Рихси Соҳибоевни ўзига ўринбосар қилиб олишни мўлжаллаб, бу таклифни Марказий Қўмита бюросига қўяди. Марказқўм бу таклифни маъқуллаб, Р. Соҳибоевни муҳаррир ўринбосари этиб тайинлайди. Менинг қадрдон дўстим, забардаст журналист, публицист Рихси Соҳибоев газетанинг жанговар руҳда, сермазмун чиқиши учун астойдил жон куйдиради, С. Ражабовга яхши ёрдам беради.

Шу муносабат билан Сиддиқ аканинг бир суҳбатини сиз ҳурматли газетхонларга ҳавола қилмоқчиман.

— Сизга бир воқеани сўзлаб берайми, — деб қолди бир куни Сиддиқ ака. — 1944 йилнинг бошларида газетада бир «подвал» мақола ёритдик. Асли муаллифи Ҳамид Фулом эди-ю, аммо унинг боши балога қолиб кетмаслиги учун атай имзосини кўрсатмадик. Гўё мақола таҳририятники бўлиб чиқди. Мақолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги аҳвол қаттиқ танқид қилинган эди. Эртаси куни Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари ва бир гуруҳ фаоллар Марказқўмга шикоят қилиб чиқишибди. Муҳокамада муовиним Рихси Соҳибоев билан бирга бориб қатнашдик. Ўшанда газета ўз кучини, таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлган. Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган, кўп тортишувлардан сўнг адиблар ҳам шунга рози бўлишган. Энг муҳими, ўша даврдаги адабий ўчоғимиз — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида аҳвол яхшиланган эди...

«Ўзбекистон овози» газетасининг фахрий муҳаррирлари қаторидан муносиб ўрин олган Сиддиқ Ражабов ўзининг бу сўзларини 75 йиллигини нишонлаган отахон газетамизнинг қутлуғ юбилейини ўтказиш олдидан бир гуруҳ собиқ муҳаррирлар ва редакция жамоаси билан бўлган учрашувда яна бир бор такрорлаган эди. Минг афсуски, Сиддиқ акага тўйда иштирок этиш на-сиб этмади...

Фанимиз фидойиси, баркамол истеъдод соҳиби бўлган Сиддиқ Ражабовнинг фақат муҳаррирлик фаолияти ҳақида гапириб, унинг илмий-педагогик фаолияти тўғрисидаям бир-икки оғиз сўз айтмасам бўлмас.

1947 йилнинг ноябрь ойидан кейин Сиддиқ ака яна фан оламини ихтиёр этди. Заҳматкаш инсон ўзининг бутун куч-ғайратини, ақл-заковатини умрининг охиригача педагогика фанини ривожлантиришга, илмий

кадрлар тайёрлашга бағишлади, жамоат ишларида фаол қатнашди, илмий кенгашларни бошқарди, йирик халқ-аро анжуманларда иштирок этиб, маърузалар қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор Сиддиқ Ражабовнинг педагогика фани равнақи йўлидаги олижаноб хизматлари таҳсинга сазовор. Устоз мураббий сифатида элга, маърифат оламига танилган, илмий-педагогик ва ижтимоий-жамоатчилик фаолияти билан ном чиқарган Сиддиқ ака ҳақида кўплаб рисола ва мақолалар ёзилган. У киши педагогика соҳасидаги бир талай асарларнинг, ўқув-методик қўлланмалар ва тавсияномаларнинг муаллифи. «Фан» ва «Ўқитувчи» нашриётлари томонидан чоп этилган «Ўзбек халқ педагогикаси», «Педагогика фанининг актуал проблемалари», «Чет эллар педагогикаси тарихидан қўлланмалар», «Таълим-тарбия ишларининг баъзи масалалари», «Ўзбек тилидаги русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли луғати» каби асарлар шулар жумласига киради.

Педагогика фанининг отахони деб ҳурмат қозонган, етти нафар фан доктори ва 130 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаган, жамоатчилик асосида кўплаб илмий асарлар муҳаррири бўлган Сиддиқ акани шогирдлари доимо меҳридарё инсон, оқкўнгил одам, саховатли қалб эгаси эди, деб эслашади.

БИЗНИ «УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР», ДЕЙИШАРДИ...

Бир куни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг таҳририяти «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан газетамизга дўстларингиз Рихси Соҳибоев ва Акмал Пўлат ҳақида ёзиб бера олмайсизми, деб таклиф қилиб қолди. Бу таклифни бажонидил қабул қилдим ва республикамиз фаолиятида, унинг матбуоти тарихида ўчмас из қолдирган ана шу икки дўстим ҳақида бир-икки оғиз илиқ сўз айтай, уларнинг арвоқларини шод этай, деб қўлга қалам олдим.

Ёшлигиданоқ матбуотга ихлос қўйган Рихсивой ижодий фаолиятини Ўрта Осиё Давлат университети аспирантурасида ўқиб юрган кезлари — 1941 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг тарғибот бўлимида адабий ходимликдан бошлади. Урушнинг жуда оғир йиллари шу бўлимни бошқарди, кун оралаб газетада навбатчи-

лик қилибгина қолмай, ҳар куни чиқиб турадиган ахборотларни таржима ва таҳрир қилишда фаол қатнашади, жанговар публицистик мақолалар ёзишга қўл уради. Буларни кузатиб юрган газетанинг масъул муҳаррири Сиддиқ Ражабов Рихси Соҳибоевдаги талант, жўшқинлик ва ҳозиржавобликни пайқаб, уни газета муҳаррирининг ўринбосарлигига тавсия этади.

Мен газетага ишга келган йиллари Рихси Соҳибоев муҳаррир ўринбосари сифатида бутун ижодий жамоа ишини бошқарарди, йиғинлар ўтказарди, назарий публицистик мақолаларни ўқиб чиқиб, зарур ва жуда ўринли маслаҳатлар берарди, баъзан ўзи таҳрир қилиб, тузатиб чиқарди.

Кимда-ким хоҳ бўлим мудирӣ ёки масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ёки муҳаррир бўлсин, газета ишини мансаб деб тушунса, у хато қилади, унда газетачилик иши расво бўлади, ундай киши яхши газета ҳам чиқара олмайди. Газетада ишлайдиган ҳар бир ижодкор ижодда ёнмоғи, кўпроқ ёзмоғи керак, журналистнинг гўри — редакциянинг шўри, дерди у.

Мен газетанинг масъул котиби бўлиб ишлаганимда Р. Соҳибоевнинг ишларини синчковлик билан ҳавас қилиб кузатиб борардим, ундан кўп нарсаларни ўргатардим. У жуда кўп ўқирди, бўш вақтларини бекорга ўтказмасди, чуқур мулоҳазали, юмшоқ табиатли ажойиб бир инсон эди. «Журналистикани чидаганга чиқарган, — деган эди Рихси ака бир суҳбатда, — бу касб эгаси кўп нарсани билиши керак, у фикрлай олмаса фақат хабарчига айланиб қолади. Журналист учун профессионал маҳорат, пок маънавий қиёфа, юксак маданият жуда зарур. Ҳар бир журналист газетхонлар ишончини қадрлаши, у айтган сўз, ёзган мақола қандай таассурот қолдириши ҳақида ўйлаши шарт. Журналистда содир бўлган жиддий нуқсон — матбуотимизга тушган доғдир. Биз буни жуда яхши англашимиз ва фақат ҳақиқатни ёзмоғимиз керак».

Биз — у муҳаррир ўринбосари, мен масъул котиб — иш танламас эдик, бир-биримизга кўмакдош, самимий дўст, ижодда ҳамкор эдик, редакцияга ҳаммадан олдин келиб, уйга ҳаммадан кеч қайтардик. У котибиятнинг каттаю кичик жамики ишига илҳом ва мадад берарди, янги ижодий парвозларга қанот бағишларди. Масъулият туйғуси янада кучли бўлган файласуф, хушфезъл, мурувватли, садоқатли дўстимдан

ҳузур-халоват бахш этувчи тиниқ фикрларни, яхши сўзларни кўп эшитганман.

Рихси Соҳибоевда тўғрилиқ, адолатлилик, инсон-парварлик, олимлар, маданият, адабиёт ва санъат аҳлининг суҳбатидан баҳраманд бўлиш хислатларининг таъсир кучи яққол балқиб турар эди. Фан, адабиёт ва маданиятимиз юлдузлари Рихси аканинг олдига келишиб, суҳбатлашиб кетардилар. Бу унга ҳузур-ҳаловат бағишларди, илҳом берарди, газетада чиқадиган мақолаларга мавзу танлашда қўл келарди.

Уруш йиллари газетанинг муҳаррири бўлиб ишлаган республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор, яқинда бандаликни бажо келтирган марҳум Сиддиқ Ражабов Р. Соҳибоев хотирасига бағишланган мақоласида қуйидагиларни ёзган эди:

— Редакцияда ишлаган йилларимни эслар эканман, ажойиб журналист-публицист, жамоат ва давлат арбоби Рихси Соҳибоевнинг номини мамнуният билан тилга оламан. У ўзининг бағри кенглиги, самимийлиги, собит қадамчилиги, букилмас иродаси, теран фикри билан ҳамкасбларидан, дўстларидан ажралиб турарди. У илмий-назарий, сиёсий-ижтимоий ва фалсафий-ҳуқуқшунослик мавзуидаги классик асарларни ҳижжа-лаб ўқирди, кунт билан синчиклаб ўрганарди. Бу асарларнинг мантиқ кучи унинг бутун шуурини эгаллаганди, ёш қалбини жўштирганди, жанговар публицистикага қанот бағишлаганди.

Марказқўм ўзбек адабий тилини ҳам, рус тилини ҳам мукаммал биладиган, таржима ва таҳлил жараёнида анча-мунча тажриба орттирган, жуда қийин, мураккаб иборалар ва сўзларнинг туб маъносини топа оладиган Рихси Соҳибоевни 1949 йили собиқ партия тарихи институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинлади.

Р. Соҳибоев Ўзбекистон Ахборот агентлигининг директори бўлиб ишлаганида ЎзТАГда таржимонлар бюросини ташкил этди. Бу бюро ишини такомиллаштириб, уни газеталарни, телевидение ва радиони таржима материаллари билан таъминлаб турадиган йирик марказга, телетайп орқали бериладиган ғоят муҳим ҳужжатларни, қарорларни, нутқ ва мақолаларни собиқ Иттифоқ ва хорижий мамлакатларнинг ниҳоятда зарур бўлган ахборотларини рус тилидан ўзбек тилига таржима-таҳ-

рир қилишнинг бош штабига айлантирди. Ўзи ҳамкасбларига ишда, ижодда шахсан намуна кўрсатиб, истеъдодли публицист сифатида танилди. Ҳар бир сўз ва жумлага публицистик эҳтирос билан сайқал бериб, уларнинг ихчам, ўткир, лўнда ифодасини топа билди, даврга, замонга мос, талантли журналистга хос серфикр, сермулоҳаза мақолалари билан газетхонлар қалбига чўт солди, уларни янги бунёдкорлик ишларига отлантирди.

Рихси Соҳибоев қандай юқори лавозимда ишлама-син газета ва журналлар билан ижодий ҳамкорлик қилди, алоқасини узмади. Унинг ижоди янада жўш уриб, ўқувчида кучли маънавий, эстетик завқ уйғота оладиган эликдан ортиқ йирик публицистик мақолалар яратди. Рихси ака билан бирга ишлашган ҳамкасблари, журналистика оламининг барча ихлосмандлари кабутардай беозор инсонни, республикамининг жафокаш, беминнат бир қалам соҳибини ғоятда севардилар ва ҳурмат қилардилар.

Баркамол истеъдод эгаси, атоқли журналист ва қўшиқчи шоир Акмал Пўлатга келсак, у кишини республикаминда танимайдиган, қўшигини ёки номини эшитмаган кишилар камдан-кам топилар. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг дарғаларидан бири, ўзбек адабиёти ва маданиятининг кўзга кўринган намояндаси, жамоат арбоби Акмал ака халқчил ва сермахсул ижодкор сифатида ўзининг кўп қиррали меҳнат фаолияти билан тез орада эл-юрт орасида танилди. Сўзамол инсон, оташнафас нотик, ҳамиша қувноқ ва ҳозиржавоб қаламкаш ўзбек миллий матбуотининг забардаст ходимлари орасидан ўз ўрнини муносиб эгаллади.

Акмал Пўлат журналистика соҳасига 1926 йили кириб келди. Газеталарда ўзининг хабар ва мақолалари билан фаол қатнашиб турган қишлоқ мухбирини 1927 йили «Камбағал деҳқон» газетасига ишга таклиф этишди ва деҳқон ёшлари бўлимига мудир қилиб тайинлашди. У дастлабки лавҳа, репортаж ва очерклари биланоқ ўқувчилар меҳрини қозонди. Икки йилдан сўнг «Ёш ленинчи» газетасига масъул котиблик вазифасига кўтарилди. Бу лавозимда кунни тунга, тунни кунга улаб, зўр ғайрат ва ташаббус, илҳом ва шижоат билан меҳнат қилди, чарчаш нималигини билмади, газетачиликнинг бутун икир-чикирини, сир-асрорини яхши билиб олишга ҳаракат қилди. 1932 йилнинг март ойларида эса ушбу газетага муҳаррир этиб тайинланди.

Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Абдулла Лутфуллаев, Фаттоҳ Гаврилов, Шоира Ўтаева, Башорат Гулмуҳамедова каби қаламкашларнинг газетачиликнинг катта йўлига чиқиб олишида Акмал Пўлат устозлик қилди. Журналист Холбек Ёдгоровнинг «Нурли йўл» китобида «Менинг газетага ишга келишим, аслини олганда, журналистика кўчасига киришим Акмал ака туфайдир», деб ёзган эди. Акмал Пўлат кейин янгидан ташкил этилган «Ўқитувчилар газетаси»га, «Маданий инқилоб» газетасига муҳаррирлик қилди. 1937 йилдан 1942 йилнинг ўрталаригача Фарғона вилоятининг «Коммуна» газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭСи, Каттакўрғон сув омбори қурилишларида фаол қатнашиб, катта ҳурмат-иззатга сазовор бўлди. Элимизга машҳур бўлиб кетган «Меҳнат аҳли» қўшиғини ўша ерда яратди. Республикамиз тарихида из қолдирган ана шу йирик қурилишларда ишлаб тажриба ортирган Акмал ака «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга келиб, урушдан кейинги даврдаги қийинчиликларни бартараф этишда, республика халқ хўжалигини қайтадан тиклаш ва саноат, қурилиш ва транспортни изга солиш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилди, газетада рейдлар ўтказди, принципиал чиқишлар қилди, жуда кўп шогирдлар тайёрлади.

Акмал ака 1963 йили янгидан ташкил этилган Сирдарё вилоят газетаси «Сирдарё ҳақиқати»нинг биринчи муҳаррири бўлган. У шу вазифада ишлаб туриб, ўзбек халқининг қўриқ очишдаги меҳнат жасоратини, Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштиришда фаол қатнашаётган қон-қардош турли миллат вакиллари — марду майдон чўлқуварларни улуғлади.

Матбуот соҳасида Акмал ака билан чамаси 30 йилдан ортиқ бирга ишлаганлигим, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларини, колхоз ва совхозларини бирга кезганлигим, республикамиз ташқарисида хизмат сафарларида бирга бўлганлигим, турли йиғилиш, кенгаш, қурултой ва бошқа анжуманларда бирга қатнашиб юрганлигим, оилавий муносабатларимиз жуда яхши бўлганлиги сабабли кўп вақтларимни Акмал ака билан бирга ўтказиш менга насиб этди. Биз — Рихси Соҳибоев, Акмал Пўлат орамизда қил ўтмайдиган жуда қалин дўст, ака-укадай бениҳоя меҳрибон эдик. Тез-тез телефонда гаплашиб, ҳафтада бир-икки марта кўришиб турмасак, соғинишиб қолардик. Яхши дўстлар суҳ-

бати самимият ва садоқатдан келур, меҳр ва оқибат дўстлар қалби ҳароратидан келур, деб шуни айтсалар керак. Тошкентдай шаҳри азимда кўплар бизни «уч оғайни ботирлар» деб аташганлари бежиз эмасди.

Шу йилнинг 21 июнида ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлайдиган «Ўзбекистон овози» газетасида вояга етишган ижодкорлар Рихси Соҳибоев ва Акмал Пўлатни байрам, катта шодиёна арафасида ёдга олдик. Уларнинг жойлари жаннатда бўлсин, охиратлари обод бўлсин!

26 март, 1993 йил.

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ўзбек матбуотининг ўзига яраша тарихи, бу тарихнинг ижодкорлари ва яратувчилари бор. Мен бу йил ўзининг 85 ёшини нишонлаётган фахрий журналистларимиздан бири Абдулла ака Ўразаевни ана шундай мўтабар кишилар қаторига қўшгим келади.

Абдулла Иматович катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ижодкорлардан. У умрининг 65 йилдан кўпроғини республика матбуотида ишлашга сарф этди, қаерда ишламасин куч ва ғайратини, билимини, ақл-зақовати ва қалб қўрини, бой тажрибасини юрт равнақига сарфлади. Ўзбекистонда матбуот ва радиони ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Абдулла акани яхши билган, у билан бирга ишлаган, ҳамсуҳбат бўлган кишилар унинг жуда камтарин, жафокаш ва меҳнаткаш инсон эканлигини таъкидлашади.

Абдулла Ўразаев журналистлар отахони сифатида уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгаши ҳузурида ташкил этилган матбуот бўлимида жамоатчилик асосида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу бўлим раҳбарининг ўринбосари сифатида кенгаш фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига кўмаклашмоқда.

1927—1930 йиллари Абдулла ака Ўзбекистон адабий муҳити билан яқиндан танишиб, «Аланга» номли адабий журнал ва нашриётларнинг топшириғи билан ўнлаб тақризлар ёзди ҳамда баъзи асарларнинг таржимаси ҳақида салмоқли фикрлар баён қилди. Фафур Фулом, Муҳаммад Ҳасан, Лутфулла Алимий, Қосим Сорокин, Комил Алиев, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ко-

мил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Шокир Сулаймон каби атоқли адиблар билан ижодий ва дўстона алоқада бўлди.

Абдулла Ҳразаев ўзбек матбуотининг ривожига катта ҳисса қўшган биринчи ижодкорлар қаторида Хоразм округ газетасида ҳам муҳаррирлик қилган. Унинг даврида бу ерда эҳтиросли, талантли, ажойиб журналист кадрларнинг йирик бир авлоди вояга етди.

Уруш бошлангандан сўнг 1941 йилнинг сентябрь ойида Абдулла Ҳразаев Давлат нашриётига бош муҳаррир этиб тайинланди. Урушнинг жуда оғир йилларида нашриётнинг кўпгина ходимлари фронтга кетган пайтда Абдулла ака бутун оғирликни зиммасига олиб, нашриётда кеча-кундуз ижодий меҳнат қилди.

1942 йилнинг ёз ойларида А. Ҳразаевни ЎзТАҒга масъул раҳбар қилиб юборди. Бутун уруш йиллари мобайнида Абдулла ака информация хизматининг йирик маркази ҳисобланган, маҳаллий ва республика матбуотини, радиосини фронтдан, республикаимиз шаҳар ва қишлоқларидан, чет эллардан олинган ахборотлар билан узлуксиз таъминлаб турувчи, баҳодир халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонона меҳнатини хабар ва мақолаларда улуғловчи катта идеологик ташкилотни моҳирлик билан бошқарди.

Абдулла Ҳразаев 1945—1951 йиллари Ўзбекистон радио комитетининг раиси, 1951—1952 йиллари Ўзбекистон педагогика нашриётининг бош муҳаррири ва Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётининг директори бўлиб ишлаган кезларида ҳам фидокорона, баракали меҳнат қилди. Республикаимизда радиоэшиттиришни ривожлантиришнинг улкан программасини амалга оширишга, чет эллар учун уйғур, урду, форс ва инглиз тилларида эшиттиришлар беришни биринчи марта ташкил этишга, симфоник оркестр тузишга ва малакали кадрлар, ижрочилар тайёрлашга, радионинг урушдан кейинги моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ўз улушини қўшди.

Абдулла Иматовичнинг бадиий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишдаги хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир. Татар ёзувчилари — Ғалимжон Иброҳимовнинг «Теран томир»лар, «Қозоқ қизи» романларини, Шомил Усмоновнинг танланган асарлари, Аҳмад Ғайзининг «Тўқай» романи, Абдулла Тўқайнинг «Эсимда қолганлар» биографик повестини, яҳудий ёзувчиси

Шалом Алейҳемнинг танланган асарлари, украин ёзувчиси Ярослав Галаннинг ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди. А. Тўқай ва Ш. Усмоновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида монографик асар ёзиб, ўзбек китобхоналарига тақдим этди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлган Абдулла ака ёзувчи, тақризчи, журналист, таржимонгина бўлиб қолмай, айнаи вақтда ишчан жамоатчи, ажойиб ташкилотчи, жонкуяр мураббий ҳамдир. У нафақага чиққандан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, бадиий адабиётларни тарғиб қилувчи бюронинг биринчи ташкилотчиси ва директори бўлиб ишлади.

Камтар инсон, ҳормас-толмас журналист, 85 ёшида ҳам тиним билмай ижодий иш билан шуғулланаётган Абдулла Ўразаевнинг ёрқин ижодий йўли барча қаламкашлар учун ибратли ва намуналидир.

«Ўзбекистон овози», 24 январь, 1990 йил.

МЕҲРИ ДАРЁ

Умр довонининг етмишинчи поғонасига кўтарилган қадрли дўстимиз ва ҳамкасбимиз Убайдулла Ёкубович Иброҳимовни республика жамоатчилиги яхши танийди. Қалбида меҳр қуёши товланиб турган дилкаш, ширинсухан бу инсон хушмуомалалиги, юмшоқ табиатлилиги билан кишини ўзига ром этади.

Убайдулла Иброҳимов республикамизнинг радио-эшиттириш ва телевидение Давлат қўмитасига қарийб 30 йил раҳбарлик қилди. Ўзи учун муқаддас бўлиб қолган шу улуг даргоҳга 1954 йили ишга келиб, бутун меҳнат фаолиятини, то нафақага чиққунига қадар шу ерда ўтказди.

1956 йилнинг 5 ноябрида ишга тушган республикамиз телевидениеси халқимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Юртдошларимиз ҳаётига чуқур сингиб кетди. Халқимиз ҳаётининг равшан кўзгусига айланди. Убайдулла Ёкубович 1957 йилнинг бошида Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение Давлат қўмитасининг раиси этиб тайинланди. Ўзига хос фикрлаш тарзи бўлган чуқур мушоҳадали Убайдулла билдирилган бу ишончни оқлаш учун кунт билан меҳнат қилди, тиниб-тинчимади.

Тошкентда радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг ҳашаматли биноси, пойтахтимизнинг ҳуснига-ҳусн

қўшиб турган ажойиб кошона — Телемарказ иншооти. Оқтошда дам олиш оромгоҳи қад кўтарди. Нукус, Урганч, Қарши ва бошқа вилоятлар марказларида телемарказ ва радио уйлари, Тошкентда радио-телевидение ходимлари учун кўп қаватли турар-жой бинолари қурилди. Ҳозир телевидениенинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, унинг шохобчалари тобора кенгайиб бормоқда.

Ўз касбининг нозик томонларини ипидан-игнасигача бодастур билиб олиш учун ҳаракат қилган У. Иброҳимов босиб ўтган ижодий йўлга фахрланиб назар ташласа арзийди. Унинг бевосита ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шу соҳа журналистларининг янги авлоди вужудга келди. Телерадио жамоасида иқтидорли журналистлар, режиссёрлар, операторлар билан бирга ижро маҳоратининг юксак намуналарини намойиш қиладиган, ўзбек миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини, унинг барча қирраларини қамраб олган ҳолда кўрсата оладиган ажойиб санъаткорлар ҳам етишиб чиқди. Жўраҳон Султонов, Ориф Ҳотамов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Асқар Убайдуллаев, Карим Мўминов, Ориф Алимаҳсумов ва Очилхон Отахоновлар каби халқимизнинг сеvimли ҳофизлари, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсупова каби классик қўшиқларимизнинг моҳир ижрочилари шу жамоада камол топиб, элга танилди. Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Дадаали Соатқулов, Фанижон Тошматов, Набижон Ҳасанов, Ориф Қосимов, Саиджон Калонов каби таниқли бастакорлар шу жамоада ўсиб улғайди. Устоз бастакор академик Юнус Ражабий бош бўлган мақомчилар дастаси эса ҳозир халқимизнинг сеvimли қўшиқчилари жамоасига айланди.

Бутун умрини радиоқўмитада ўтказган Ўзбекистон халқ артисти атоқли бастакор Фанижон Тошматов шундай дейди:

— Убайдулла ака оқкўнгил, меҳри дарё одам. Ёшларнинг сеvimли мураббийси. Ижодий ходимларимизнинг ютуғидан доимо хурсанд бўларди, мағлубиятидан изтироб чекардилар. Биз у кишининг бу фазилатини қадрлаймиз, ғамхўр раҳбар сифатида доимо эслаб юрамиз. Дили поклиги, тўғри сўзлиги, дилкашлиги, беозорлиги Убайдулла Ёқубович қалбига латиф, бокира туйғулар ҳамроҳлигини ифода қилади.

Ҳақиқатан ҳам У. Иброҳимов ҳар қандай вазиятда

ҳам ўзи билан бирга ишлаётган ходимлар, шогирдлари билан бафуржа гаплашишга вақт топади, самимий, очиқ юз билан саломлашади, қувончига ҳам, дардига ҳам шерик бўлади. Ёрдамга муҳтожлар бўлса, дарҳол қўмакка шошилади, маслаҳат беради, меҳрини ва дил сўзларини аямайди.

Қадрли дўстимизга етмиш ёшга етган кунда саксондан дадил сакраб ўтишини тўқсон билан тўқнашиб, юз ёш билан юз кўришини Тангридан тилаб қоламиз. Унинг кўксига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» нишон ва унвонлари саховатли қалб эгасининг республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш, радио-телевидение соҳасида узоқ йиллар фидокорона самарали ва баракали меҳнат қилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

«Ўзбекистон овози», 29 апрель, 1992 йил.

ЮРТИМИЗ ЭЪЗОЗЛАГАН ЖАМОАТЧИ АЁЛ ВА СЕВИКЛИ ШОИРА

(Зулфия опа ни эслаб)

Мен Зулфия опа билан танишган йиллардан (1950) буён у кишини эъзозлаб, ардоқлаб келганман. Қадрдон устозим Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида масъул муҳаррир бўлиб ишлаган пайтида учта қиздан сўнг биринчи ўғил кўрдилар, жуда хурсанд бўлиб бизни уйларига таклиф қилдилар. Рафиқаси Хурсаной Ғафуровнани туғруқхонадан олиб келишганидан бир ҳафта ўтгач, табриклаш учун опа билан биргаликда уларнинг уйларига борганмиз. Янги меҳмонга ижодий ишларингизга доимо илҳом бериб юрсин, деб исм қўйган Зулфия опа бўладилар. Илҳомжон Рашидов ҳозир юридик фанлари номзоди.

Зулфия опа нафақат оиласига, фарзандларига, балки эл-юртига, ёшларга, шогирдларига доимо куюнчак, ғамхўр, эътиборли, меҳрибон устоз эдилар. Қўшни қардош республикаларда, Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари — декадалар ўтказилган кунларда делегациямиз составида кўпинча бирга бўлардик. Ўша даврда мен Давлат матбуот қўмитасининг раиси бўлганлигим учун китоб кўргазмаларини бирга очардик. Опамиз елиб-югуриб хизмат қилар, маслаҳатлар

берар, қардош ёзувчи-шоирлар билан мириқиб суҳбатлашиб, уларни бизга жалб қила олар, адабиётнинг бугунги ва келажаги ҳақида мулоҳаза юритиб, фикр алмашар эдилар.

Менинг уй-музейимда Зулфия Исроиловна билан биргаликда машҳур шоир-ёзувчилар — Георгий Абашидзе, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматовлар билан тушган суратлар, уларнинг дастхати ёзилган китоблар сақланмоқда. Бу суратларнинг баъзиларини Ҳамид Олимжон ва Зулфия опанинг суюкли фарзандлари Омонжон ва Ҳулқархонга ўз вақтида тақдим этганман.

Журналист — матбуот ходими бўлганлигим учун Зулфияхоннинг «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида муҳаррир бўлиб ишлаганларида ўзига яраша мактаб яратганини қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Зулфия опа журналда бош муҳаррирлик қилган йиллари унинг маслаҳату ҳимматидан, чехрасидаги ёқимтой табассумидан баҳраманд бўлмаган матбуот ходимлари жуда камдан-кам топиларди. Опамиз вақт билан ҳисоблашмай журнал саҳифаларида республикаимиз хотин-қизлари ҳақида ички бир тугён билан ёзилган мақола, очерк, ҳикоя, лавҳалар ва фотосуратлар бўлишини истарди.

Бир-икки оғиз сўз шоирамизнинг пахтакорлар ҳузурига бориб, уларнинг кўнгилларини кўтарувчи қалб сўзларини изҳор қилиб, шеърлар ўқиб бериши ҳақида. Биз — газета ва журналларнинг ходимлари бирлашиб ўша йилларда дам олиш кунлари Тошкентга яқин бўлган Қорасув районидаги хўжаликларга ҳашарга — пахта теримига чиқардик. Тушки овқатланиш пайтида Зулфия опа янги шеърларидан намуналар ўқиб, санъаткорларимиз эса мумтоз қўшиқларни куйлаб пахтакорларни хушнуд этардилар.

Менинг бу ёзганларим шەъриятимиз маликаси Зулфия опа ҳақидаги эсдаликларимдан бир шингили ҳолос. Қалбимиз тўридан жой олган, севикли шоирамиз тирик бўлганларида шу баҳор кунларида 90 ёшни қаршилаган бўлур эдилар. Уларнинг номлари адабиётимиз саҳифаларида унутилмас сатрлар ила доимо барҳаёт. Илло, севикли шоирамиз руҳлари шод бўлғай! Уларни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!

Февраль, 2004 йил.

МАТБААЧИ «ОЛТМИШВОЙ»ЛАР

(Дил изҳори)

Мен Давлат матбуот қўмитасига 1963 йилда раис бўлиб ишга келганимда, бу йигитлар бизнинг тизимимиздаги корхоналарда ишлар эди. Уларни 35 йилдан бери яхши таниганим, меҳнат фаолиятидаги ишларидан хабардор бўлиб турганим учун қўлимга қалам олиб, ушбу сатрларни ёзиб, журналхонларга етказишни ўзимнинг журналистик бурчим, деб билдим.

Ёшлигиданоқ ота касбин ўрганишга ҳавас қилган Маратжон ўрта мактабни битиргандан сўнг, 1958 йилда отаси Абдуқаҳҳор ака цех бошлиғи бўлиб ишлаётган Тошкент Эски жўвасидаги Биринчи босмахонага чилангар шогирди бўлиб ишга кирди. Матбаачи оиласида туғилиб вояга етган ва тарбия топган Марат матбаачиликнинг сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилди. Тирришқоқ, ҳаракатчан ва изланувчан йигит тез орада яхши ишчи бўлиб етишиб, жамоада кўзга кўринди. Уша йилиёқ Украинанинг Львов шаҳридаги матбаачилик институтига ўқишга юборилди. Илмга ташналиғи, идрокли ва иродаси билан талабалар ўртасида танилган Марат Ғойибов 23 ёшида — 1963 йили институтни муваффақиятли тамомлаб, йўлланма билан яна ўзига қадрдон бўлиб қолган Биринчи босмахонага қайтиб келди.

Умрни асов дарёга ўхшатиш мумкин, уни жиловлаб бўлмайди. Мана, 40 йилдан ошибдики, Марат Абдуқаҳҳор ўғли ота касбини давом эттириб, матбаачилик майдонида жавлон уриб меҳнат қилиб келяпти. Ҳозир биз хайрлашаётган XX асрга тенгдош бўлган Биринчи босмахонада у даставвал слесарь, сўнг инженер-механик, цех бошлиғи, бош механик, бош инженер бўлиб ишлади. 1969 йилда Тошкент матбаачилик комбинати ташкил этилганидан кейин у мазкур комбинатнинг бош инженери, комбинат директори бўлиб фаолият кўрсатди. Билимдон инженер-механик бўлган Марат Абдуқаҳҳорович ишлаб чиқаришни юксак унумли, замонавий машина-ускуналар билан қайта жиҳозлашга жиддий эътибор берди. 1978 йил бошидан комбинат базасида тўрт босма ва битта офсет фабрикасини ўз ичига олган Тошкент «Матбаа» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилганидан сўнг шу бирлашманинг бош директори этиб тайинланди. 1991 йилдан бошлаб бирлашманинг номи ва иш тартиби ўзгартирилиб, ижарадаги Тошкент

«Матбуот» матбаачилик комбинатига айлантирилди. Шу орада тўрт йилча Давлат матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари ва бир йилдан ортиқ раис вазифасини адо этиб турди. Бу масъулиятли вазифаларда ишлаб, республика матбаачилик тизимини ривожлантиришга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди.

1969 йилдан бери — 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатимизнинг энг йирик матбаа корхоналаридан бири бўлган комбинатда узлуксиз самарали меҳнат қилиб келаётган, матбаачилар ва ноширлар ҳурмат-иззатига сазовор бўлган Марат Ғойибов жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Собиқ «Матбуот» бирлашмаси таркибидаги босмахоналарнинг деярли барча раҳбар ходимлари уни ўзларининг устозлари, деб билишади. Матбаа комбинати Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги энг бақувват ва энг йирик корхона эканлигини, замонавий технология воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этишда, маънан эскирган ускуналардан воз кечиб, маҳсулотларнинг барчасини юқори сифат билан тайёрлашда, нашриётлар билан шартнома асосида бадий китобларни, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни чоп этишда ибратли тажриба тўплаганини тан олишади.

Марат Абдуқаҳҳоровичнинг матбаачилик соҳасидаги кўп йиллик меҳнат фаолияти муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига эга.

Ҳар бир матбаачи ўз вазифасига катта масъулият ҳисси билан қарайдиган, тежамкорликка, бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор берадиган, меҳнатсевар фидойи аъзолари бўлган комбинат мавжуд қийинчиликларни енгиб, XX асрни муваффақиятли якунламоқда. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик бахш этган эркинлик самарасидир. Катта режалар ва орзу-умидлар билан фидокорона меҳнат қилаётган, эртанги кунига завқ-шавқ ва тўла ишонч билан боқаётган матбаачилар XXI асрга янги ғайрат ва шижоат билан қадам қўймоқда. Бу хайрли ишда уларнинг сардори, 60 ёшга тўлган Марат Ғойибовга мустаҳкам соғлиқ ва омад тилаймиз. Бахт-иқбол ва зафар доим унинг ҳамроҳи бўлсин! 1965 йили Москвадаги матбаачилик институтини тамомлаб, бизнинг соҳамизда узоқ йиллар меҳнат қилган умр йўлдоши, иқтисодчи-матбаачи Мадина Ислон қизи билан қўша қариб, пок қалблари ҳар доим қувончларга тўлсин!

Эски Жўва майдонидаги 1-босмахона директори лавозимида қарийб 18 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган Абдумалик Мажидхўжаев ҳам олтмишдан ошибди. Республикамиз матбаачилик саноатининг вужудга келиш, ривожланиш босқичларини ўзида муҳассам этган, бир асрга тенг 1-Тошкент босмахонасини мамлакатимиз матбаа ходимларининг илк тарбия ўчоғи-маскани, амалий ишдаги дорилфунуни десак муболаға бўлмас. Барча матбаачилар учун муқаддас даргоҳ, республикамиз матбаачилик саноатининг қалдирғоч корхонаси бўлиб ном чиқарган босмахона кекса-ю ёш тошкентликларга яхши таниш. Унинг сарчашмаларида турган кекса авлод матбаачилари ўрнига аксарияти ўрта ва олий маълумотга эга бўлган ёш мутахассислар келишди.

Абдумалик Абдукарим ўғли Мажидхўжаев ана шундай кадрлардан бири — кексаси ҳисобланади. Унга ҳам Марат Ғойибов ва Ботир Диёровларга ўхшаб ота касбини давом эттириш насиб этди.

Икки оғиз сўз Абдумаликнинг отаси Абдукарим ака ҳақида. Мен у кишини жуда яхши танир эдим. Жумҳуриятимиз матбаачилигини ривожлантиришда тинимсиз меҳнат қилган жонкуяр матбаачи, маҳаллий ёшлардан кўплаб шогирдлар тайёрлаган, шу жумладан ўғил-қизларининг қалбида матбаа ва ноширчилик ишига меҳр уйғотган ажойиб инсон эдилар. Абдукарим ака қирқ йилдан ортиқ матбаа корхонаси ва унинг касба қўмитаси уюшмасида ишлаб, одамийлик хислатлари билан танилган одамшаванда киши эди.

Ота касбини ва дуосини олган Абдумалик 1960 йилларда Москва матбаа институтида ўқиб, уни муваффақиятли тамомлаганидан сўнг 1965 йили Тошкентдаги 3-босмахонанинг муқовалаш цехида меҳнат фаолиятини бошлади. Олган билимларини ишлаб чиқариш билан боғлаб, олий маълумотли мутахассис бўлишидан қатъи назар, тажрибали матбаачилар қўлтиғига кириб, улардан иш ўрганди, маслаҳатлар олди. Тез орада цех жамоаси ҳурматига сазовор бўлган Абдумаликни цех бошлиғи этиб тайинлашди. Ёш бўлишига қарамай, цехдаги эски ускуналарни янгилашга, матбаачиларни оғир қўл меҳнатидан халос қилишга ҳаракат қилди. Иш унуми ортганлиги, маҳсулотнинг сифати яхшиланганлиги учун ой, чорак йил натижала-

рига кўра цех ишчи-мутахассислари фахрий ёрлиқ ва пул билан мукофотландилар. Абдумалик Мажидхўжаев эса «Аълочи матбаачи» кўкрак нишони билан тақдирланди. Йил охирига бориб корхонанинг бош директори лавозимига кўтарилди. Бу лавозимда ишлаганда ҳам 3-босмахона жамоасининг унга билдирган юксак ишончини оқлаш учун бутун куч ва ғайратини, билими ва тажрибасини ишга солди, маҳаллий ёшлардан мутахассис кадрлар етиштирди. Ғайратли ёшларни олий илм даргоҳларига ва малака ошириш учун қисқа муддатли курсларга ўқишга юборди. Натижа ёмон бўлмади, бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишга, корхонанинг ойлик, чорак ва йиллик режаларини муддатидан илгари бажаришга, босмахонада меҳнат қилган ишчиларнинг моддий шароитини яхшилашга ёрдам берди.

Абдумалик Мажидхўжаевнинг фидокорона қилган меҳнатлари зое кетмади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланди.

Абдумалик I-босмахонага директор бўлиб келганидан сўнг корхонанинг бир асрлик таваллудига қизғин тайёргарлик бошланиб кетди. Корхона тарихини ўрганиб, унинг тамал тошини қўйган аجدодларнинг номини ёд этиш, уларнинг хизматларини эслаб, ҳурматларини жойига қўйиш масалалари билан шуғулланди. Босмахонанинг ўтмиш ва бугунги куни ҳақида, меҳнат жамоасининг ютуқлари ва муаммолари тўғрисида ва ўз касбининг фидойиси бўлган ишчи-хизматчилари ҳақида матбуотда туркум мақолалар эълон қилинди. Корхонанинг бугунги даражага етишида фахрий матбаачиларимизнинг ҳар бири қўшган муносиб ҳиссалари борлиги айтилди.

Мустақиллик шарофати билан ишлаб чиқариш технологияси давр талабига мослаб ўзгартирилди, янги дастгоҳлар ўрнатилди, замонавий технологиялар жорий этилди. Қўл кучи билан бажариладиган жараёнлар ўрнини тўла механизациялашган линиялар, электроника, компьютер техникаси эгаллади. Кенг ва ёруғ цехларга эга бўлган бино қад кўтарди. Зарарли иш жараёнлари деярли қолмади. Корхона ҳовлисини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам эсдан чиқмади. Маҳсулотларнинг турлари кескин кўпайиб, сифати яхшиланди.

Республикамиз пойтахтининг Эски шаҳар қисми қоқ марказида жойлашган босмаҳонанинг ҳам ички кўри-ниши, ҳам ташқи қиёфаси кескин ўзгарди. Корхона биносининг ташқи томони тўла таъмирланиб, аввалги меъморий белгиларини сақлаб қолган ҳолда замонавий қиёфа касб этди.

Кенг кўламдаги ана шу ишларни олиб боришда ва тўла амалга оширишда талабчан директор Абдумалик Абдукарим ўғли Мажидхўжаевнинг ташкилотчилик қобилиятини ва фидойилик билан қилган хизматлари-ни алоҳида таъкидлаб ўтгим келади.

Ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган, мат-баачи-ношир Мажидхўжаевлар сулоласининг давомчи-си Абдумалик Абдукаримовичга эсон-омонлик, ишла-рига ривож ва зафарлар ёр бўлаверсин.

* * *

Сентябрь ойида ўзининг 60 йиллик тўйини нишон-лаган Ботир Раҳмонович Диёров эса меҳнат фаолияти-ни 17 ёшида — 1957 йили офсет босма фабрикасида чоп этувчининг шогирди вазифасидан бошлаган. Агар унинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқсак, отаси Раҳмон ака Диёров ҳам Маратнинг отаси хизмат қил-ган Эски жўвадаги 1-босмаҳонада муҳаррир бўлиб иш-лаган. Оилада саккиз фарзанднинг отаси бўлган Раҳ-мон аканинг топгани катта оилага етмаганлиги сабаб-ли 7-синфни тугатган бош фарзанди — Ботирни бос-маҳонага етаклаб келиб, ишга жойлаштирган.

Матбаачилик касбига меҳри ва босмаҳонадаги кек-са ишчиларнинг унга берган самимий ёрдами Ботирга далда бўлди. Шогирдликдан мустақил ишлашга ўтди. Кечки мактабда уч йил ўқиб, қўлига етуклик гувоҳно-масини олди. Ундаги тиришқоқлик ва билимга чанқоқ-ликни сезган корхона раҳбарлари 1960 йили Украина-нинг Львов шаҳридаги матбаа институтига йўлланма бердилар. Уч йил мобайнида босмаҳонада олган билим ва тажрибаси унга жуда қўл келди. Тез орада у зеҳни ўткир, аълочи талабалар қаторидан ўрин олди, курс-дошлари ўртасида ҳурмат қозонди. Бирга ўқиган гўзал, оқила қиз Валентинага уйланиб, муҳандис-матбаачи илмини эгаллаб, 1965 йили Тошкентга оилали бўлиб қайтди. Ботир офсет босма фабрикасида уста, Вален-тина Михайловна 3-босмаҳонада технолог бўлиб меҳ-нат фаолиятини бошлашди.

Бир йил ўтар-ўтмас — 1966 йили Ботир Диёровни Тошкент вилоятининг матбуот бошқармасига бош муҳандислик вазифасига таклиф қилдилар. 1966—1972 йиллар мобайнида шу бошқармада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилди. 1972—1978 йиллари Давлат матбуот қўмитасининг техник бўлимига бошчилик қилди. 1978 йилдан — 22 йил давомида офсет босма фабрикасининг директори бўлиб ишлаб пенсияга чиқди.

1991 йили офсет босма фабрикаси номи рангли босма фабрикаси деб ўзгартирилди. Ботир Диёров ишлаган йиллари фабрика сезиларли даражада ривожланди, янги замонавий мосламалар ўрнатилди, техник асбоб-ускуналар даражаси анча ортди, кўп эҳтиёт қисмлар ўзгартирилди, фотонабор жараёнлари яхшиланди ва компьютерлар билан жиҳозланди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг мунтазам равишда ошиб боришини таъминлади.

Фабрикада ўрнатилган ва ишга туширилган мосламаларнинг асосий қисми чет эллардан келтирилган. Японияда яратилган, асл нусхаси катта ҳажмларда нашр этиш имконини берувчи икки хонали фотоаппарат, регуш ишларини бажарувчи хромограф-автомат ускуна, кичик ҳажмдаги китобларни тикувчи, қирқувчи ва елимловчи ярим автомат ускуна, уч хил ва саккиз рангда босиш имконини берувчи «Ультрасет РО-72» агрегатларининг ишга туширилиши кўл меҳнатини кескин қисқартириш, босма маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш имконини берди. Бу ерда босмадан чиқарилган маҳсулотлар қардош мамлакатларда ҳам кенг шуҳрат қозонди.

Замонавий ускуналарда ишлаш катта билим ва маҳорат талаб этишини корхона раҳбарлари яхши тушундилар. Шунинг учун ҳам жамоа муҳандис-техник ходимларидан бир гуруҳи турли йилларда Москва, Львов матбаа саноати билимгоҳларида, Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаа ишлаб чиқариш технологияси кафедрасида ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Ботир Диёров ҳам матбаачилик соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилгани учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган. Уч фарзанднинг онаси бўлган рафиқаси Валентина Михайловна Диёрова пенсияга чиққунга қадар узоқ йиллар «Ўзбекистон»

нашриётида ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари бўлиб хизмат қилган.

Маънавиятимизнинг қудратли қаноти бўлган матбаамиз фидойилари Ботир Раҳмонович ва Валентина Михайловнага узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

*«Ўзбекистон матбуоти»,
6-сон, 2000 йил.*

**КИТОБЛАРИМГА
ЁЗИЛГАН ТАҚРИЗЛАР**



КНИГА О КНИГЕ

Вышло в свет, стало достоянием читательской аудитории исследование Есенбаева З. И. и Ахунджанова Э.А., посвященное вопросам становления, развития и современного состояния книгоиздательского дела, полиграфии и книжной торговли в Узбекистане. Не будет преувеличением назвать это исследование фундаментальным, ибо в нем на основе богатейшего фактического материала прослеживаются и подробно анализируются конкретные исторические условия, в которых закладывался фундамент книгоиздания в республике, развитие издательского дела, полиграфии и книжной торговли, показана роль книгоиздателей Узбекистана в годы Второй мировой войны, когда Ташкент в силу ряда объективных причин стал одним из крупнейших в стране центров по выпуску книг, брошюр, плакатов, листовок, мобилизующих народ на борьбу с немецко-фашистскими захватчиками. В книге подробно рассматривается состояние книгоиздательского дела в послевоенные годы, проблемы, которые успешно решали издатели, полиграфисты, работники книготорговых организаций. Большое внимание уделяют авторы анализу современного состояния книгоиздательского дела в республике, тенденций его дальнейшего развития. В книге приведена современная структура издательств Узбекистана, раскрываются перспективы республиканского книгоиздания, его национальные особенности и национальный характер.

Каждая из пяти глав книги представляет собой, по существу, емкое, самостоятельное повествование об одном из этапов становления и развития узбекского книгоиздания.

В главе «У самых истоков» рассказывается о том, как Народный Комиссариат по делам национальностей через созданные в его составе мусульманские национальные комиссариаты развернул выпуск книг, журналов и газет на восточных языках (в 1918—1920 годах Наркомнацем было выпущено свыше 700 наименований таких книг — тиражом 12 млн экз.), как в конце 1922 года было создано Восточное Центральное национальное

издательство, задачей которого было оказание содействия культурному развитию восточных народов страны путем выпуска литературы на их родных языках.

Есенбаев З. и Ахунджанов Э. справедливо отмечают, что создание и развитие книгоиздательского дела в Туркестане имело первостепенное значение для ликвидации унаследованной от старого строя почти поголовной неграмотности населения края. Предназначенные в большинстве своем для обучения людей, только-только освоивших основы грамоты, книги расширяли их кругозор, приобщали к сокровищнице мировой культуры. В то же время рост количества грамотных, повышение общеобразовательного и культурного уровня народа становились в свою очередь стимулом для развития и совершенствования всех отраслей книгоиздательского дела.

В главе «Становление», охватывающей период с 1924 по 1940 годы, авторы подробно останавливаются на вопросах создания и совершенствования системы издательств в Узбекистане, укрепления, расширения и совершенствования полиграфической базы, дальнейшего развития системы книготоргового обслуживания населения.

Особый раздел посвящен зарождению организационных форм управления издательским делом, полиграфией и книжной торговлей. Последовательно рассматривая формы управления книгоизданием и книгораспространением, существовавшие в 1924—1940 годах, авторы отмечают, что каждая из них была продиктована требованиями времени и состоянием книгоиздательского дела, отвечала этим требованиям, несомненно способствовала развитию всех его отраслей.

Главы «Сражающаяся книга» (1941—1945 гг.) и «Книжная летопись созидания» (1946—1959 гг.) повествуют о том, как в соответствии с условиями сурового военного времени была перестроена деятельность издательств и полиграфпредприятий, чтобы как можно полнее удовлетворять нужды фронта и тыла, как книги, выпущенные в далеком Ташкенте, становились желанными друзьями и верными товарищами бойцов, как печатное слово без промаха разило врага и сражающаяся книга шла по дорогам войны бок о бок с солдатом.

Авторы со знанием дела говорят о тех трудностях, которые надо было преодолеть, чтобы на изношенных,

не обновлявшихся с конца тридцатых годов типографских машинах и оборудовании, при почти полном отсутствии запасных частей, при остром дефиците квалифицированных кадров не только достичь довоенного уровня, но и превзойти его. Уже в 1946 году с типографских конвейеров сошло более 20 млн 701 тысяча экземпляров книг, почти в два раза больше, чем в 1940 году.

В условиях ускоренного развития всех отраслей народного хозяйства и повышения культурного уровня населения новые, сложные задачи вставали перед книгоиздателями республики. Жизнь настоятельно требовала резкого увеличения выпуска книг по всем отраслям знаний, расширения тематики литературы, улучшения художественного оформления и полиграфического исполнения печатных изданий.

Для решения этих задач необходимо было пересмотреть существующую систему издательств. Если в первые послевоенные годы в республике действовало три издательства: Узгосиздат, Каракалпакгосиздат и издательство научной литературы АН Узбекистана, то в 1958 году к ним прибавились Учпедгиз Узбекистана, Гослитиздат Узбекистана, Медгиз Узбекистана и книжная редакция объединенного издательства ЦК КП Узбекистана. Соответственно увеличился и объем выпуска печатных изданий, ориентированных на различные категории читателей.

В эти же годы достоянием читателей стали фундаментальные исследования общественно-политического плана, научные труды, учебно-педагогические издания, произведения художественной литературы, книги для детей и юношества. Достаточно назвать имена таких признанных мастеров слова, как Айбек, Гафур Гулям, Абдулла Каххар, Камиль Яшен, Уйгун, Шараф Рашидов, Миртемир, Зульфия и многих других.

Заключительная глава книги «Сегодня и завтра узбекского книгоиздания» раскрывает перед читателем современное состояние и перспективы узбекского книгоиздания, рассказывает о дальнейшей специализации издательств, о развитии и совершенствовании полиграфии, новых, прогрессивных формах удовлетворения читательского спроса предприятиями и организациями Узбекского объединения книжной торговли.

Образование Госкомиздата Узбекистана положительно сказалось на развитии и совершенствовании

узбекского книгоиздания: заметно улучшилось планирование выпуска печатных изданий, повысился идейно-политический и художественный уровень книг, улучшилось качество их полиграфического исполнения.

Знаменательным событием в жизни республики стал выпуск 14-томной Узбекской Энциклопедии — универсального справочного издания, содержащего важнейшие сведения по всем отраслям знаний, отобразившего историю узбекского народа.

Таково краткое содержание книги Есенбаева З. и Ахунджанова Э. «Здравствуй, книга». Но пересказ и оценка ее содержания далеко не исчерпывают той значимости, которая привлекает и — я уверен — будет еще долго привлекать к ней внимание всех, кому дорога и близка узбекская книга, кто интересуется ее историей, ее вчерашним, сегодняшним и завтрашним днем, тем, кто, как и когда внес свою лепту в становление узбекского книгоиздания, кто и сегодня не жалеет сил для того, чтобы книги, выпускаемые в нашей республике, становились год от года содержательнее, интереснее, красивее.

И уж если продолжить разговор о достоинствах книги Есенбаева З. и Ахунджанова Э., то следует отметить язык, которым она написана: простой и образный, емкий и лаконичный. Взять хотя бы такие фрагменты: «Издrevле существует на Востоке поверье: если, собираясь в дальнюю дорогу, возьмешь с собой свежеиспеченную лепешку, путь твой завершится счастливо. Поверья отжили свой век, и если кто и берет с собой в дорогу румяное чудо узбекских хлебопекaв, то лишь для того, чтобы порадовать им родных и друзей, живущих далеко от нашей республики. Зато книгу берут с собой в дорогу практически все, ибо она — и интересный собеседник, и мудрый наставник, и добрый попутчик».

Лучше, по-моему, сказать трудно.

И, дочитав до конца эту безусловно нужную и полезную книгу, я полностью разделяю мнение ее авторов и повторяю вместе с ними: «узбекская книга — детище ума, таланта и совместных усилий авторов, издателей, полиграфистов Узбекистана». И от всего сердца говорю:

— Здравствуй, книга о книге!

Матякуб Кошчанов.

ЎТКИР ҚАЛАМ ЭГАЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти «Матбуотимиз фидойилари» китобини босмадан чиқарди. Уч бўлимдан иборат бу тўплам жўшқин ҳаётимиз ойнаси, халқимиз минбари, унинг маслаҳатгўйи ҳисобланган матбуотимизнинг фидокор кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

«Барҳаёт сиймолар» деб номланган бўлимда сиз Туркистонда биринчи эркин, демократик матбуотнинг бешигини тебратган ўтюракли табаррук авлоднинг вакиллари, Туркистон журналистикасининг шаклланишида фаол иштирок этган матбуотимиз фидойилари, бутун онгли ҳаётини, ақл-заковатини матбуот ишига бахшида этган заҳматкаш ва забардаст қалам соҳиблари билан танишамиз. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши йилларида қўлига қалам ва қурол олиб жанг қилган журналистлар, умр бўйи газета, журнал, нашриёт ва босмахоналарда зўр эҳтирос билан самарали меҳнат қилган барҳаёт сиймолар ҳақида билиб оласиз. Уларнинг муборак номлари дилдан ўчмайди, тилдан тушмайди, ҳамкасбларимиз қалбида ҳамиша тирик сиймодек сақланади.

«Ветеранларимиз» бўлимида туғён урган қалб кўрини оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ишига бағишлаган, фикр доираси теран, ўзларининг мақолаларида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати, жасорати ва шижоатини улуғлаган, мароқли ва ёрқин фикрларни кўтариб чиққан, иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, зафар онларини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган фахрий журналистлар билан танишасиз. Улар матбуот, телевидение, радиода жонбозлик ва ташкилотчилик кўрсатиб, фидокорона меҳнат қилган ҳамда жуда кўп шогирдлар тайёрлаб етиштирган фидойи, талантили ва ҳурматли истеъдод эгаларидир.

Ҳаётнинг бошқа ҳамма соҳаларида бўлганидек, матбуот оламида, телевидение, радио ва нашриёт-матбаачилик ишларида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бераётир. «Ҳамкасбларимиз» бўлими замонамизнинг мураккаб ва зиддиятли воқеаларини ипидан игнасигача билиб олишга, уларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга, ҳодиса-воқеаларни чуқур таҳлил қилишга интилаётган кекса журналистларнинг ижодий лабораториясидан фойдаланиб, уни бойитаётган серғайрат, зийрак ва ташаббускор журналистлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тўпламни тузиб, нашрга тайёрлаган «Ўзбекистон матбуоти» ойномасининг бош муҳаррири, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Есенбоев кўп савобли иш қилган.

«Халқ сўзи», 7 декабрь, 1991 йил.

МАТБУОТГА БАХШИДА УМР

Таниқли журналист Зиёд Есенбоевнинг ана шу номли китоби ёшлик ҳаётини, қалб кўрини, бутун умрини матбуотга бахшида этган фидойилар ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб «Дилимга яқин кишилар», «Давр билан ҳамнафас», «Дўстларим, шогирдларим дейдилар», «Самимий қалб сўзлари» деб номланган тўрт қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисмдан ўрин олган «Матбуотимиз дарғаси эди», «Мазмунли қисқа умр», «Саховатли қалб эгаси», «Истеъдодли журналист ва публицист», «Халқчил ва сермахсул ижодкор», «Тугма газетачи», «Журналистикамиз оқсоқоли» сарлавҳали мақолаларда Шароф Рашидов, Ҳожиакбар Ғуломов, Сиддиқ Ражабов, Рихси Соҳибоев, Акмал Пўлат, Холбек Ёдгоров, Вали Галямов каби матбуотимизнинг сўнмас сиймолари, ёрқин юлдузлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Истиқлол ғояларига садоқат, халқимиз маънавий равнақи йўлида астойдил ижод қилиш, баркамол асарлар яратиш ижодкорларимизнинг бугунги кундаги асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. «Буюк истиқлолга эътиқод» деб номланган мақолада шу ҳақда сўз боради.

«Жанг майдонида журналистлар», «Бизлар кўрдик, болаларимиз кўрмасин», «Мардлар жасорати унутилмайди» сарлавҳали мақолаларда жангчи-ҳамкасблар ҳақида ҳикоя қилади.

Мазкур китоб журналистлар, ноширлар, матбаачилар, матбуотимиз тарихи билан қизиқадиған кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

«Матбуотга бахшида умр» китоби Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмага тайёрланиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилган.

*Карим Норматов,
тарих фанлари доктори, профессор.*

НОЁБ ТЎПЛАМ

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланган, матбуотимиз ходимлари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик мақолалар, очерк ва лавҳалар жамланган ажойиб тўпламни чоп этди. Ўзбек миллий матбуотининг, қолаверса, журналистикасининг тарихи ва ривожига оид асарлар камдан-кам яратилаётган бир пайтда халқ минбари, фикри-зикри ва иродасининг ифодачиси, тарихимиз солномачиси ҳисобланган матбуотимиз ҳақидаги, унинг камтарин, жафокаш ижодкорлари, оддий қаламкашлар, ноширлар, матбаачилар, радио ва телевидение, китоб савдоси ходимлари тўғрисидаги ушбу тўпламнинг чиқарилганини табриклаш керак.

Мустақил Ўзбекистонимиз истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил олға қараб бораётганлигини, Президентимизнинг донолик билан олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб тарғиб қилаётган журналистлар ҳақида икки-уч оғиз илиқ ва самимий сўз айтишнинг ўзи диққат-эътиборга моликдир. Бу китоб «Ўзбекистон» нашриёти томонидан 1991 йили чоп этилган «Матбуотимиз фидойилари» тўпламининг давоми бўлиб, унга асосан «Ўзбекистон матбуоти» журнали саҳифаларида босилиб чиққан публицистик мақолалар, очерк ва лавҳалар киритилган. Улар орқали сиз ўзбек журналистикаси ва матбаачилигига асос солган, республикаимиз матбуотининг ривожига, камолот чўққисига кўтарилишига бутун билимини, истеъдодини сафарбар этган, салмоқли ҳисса қўшган барҳаёт сиймолар, забардаст қалам соҳиблари, истеъдод эгалари ҳаёти, ижоди билан танишасиз.

Тўплам матбуотимиз фидойиларидан бири, шу тўпламни тузиб нашрга тайёрлаган атоқли журналист Зиёд Есенбоевнинг сўзбошиси ва «Матбуотимиз дарғаси эди» сарлавҳали публицистик мақоласи билан бошланади. Тоҳир Фидойининг ўзбек матбуоти ривожига тамал тошини қўйган Усмонхон Эшонхўжаев, Қосим Иброҳим ўғли Сорокин ҳақидаги очерклари, «Чўлпоннинг журналистик фаолиятига бир назар» сарлавҳали мақоласи, Башорат Жамилованинг Маннон Рамзий ҳақидаги «Қалами ўтқир мақоланавис» эсдалиги, Тўлқин Эшбекнинг «Усмон Юсупов назари тушган муҳаррир» очерки эътиборни жалб этади.

Китобни рассом Д. Мартинов чиройли безаган, Республика Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Янгийўл китоб фабрикаси уни сифатли қилиб, яхши қоғозда чоп этган.

*Абдуғани Абдуллаев.
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.
(«Ўзбекистон овози»).*

ДАВР СОЛНОМАЧИЛАРИ

Журналистлар ўз даврининг солномачиларидир. Биз мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журнал таҳламларини бир-бир варақларканмиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ана шу солномачилар ҳақида битилган асарларни эса, энг ноёб дурдонага қиёслаш мумкин. Негаки, уларнинг ҳар бир варағида матбуотимиз фидойилари ҳаёти, тақдири ва ижоди мужассам.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилиёқ миллий матбуотимиз равнақига ҳисса қўшган ва ҳисса қўшиб келаётган матбуотимиз дарғалари ҳақида «Матбуотимиз фидойилари» деб номланган тўплам чоп этилган эди. Шундан сўнг, яъни 1993 йилда мазкур китобнинг иккинчи тўплами чоп этилди. Бугун эса «Матбуотимиз фидойилари» деб номланган китобнинг учинчи тўплами ҳам китобхонлар қўлига тегди. Мазкур китобнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, унда асосан сўнгги йилларда республикамизнинг газета-журналларида матбуотимиз жонкуярлари ҳақида ёзилган публицистик мақолалар ўрин олган. Нафақат республика, балки вилоят ва туман газеталарида ишлаётган ҳамкасбларимизнинг машаққатли ижодий йўли ҳам акс этган.

Мазкур тўплам Зиёд Есенбоевнинг саъй-ҳаракати ва муҳаррирлар С. Абдукаримов, Ҳ. Султоновларнинг фидойиликлари билан «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган.

Матбуот ходимлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳаёти ва ижоди ҳақида битилган ушбу китоб қаламкашлар учун ўзига хос ибрат мактаби, маънавий хазина бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

*Мавжуда Тожибой қизи.
«Халқ сўзи», 9 май, 2003 йил.*

МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Муқаддас Ҳадиси шарифда «Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар», деган пурҳикмат сўзлар битилган. Шу маънода яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Матбуотимиз фидойилари» номли китобда юқоридаги гаплар ўз исботини топган десак адашмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ушбу тўплам 1991 ва 1993 йилларда нашр этилган икки тўпламнинг ўзига хос мантиқий давоми бўлиб, унга асосан устоз журналистлар ва бугунги кунда фидокорона меҳнат қилаётган жонкуяр, ўткир қалам соҳиблари ҳамда матбуотимиз заҳматкашлари тўғрисида вақтли нашрлар саҳифаларида чоп этилган мақолалар, очерк ва лавҳалар киритилган.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу тўпламни журналистикамиз дарғаларидан бири Зиёд Есенбоев тузган ва нашрга тайёрлаган.

Китоб Юртбошимизнинг қуйидаги гаплари билан бошланади: «Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгиде элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст — ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар».

Матбуотимизнинг тиниб-тинчимас ижодкорлари ранг-баранг жанрларда баракали ижод қилувчи, фикри теран, публицистик эҳтироси кучли журналистлар, оддий қаламкашлар номини санаб адоғига етиш, улар ҳақида алоҳида асар яратиш анча мураккаб иш. Лекин «Ўзбекистон матбуоти» журнали узоқ йиллар давомида ана шундай машаққатли соҳа кишиларини улуғлаб, уларнинг шодлигу қувончларига, дарду ҳасратларига шерик бўла олган, ўқувчиларни бу оғир касб мушкулотларию сир-асрорларидан хабардор қилиб келаётган нашрлардан бири ҳисобланади. Ушбу тўпламга журналистлар Суръат Абдукаримов ва Ҳамид Султоновлар муҳаррирлик қилганлар.

Бу китоб матбуот ва оммавий ахборот ходимларига бағишланган бўлиб, унда халқнинг фикри-зикри ва иродасининг ифодачиси, тарихимиз солномачиси ҳисобланган матбуотимиз ҳақидаги, унинг камтарин, жафокаш

ижодкорлари, оддий қаламкашлари, ноширлари, матбаачилари, радио ва телевидение, китоб савдоси ходимлари тўғрисида лавҳалар берилган. Тўпламнинг «Ёднома», «Қаламкаш дўстларни эслаб», деб номланган бўлимида матбуотимизнинг табаррук сиймолари номлари қайд этилган хотиралар ўрин олган. Шунингдек, тўпламнинг «Дилномалар» бўлимида бугунги кунда қизгин фаолият кўрсатаётган фахрий қаламкашлар, журналистлар, телерадио ходимлари, ноширлар ва матбаачилар ҳақида гап боради. Китобнинг учинчи бўлимида эса журналистикамиз эмакдошлари — ўқитувчи-мураббийлар, сураткаш мухбирлар, китоб безакчилари ва китоб савдоси ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўйлаймизки, «Матбуотимиз фидойилари» деб номланган ушбу китоб журналистикамиз жамоатчилиги ва матбуотимиз мухлислари томонидан қизгин кутиб олинади.

*Дилором Икромова.
«Тошкент оқшоми», 31 март, 2003 йил.*

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Мен учун 1948 йилдан бери жуда қадрли бўлиб қолган муқаддас даргоҳ — «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси меҳр-мурувват йилида ҳомийлик кўрсатиб, ушбу китобни босмадан чиқариб берди. Ҳаммаларингизга чуқур миннатдорчилик изҳор қилиб, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда янги зафарлар тилайман.

Бу рисоладан жой олган, юбилейим муносабати билан табрикномалар йўллаган ижодкорларга, газета ва журналларда ижодий меҳнат фаолиятимга ва эл-юрт олдидаги камтарона хизматларимга юксак баҳо бериб, мақолалар чиқарган муаллифларга, дастхатлар ёзиб, кўнглимни кўтарган ҳамкасб дўстларимга ва шоғирдларимга, фотомухбирларга раҳматлар айтиб, қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан.

Муаллиф.

МУНДАРИЖА

Катта ҳаёт йўли

Муқаддима.....	3
Армия сафидаги хизматларим.....	7
Огненные дороги войны.....	7
Оилавий ҳаётим.....	17
Ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятим.....	19
Халқаро журналистик жараёндаги иштироким, хорижий мамлакатларга сафарим.....	21

Мактуб ва дастхатлар

Мактублардан намуналар.....	26
Дастхатлардан намуналар.....	33

Юбилей табрикномалари

Табрикномалардан намуналар.....	38
Журналистлар отахони.....	47
Эҳтиром.....	48
Ибратли ҳаёт йўли.....	50
«Ўзбекистон матбуоти» журнали табриги.....	51

Мен ҳақимдаги мақолалардан

Зар қадрини заргар билади.....	54
Яхши устоз номарддан ҳам мард ясайди.....	57
Умрингиз зиёда бўлсин.....	58
Яхшиларнинг яхшиси.....	59
Уруш фахрийси — матбуот фидойиси.....	61
Лаҳза ва муҳр.....	62
Одабийлик дарслари.....	64
Ғайратингизга қўз тегмасин, Зиёда ака!.....	68
Умргузаронлик сирлари.....	69
Қалби пок инсон.....	72
Мен сиздан меҳр топдим.....	76
Юз билан юзлашинг, устоз!.....	77
Эгилганга эгиламан.....	79
Қалбдан қалбга йўл солган инсон.....	81
Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин.....	85
Икки шеър.....	87
Зиёда бобо — ҳикмат китоби.....	89
Зиёда ота.....	90
Правофланговый журналистского цеха.....	91
У доброты — долгий век.....	93
Гвардейская закалка.....	94
Щедрость сердца.....	97
Секреты его молодости.....	99

Матбуотда чиққан мақолаларимдан намуналар

Матбуотимиз даргаси эди.....	102
Буюк истиқлолга муҳаббат.....	112
Юксак саодат.....	118
Ҳаёт ва ижод мактаби.....	122
Журналистлар жанг майдонида.....	128
Мардлар жасорати унутилмайди.....	134
Бунақаси ҳали булмаган!.....	135
Журналистнинг масъулияти ва бурчи.....	137
Мазмунли қисқа умр.....	142
Нуроний оқсоқолимиз.....	146
Саховатли инсон.....	149
Генерал Шералиев.....	153
Катта қалб эгаси.....	158
Бизни «уч оғайни ботирлар», дейишарди.....	161
Умр зарварақлари.....	166
Мехри даре.....	168
Юртимиз эъзозлаган жамоатчи аёл ва севикли шоира.....	170
Матбаачи «олтмишвой»лар.....	172

Китобларимга ёзилган тақризлар

Книга о книге.....	180
Уткир қалам эгалари.....	184
Матбуотга бахшида умр.....	185
Ноеб туплам.....	186
Давр солномачилари.....	187
Матбуотимиз фидойилари.....	188
Сунгги сўз урнида.....	189

Зиёд ЕСЕНБОВ
УМР ДАФТАРИ

*(Матбуотга бахшида этилган ҳаётим
саҳифаларидан лавҳалар)*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2004**

**Муҳаррирлар Қ. Қайумов, Э. Иргашева
Бадий муҳаррир М. Самойлов
Техник муҳаррир Р. Бобохонова
Мусахҳиҳлар: Ю. Бизаатова, Ш. Хуррамова**

**Теришга берилди 12.03.2004. Босишга рухсат этилди 14.05.2004.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 10,1. Нашриёт-ҳисоб табоғи 11,0. Адади 500 нусха.
Буюртма № 246. Баҳоси келишилган нархда.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**